

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Кўлёзма ўрнида

УДК: [330.115.+331]:631(575.1)

ХОЛМЎМИНОВ ШАЙЗОҚ РАҲМАТОВИЧ

Кишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши

ва ривожланишини моделлаштириш

(Самарқанд вилояти мисолида)

08.00.06 - «Эконометрика ва статистика» ихтинослиги

иқтисод фанлари доктори илмий

даражаси даъвогарлигининг

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Тошкент-1998

МУНДАРИЖА

бет

КИРИШ	7
I-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ШАРОИТЛАРИ-	
ДА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ БОЗОРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА	
РИВОЖЛАНИШИНинг НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	20
1.1. Қишлоқ меҳнат бозорининг моҳияти, ижтимоий-иқтисо-	
дий мазмуни ва асосий вазифалари	20
1.2. Қишлоқ меҳнат бозори: шаклланиши ва тартибга	
солишининг асослари	34
1.2.1. Қишлоқ меҳнат бозори шаклланишининг хусусиятлари,	
шарт-шароитлари, тамойиллари, омиллари ва	
чекловчилари	34
1.2.2. Қишлоқ меҳнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий	
муносабатларини тартибга солиш	45
1.3. Қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиши - аҳолининг	
оқилона бандлигини шаклланишида муҳим асос	55
P-БОБ. ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ИШ БИЛАН БАНД-	
ЛИГИ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КОМ-	
ПЛЕКС ТАҲЛИЛИ ВА ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ-	
НИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	69
2.1. Тармоқлараро баланс - қишлоқ меҳнат ресурсларининг	
иш билан бандлик ҳолатини таҳлил этувчи муҳим	
услуб	69
2.2. Қишлоқ ишчи кучига талаби ва таклифни	
истиқболлаштиришнинг асослари	82
2.3. Қишлоқ меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли комп-	

лекс дастури	94
2.4. Меҳнат бозорини моделлаштиришдаги хорижий ёндошишларнинг таҳлили	105
III-БОБ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИ КОМПЛЕКС ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ	112
3.1. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини эконометрик моделлари комплексини ишлаб чиқиши асослари	112
3.2. Қишлоқ меҳнат бозори шаклланишининг эконометрик моделлари комплекси	123
3.2.1. Ишчи кучи таклифини шакллантирувчи демосоциал манбаларнинг моделлари	128
3.2.2. Ишчи кучи таклифининг моделлари	134
3.2.3. Ишчи кучига талабни вужудга келтирувчи макроиктисодий кўрсаткичларнинг моделлари	138
3.2.4. Ишчи кучига талабнинг моделлари	150
3.2.5. Ишчи кучига талаб ва таклифни ижтимоий-иктисодий тартибга солишнинг моделлари	153
3.2.6. Аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш модели..	163
3.2.7. Ишсизлик ҳолатининг таҳлили ва истиқболини белгилаш моделлари	167
3.3. Қишлоқ меҳнат бозори ривожланишини комплекс имитацион моделлаштириш	172
IV-БОБ. ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ БОЗОРИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРИ КОМПЛЕКСИНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ	181
4.1. Статистик ҳисоботнинг янги формалари - қишлоқ меҳ-	

нат бозорининг шаклланишини эконометрик моделлар комплекси ахборот таъминотини яхшилашнинг асосий манбаи	181
4.2. Ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилишнинг кадрлар маркетинги услуби: уни ишчи кучига талаб ва таклиф ҳамда уларни тартибга солиш моделларини татбиқ этишда қўллаш	187
4.3. Социологик ахборотларни қишлоқ меҳнат бозори эконометрик моделлари комплексининг ишончмилигини оширишдаги ўрни	194
V-БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ БОЗОРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИННИГ ҲОЗИРГИ ВА КЕЛАЖАКДАГИ ҲОЛАТЛАРИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ	205
5.1. Қишлоқ ҳудудий халқ хўжалигининг асосий секторларида (тармоқларида) аҳолини иш билан бандлиги ҳолатининг иқтисодий-математик таҳлили	205
5.2. Қишлоқдаги ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни ва ишсизлик ҳолатларини социологик баҳолаш	216
5.3. Яқин келажакда қишлоқ меҳнат бозори шаклланишининг рационал параметрлари (ўлчовлари)	240
5.4. Ўтиш даври иқтисодиёти шароитларида қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиш концепцияси	255
ХУЛОСАЛАР ВА ТАКЛИФЛАР	266
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	272
ИЛОВАЛАР	285
- 1-ИЛОВА. Самарқанд вилоятида меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисини иш билан бандлиги секторларидаги меҳнат	

сарфларининг 1991 йил учун тармоқлараро ҳисобот ба- ланси тузилиши	286
2-ИЛОВА. Самарқанд вилоятида меҳнатта лаёқатли қишлоқ аҳолисини иш билан бандлиги секторларидағи меҳнат сарфларининг 1996 йил учун тармоқлараро ҳисобот ба- ланси тузилиши.	287
3-ИЛОВА. Самарқанд вилоятида меҳнатта лаёқатли қишлоқ аҳолисини иш билан бандлиги секторларидағи меҳнат сарфларининг 2000-йил учун тармоқлараро истиқбол ба- лансининг тузилиши	288
4-ИЛОВА. Қишлоқ ҳудудларида меҳнат бозори, аҳоли банд- лиги ва ишсизлик ҳолатлари бўйича статистик ҳисо- ботнинг янги формалари	289
5-ИЛОВА. Қишлоқдаги ёлланган ходимлар ва иш берувчи- лар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўр- ганивчи сўровнома (анкета №01)	309
6-ИЛОВА. Анкета по изучению социально-экономических взаимоотношений между занятymi работниками и рабо- тодателями на селе (анкета №1).	321
7-ИЛОВА. №01 анкеталарнинг дастлабки маълумотларини компьютерда қайта ишлаш дастури (BOZOR-M1).	335
8-ИЛОВА. Самарқанд вилоятида №01 анкеталарнинг меҳнатта лаёқатли қишлоқ аҳолисини иш билан бандлиги секторлари бўйича аниқ социологик тадқиқотлари нати- жалари	337
9-ИЛОВА. Самарқанд вилоятида №01 анкеталарнинг барча танланган қишлоқ жойлари бўйича аниқ социологик тадқиқотлари натижалари	381

10-ИЛОВА. Қишлоқ жойларида ишсизлик ҳолатларини ўрганувчи сўровнома (анкета №02)	391
11-ИЛОВА. Анкета по изучению состояния безработицы в сельских местностях (анкета №02)	401
12-ИЛОВА. №02 анкеталарнинг дастлабки маълумотларини ахборотларини компьютерда қайта ишлаш дастури (BOZOR-M2)	415
13-ИЛОВА. Самарқанд вилоятида №02 анкеталарнинг танланган қишлоқ туманлари бўйича аниқ социологик тадқиқотлари натижалари	417
14-ИЛОВА. Самарқанд вилоятида №02 анкеталарнинг барча танланган қишлоқ туманлари бўйича аниқ социологик тадқиқотлари натижалари	465
15-ИЛОВА. Диссертациянинг асосий натижаларини амалиётда қўлланилиши ҳақидаги актлар ва маълумотномалар.	481

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «. . . ҳал қилинаётган энг долзарб муаммолардан бири ишлашни ҳоҳловчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаш ҳисобланмайди. Балки энг мақбул, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтиришдан иборатdir» [12, 254-255 б.].

Бу эса «меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш»ни [13, 231 б.], ишсизликни камайтиришни тақозо этади. Уларни ижобий ҳал қилиш ахоли турмуш даражасини оширишга олиб келади.

Ҳозир мамлакатда иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли ахолининг олтмиш фоиздан ортиғи қишлоқ жойларида яшайди ва бу кўрсаткич муттасил ўсиб бориш анъанасига - тенденциясига эга. Бундай ҳолат қишлоқдаги саноат меҳнатининг тор доирада қўлланилиши, янги иш жойларини яратишга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг етарли эмаслиги, меҳнат ресурслари сонининг иш жойлари миқдорига нисбатан тезроқ ўсиши, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида мутаносибликнинг мавжуд эмаслиги, маҳаллий кадрлар, малакаси ва рақобат қобилиятининг пастлиги ва уларни иш ахтариш ҳаракатларининг сустлиги билан асосланади. Бундан ташқари, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга янги ерлар ўзлаштирилишининг камайиши, интенсив технология ва кам меҳнат талаб қиласидан техниканинг юқори унумсиз қўлланилиши, хўжалик юритиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг янги бозор усувларидан самарасиз фойдаланилиши, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожланишининг паст дара-

жаси, қишлоқ хўжалиги ходимлари моддий манфаатдорлигининг пасайиши ва инфляция жараёнлари каби омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки, санаб ўтилган омиллар - бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг муқаррар белгилариdir.

Аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтиришнинг самарали механизмларидан бири - меҳнат бозорини мақсадга мувофиқ шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда уни тартибга солиш ҳисобланади. Бу - ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги узвий алоқалар ва зиддиятларни ҳамда улар ҳамкорлигининг самарадорлик мезонларини аниқлашга, қишлоқ меҳнаткашлари касб малакасини оширишининг асосий йўналишларини белгилашга ҳамда жонли меҳнат ресурсларини «ортиқча» ва иш жойлари «тақчил» шароитларида ишчи кучига талаб ва таклифни макроиктисодий тартибга солишга пировардида, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий тадбирларни мақсадга мувофиқ равищда ишлаб чиқишига самарали имкон беради.

Бундай тадбирларни ишлаб чиқиши - содир бўлаётган жараёнларни чуқур илмий тадқиқ этилишини, қишлоқ меҳнат бозори (КМБ)ни шакллантирилиши ва ривожлантирилишининг энг муҳим муаммоларини ва уларни ижобий ечиш йўлларини аниқлашни талаб қиласди. Бу йўлларни тўғри топишда эса бугунги кунда замонавий эконометрик моделлар ва компьютер техникасидан самарали фойдаланиш негизида комплекс таҳлил қилишга ва истиқболни белгилашга асосланилади.

Булар мазкур муаммоларни илмий тадқиқ қилишининг ўта муҳимлигидан дарак беради, зеро, уларни ҳал этиш бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ иқтисодиёти ва меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашда ижобий натижаларга эришишга кўмаклашади.

Муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси. Бандлик, ишсиз-

лик, инфляция, меҳнат бозори муаммолари ва уларни ривожланган бозор иқтисодиёти шароитларида эконометрик моделлаштириши фундаментал тадқиқ этишга: Ж.М. Кейнс [48], Р.Е. Лукас [138], А. Освальд [148], Х. Розан [154], Ж. Рудебиш [155], Ф. Хайек [109], С. Холл [132], К. Янош [125] каби хорижий етакчи иқтисодчи олимларнинг қатор илмий ишлари бағишиланган. Бу тадқиқотлар бозор иқтисодиётига ўтиш даври босқичида турган мамлакатларда меҳнат бозори умумий муаммолари ва уларни моделлаштириши ўрганиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, иқтисодиёт фанининг бу соҳасидаги ривожига МДҲ мамлакатларидан: Б.Д.Бреев [27], Т.И.Заславская [42], В.Г.Костиков [55], З.А.Қотляр [56], И.С.Маслова [65], А.А.Никифорова [76], Г.С.Струмилин [103] каби таниқли олимлари ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар. Бу муаммолар тадқиқотига Ўзбекистонлик Қ.Х.Абдураҳмонов [16], Н.С.Алиқориев [18], С.С.Фуломов [36], Л.П.Максакова [63], А.Маматказин [64], Р.А.Убайдуллаева [107], Қ.Х.Хатамов [110], Н.Хўжаев [113], Р.Х.Шодиев [117], Т.Ш.Шодиев [115] ва бошқа олимларнинг ҳам қатор илмий ишлари бағишиланган. Аммо бу ишларда аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни моделлаштириш жараёнидаги айrim томонлари тадқиқ қилинган, холос. Уларда меҳнат бозори фаолият кўрсатадиган шароитда ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф шаклланишининг демографик, ижтимоий, иқтисодий жиҳатлари ва хусусиятлари тўла ёритилмаган. Иқтисодий-математик тадқиқотлар учун янги объект бўлган қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини комплекс эконометрик моделлаштириш муаммолари нисбатан кам ўрганилган. Қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг назарий асосларини ва уларни комплекс эконометрик моделлаштириш, таҳлил қилиш ҳамда истиқболни белгилаш методологияларини ишлаб

чиқишига шу боисдан ҳам жиддий зарурият туғилди.

Ушбу муаммонинг ҳозирги пайтдаги юксак ижтимоий-иктиносидий аҳамияти ва ҳали етарли даражада ўрганилмаганлиги - тадқиқот мавзусининг долзарбилигини билдирибгина қолмай, унинг мақсади ва вазифаларини тўғри аниқлашга ҳам имкон берди.

Тадқиқот мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетига ЎзР ДФТҚ томонидан берилган (01. 95. 0003792-сонли) «Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-техник топшириқни бажариш ва «Ўзбекистонда меҳнат бозори фаолиятини ва кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш» ТАСИС лойиҳасини тузиш бўйича белгиланган ишлар дастурларига мувофиқ танлаган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Диссертацион тадқиқотнинг мақсади - Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ислоҳ қилиш шароитларида қишлоқ меҳнат бозорини шаклланиши ва ривожланишининг назарий асосларини ва бу жараёнларни эконометрик мөдделлаштириш, комплекс таҳлил ва истиқболини белгилаш методологияларини ишлаб чиқишидан иборат.

Бу жараёнда мақсадга мувофиқ тарзда қўйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилган:

- қишлоқ меҳнат бозорининг моҳияти, ижтимоий-иктиносидий мазмуни, таркиби ва хусусиятларини аниқлаш;
- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва уни тартибга солишни назарий асослаш;
- қишлоқ меҳнат бозори ривожланишининг аҳолини оқилона бандлигини шакллантиришга таъсирини тадқиқ қилиш;
- миллий ҳисоблар тизимини халқаро стандартга ўтказиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги секторларида меҳнат сарфларининг тармоқлараро балансларини (ТАБ) тузиш, қишлоқ

мехнат бозори фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва турли тармоқларда ҳамда мулкчилик шаклларида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг истиқболлаштириш методологияларини яратиш;

- меҳнат бозорини моделлаштиришнинг хорижий ёндошишларини танқидий ўрганиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини излаб топиш;
- қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини комплекс эконометрик моделлаштириш методологиясини яратиш ва шу асосда моделлар ишлаб чиқиш ҳамда бу моделларнинг ахборотлар билан таъминланишини яхшилаш манбаларини аниқлаш;
- меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик бўйича статистик ҳисботнинг янги формаларини ишлаб чиқиш;
- ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун кадрлар маркетинги ва ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни, турли шаклларда ишсизликнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш учун аниқ социологик тадқиқотлар ўтказиш бўйича методик тавсияномалар яратиш;
- кўриб чиқилаётган худудда (меҳнат сарфларининг ТАБ асосида) меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик ҳолатини иктисодий-математик жиҳатдан комплекс таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш;
- Самарқанд вилоятида қишлоқ меҳнат бозорини шаклланишининг яқин келажакдаги рационал параметрлари (кўламларини) аниқлаш;
- бозор иктисодиётига ўтиш даврида қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиш концепциясини яратиш;

- қишлоқда аҳолининг иш билан бандлик дарражасини ошириш ва ишсизликни камайтириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг объекти - Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида шаклланаётган меҳнат бозори.

Тадқиқотнинг предмети - бозор муносабатларига ўтиш шароитларида ҚМБининг шаклланиши ва ривожланиши туфайли вужудга келган ижтимоий-иктисодий муносабатлар мажмуаси.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси бўлиб, мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли (стратегияси) ва бозор иқтисодиёти, аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнат бозори, эконо-метрик моделлаштириш, тармоқлараро баланс, истиқболни белгилаш, мақсадли комплекс дастурлар, маркетинг ва социологик тадқиқотлар юзасидан хорижий ҳамда ватанимиз олимларининг олиб борган илмий ишлари хизмат қилди. Диссертацияни тайёрлашда аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат ҳақидаги юридик хужжатлардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш ҳамда кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш ҳақидаги фармонлари ва қарорларидан фойдаланилди.

Диссертацияни ёзишда Макроиктисодиёт ва статистика, Меҳнат, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ва уларнинг Самарқанд вилоятидаги ташкилотларининг ахборотлари манбаа хизматини ўтади.

Диссертациянинг илмий янгиликлари қўйидагилардан иборат:

- диссертант «қишлоқ меҳнат бозори» тушунчасининг янгича талқинини изоҳлаган. У қишлоқда ишчи кучига бўлган талаб ва

таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбати шакллантиришини ифодалайди;

- муаллиф қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини назарий асосларини ишлаб чиққан. Улар мазкур бозорнинг моҳияти, ижтимоий-иктисодий мазмунни ва таркибини, унинг шаклланиш қонуниятлари, анъаналари, шарт-шароитлари, тамойиллари, омиллари, чекловчилари, хусусиятлари ва бошқа таркибий қисмлари ҳамда ишчи кучига бўлган талаб ва таклифи тартибга солишининг усулларини янада чуқурроқ тадқиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиши ва аҳолининг оқилона бандлигини шаклланиши ўртасидаги ўзаро алоқалар асосланган;
- миллий ҳисоблар тизимини ҳалқаро стандартга ўтказиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда меҳнат сарфларининг тармоқлараро балансларини тузиш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклифлар истиқболини белгилаш ва қишлоқ меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли комплекс дастурларини ишлаб чиқиши юзасидан таклиф этилган методологиялар аҳолининг иш билан бандлиги ва мазкур бозорнинг шаклланиши ҳамда ривожланишининг комплекс таҳлил қилиш ва истиқболлаштиришда қўлланилган;
- тадқиқодчи таклиф этган методология асосида ишлаб чиқилган эконометрик моделлар комплекси ёрдамида ишчи кучига талаб ва таклифни вуджудга келтирувчи макроиктисодий ва демосоциал қўрсаткичлар, ишчи кучига талаб ва таклиф ҳамда уларни ижтимоий-иктисодий тартибга солиш ва аҳолини иш билан оқилона бандлигини шакллантиришнинг энг мақбул вариантлари ва ишсизликни камайтириш ҳамда мазкур бозорни ривожлантиришнинг рационал параметрлари аниқланган;
- меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик

- ҳолатларининг статистик, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилишнинг кадрлар маркетинги ва ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни ва турли шаклдаги ишсизликнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш юзасидан аниқ социологик тадқиқотлар ўтказиш бўйича диссертант яратилган методик тавсияномаларни амалиётда кўллаш - меҳнат бозорининг таҳлили ва истиқболини белгилашга имкон берди, у ишлаб чиқсан эконометрик моделлар комплекси ахборот таъминотини эса сезиларли даражада яхшилади;
- муаллиф тузган Самарқанд вилоятининг 1991, 1996 ва 2000 йиллардаги меҳнат сарфларининг ТАБ асосида меҳнатта лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги ҳолатлари комплекс иктиносидий-математик таҳлил қилинган. Бу эса ишчи кучига талабни вужудга келтирувчи макроиктисодий кўрсаткичларни, иш жойларини меҳнат ресурсларига мослих нисбатларини, ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги мутаносибликларни ва иктиносидаги таркибий ўзгаришларни чуқур асослаш ҳамда уларнинг аҳолини иш билан бандлигига, жонли ва буюмлашган меҳнат сарфларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашга таъсирини тўғри баҳолаш имконини берди;
 - яқин келажакда ишчи кучига нисбатан вужудга келиши кутилаётган талаб ва таклиф миқдори ва таркибининг макроиктисодий ва демосоциал кўрсаткичларини, ишчи кучига талаб ва таклифни ҳамда улар ўртасидаги нисбатларни, аҳолининг оқилона бандлиги шакллантиришини ва ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган даражагача камайтирилишини ифодаловчи, тадқиқ қилинаётган вилоят қишлоқ меҳнат бозори шаклланишининг рационал параметрлари ҳисобланган;
 - диссертант бозор иктиносидиётига ўтиш даврида ишчи кучига та-

лабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш бўйича иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий жиҳатдан самарали чоратадбирлар мажмуаси сифатида қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиш концепциясини ишлаб чиққан.

Ҳимояга олиб чиқилади:

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида республикамиз қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг назарий асослари;
- миллий ҳисоблар тизимини халқаро стандартга ўтказиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда меҳнат сарфларининг тармоқлараро балансларини тузиш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф истиқболларини белгилаш ва қишлоқ меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли комплекс дастурларини ишлаб чиқиши методологиялари;
- қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг эконометрик моделлари комплекси;
- меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик ҳолатларининг статистик, ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг маркетинги ва ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги муносабатларининг ва турли шаклдаги ишсизлик пайдо бўлишига таъсир этувчи сабабларнинг аниқ социологик тадқиқотлари юзасидан методик тавсияномалар;
- Самарқанд вилояти қишлоқ меҳнат бозори шаклланишининг яқин келажакдаги рационал параметрлари;
- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиш концепцияси;
- Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида аҳолининг иш билан оқилона бандлигини шакллантириш ва ишсизликни камайтириш бўйича амалий тавсиялар.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг асосий қоидаларидан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар давлат идоралари қишлоқ меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантиришда, бу жраёнларни таҳлил этишда ва истиқбол кўрсаткичларини аниқлашда, бандлик ва ишсизлик ҳолатини ўрганишда фойдаланиши мумкин. Таклиф этилган статистик ҳисботнинг янги формалари, ишлаб чиқилган методик тавсиялар ва эконометрик моделлар комплекси қишлоқ меҳнат бозорини шаклланиш ва ривожланиш ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш ва истиқболини белгилашга имкон беради, шу билан бирга меҳнат ресурслари ортиқча бўлган қишлоқ худудларини ривожлантиришнинг демографик, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлари ва дастурлари асосланишини ҳамда бу жараёнлар кучайтирилишини таъминлайди.

Асосий натижаларни синовдан ўтказиш ва тадбиқ этиши.

Ушбу диссертацион тадқиқот мазмуни қўйидаги мавзулар бўйича ўн саккизта халқаро ва республика илмий конференцияларида: «Инсон ресурсларини бошқариш: стратегия ва амалиёт» (Алма-Аты, 1996й.); «Ходимларни ривожлантириш стратегияси» (Нижний Новгород, 1996-1997й.); «Ходимларнинг ва аҳолининг иш билан бандлигини бошқариш» (Москва, 1995й., Санкт-Петербург 1996й.); «Бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнат ва аҳолининг иш билан бандлиги муаммолари» (Алма-Аты, 1993й.); «Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётининг шаклланиши муаммолари» (Тошкент, 1993й.) ва 1997-1998 йилларда ўтказилган меҳнат, бандлик ва бозор иқтисодиётининг ижтимоий-иктисодий муаммоларига багишлиланган симпозиум ва семинарларда муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари Тошкент давлат иқтисодиёт универсиети, Тошкент давлат аграр университети, Кибернетика

институти, Республика меҳнат, бандлик ва ижтимоий ҳимоя муаммоларини ўрганиш илмий маркази ва Макроиктисодиёт ва ижтимоий муаммолар илмий-тадқиқоти институти томонидан ўтказилган илмий семинарларда мухокама этилган. Ушбу тадқиқотнинг методик тавсиялари ва амалий натижалари Меҳнат, Макроиктисодиёт ва статистика вазирликлари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Россия иқтисодиёт академияси, Самарқанд вилояти ҳокимиятининг Меҳнат, бандлик ва ижтимоий ҳимоя бошқармаси ва Макроиктисодиёт ва статистика Бош бошқармаси томонидан тадбиқ этиш учун қабул қилинган. Бу ҳақда тегишли хужжатлар (актлар ва маълумотномалар) мавжуд.

Нашр қилиниши. Диссертациянинг асосий мазмуни умумий ҳажми 64,8 б. т. бўлган учта монография, битта ўқув қўлланмаси, тўртта рисола, ўттиз саккизта илмий мақола ва ўн саккизта маърузалар матнларида баён этилган.

Ишнинг тузилиши. Диссертация: кириш, бешта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат.

Кириш қисмида тадқиқ қилинаётган муаммонинг долзарблиги асосланган ва унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти аниқланган.

«Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг назарий асослари» номли биринчи бобда қишлоқ меҳнат бозорининг моҳияти, тушунчаси, ижтимоий-иктисодий мазмуни ва хусусиятлари ҳамда унинг шаклланиш қонуниятлари, тенденциялари, шарт-шароитлари, тамойиллари, омиллари, чекловчилари ва бошқа таркибий қисмлари ҳамда тартибга солиш усуллари тадқиқ қилинган. Унда қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиши ва аҳолининг оқилона бандлигини шаклланиши ўртасидаги ўзаро алоқалар асосланган.

“Қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори фаолиятининг комплекс таҳлили ва истиқболини белгилашнинг методологик асослари” номли **иккинчи бобда** меҳнат сарфларининг ТАБ ишлаб чиқиши, ишчи кучи талаб ва таклифи истиқболини белгилаш ва ушбу турдаги бозор фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини тузиш назарий асосланган. Меҳнат бозорини моделлаштиришга хорижий ёндошишларнинг танқидий таҳлили келтирилган ва улардан фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

«Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини комплекс эконометрик моделлаштириш» номли **учинчи бобда** комплекс эконометрик моделлаштиришнинг методологияси яратилиб, ишчи кучи таклифини шакллантиришнинг демосоциал манбалари, ишчи кучига талабнинг вужудга келишидаги макроиктисодий кўрсаткичлар, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ҳамда уларни ижтимоий-иктисодий тартибга солиш, аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш, ишсизлик ва қишлоқ меҳнат бозорини ривожлантириш бўйича моделлар ишлаб чиқилган.

«Қишлоқ меҳнат бозори эконометрик моделлари комплексининг ахборот таъминоти» номли **тўртинчи бобда** меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизликнинг ҳолатлари бўйича статистик ҳисботнинг янги формалари яратилган ва ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг кадрлар маркетинги ва ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар ҳамда ишсизликни вужудга келиш сабабларини аниқ социологик тадқиқотларини ўтказиш бўйича методик тавсиялар берилган. Ишлаб чиқилган эконометрик моделлар комплексининг таклиф этилган усуллар ёрдамида ахборотлар билан таъминланиш яхшилаш тадқиқ қилинган.

«Самарқанд вилояти қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг ҳозирги ва келажакдаги ҳолатларини комплекс

баҳолаш» номли бешинчи бобда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган 1991, 1996 ва 2000-йиллардаги меҳнат сарфларининг ТАБ асосида меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлигининг иқтисодий-математик таҳлили келтирилган ва ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳамда ишсизлик сабабларининг социологик баҳоси берилган, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ва аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш, ҳамда ишсизликни камайтиришнинг яқин келажакдаги рационал параметрлари аниқланган. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ меҳнат бозори ривожланишининг концепцияси ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг якуний қисмида хуросалар ва таклифлар баён этилган.

**I БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ШАРОИТЛАРИДА
ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ БОЗОРИ ШАКЛЛАНИШИ
ВА РИВОЖЛАНИШИНинг НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**1. 1. Қишлоқ меҳнат бозорининг моҳияти, ижтимоий-
иқтисодий мазмуни ва асосий вазифалари**

Ҳозирги вақтда ўтиш даври иқтисодиётининг олдида турган долзарб муаммолардан бири меҳнат бозорини шакллантириш ва самарали ривожлантиришdir. Бунинг учун, ҳаммадан аввал ижтимоий ва иқтисодий тизимлар ривожланишининг объектив қонуларидан саводли фойдаланиш зарур.

Маълумки, тараққиёт соҳиби бўлиб хизмат қилган инсон - жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи ҳамдир. У бир вақтнинг ўзида моддий бойликлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчиси ва истеъмол қилувчиси бўлганлиги сабабли, айнан унинг туфайлигина «ишлаб чиқариш-истеъмол» тизимида мувозанатга эришилади. Фақат киши эҳтиёжини жуда муҳим деб билган ва уни самарали такрор ишлаб чиқарилишини таъминлашган жамиятгина энг юқори тараққиётга эришади. Жамиятнинг бошқа барча воситалари: мулкчилик шакллари, ишлаб чиқариш ва илмий салоҳият, молия, нархлар ва ҳ. к. ушбу асосий мақсадга бўйсуниши керак. Бу дегани, бугунги бозорга қараб иқтисодий тизим ҳаракатини тўғри мўлжалга олмоқ, ўтиш даврини тезлатмоқ ёҳуд секинлаштирумоядир.

Меҳнат бозори бозорнинг бошқа барча тизимчалари билан узвий боғланган. Ҳақиқатдан ҳам, талабга эга бўлиш учун ишчи кучи жисмоний, ақлий ва касбий қобилияtlарнинг белгиланган мажмуасига эга бўлиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнига бу қобилияtlарни тадбиқ эта туриб, у ўз истеъмол сифатларини йўқотмаслиги учун доимо қайта ишлаб чиқарилиши лозим. На-фақат ўзини қайта ишлаб чиқариш, балки меҳнат ресурслари ва бутун аҳолининг сифат кўрсаткичларини ҳам яхшиланишини рағ-

батлантириб бориб, келажакда қайта ишлаб чиқаришга асос солиши керак. Бундан келиб чиқадики, меҳнат бозорида рақобат ходимни меҳнат қобилиятини такомиллаштирувчи асосий куч сифатида мавжуд бўлиши лозим.

Бошқа томондан, «меҳнатга қобилиятлар» эгаси доимий қайта ишлаб чиқаришга эҳтиёжларни бошидан кечира туриб, бунинг устига ҳар доим янги, энг юқори сифат даражасида, шундай иш берувчини қидирадики, у бу қобилиятлардан энг фойдали шароитларда фойдалана олсин.

Шу муносабат билан ишчи кучига талабни шакллантирувчи тизимчада худди шундай ўзгаришлар содир бўлиши, яъни харидорлар-мулкдорлар ўртасида рақобат пайдо бўлиши керак. Фақат шундай шароитларда бир томондан ходимнинг иқтисодий фаоллигига ва бошқа томондан ишлаб чиқариш воситалари эгасининг бозордаги иқтисодий фаоллигига асосланган ижтимоий-иктисодий ривожланишга умид боғлаш мумкин. ✓

Меҳнат бозорининг бошқа муҳим назарий қоидаси - уни ўз-ўзини ҳудудий ифодалаш ҳақидаги тассавури. Ходим ҳатто ёллангандаям, ўзини «меҳнатга қобилиятлари»ини қайта ишлаб чиқаришга эҳтиёжини бошидан доимий кечира бориб, бозор билан алоқасини узмайди.

Бундан ташқари, ходим энг яхши шароитларни қидира бориб, бир ёлловчидан бошқасига ўтишга табиий интилиши ҳам мавжуддир. Амалиётнинг кўрсатишича, ишлаб чиқариш кучларининг даражаси қанчалик юқори бўлса, миграцион фаоллик ҳам шунчалик жадалдир. Бунда ходимларнинг бир қисми меҳнат бозорида вақти-вақти билан пайдо бўлиб, вақтинча ишлаб чиқаришда иштироқ этмайди. Проф. В. Кулаковнинг ҳисоб-китобларига қўра, иш билан банд бўлганларнинг катта қисми шундай харакатда бўлади: ҳар йили саноатда - 35% гача, қурилишда - 40%, темир йўл транс-

портларида -37% иштироқ этади [58, 50 б.].

Шунинг учун меҳнат бозори ижтимоий бозор иқтисодиёти ва ижтимоий-меҳнат соҳасининг таркибий қисмидир. Илмий ва ўқув адабиётларида меҳнат бозорининг ўнлаб таърифлари келтирилади. Масалан, янги синфий мактабни яратувчилар Д. Гилдер, А. Лаффер, М. Феддстайн, Р. Холлар меҳнат бозорини ички бир хил бўлмаган ва фоят ўсувчи ҳамда бозор қонунларига бўйсунувчи тизим сифатида қарайдилар [57]. Нарх-наво механизми унинг асосий регулятори бўлиб хизмат қиласди. Меҳнат нархи ва иш ҳақи даражаси ишчи кучига талаб ва таклифга таъсир қиласди, улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, улар ўртасида керакли мутаносиблик ва мувозанатни сақлайди. Табиий бозор механизmlарига кўра ишчи кучи нарх наво, бозор конъюктурасига тез ва эпчиллик билан жавоб беради, унинг ҳақиқий эҳтиёжига мувофиқ кўпаяди ёки камаяди. Жадал меҳнат бозори шароитларида ишсизлик - меҳнатга лаёқатли аҳолининг банд бўлмаган қисми давра айланиши вазифасини бажарувчи табиий ҳодиса.

Кейнсман мактабининг асосчиси Ж. Кейнс ўз концепциясини «Бандлик, фоиз ва пулларнинг умумий назарияси» [48] номли китобида баён қилган. У меҳнат бозорини сусткаш, статистик тизим сифатида кўриб чиқади, ишчи кучи нархи (иш ҳақи)ни етарли даражада қаътий, деб қайд этилади. Мажбурий ишсизликнинг мавжудлиги мажмуай самарали талабни етишмаслиги билан асосланган, уни бюджет ва кредит-пул тартибига солишининг самарали (экспансиянистик) чоралари йўқ қилиши мумкин. Талабнинг етишмаслиги меҳнатта пул тўлашнинг уни пасайиши томонига эгилувчан эмаслиги оқибатида вужудга келади, бунинг натижасида талаб пасайганда ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик қисқаради, иш ҳақининг номинал ставкалари ўзгаришсиз қолади. Давлат бозорни тартибга солиб борувчи вазифасини ўтайди, у мажмуавий талабни

ошириб ёки пасайтириб, ушбу тенгсизликни йўқ қилиши мумкин. Ишчи кучига жаъми талаб - инвестиция ва ишлаб чиқариш ҳажмлари билан тартибга солинади.

Проф. В.А. Павленков таъкидлайдики, бозор иқтисодиётида меҳнат бозори ёлланиб ишлашга қодир кишиларнинг барчасини: ҳам ёлланма меҳнат билан банд бўлганлар ва ҳам банд бўлмаганларни қамраб олади [85, 9 б.]. А.А. Никифорова эса бошқа умумий таърифни таклиф этади: «Меҳнат бозори ривожланишинг даражаси ва бозорда иштироқ этувчи кучлар: тадбиркорлар, меҳнаткашлар ва давлат ўртасида маълум даврда эришилган манфаатлар балансини акс эттирувчи ижтимоий муносабатлар тизими сифатида вужудга келган» [76, 10 б.]. Кейинги йилларда меҳнат бозори ҳақида аниқроқ тушунчалар пайдо бўлди. Баъзи бир тадқиқотчилар [30, 40, 62] меҳнат бозорини иш хақи ва даромадларнинг эркин ҳарақати орқали меҳнатга талабни ва ишчи кучи таклифини ўзини ўзи тартибга солувчи механизм сифатида талқин қиласидилар. Бошқалар [64, 70, 71, 79, 99] тушунтирадиларки, меҳнат бозори иш берувчилар ва ёлланиб ишлашни ҳоҳловчиларни бевосита келишуви орқали талаб ва таклифни қаноатлантириш учун шароитлар яратади ва ишчи кучини харид қилиш-сотиш жараёнларини бевосита тартибга солмайди. И.С.Маслованинг таърифи бўйича - «меҳнат бозори - бу ўсувчи тизим, унда мулкчилик субъектлари ишчи жойлари ва ишчи кучи таклифлари, ходимга ва «ёлланма» ишга талаб ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириб, ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат воситалари ва ишчи кучи)га ўзаро таъсир этади» [65, 9-10 б.]. Меҳнат бозори мавжуд, аммо «кесик, шакли ўзгартирилган кўринишида, бунинг устига ҳар нарсани ўз ичига оладиган характерга эга бўлмай, балки меҳнат муносабатларининг фақат бир қисмини қамраб олади» [41, 8 б.].

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозори - бу меҳнатга қоби-

лиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга оловчи контрактлар (мехнат келишувлари) асосида «мехнатта қобилияtlарини» харид қилиш - сотишни амалга оширувчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспектли, ўсуvчи ва очиқ ижтимоий-иктисодий тизимчасидир.

Республикамиз учун меҳнатта қобилияtlли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш бўйича муаммони ҳал қилишнинг энг самарали қуролларидан бири бўлган қишлоқ меҳнат бозори тушунчаси, таркиби, хусусиятлари ва вазифаларини тадқиқот қилиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга. Уларни ўрганиш қуидаги демографик ва ижтимоий-иктисодий вазиятларининг инобатга олинишини тақазо этади:


- республикада меҳнатта қобилияtlли аҳолининг 60% дан ортиги қишлоқ жойларда яшайди ва ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 40% дан кўпроғини ишлаб чиқаради;
- ноқишлоқ хўжалиги ишчи жойларини етишмаслиги сабабли иш билан банд бўлмаган қишлоқ меҳнат ресурсларининг улуши республиканинг иш билан банд бўлмаган бутун аҳолисининг 60% дан ортигини ташкил қиласди ва уларнинг сони ўсмоқда;
- меҳнатта қобилияtlли иш билан банд бўлмаган қишлоқ меҳнаткашларининг малакаси ва сафарбарлигини пастлиги уларнинг яшаш жойларидан шаҳарга ва мамлакатнинг кам меҳнат билан таъминланган худудларига ҳамда хорижий давлатлар обьектларига қараб харакат қилишларига асосий тўсик бўлмоқда;
- қишлоқ меҳнат ресурсларининг сонини меҳнатни тадбиқ этиш минтақаларга нисбатан тезроқ ўсиши яширин ишсизликни, айниқса

қишлоқ хўжалигига ишчи кучини таклиф этиш унга талабдан ошиб кетадиган даражада қўпайишига бевосита ёрдам беради;

- қишлоқ жойларида қайта ишлаш саноати, қурилиш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда хусусий хўжаликларда янги ишчи жойларини яратиш йўли билан ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги рационал нисбатни таъминлаш учун ҳақиқий имкониятлар мавжуд.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври шароитларида қишлоқ меҳнат бозорини «меҳнатга қобилиятли» ишчи кучини харид қилиш-сотишни амалга оширувчи тизим сифатида кўриб чиқиш ўринли эмас. Шунинг учун у **ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва ижтимоий меҳнат соҳасининг очик, мураккаб, кўп аспектли ва ўсувчи тизимчаси бўлиб, ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантирувчи**дир. Мазкур бозор ишчи кучи талаб ва аҳолининг таклифини тартибга солишда бевосита иштирок этади ва оқилона бандлигини шаклланиши ҳамда ишсизликни камайтиришга кўмаклашади.

ҚМБ таркибий қисмининг асосий элементларига қуйидагилар киради: ишчи кучига талаб ва унинг таклифи, қиймати, баҳоси ва ёллашдаги ракобат (1.1.1 расмга қаранг). Талаб агросаноат мажмуаси, ишлаб чиқариш – ижтимоий инфраструктураси ва қишлоқнинг бошқа халқ хўжалиги соҳаларининг ҚМБга буюртма этган, иш ҳақи фонди, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан даромадлар ва бошқа ҳаётий воситалар билан таъминланган **эҳтиёжнинг ҳажми ва таркибини акс** эттиради. **Таклиф** ёлланма шарти билан ишга эга бўлишдан манфаатдор бўлган қишлоқ ишчи кучининг **миқдор ва сифат** (сони, жинси, ёши, маълумоти, касби, малакаси, миллати, ишлаб чиқиши, даромади ва бўшқалар бўйича) **таркибини ифодалайди**.



1.1.1-расм. Кишлоқ мәхнат бозори таркибий қисмини асосий элементларининг ўзаро мунособатлари чизмаси

ҚМБ идаги ишчи күчининг таклифи мураккаб демографик тузилишга эга. Аввалламбор аҳолининг умумий сонидан ёлланиб ишлашга қодир, яъни меҳнат қобилиятга эга бўлиб, унинг эгаси - ходим меҳнат бозорида уни таклиф қилишдан, тадбиркор эса уни ўз корхонасида белгиланган вақт давомида фойдаланиш учун ёлланишидан манфаатдор қисмини ажратиш керак.

Кишлоқ аҳолисининг умумий сонидан иккита йирик гуруҳларни ажратиш мумкин (1.1.1 расмга қаранг):

- 1) ёлланиб ишлашга қодир меҳнатга лаёқатли ва ундан юқори ёшдаги аҳоли;
- 2) ёлланиб ишлашга қодир бўлмаган меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва каттароқ аҳоли.

Биринчи гуруҳ қуидаги гуруҳчаларга бўлинади:

- а) иқтисодиёт секторларида ёлланиш бўйича банд бўлганлар;
- б) ёлланиш бўйича банд бўлмаганлар;
- в) иш қидириб эркин ҳаракат қилувчи шахслар.

Иккинчи гуруҳ ҳам гуруҳчаларга бўлинади:

- а) меҳнатга қобилиятли ёшдан кичик аҳоли, яъни 16 ёшгacha бўлган ўсмирлар;
- б) меҳнатга қобилиятли ёшдан кексароқ аҳоли, яъни ёши ва ногиронлиги туфайли ишламаётган пенсионерлар ва нафақаҳўрларнинг асосий қисми.

Меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси, айниқса унинг иқтисодий фаол қисми меҳнат бозорининг шаклланишида асосий демографик манба ҳисобланади.

1.1.1-жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ аҳолисининг иқтисодий фаол қисми меҳнат ресурслари умумий сонининг 70% дан ортигини ташкил этиб, унинг микдори иқтисодиётнинг нодавлат секторида 29,3% ўсди. Фермер ва дехқон хўжаликлари сонининг ошиши, кичик ва ўрта бизнеснинг ривож-

ланиши, яккаҳол меҳнатни татбиқ этилишининг кенгайиши хусусий секторда банд бўлганлар сонининг 2 мартадан ортиқ қўпайишига бевосита кўмаклашди.

1.1.1 жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси сони ва унинг иқтисодий фаол қисмининг ўзгариши, минг киши¹

КўРСАТКИЧ	1991 й.	1992 й.	1993 й.	1994 й.	1995 й.	1995 йилда 1991 йилга нисб. %
қишлоқ аҳолиси	12364,0	12724,0	13143,8	13539,4	13926,7	112,6
улардан:						
меҳнатга лаёқатли ёшдагилар	5600,8	5802,1	6164,2	6417,7	6657,0	118,9
меҳнат ресурслари	5835,8	6056,6	6295,9	6512,5	6726,6	115,3
улардан:						
аҳолининг иқтисодий фаол қисми	4464,3	4548,5	4665,3	4741,1	4765,3	106,7
улардан:						
иқтисодда банд бўлганлар	4368,1	4421,1	4483,4	4556,2	4536,4	103,9
шу жумладан:						
Давлат корхоналари ва ташкилотларида	1407,9	1251,2	1138,8	833,8	707,7	50,3
Нодавлат корхоналари ва ташкилотларида	2960,0	3169,9	3344,6	3722,4	3828,7	129,3
улардан:						
хусусий хўжаликларда	597,9	767,1	886,3	1168,8	1309,4	219,0

Шундай қилиб, шубҳасизки, республика КМБ да ишчи кучи таклифининг ўсиши кўп жиҳатдан аҳолининг иқтисодий фаол

¹ Маълумотлар муаллиф томонидан қуидаги статистик тўпламлар бўйича ҳисоблаб чиқилган: «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги 1992 йилда. Т., 1993, 40-41 б.; Ўзбекистон Республикасининг 1995 йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, Т., Ўзистикболстарат Давлат қўмитаси, 1996, 22-23 б.

қисмининг ҳолати билан белгиланади. У эса мазкур бозордаги рақобатга ҳам кўп жиҳатдан боғлик.

Юқори унумли ишчи кучини ёллаш, меҳнатни ижтимоий тақсимлаш ва бўш иш ўринларни эгаллашда ходимлар ўртасидаги ҳамда меҳнат шартномалари асосида иш ҳақи шартлари учун ходимлар билан ёлловчилар ўртасидаги рақобат ҚМБни харакатлантирувчи механизми ҳисобланади.

Ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбати ҚБМ конъюктурасини ифодалайди. У кўп сонли омиллар ва шароитлар таъсири остида шаклланади, ҳамда меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси турли хил гуруҳларининг ёлланма ходимлар сифатида teng бўлмаган ҳолатини акс эттиради. Амалда ишчи кучига талаб ва таклифнинг умуний ва таркибий мувозанатига эришиш қийин. ҚМБининг конъюктураси ишчи кучи нархига бевосита таъсир кўрсатади. У ўз навбатида, амалдаги бозор нархларига мувофиқ ўзгариб туради, қишлоқ меҳнат ресурларини муомала соҳасида шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ маълум йўналишини шакллантиради. Ўз навбатида ишчи кучи нархини унинг қийматидан фарқланиши ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига, тақсимот муносабатларига, иш ҳақи ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар (ШЁХ) дан даромадлар даражаларига, истеъмол саватининг ўсишига, товарлар ва хизматларни амалдаги нархларига, уларнинг мавжудлигига, табиий бойликларнинг ҳолатига ҳамда бошқа омиллар ва шароитларга боғлик.

Бизнинг фикримизча, ҚМБининг конъюктурасини миқдор ва сифат нуқтаи назардан тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Республикамизда ҚМБида ишчи кучига талабнинг миқдори унинг таклифига нисбатан 1,6 марта кам (1.1.2-жадвалига қаранг).

1.1.2.-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф миқдорининг ўзгариши, минг киши¹

КЎРСАТКИЧЛАР	1991й.	1992й.	1993й.	1994й.	1995й.	1995 йилда 1991 йилга нисб. %
ишчи кучининг таклифи - жами,	448	454	460	465	472	105,4
шу жумладан						
биринчи марта иш қидиравчи ёшлар	196	202	210	214	217	110,7
шу жумладан						
умумий таълим мактабининг битирувчилари	164	168	172	177	180	109,8
ишдан озод қилинган ходимлар	16	18	20	20	21	131,3
шу жумладан:						
қишлоқ хўжалигидан	12	14	16	17	18	150,0
уй бекалари, кўп болалик аёллар ва банд бўлмаган аҳолининг бошқа категорияларидан (тоифаларидан) ишлашини ҳоҳловчилар	229	225	223	223	226	98,7
бошқалар	7	9	7	8	6	85,7
ишчи кучига талаб - жами,	262	270	276	280	290	110,7
шу жумладан:						
меҳнат қонунлари бўйича ишдан бўшатилган ходимларнинг ўрнига қабул қилиниш эҳтиёжи	63	65	67	70	72	114,3
янги иш жойларида ходимларга эҳтиёж	120	128	140	145	154	128,3
улардан:						
давлат корхоналари учун	21	20	16	14	12	57,1
нодавлат корхоналари учун	91	98	114	119	128	140,7
бандликка қўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан	8	10	10	12	14	175,0
Бўш иш жойлари ва мансабларни эгаллашга	35	39	42	47	51	145,7
бошқалар	44	38	27	18	13	29,5
Ишчи кучи таклифини унга бўлган талабдан ошиб кетиши	186	184	184	185	182	97,8

¹ Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика (хозирги Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги) Давлат қўмитаси маълумотлари бўйича муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Таҳлил қилинаётган даврда (1991-1995 й.) ишчи кучига таклиф 5,4%га, унга талаб эса - 10,7%га ошди. Бу шунинг билан асосланадики, кўпгина нодавлат ташкилотлари ва корхоналарида яратилган иш жойлари сони 40,7% га, шунингдек, бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан эса 75%га ошди.

Ишчи кучи таклифининг миқдори унга эҳтиёжнинг талабларига тўлиқ мос келмайди. Шунинг учун ҚМБ конъюктурасини ифодалайдиган иккита ўзаро боғланган гуруҳлардаги омиллар ва шарт-шароитлар ҳолатини таърифловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларни ажратиш зарур. Биринчи гуруҳга қуйидагилар киради: иқтисодиётни агросаноат секторининг ҳолати; моддий-техник таъминотининг даражаси; ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура, қишлоқ қурилиши саноати, шахсий-ёрдамчи хўжаликлар ва уйда ишловчилар меҳнатининг ҳолати; кўп укладли иқтисодиётни ривожланиши шароитларида жамоа-ширкат, ижара, ҳиссадорлик, хусусий, қўшма ва бошқа хўжаликларни ислоҳот қилиниши даражаси; товарлар ва хизматлар, сармоялар, қимматбаҳо қофозлар ва илмий ишланмалар бозорининг шаклланиши даражаси; табиий бойликларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Иккинчи гуруҳга эса қуйидагилар киради: маълумот, малака ва қасбни эгаллаганлик даражаси; юқори малакали қишлоқ кадрларини тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув юртларининг ҳолати; меҳнатга лаёқатли банд бўлган ва банд бўлмаган қишлоқ аҳолисининг жинси ва ёши бўйича тузилиши; иш ҳақи ва бошқа манбалардан, айниқса шахсий-ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган меҳнат даромадларининг даражаси; ишсизнинг ижтимоий ва руҳий ҳолати; ёллаш бўйича иш таклиф қилувчи меҳнат жамоасидаги ижтимоий-руҳий муҳит; миллатлараро муносабатлар ва сиёсий аҳволнинг ҳолати; миллий-этник аънаналар ва қишлоқ аҳолисининг мобиллиги (сафарбарлиги) ва бошқалар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган, ҚМБ-ида ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбатини аниқловчи омиллар ва шарт-шароитлар аҳолини иш билан бандлиги сиёсатининг ижтимоий-иктисодий йўналишлари ва тамойиллари билан рақобатга (ёҳуд зиддиятга) киришиши мумкин. Бу ҳолда ҚМБида салбий тенденцияларга қарши ҳаракат қилувчи тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва ўтказиш алоҳида ўринга эга. Худудий ҚМБ-ларининг омиллари ва коньюктурасидаги фарқларни ҳисобга олган бандлик сиёсати давлат томонидан ишлаб чиқилади. У Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида [4, 16 б] ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конунда акс эттирилган [2].

Давлат томонидан қўлланиладиган тартибга солувчиларнинг (иктисодий, ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий) ўрни ҚМБ-ида зиддиятларни юмшатиш, ишчи кучига талаб ва таклиф коньюктурасидаги номувозанатликдан ва уларни инқирозий бузилиш оқибатларидан (ялпи ишсизликни пайдо бўлиши, ижтимоий хўжаликда ишга жойлашишга имконият йўқлиги, даромадларни пасайиши ва бошқалардан) огоҳлантириш йўли билан белгиланади. Баъзида бозор муносабатларининг ижтимоий оқибатлари натижасида шундай шароитлар шаклланадики, унда қишлоқ аҳолисининг бир қисмини меҳнат қилиш ва даромад олиш ҳуқуқларига эга бўлишида жиддий қийинчиликлар вужудга келиши оқибатида турмуш даражаси пасаяди. Иктисодий тартибга солувчилар (солиқлар, меҳнат ҳақи, молия-кредит воситалари, инвестицияларни (сармояларни) жалб этилиши, бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва бошқалар) ижтимоий-иктисодий муҳитни яратишга қаратилган, унда қишлоқ ишчи кучининг ҳаракати талаб ва таклифга мувофиқ ҳар бир мазкур даврда қуйилган мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишда содир бўлади. Тартибга солувчиларнинг энг муҳим йўналиши шундан иборатки, уларнинг мажмуаси

орқали ҚМБида нисбий мувозанатга эришиш мумкин. Уларнинг услублари диссертациянинг 1.2.2 ва 5.4 параграфларида батафсил тадқиқ қилинган.

Шуни таъкидлаш жоизки, «қишлоқ меҳнат бозори» тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни таркибий қисмларининг систематик тадқиқоти мазкур бозорни ўтиш даврида бажариладиган **асосий вазифаларни** ҳам аниқлашга имкон беради:

- ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириш;
- бозор услубида хўжалик юритишининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий механизмлари ёрдамида ишчи кучига талаб ва таклифи тартибга солиш;
- меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатиш;
- ишсизларни иш топишга ёки бозор ва уларнинг малакаси ва рақобат қобилиятини оширишга кўмаклашиш;
- ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва меҳнат тақсимотини ўзгартириш. Улар қайта ишловчи саноат, хизмат кўрсатиш ва бошқа конкрет меҳнатни қўлловчи соҳаларга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида озод бўлган ходимларни рақобат асосида жалб қилишни рафбатлантиради, ҳамда шунинг билан муомала соҳасида ишчи кучи резервини шакллантириб, банд бўлмасдан қолишга имкон беради. Бу нуқтаи назардан энг аниқ хулоса И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган: «Меҳнат бозори меҳнат ресурсларини ишчи кучига бўлган талаб ва таклифини шакллантириш асосида, хўжалик юритиш соҳалари ва тармоқлари, машғулот турлари ва шакллари бўйича аниқ мақсадни кўзлаб тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси вазифасини бажариши лозим»[1, 5, 76 б.];
- инсоннинг ҳам ишлаб чиқарувчи ва ҳам истеъмолчи сифатидаги

манфаатларини мос келишини таъминловчи юқори унумдор меҳнатга қизиқишини тартибга солиш;
- тақсимот муносабатларига билвосита таъсир қилиш.

Шундай қилиб, ҚМБнинг асосий вазифалари ва таркибий қисмлари мазмунини чуқур ўрганиш унинг рационал шаклланиши ва ривожланиши йўлини равшанроқ қўришга ва иш кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни тенглаштиришнинг самарали усулларини топишга имкон беради. ۴

1.2. Қишлоқ меҳнат бозори: шаклланиш ва тартибга солишнинг асослари

1.2.1. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши хусусиятлари, шарт-шароитлари, тамойиллари, омиллари ва чекловчилари

Меҳнат бозори, бозор тизимининг ажralмас қисми сифатида фақат товар ишлаб чиқариш ва муомаласи умуний ҳукмрон бўлгандагина вужудга келади. Ишчи кучининг «меҳнатга қобилияти»ни товарга айланиши меҳнат бозорини шаклланишининг бош шарти ҳисобланади. Академик И.А. Каримов таъкидлаганидек, меҳнат бозори бўлмаса, ишчи кучи товарга айлантирилмаса, бозор муносабатлари тўғрисидаги гап-сўзлар оғизда қолиб кетади» [15, 86 б.]. Ишчи кучи товарга шундай ҳолда айланадики, агар унинг эгаси - ходим - ишлаб чиқариш воситалари ва турмуш кечириш воситаларидан юридик эркин шахс бўлса. Шахснинг фуқаролик эркинлиги ходимга меҳнатни қўллаш соҳаси, ундан фойдаланиш шароитлари ва иш ҳақини эркин танлаш ҳуқуқини расмий беради. Эркин субъект сифатида у шахсий мулкчилик ва ўзининг ишчи кучи эгалик ҳуқуқига эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Республикаси


фуқаролариға ишлаб чиқариш ва ижодий мәжнат учун ўз қобилиятларига әгалик қилиш ва қонунчилик ман құлмайдиган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган. Мәжнатта ҳар қандай шаклда маъмурий мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Кишшиларнинг ихтиёрий банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди» [2, 4 б.]

Мәжнатнинг эркинлиги ва ихтиёрийлиги – умуман республика бўйича **мәжнат бозорини шаклланишининг**, шу жумладан қишлоқда ишчи кучини ёллаш бўйича бозор муносабатларини вужудга келишининг асосий шароити ёхуд шартидир.

Шу билан бир қаторда ҚМБининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатаётган бир қатор иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-икклиний ва ҳуқукий шарт-шароитлар ва омиллар мавжудки, уларни биз қуидада батафсилоқ кўриб чиқамиз (1.2.1 расмга қаранг).

ҚМБ шаклланишининг асосий иқтисодий шарт-шароити бўлиб, ёлланма ходимларни ўз ишчи кучларига нисбатан шахсий мулкчиликлари ва иш берувчиларнинг иш жойларига жамоа ёки хусусий мулкчилиги хизмат қиласи. Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, мазкур субъектларни ўзаро алмашув муносабатига киришига уларнинг шахсий манфаатлари мажбур қиласи, унинг орқасида шахсий истеъмолчилик ётади. Улар ҳам ўз навбатида қайта такрор ишлаб чиқаришда қишлоқ аҳолиси ижтимоий-иктисодий турмушининг фақат керакли ижтимоий эҳтиёжини ифодаланиши бўлади.

ҚМБининг вужудга келиши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш учун ўзаро рақобат қилишга тайёр эркин ва тенг ҳуқуқли шерикларни иқтисодий муносабат-



1.2.1.1. расм. Асосий компонентларни қишлоқ меҳнат бозорини шаклланишига таъсириининг чизмаси

ларда бўлишларини тақозо этади. Бозорда ёлланма ходим ва иш берувчи шахсий эркинлик ва иқтисодий зарурият нуқтаи назаридан ўзаро боғланган ҳамда бир-бирларига қарам бўлсалар ҳам бир-бирларига қарши турадилар.

Ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришиш ҚМБининг шаклланишида ҳал қилувчи иқтисодий шартлардан бири ҳисобланади. Аммо бундай мувозанат мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби – таклиф қилинган меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси сонининг унга талаб миқдорига нисбатан тез ўсиши.

Иқтисодиётнинг барча секторларида таркибий ўзгаришлар ҳозирги шароитда ҚМБида ишчи кучига талаб ва таклифининг янги ҳаракатини белгиловчи энг муҳим иқтисодий шартлардан ҳисобланади. Булар қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш жойларини яратишни ва қишлоқ ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожланишида сифат ўзгаришларини асослаб беради. Бундай шароитларда бир томондан ҚМБининг янги сегментлари агросаноат мажмуаси ва ижтимоий-ишлаб чиқариш инфраструктурасининг қўп жонли меҳнат талаб қиласидаган тармоқлари ва ишлаб чиқариш бўғинларини қамраб олса, бошқа томондан иқтисодиётнинг анъанавий секторларида бозор муносабатларини вужудга келтиради ва ривожланади.

Ишчи кучи нархини ўзгариши ҚМБини шаклланишининг муҳим иқтисодий шарти ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтишни амалга ошираётган мамлакатларда иш ҳақининг ҳақиқий даражасини пасайиши тенденцияси кузатилади. Назарий жиҳатдан бундай вазиятда иш ҳақини ишчи кучи қийматидан пастроқ белгилаш учун қулай имкониятлар яратилади. Аммо бундай имкониятлардан фойдаланишни давлат қонунчилик йўли билан «тўсиб қўйиш»га ҳаракат қиласиди. Шу мақсадда минимал иш ҳаки ва кун

кечириш учун зарур миқдор даражаси расмий равища белгиланади. Бундай ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти нормал фаолият кўрсатганда минимал иш ҳақи кун кечириш учун зарур миқдор даражасидан кам бўлмаслиги лозим.

ҚМБ конъюктурасини шаклланишининг ижтимоий шарт-шароитлари ичида ёлланма ходимлар ва иш берувчиларнинг сифат кўрсаткичларини ошиши етакчи ўрин эгаллайди. Агросаноат ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш тармоқлари кўламларининг кенгайиши, уларнинг интенсив ривожланиши, ўз вақтида моддий-техник ва молиявий ресурслар билан таъминланиши қишлоқ меҳнаткашларини қайта тайёргарликдан ўтишини ва янги замонавий касбларни (универсал ишчи ва хизматчи, агротадбиркор, агроменежмент, агромаркетинг ва ҳ.к.) ўзлаштиришни талаб қиласди.

Демографик шарт-шароитлар ишчи кучи тақлифининг шаклланишига турлича таъсир кўрсатади. Масалан, юқори даражадаги туғилиш меҳнат бозорига қишлоқ аҳолисининг катта оқимини келишини асослайди. Республикада меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг ёш бўйича тузилишида 16-29 ёшдаги йигит-қизларнинг улуши 1995 йилда 30,4 %ни ташкил қиласди (1.2.1.1-жадвал).

Ўрта мактабларни битирувчиларнинг кўпчилиги, дастлабки касб тайёргарлигига эга бўлмасликлари ҳолда қишлоқ хўжалигига жалб қилинадилар. Самарқанд вилоятида ўтказилган социологик тадқиқот шуни кўрсатдики, иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси ўртасида ёшларнинг улуши 34%ни, баъзи бир туманларда эса 35-55 %ни ташкил қиласди, уларнинг мутлақ кўпчилиги хотин-қизлардир(60-65%). Қишлоқ ёшларининг 89 % ишга жойлашишни ҳохлайдилар.

1.2.1.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли
қишлоқ аҳолисининг ёш бўйича тузилиши, %¹**

Кўрсаткичлар	1991 й.	1992 й.	1993 й.	1994 й.	1995 й.
Қишлоқ аҳолисининг барчаси	100	100	100	100	100
шу жумладан:					
Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагилар	46,0	45,8	45,7	45,5	45,3
Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар	46,5	46,9	47,0	47,3	47,5
16-29 ёшдагилар	27,8	28,7	29,1	30,1	30,4
Меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар	7,5	7,3	7,3	7,2	7,2

ҚМБининг шаклланишига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иш мавсумий бўлганлиги учун тўлиқ иш билан банд бўлмаган шахсларнинг кўпчилиги сезиларли таъсир кўрсатади. Бизнинг баҳолашимиизча, 1996 йилда шу сабабга асосан Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 42,4 минг киши, яъни ундаги ходимларнинг 20,4% иштирок этмаган. Мавсумий меҳнат даврининг катталиги ишсизлик хавф-хатари ва ҳажмини оширади. Ҳозирча қишлоқ хўжалигига қўл меҳнатининг улуши ҳали анча катта. Аммо бу анъанавий тармоқни экстенсив ривожланиши ва янги қўшимча иш жойларини яратишнинг имкониятлари камлиги ҳамда ер ва сув ресурслари етишмаслиги туғайли чекланган. Шу билан бирга устига илмий-техник янгиликлар ва меҳнатни ташкил қилишнинг илгор услубларини тадбик этиш ходимларни қишлоқ хўжалигидан озод қилинишини тезлаштиради. Бу эса юқори малакага эга бўлмаган меҳнатга та-

¹ Ўзбекистон Республикаси Истиқболстат давлат қўмитаси маълумотлари бўйича муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

лабни янада камайтиради ва ишсизликни, айниқса кўп болалик аёллар ва ёш қизлар ўртасида кўпайтиради.

Иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси (контракт) ҚМБида ишчи кучининг сотиш-сотиб олишнинг ҳал қилувчи ҳуқуқий шарт-шароити ҳисобланади.

Меҳнат ҳуқуқи бўйича гарб мутахассисларининг илмий ишларида меҳнат шартномаси «ходимни иш ҳақи эвазига меҳнат қилиш мажбуриятини олиш ва ҳуқуқий бўйсуниш мавжудлиги ҳақидаги келишув» сифатида ифодаланади [49, 28б]. Шартнома ҳусусий-ҳуқуқий харидларнинг турлича кўриниши бўлиб, унга нисбатан фуқаролик ҳуқуқига хос меъёрлар, қоидалар, концептуал конструкцияларни қўллаш имкониятлари ва заруриятни асослайди.

Меҳнат шартномасининг бош ҳусусияти шундан иборатки, уни тузиш албатта бўйсуниш ва боғлиқликка олиб келади, бундан ташқари вужудга келган ҳуқуқий муносабатларга ишончлилик ва узоқ муддатлилик характеристини ифодалайди. Қишлоқ ишловчисини ёлловчига бўйсунишига иқтисодий маънода меҳнат шартномасининг асосий аломати сифатида қаралади. Бу бўйсуниш, қоидага кўра, нафақат ижтимоий-иктисодий, техник, ташкилий - балки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Меҳнат Кодексининг барча талабларига жавоб берувчи шакллантирилган юридик характерга эга.

Иш кучига талаб ва таклиф нисбатини яхшиланишига табиий-иклим шароитлари мўҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Юқори унумдор қишлоқ хўжалиги ерларида ва етарлича сув билан таъминланган яшаш жойларида ишчи кучи кўпроқ жамланади ва ишчи жойлари нормал фаолият кўрсатади. Янги иш жойларини яратиш ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш йўли билан ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашга маълум даражада имкониятлар вужудга

келтирилди. Булар эса меҳнат ресурсларининг ортиқчалик дараҗасини, демак, ишсизлик миқёсини ҳам кескин камайтиришга бевосита таъсир этади.

Юқорида қайд этилган шарт-шароитлар КМБ фаолият кўрсатишининг қуидаги **асосий тамойилларини** тўлиқ амалга тадбиқ этган ҳолда мазкур бозорни шаклланишига самарали таъсир кўрсатади:

- ишчи кучининг эркин таклифи. Бу меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан банд бўлиш ва бўлмасликни ихтиёрий танлашини, меҳнат қонунлари томонидан тақиқланмайдиган ва ҳар бир ходимнинг шахсий ва жамоа манфаатларини ҳисобга олувчи касб ва фаолият турини эркин танлаш учун шароитлар мавжудлигини англатади;
- иш берувчиларни ишчи кучига мустақил талаби. Бозор иқтисодиёти ходимларни барча иш берувчилар томонидан ЎзР Конституцияси ва Меҳнат Кодекси қоидаларига албатта амал қилган ҳолда ишга эркин ёллашлари ва ишдан бўшатишлари, ҳамда бандлик, меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлашни кафолатлаш билан қишлоқ фуқораларининг манфаатларини ҳимоя қилишлари учун имкониятлар яратади;
- ёлланма ходимларни иш берувчилардан ҳуқукий ва ижтимоий ҳимоя қилинганилиги;
- иш ҳақи ва бошқа қонуний даромадлар чегарасини Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган «кун кечириш учун зарур миқдордан кам бўлмаслик»ка [1, 17-б.] риоя қилган ҳолда эркин белгилаш.

Шу билан бирга ортиқча меҳнат ресурстарига эга республикамиз қишлоқ худудларида ишчи кучига талабнинг ошиши ва уннинг таклифини пасайишига бевосита таъсир этувчи **омилларни тадқиқ қилиш** энг муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамият касб этади.

Ишчи кучига талабнинг ошишини асословчи омилларга қўйидагилар киради: ноқишлоқ хўжалиги тармоқларда янги иш жойларини яратиш, меҳнат қўлланиладиган амалдаги минтақаларни техник қайта жиҳозлаш, модернизациялаш, қайта таъмирлаш, хорижий сармояларни жалб қилиш, янги ерларни ўзлаштириш, қайта ишлаш саноати, хизматлар кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти қўламини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқалар. Шу билан бир вақтда **ишчи кучи таклифини** ва қишлоқ хўжалиги иш жойларига эҳтиёжни пасайтирувчи омиллар вужудга келади ва улар таъсир қила бошлайди: шахсий ёрдамчи хўжалик, якка меҳнат фаолияти, хусусий тадбиркорлик ва ўз-ўзини банд қилишнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш, бандликнинг эгилувчан ва ностандарт шаклларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг бозор усулларини тадбиқ этиш, инфляция ва ишсизликни пасайтириш, маҳаллий кадрларнинг мобиллигини (сафарбарлигини) ҳамда малакасини ошириш ва бошқалар.

Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган қишлоқ худудларида эса бир қатор омиллар ишчи кучига талабнинг пасайтишига қўмаклашади. Хусусан, бу ижара ва ҳусусий мулкчиликни ривожлантириш, тўлаш қобилиятига эга бўлмаган ёки экологик заарли корхоналарни ёпиш, янги ерларни ўзлаштириш қўламини қисқартириш, моддий-техникавий ва молиявий ресурслар таъминотини яхшилаш, интенсив технологияни қўллаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ҳ. к.

Бундан ташқари, мазкур ҳудудларда ишчи кучи таклифини оширувчи омиллар мавжуд: кадрларнинг малакаси, маълумоти, мобиллик ва экспортабеллик даражасининг пастлиги, меҳнат ресурслари сонини ўсиш суръатининг иш жойлари миқдорига нисбатан юқорилиги, қишлоқ хўжалигида ишловчиларни иш жойидан

озод этишининг кўпайиши, меҳнатни қўллаш минтақаларининг этишмаслиги ва бошқалар.

Шу билан бирга шундай омиллар ҳам борки, улар комплекс ҳолида **ишчи кучи тақлифининг шаклланиши** ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради: ишлашни ҳохловчилар, ёлланган ходимлар ва иш берувчиларнинг табиий ва механик ҳаракатлари; ёлланма меҳнатни ташкил қилишининг турли-туман услублари; турмуш учун зарур бўлган маблағлар жамғармаси, ёлланган ходимларнинг пул даромадлари; нафақаҳўрлар ва болалик аёлларнинг меҳнат ва ижтимоий пенсиялари, имтиёзлари ва кафолатлари; касбий тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга зарурияти бўлган шахсларни маблағлар билан таъминловчи давлат, корхона ва оиласининг молиявий имкониятлари; шахсий ёрдамчи хўжалигига ва ёлланмасдан «уй меҳнати»да банд бўлганларнинг сони; Қуролли Кучларда хизмат қилувчилар сони ва уларда хизмат қилиш муддати; муқобил ва малакали касбий хизматларни такомиллаштириш ва ҳ.к.

Ишчи кучига талабнинг ўсиши ёки камайиши (динамикаси) қуйидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши билан аниқланади: мавжуд бўлган ва янгидан яратиладиган ишчи жойлари; инвестиция салоҳияти ва унинг тақрор ишлаб чиқариш тузилиши; иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар; мулкчилик шаклларининг турли туманлиги; корхоналар ва ташкилотларнинг тўловга қодир эмаслиги (банкротлиги) 'ва ҳ.к.

Ўзбекистон шароитида ҚМБининг самарали шакллантиришга тўсик бўладиган **бир қатор чекловчилар ҳам** мавжуд; меҳнатни қўлланишнинг ноқишлоқ хўжалиги минтақаларини яхши ривожланмаганлиги; меҳнат ҳақининг паст даражаси; истеъмол товарларининг қимматлашуви; ёлланма иш кучининг малакаси ва сафарбарлигининг пастлиги; иш берувчиларнинг етарлича тажри-

бага эга эмаслиги ва ҳ.к.

Шу билан бирга ўтиш даврида ноқишлоқ хўжалиги меҳнат минтақаларининг етишмаслиги, иш ҳақининг паст даражаси ва истеъмол товарларининг қимматлашуви, хом-ашёлар етишмаслигининг кўпайгани, маҳаллий кадрларнинг малакаси ва мобиллиги даражасини пастлиги ишчи кучига талабнинг ошишига асосий тўсиқ бўлмоқдалар. Қишлоқ ходимлари меҳнатининг якуний натижалари қадрсизланиши мулкнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш самарадорлигини оширишга тўсиқ бўлувчи асосий иқтисодий воситалардан биридир. Бу соҳада ижобий натижаларсиз бозор иқтисодиётининг асосий харакат қилувчи кучлари - тадбиркорлар, яъни ҚМБида ишчи кучининг харидорлари пайдо бўлиши мумкин эмас.

Иш берувчилар малакасининг пастлиги ва уларда тадбиркорликка тажриба кўникмалари етишмаслиги ҚМБининг шаклланиши йўлида жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда. Бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун қишлоқ тадбиркорлари бизнес, маркетинг, менежмент, банк иши, агротехника каби фанларни мукаммал билишлари, агросаноат меҳнатини ҳал қилувчилик ўрнини тушунишлари ва уни бошқа ҳар қандай меҳнатдан юқори баҳолай олишлари учун маълум вақт ва шароитлар керак.


Шундай қилиб, юқорида қайд этилган ҚМБнинг асосий таркибий қисмларини мукаммал тадқиқ қилиш - унинг шаклланиш жараёнини батафсил ифодалабгина қолмасдан, балки бу соҳада ечилиши лозим бўлган асосий муаммоларни аниқланишига ҳам имкон беради: ишчи кучига талабни ўстириш ва уннинг таклифни камайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб тинчаринишдан ортиқча ходимларни озод бўлишини тезлатиш; иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг рақобатбардошлигини ва малакасини ошириш, турғунлигини, мобиллигини камайтириш ва

унинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш. Бу муаммоларни меҳнатни қўллашнинг ноқишлоқ хўжалиги бўлган тармоқларини ривожлантириш, ўқув муассасалари ва бандлик хизматларининг фаолиятини яхшилаш ва ҚМБида ижтимоий-иктисодий муносабатларни самарали тартибга солиш йўли билан муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

1.2.2. Қишлоқ меҳнат бозорининг ижтимоий-иктисодий муносабатларини тартибга солиш

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида меҳнат бозорини бошқариш ва бандлик сиёсатини фаол ўtkазиш, республиканинг меҳнатга яроқли аҳоли зич жойлашган туманларида кичик ва ўрта корхоналарни устувор ривожлантириш ҳисобига янги иш жойларини бунёд этишни рағбатлантириш масалаларига катта эътибор берган. Шу муносабат билан қишлоқ меҳнат бозорида ижтимоий-иктисодий муносабатларни тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этади.

Қишлоқ меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатлар тизимида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат шароитларини белгилаш, у ёки бу ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий-меҳнат можораларини бартараф этиш бўйича иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар марказий ўрин эгаллайди. Қишлоқ меҳнат бозори (ҚМБ)да мазкур муносабатлар жамоавий, шахсий ва худудий усуслар асосида тартибга солинади (1.2.2.1-расмга қаранг). Жамоавий битимлар тузилаётганда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси [5], Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)- нинг Конвенцияси ва тавсияларига [51] асосланилади. ХМТ Конвенциясида (54-бандида) таъкидланганидек, "Жамоавий музокаралар, бир томон-



1.2.2.1-расм. Кишлоқ меҳнат бозорида тартибга солувчиларнинг ҳаракатларининг чизмаси:

дан, тадбиркор, тадбиркорлар гурухи билан, бошқа томондан эса, меҳнаткашларнинг битта ёки бир неча ташкилоти ўртасида: а) меҳнат шароити ва бандликни белгилаш; б) тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш; в) тадбиркорлар ёки уларнинг ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг ташкилоти ёки ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадларида олиб бориладиган барча музокараларни билдиради" [51, 1936 б.].

КМБда бундай тартибга солишини қўлланишининг энг муҳим афзаллиги шундаки, унда қабул қилинадиган қарорлар ниҳоятда қайишқоқ (эгилувчан, мослашувчан) бўлади, уларни нақонунчилик, на суд ва на маъмурий усулларга қиёслаб бўлмайди. Меҳнат муносабатларини тартибга солиши комплекс-шартнома тизимишининг қайишқоқлиги, шунингдек, муносабатлари соҳасида тенглиқ ва ижтимоий адолат тамойилларини рўёбга чиқариш ҳақидаги кенг ёйилган тўғри тасаввурларга эга бўлишdir. Айрим ходим музокараларда ўзидан анча кучли шериги - иш берувчига нисбатан якка тартибда амалга оширадиган хатти-ҳаракатлари билан қаршилик кўрсата олмайди Боз устига, жамоавий шартномага кўра, малакаси паст ҳамда етарли даражада юқори унум билан ишлай олмайдиган қишлоқ ишчи кучининг иш жойи муддатга сақлаб турилади. Жамоавий шартнома меҳнат муносабатлари барқарорлигига эришишда муҳим аҳамиятга эга. Жамоавий шартнома тизими қишлоқ меҳнат бозоридаги хўжалик субъектларининг ўзаро муносабатларидаги можароларни ўзича бартараф эта олмайди. Чунки, ушбу можаролар асосини ижтимоий манфаатлар, мақсадлар, интилишлар, талаблардаги фарқлар ташкил этади. Гарчи, жамоавий битимлар тизими манфаатларни келишиб олиш, ўзаро бир қарорга келиш ва можароларни тезлик билан бартараф этиш жараёнларини кўзда тутса-да, музокаралар жараёни анча

мақбул натижаларга эришиш имкониятини ҳам яратади. Айни пайтда битим шартлари шартнома шаклини олиб, икки томонни мазкур шартлар асосида ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида охирги чораларни кўрмасдан, яъни, иш ташлаш ёки ишдан бўшатишга йўл қўймай, ҳаракат қилишга мажбур этади.

Келажакда жамоавий битимлар, шунингдек, ҚМБ фаолиятини, кадрларни ўқитиши ва малакаларини ошириш ҳамда ўзгартириши, уларнинг иш ҳақи ва ишсизларни иш билан таъминлаш кўрсаткичларини тартибга солиш масалаларини ҳам ўзига қамраб олади. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, асосан жамоавий меҳнат шартномаси тизими ва бевосита давлатнинг тартибга солиб бориши амал қилишига қарамай, ходим билан иш берувчи ўртасидаги муносабатлар якка тартибда ҳам ҳал этилиши мумкин.

Ходим билан тузилган шахсий шартнома қишлоқ иш берувчиши учун анча фойдалидир. Шахсий шартнома тизими қишлоқ меҳнатчисининг меҳнат шароити ва унга тўланадиган иш ҳақини шу одамга қараб белгилаш имконини беради. Жамоавий битимларга кўра эса, бундай қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, тузиладиган шахсий битим кўп ҳолларда қишлоқ меҳнаткашларини ижтимоий кафолатларнинг каттагина қисмидан маҳрум этади.

Меҳнат муносабатларини шахсий услугда тартибга солиш ва бандликнинг қайишқоқ шаклларини жорий этиш - қишлоқ меҳнаткашлари кучидан фойдаланишни (эксплуатацион характерда) кучайтириш ҳамда доимий ишловчи шахслар учун илгари мавжуд бўлган ижтимоий кафолатлардан воз кечилишидан ташқари яна бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Жумладан, ривожланган мамлакатлардаги меҳнат бозорларида доимий ишчи кучларини вақтинча ёки тўлиқсиз иш вақтида ишловчи шахслар (ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва ҳоказо) билан алмаштириш

қоида тусига кирмоқда. Табиийки, мазкур ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари ижтимоий жиҳатдан кам муҳофазаланган ва жамоавий шартномалар билан қамраб олинмаган. Шу боис давлат, айниқса, хўжалик юритишининг бозор муносабатларида ўтиш шароитларида ёллашнинг шахсий шартнома шакллари ривожини назорат қилиб бориши керак. Акс ҳолда, норозилик кучайиши натижасида давлат ишсизлик бўйича ижтимоий тўловларни анча қўпайтиришга мажбур бўлиб қолади.

Сўнгги ҳолатни алоҳида ҳисобга олишимиз лозим. Чунки, республикамиизда, бир томондан, тадбиркорлик, ишчиларни ёллаб ишлатиш бўйича ҳусусий тадбиркорлик ва бизнес яхши ривожланмаган бўлса, иккинчи томондан эса, кам таъминланган ҳамда ижтимоий жиҳатдан етарли даражада ҳимоя қилинмаган қишлоқ меҳнаткашлари орасида ишсизлар сони ошиб боряпти. Буларнинг ҳаммаси ҚМБдаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни тартибга солишининг янги, самарали ҳудудий усулларини, уларни меҳнат ресурслари ортиқча ва етишмайдиган ҳудудларга бўлган ҳолда, тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

Республиканинг меҳнат ресурслари ортиқча ҳудудлари, аввали, **Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Кашиқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятлари** учун мазкур бозорни тартибга солишининг анча самарали усуллари деб, ишчи кучига бўлган талабнинг ошиши ва унинг таклифи камайишини ҳисоблаш зарур.

Мазкур усуллар нималарда ифодаланишини батафсил кўриб чиқайлик.

а) Қишлоқ ишчи кучига талабни ошириш усули.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитларида мулкни ҳусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда таркибий тузилмани қайта қуриш, заар

келтириб ишлаётган корхоналарни тугатиш, фан-техника таракқиёти ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобига асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан бўшатилаётган ходимлар - қишлоқ меҳнаткашлари сони тез кўпаймоқда.

Ишчи кучига бўлган талабни оширишни рафбатлантириш усулларини тадқиқ этиш - меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга, ҳамда, мазкур қишлоқ жойи учун самарали тармоқларни ривожлантиришга қаратилгандир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва харид қилиш ҳамда агросервис хизмати кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти бўйича иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш кучлари ва бандликнинг ноанъанавий шаклларини ривожлантириш, агарар сектордаги ишдан вақтинча бўшатилаётган шахслар учун мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қайта таъмирлаш ҳамда янги иш жойларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри инвестициялар - сармоялар ҳажмини қўпайтиришни рафбатлантириш - мазкур услубни қўлланишнинг асосий йуналишларидир.

Қишлоқ ишчи кучларига талабни оширишни агросаноат мажмуининг меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашдан манфаатдор тармоқларида иш жойларини яратиш ҳамда мавжудларини қайта таъмирлаш ва янги замонавий касбларни эгаллашга сармояларни тўғридан-тўғри жалб қилиш орқали тартибга солиш мумкин. Дотациялар, субсидиялар ва кредитларни агросаноат мажмуи корхоналарини, айниқса, қайта ишлаш корхоналарини қуриш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялашга, шахсий меҳнат фаолиятини ривожлантириш йўли билан хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга, шунингдек, кўп болали аёллар, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар, ногиронлар, ўсмирлар ва ҳоказоларга мос иш жойларини вужудга келтиришга йуналтириш мақсадга муво-

фиқдир. Шу тариқа қишлоқдаги ортиқча мөхнат ресурсларини юқорида айтиб ўтилган тармоқларга ва айрим махсус иш жойларига жалб этиш, айни пайтда қишлоқ ишчи кучларининг касбий ва малака таркибига бевосита таъсир ўтказишумкин.

Мувакқат иш жойларини яратиш ва мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантиришни рағбатлантириш - қишлоқ аҳолиси бандлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидан бири. У корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, бюджет тўловлари ва ходимларнинг вақтинча ва қисман бандлиги учун ижтимоий сугурта бадалларини камайтириш, уларни ишга қабул қилиш жараёнини енгиллатиши, бандликнинг ноанаънавий шаклларини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлаш каби чора-тадбирлар ёрдамида амалга оширилади.

б) Қишлоқ ишчи кучларига таклифни камайтириш усули.

Ишчи кучларига бўлган таклифни камайтиришга, шунингдек, уларнинг ҚМБга оқиб келишини қисқартириш ва бошқа жойга кетишини рағбатлантириш ҳамда иш вақти ва мавжуд иш жойларини ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали самарали таъсир этиш мумкин. Республикаизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» [10] асосида умумтаълим дастурларини кенгайтириш ва ўқиш муддатини узайтириш билан касбий тайёргарликни яхшилаш, ўқув юртларида кундузги таълим олинадиган ўқув ўринларини кўпайтириш ва кечки ҳамда сиртқи ўқувдаги талаба ўринларини қисқартириш, ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда ўқиётганларга стипендияларни ошириш, аёлларга бола парвариши учун тўланадиган нафақалар ва бериладиган таътил муддатини кўпайтириш, мөхнат стажини ҳисоблашда уларга имтиёз бериш; пенсионерлар, ногиронлар ҳамда уларни парваришлийдиган шахсларнинг пенсияларини ошириш - ҚМБда ишчи кучларининг оқиб келишини камайтириш

чора-тадбирлари ҳисобланади.

Иш билан бандлар орасида иш вақти ва иш жойлари ишчи кучларига бўлган таклифни камайтириш мақсадларида қайта тақсимланади. Қишлоқ меҳнаткашлари бандликнинг хусусий ва вақтинчалик шаклларига ўтишларини рағбатлантиришга уларга ҳам иш билан тўла банд қилинган шахсларга мўлжалланган ижтимоий таъминотнинг ўша турларини, таътиллар ва бошқа ижтимоий кафолатларнинг миқдорларини ўрнатиш, кафолатланган энг кам миқдордаги иш ҳаки билан таъминлаш, ҳар йили бериладиган таътилларни ўз вақтида бериш, иш куни ва иш ҳафтаси давомийлигини қисқартириш орқали эришиш мумкин.

Мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари етишмайдиган минтақалари (**Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпогистон Республикаси**)да ишчи кучларига талабни камайтириш ҳамда улар таклифини кўпайтириш КМБни тартибга солишининг мақсадга мувофиқ усулларидир.

Ушбу усулларнинг моҳияти қуидагилардан иборат:

а) Қишлоқ ишчи кучларига талабни камайтириш усули.

Усулларнинг мазкур грухига ҳудудий ҳокимиятларнинг у ёки бу қишлоқ минтақаларида, тармоқлари ёки касб-ҳунарларида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва янги иш жойларини вужудга келтиришни секинлаштиришга оид қуидаги чоратадбирлар: ортиқча ишчи кучларидан фойдаланганлик учун кўшимча солиқларни белгилаш; қаттиқ кредит сиёсатини ўтказиш; корхонага ходимни ишга олганлиги учун бир марталик тўловни жорий этиш; ортиқча ишчи ва хизматчиларни қисқартиришни рағбатлантириш ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари, ишчи кучларига талабни камайтиришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва тежамкорликка эришиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ривожланган бозор муносабатлари шароитларида қишлоқ

мехнат ресурсларидан самарали фойдаланиш - рақобат, фойдани тақсимлаш механизми, солик сиёсати каби умумхўжалик механизmlари ва дастаклари ёрдамида таъминланиши лозим. Ҳозирги пайтда агросаноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишни рағбатлантиришнинг умумхўжалик механизmlари яхши такомиллаштирилмаганлигини ҳисобга олиб, меҳнат ресурслари учун илгари жорий қилинган тўловларни қайта тикилаш мақсадга мувоғиқдир. Улар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва штатдан ташқари ходимлар сонини камайтиришга кўмаклашади. Бу хил тўловлар корхона ва ташкилот томонидан штатдан ташқари ходимларни сақаш учун қатъий ставка шаклида ўрнатилади. Шу билан бирга, ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатлар ўрнини қоплаш учун ижтимоий суфуртага солинадиган солик ва ишсизликдан ҳимоя қилиш жамғармасига солинадиган махсус солик (иккаласи ҳам - меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фоизларда) дан фойдаланиш мумкин. Ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатларнинг кўпчилик ривожланган мамлакатларда қабул қилинган бундай тизими жонли меҳнатдан фойдаланишнинг интенсив шаклларини ифодалайди ҳамда қишлоқ меҳнат бозоридаги ходимнинг ижтимоий жиҳатдан муҳофазаланиши учун зарур кафолатларни яратади.

б) Қишлоқ ишчи кучлари тақлифини кўпайтириш усули.

Ҳозирги шарт-шароитларда ҚМБга ишчи кучлари тақлифини мутлоқ кўпайтириш, умуман, мумкин эмас. Қишлоқ ишчи кучлари тақлифини кўпайтиришга қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ва шохобчалари ҳамда шахсий меҳнат фоалияти соҳаларининг ривожи жиддий тўсиқ бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда ишчи кучи тақлифи на касб, на малака структураси бўйича қишлоқ худуди иқтисодиётининг ноқишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларидағи жонли

мөхнатга талабнинг ўсиш суръатига жавоб бермайди. Шу боис ишчи қучи таклифининг сифат кўрсаткичларини ўзгартириш ҳамда унинг ҚМБдаги рақобатбардошлигини ошириш лозим. Бунинг учун эса, бандлик давлат хизмати тизимидағи ва бошқа ўкув юртларидағи ходимларнинг малакаларини оширишни ташкил этиш, корхоналарнинг ўзидағи маҳсус курсларда қасб-корга ўргатишни яхшилаш ва уларга солиқ тўловида имтиёзлар бериш маҳаллий кадрлар рақобатбардошлигини оширишнинг мақсадли маҳсус дастурини ишлаб чиқиши керак.

Ишчи кучлари таклифини рағбатлантириш ходимларни ишга ёллаш ва жойлаштиришга ёрдамлашиш усулларини қўлланиш орқали ҳам амалга оширилади. Бу усуллар ташкилий тусда бўлиб, бўш иш жойлари ва ишга жойлашиш ҳамда қайта ўқитишига муҳтоҷ фуқароларнинг сони ҳақидаги маълумотлар банкини ташкил этишини, аҳолини ишга жойлашиш имкониятлари ҳақидаги ахборотлар билан таъминлашни, ишсизларни рўйхатга ва ҳисобга олишни, қасбга йўналтиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва ўтказиш каби йўналишларни қамраб олади.

Қишлоқ мөхнат ресурсларини қайта тақсимлашнинг анча самарали усуллари орасида турмуш даражасини тартибга солишни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Мазкур услублар қишлоқ худудларининг молиявий ресурслари ҳисобидан ходимларнинг мөхнат ва уй-жой шарт-шароитларини ҳамда, маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаларини яхшилаш каби тадбирларни ўтказиб, уларни тартибга солиш асосида тадбиқ этилади.

Барча қишлоқ худудларининг мөхнат бозорларидағи муносабатларни тартибга солишида, ишга ёллашда эркин ва ўзаро манфаатли рақобат услубидан фойдаланиш муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга ҳисобланади.

ҚМБда ишчи кучларини ёллашда эркин ва самарали рақобат:

ёлланувчилар билан иш берувчилар ўртасида ишчи кучларига бўлган эркин талаб ва таклиф тамойимари асосида меҳнат-товарга ўзаро манфаатли баҳони ўрнатиш. Бунда ишга ёллаш бозоридаги унинг сифат кўрсаткичлари ва рақобатбардошлиги, маҳаллий ва хорижий меҳнат биржалари томонидан турли гуруҳлар ва касблар бўйича бўш иш жойлари, ишчи кучларининг нархлари ҳақидаги ҳаққоний ахборотнинг берилиши, иш берувчиларнинг ёлланма ишнинг муддатлари ва характери юзасидан талаблари ва шартлари, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилишнинг ижобий ҳамда салбий оқибатлари ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

ҚМБдаги эркин рақобатда қишлоқ ишчи кучларигина эмас, балки шахсий ёки жамоавий меҳнат шартномаси асосида фойдали нархда ўзининг «меҳнат қобилиятини» сотишга муҳтож шаҳарлик кадрлар ҳам қатнашиши мумкин. Бу ерда қишлоқ ва шаҳар меҳнат ресурслари билан иш берувчилар ўртасидаги муносабатларнинг сифат кўрсаткичлари юзасидан эркин рақобат вужудга келади.

Тадқиқотлар кўрсатяптики, ҚМБни самарали тартибга со- лишнинг юқорида санаб ўтилган усууллари орасида ишчи кучла- рига талабни кўпайтириш ва унинг таклифини камайтириш усу- ли етакчи ўринни эгаллайди. | Чунки республикамиз худудларини аксарият қисми меҳнат ресурслари билан ортиқча таъминланган. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг оқилона бандлигини шаклланти- ришга ҳамда ишсизликни йўл қўйиладиган даражагача камайти- ришга кўмаклашади. |

1.3. Қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиши - аҳолининг оқилона бандлигини шаклланишида муҳим асос

Меҳнатга қобилиятили қишлоқ аҳолисининг оқилона бандлиги- ни шаклланиши фақат меҳнат бозорининг самарали ривожла- ниши ва иқтисодиётнинг барча секторларида таркибий ис-

лоҳотлар ўтказилиши асосида амалга оширилиши мумкин. Булар қишлоқ хўжалигидан ортиқча ишчи кучини оммавий озод бўлиши ва уларни қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқларига ва шахсий меҳнат фаолияти соҳаларига ҳамда, шаҳар ҳалқ хўжалигига оқиб ўтиши, ходимлар заҳираларини шаклланиши ва уларни бозор механизмлари асосида сафарбар қилиниши ва қайта тақсимланиши жараёнини белгилаб беради.

Иқтисодий адабиётларда «**оқилона бандлик**» тушунчаси ҳақида турли ҳил нуқтаи назарлар мавжуд. Рус иқтисодчи олими А.Б.Наумовнинг фикрича «оқилона бандлик» тушунчаси самарали тўлиқ бандлик билан синоним бўлади. Умумий кўринишида тўлиқ бандлик ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш жойларига талабини бутунлай қаноатлантирганигини билдиради. Агар аҳолининг ишчи жойларига талаби тўла қаноатлантирилса ва ишчи кучидан энг катта самара билан фойдаланилса, унда аҳоли бандлиги оқилона бўлади [74, 18 б.]. Украин иқтисодчиси В.Ф.Онищенко ҳам худди шундай нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаб, таъкидлайдики, «оқилона бандлик . . . тўлиқ ва самарали бандликнинг бирлашмасидир . . . Оқилона бандлик ўз ичига қўйидагиларни олади: 1) аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнатга эҳтиёжини тўлиқ қаноатлантириш; 2) ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни самарали мувофиқлаштириш; 3) ижтимоий меҳнат унумдорлигининг энг катта имкондаги даражаси ва унинг самарадорлиги; 4) ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг маълум даражасида аҳолининг моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини имкони борича тўлиқроқ қаноатлантириш» [80, 14 б., 17-18 б.].

Меҳнат бозорининг ривожланиш шароитларида бу олимларнинг оқилона бандлик - меҳнатга қобилиятли аҳолининг доимий иш жойларига талабини тўлиқ қондиради, деган фикрларига қўшилиш

қийин. Меҳнат бозори ёппасига бандликни таъминламайди ва рақобат асосида сони ўзгариб турган «доимий» ишчи жойларини кафолатламайди.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг оқилона бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин (табиий) даражаси вужудга келади. Бундай мувозанат иш берувчилар ва «меҳнат қобилияти» кишиларининг иқтисодий манфаатларини энг муқобил даражада амалга оширилишини таъминлайди. Бунда ишчи кучига касб-малақали тайёргарлиги бўйича мос нархлар белгиланади. Ҳудди шулар туфайли, аҳолининг оқилона бандлиги, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва ишчи кучининг қиймати асосида «меҳнат қилиш қобилияти»ни бозорда сотиш учун таклиф қилганларнинг турмуш даражаси шаклланиши ҳам таъминланади.

Юқорида таклиф этилган тушунча нуқтаи назаридан қараганда республикамиизда аҳолининг оқилона бандлигини шаклланишига ҳали тўла эришилгани йўқ. Бунга қуйидаги сабаблар асосий тўсиқ бўлмоқда: давлат мулкини хусусийлаштириш самародорлигининг паст даражаси; иқтисодиётда тубдан таркибий ислоҳотларни ва ишловчиларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан озод бўлишининг секинлиги; меҳнат ҳақи унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши; иш жойларининг паст сифатли моддий-техник жиҳозлар билан таъминланиши; меҳнатга қобилиятли ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар фаолиятининг етарлича рағбатлантирилмаганлиги; ишчи кучи таклифини унга бўлган талабга нисбатан кўпроқ ўсаётганлиги; бўш иш жойлари ҳақида ишончли ахборотларнинг камлиги ва меҳнат бозорининг самарали тартибга солиш механизмини такомиллашмаганлиги. Улар ичида давлат мулкини хусусий-

лаштириш ва халқ хўжалиги тармоқларини таркибий ислоҳот қилиш етакчи ўрин эгаллайди. Бу жараёнларни амалга ошириш кўпроқ расмий характерга эга бўлиб қолмоқда.

Ваҳоланки, ижара, ҳиссадорлик, ширкат, хусусий ва қўшма корхоналарни ташкил қилиш аҳолининг оқилона бандлигини шаклланишига ижобий таъсир қилиб, ишчи кучига талабнинг ошишига ва уни таклифини камайишига олиб келиши мумкин.

Аммо республика қишлоқ жойларида ишчи кучига талабнинг камайиши ва унинг таклифи ошиши кузатилмоқда. Ноқишлоқ хўжалигига иш жойлари сони етарли эмаслиги ва ишловчиларнинг касбий билимлари пастлиги республиканинг барча қишлоқ ҳудудларида мавжуд бўлган ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносиблик ва ишсизликнинг асосий сабабларидан хисобланади.

Масалан, Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида ишчи кучига талаб унинг таклифига кўра 2 марта кам ва ишсизлик даражаси республиканинг ўртacha кўрсаткичидан 1,8 марта катта (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал

**Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида
мехнат бозори ва ишсизликнинг ҳолати, %**

Кўрсаткичлар	1995й.	1996й.	
		1995-1996 йилдаги ўзгариш	Жами
Ишчи кучи таклифи	66,8	+0,4	67,2
Ишчи кучига талаб	33,2	-0,4	32,8
Ишчи кучи таклифини талабдан ошиб кетиши	2,0	+0,1	2,1
Ишсизлик даражаси	4,6	+0,2	5,8

Вужудга келган ҳолатни меҳнат ресурслари сонининг иш жойлари миқдоридан ошиб кетиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишчи кучига эҳтиёжнинг камайиши, саноат меҳнатини қўллаш минтақаларини яратишнинг секинлашуви ва ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни ташкил қилишнинг илгор услубларидан самарали фойдаланмаслик билан изоҳланади.

Авалламбор, техник воситалардан самарасиз фойдаланиш ва ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни ташкил қилишда илгор усулларни секинлик билан тадбиқ этиш сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меъёрдан юқори жонли меҳнат сарфланмоқда ва ходимларнинг мазкур тармоқдан озод бўлишлари секинлашмоқда. Тадқиқот ишлари кўрсатадики, унинг ҳозирги мавжуд техник жиҳозланиш даражасида ҳам камроқ сонли ходимлар билан юқори самарадорликка эришиш мумкин. Ишчи кучининг ортиқча қисмидан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг унга талаб бўлган тармоқлари соҳасида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Меҳнат ҳақи унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши ва ишловчиларнинг касбий билимлари ва иш жойларининг унумли техники билан таъминланишини пастлиги нафақат АСҚ корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан самарасиз фойдаланишга, балки ички ва ташқи бозорларининг талабларига тўлиқ мос келмайдиган паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришга олиб келади. Натижада кўпгина қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнати ижтимоий тан олинмайди (амалда меҳнат ҳақи орқали тан олинган бўлса ҳам) ва ҳалқ хўжалиги нуқтаи назарида: уларнинг бандлиги иқтисодий мазмунга эга бўлмайди. Меҳнат натижаси ижтимоий тан олинган бандликни оқилона деб ҳисоблаш мумкин.

Қишлоқ жойларида меҳнатга қобилиятли пенсионерлар, ногиронлар, ўқувчилар, кўп болали аёллар ва аҳолининг бошқа катего-

рия (тоифа)ларининг бандлигини моддий рафбатлантириш бўйича мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмайди. Квоталаштирилган янги иш жойларини яратиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш уларнинг бандлиги ва меҳнат ҳақларини анча оширади.

Вакант (бўш) лавозимларни ва иш жойларини мавжудлиги ҳақидаги ишончли ахборотларнинг камчилиги - банд бўлмаган қишлоқ аҳолисини ишга жойлаштиришни қийинлаштиради. Статистика идоралари фақат қайта ишлаш саноати корхоналари ва хизмат кўрсатиш объектларидаги иш жойларининг микдори ва тузилиши бўйича ахборотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш билан шуғулланади. Аммо синалган методиканинг йўқлиги туфайли қишлоқ хўжалиги иш жойларининг сони ҳақидаги ахборотларни ийғиш амалга оширилмайди.

Буларнинг барчаси ва ҚМБда муносабатларни тартибга солишнинг самарали механизми мавжуд эмаслиги - аҳолининг оқилона бандлигини шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Мавжуд механизм эса оқилона бандлик шаклланишининг асосий шарт-шароитларини тўлиқ ҳисобга олмайди. Такомиллаштирилган янги механизм эса қуйидаги асосий шарт-шароитларнинг таъсирини тартибга солиши лозим: **ишчи кучига талабнинг ошиши ва унга таклифнинг камайиши; ёлланма иш кучига меҳнат ҳақини (нархни) энг паст микдорини аҳоли жон бошига тўғри келадиган минимал истеъмол бюджетидан кам бўлмаган ҳолда белгилаш; меҳнатга қобилиятли ўсмирлар, пенсионерлар, кўп болалик аёллар ва ногиронлар бандлигини оширишни рафбатлантириш; ишсизларнинг малакаси, рақобат қобилияти ва экспортабеллигини ошириш; бандлик хизмати инфраструктурасининг самарали ривожланишини таъминлаш ва бошқалар.**

Аҳолининг оқилона бандлигини шаклланишини муҳим шарт-

шароитлари - машғулотлар тури, иш ва яшаш жойини эркин танлаш, аҳоли мобиллигининг турли маъмурий чекланишларини - (прописка, виза, асоссиз ишдан бўшатишни ман қилиш ва ушлаб қолишлар) бекор қилиш, меҳнат ҳақидаги қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда ишга жойлашиш кафолатини беришдан иборат бўлади. Мажбурий меҳнат қилишдан воз кечиш ҳар бир шахснинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ишлаш ёки ишламасликни ҳақиқий танлашини билдиради. Бунда меҳнат қилишнинг ҳуқуқий амалга оширилиши, шубҳасиз, ходимларни меҳнат бозорида ёлланишнинг энг яхши шароитлари учун мусобақалашувларини қўзда тутади.

Аммо ходимларни расмий озод қилиш етарли эмас. Ёлланма меҳнат учун иқтисодий шароитлар ва ижтимоий кафолат зарур. Улар ичида келажакда энг кам иш ҳақини аҳоли жон бошига кун кечириши учун зарур бўлган энг кам миқдоргача қонун асосида ошириш ва меҳнат даромадларини чеклашни бекор қилиш - асосий ҳисобланади. Ўшандагина ходим иқтисодий фаол бўлади.

Иқтисодий нуқтаи назардан оқилона бандлик ишчи қучидан шундай фойдаланишни акс эттирадики, у ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлайди ва мулкчиликнинг турли шакллари, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг самарали услубларини қўлланиш соҳаларини кенгайишига кўмаклашади. Бу қишлоқдаги ортиқча ишчи кучининг озод бўлишига олиб келадики, у ёлланган ишловчиларни қайтадан тақсимлаш ва меҳнат миграцияси кенгайиши жараёнининг кучайишига ёрдам беради. Шу билан бирга шундай вазият юзага келадики, унда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан озод бўлган ишловчиларнинг бир қисмини меҳнатга ва даромадларга ўз ҳуқуқини амалга ошириш шароити ёмонлашади. Бундай ҳолда қишлоқ жойларида ишсизлик пайдо бўлади.

Меҳнатга қобилиятли қишлоқ аҳолисининг оқилона бандлиги-

ни шакллантиришнинг асосий демографик манбаларидан бири - унинг иқтисодий фаол қисмини кенгайишидан иборат. Аҳолининг иқтисодий фаол қисми ўз ичига мулкчиликнинг турли хил ташкилий-ҳукуқий ва иқтисодий шаклларига эга корхоналарда иш билан банд бўлган ёлланма ходимларни, мустақил шахслар ва тадбиркорларни, иш қидираётган (шу жумладан ишсиз) меҳнатга қобилиятли, банд бўлмаган аҳолини қамраб олади. Буларнинг барчasi қишлоқнинг меҳнат салоҳиятини ташкил қиласди. У меҳнатга қобилиятли аҳолининг иқтисодий фаол бўлмаган қисми - ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганлар, ҳарбий хизматда бўлганлар ва субъектив-объектив сабабларга кўра банд бўлмаганлар ҳисобига янгиланади ва тўлдирилади. Микдорий янгилиниш характери - иқтисодий фаол қишлоқ аҳолисининг кенгайтирилган, оддий ёки торайтирилган такрор ишлаб чиқарилиши - унинг таркибидан чиқсан шахслар (пенсияга чиқиш, меҳнат қобилиягини йўқотиш ва бошқа сабаблар бўйича) сонини (V_β) ва ҚМБни тўлдирадиган шахслар (ўқув юртларни битирувчилар, ҳарбий ёки мажбурий хизматдан қайтганлар, олдин банд бўлмай, ҳозир меҳнат қилишни хоҳловчи шахслар ва бошқалар) сони (Π_β) ўртасидаги айирмани иқтисодий фаол аҳоли сонига (A_{xak_β}) нисбати билан белгиланади.

Иқтисодий фаол қишлоқ аҳолисининг микдорий янгилиниши коэффициенти ($K_{янг_\beta}$) қуйидаги тартибда аниқланди:

$$K_{янг_\beta} = (\Pi_\beta - V_\beta) / A_{xak_\beta} \times 100 \% ,$$

(1.3.1)

бу ерда A_{xak_β} - иқтисодий фаол қишлоқ аҳолиси β -категориясининг умумий сони.

Шундай қилиб, иқтисодий фаол қишлоқ аҳолисининг бандлиги - унинг ўзаро боғлиқ иқтисодий ва ижтимоий-демографик

жараёнларнинг бирлигидаги ҳаракатини акс эттиради.

Сўнгги пайтларгача оқилона бўлмаган бандликнинг асосий сабабларидан бири - иш жойлари ва меҳнат ресурслари ўртасидаги мутаносибликнинг мавжудлиги ҳисобланар эди [31, 41, 53, 80, 114]. Аммо ҳозирги вақтда бу муаммонинг бошқа жиҳати - ишчи кучига талабни унинг таклифига мос келмаслиги муҳим, чунки ҳозирги худудий сафарбарлик, прописка билан тўхтатиб турилган, уй-жой бозори яхши ривожланган, худудлар бўйича турмуш даражаси та-бақалаштирилган вазиятда таркибий мос келмасликлар - бошқа муаммоларни вужудга келишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, бозор муносабатларининг вужудга келиши ва қишлоқда ишсизлик фактини унинг барча кўринишларида тан олиниши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги тенгсизликни камайтириш бўйича масалани ҳал қилишни кўзда тутади. Аммо шундай бўлиши керакки, меҳнат ҳар бир иш жойида иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлсин, яъни қишлоқ аҳолисининг бандлигини оқилона тузилишига эришилсин.

Ҳозирги вақтда меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлигининг вужудга келган тармоқлардаги тузилиши АСКи ишлаб чиқариш тузилишининг акс эттирилиши бўлиб, у иқтисодий мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан оқилона эмас, деб таърифланади.

Тадқиқотлар кўрсатадики, бозор иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатларда аҳолининг иш билан бандлиги авваломбор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотишга йўналтирилган. Ўзбекистонда эса тескари манзара кузатилади: бу ерда 67 % дан ортиқ аҳоли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни хом-ашё сифатида қайта ишлаш саноатига тайёрлаш билан шуғулланади (1.3.2-жадвалга қаранг). Худди шундай вазият собиқ иттифоқ давлатларида ҳам ҳукмрон. Масалан,

Украинада қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар 73 %ни, қайта ишлаш саноатида 10 %ни, савдо ва умумий овқатланишда - 7%ни ташкил қилади [26, 56 б.]. Қишлоқ меҳнат ресурсларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши томонига бундай мутаносиблиги кейинчалик маҳсулотни истеъмолчи томонига қараб ҳаракат қилишида ишчи кучининг элементар етишмаслиги оқибатида узилишларга олиб келади.

ҚМБининг ривожланиши шароитларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги иш жойларини қисқартирилиши натижасида ходимларнинг тез озод бўлиши оддий ҳол бўлади. Бу муаммони тўгри ҳал қилишнинг муҳим йўналишларини Президент И.А. Каримов қуидагича изоҳлайди: «Ҳозир қишлоқ хўжалигида барча ижтимоий ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроги банд. Уларни бўшатиб олиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига, энг аввало, саноатга ва хизмат қўрсатиш соҳасига йўналтириш иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш ҳамда уни жадал ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради» [12, 254-б.].

1.3.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда қишлоқ аҳолисининг АСКида бандлигини тузилиши¹

Аҳолининг иш билан бандлигини АСК тар- моқлари	Ўзбекистон Республикаси	Гер- мания	Буюк Британия	АҚШ
Қишлоқ хўжалигида	67,2	6,3	2,4	3,0
Қайта ишлаш саноатида	12,2	41,5	30,2	27,4
Ишлаб чиқариш - ижти- моий инфраструктурасида	20,6	54,2	67,4	69,6

¹ Ўзбекистон Республикаси бўйича Ўзистикболстат, ва бошқа мамлакатлар бўйича «Меҳнат иқтисодиёти (ривожланган капиталистик мамлакатлар)» тўплами (Рефератив тўплам. 5-чикиши. М.: ИНИОП РФА, 1992. 10-11 б.)-маълумотлари бўйича биз томонимиздан ҳисоблаб чиқилган .

Қишлоқ хўжалигини АСКнинг барча соҳалари билан узвий-лаштириш ва такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш - ижтимоий инфраструктуранинг юксалиши бандликни меҳнатнинг қишлоқ хўжалиги бўлмаган турлари бўйича ўсишига кўмаклашади. Қишлоқ аҳолисининг бандлиги таркибий ўзгаришларидағи кўрсатилган тенденциялар меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш омили сифатида ходимларни қишлоқ хўжалиги тармоқларидан саноат меҳнати жабҳаларига кўчиб ўтишига олиб келади. Қишлоқ аҳолисини тармоқлараро бандлигидаги ўзгаришлар ҳудудларни меҳнат билан турлича таъминланишига олиб келса ҳам, ҳамма жойларда ижтимоий меҳнатни қайта тақсимлашга эришиш зарур. Чунки, уни тўхтатиб туриш - келажакда қишлоқ жойларида меҳнатни қўллашнинг янгидан ривожланаётган тармоқларини ходимлар билан таъминлашда жиддий тўсиқ бўлиши ва ижтимоий меҳнат самарадорлигининг пасайишига катта таъсир этиши мумкин. Ушбу жараённи амалга ошириш учун ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, қишлоқ аҳолисининг касб эгаллашдаги самарали тизимини ташкил қилишга алоҳида аҳамият бериш керак.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан озод бўлган ходимлар малакаси даражасини саноат меҳнатининг замонавий талабларига тўлиқ мослаштиришдек мураккаб ижтимоий муаммони шошилинч ечиш керак бўлади. Бунинг учун эса “Кадрларни тайёрлаш миллий дастури” да қабул қилинган чора-тадбирларни тез ва самарали амалга ошириш лозим [9].

Қишлоқ хўжалигидан озод бўлган паст малакали ходимлар орасида меҳнатга лаёқатли аёллар катта салмоқни (65%) ташкил қиласи. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аёллар бандлиги муаммоси янада кескинроқ бўлади, иқтисодий ислоҳотлар аёл ишчи кучининг маргализациялашишига олиб келади. Камроқ малакали

аёл ишчи кучи ҚМБида тенг рақобат қила олмайды. Сир эмаски, аёллар ишдан бўшатиш учун биринчи номзодлардир. Қишлоқ жойларида 1991-1996 йиллар давомида иш жойларини йўқотганлар ичидаги 65% ни аёллар ташкил қиласди. Шундай вазият вужудга келмоқдаки, унда аёл биринчи ишдан бўшатилувчилар сафида, аммо бўш жойга эса биринчи номзод эмас.

Бозор муносабатларига ўтишда аёл ишсизлигининг ўсиши кўпгина сабаблар билан изоҳланади, аммо улардан энг муҳимлари, биринчидан - аёл меҳнатини қўллаш учун иш жойларининг етишмаслиги; иккинчидан - қишлоқ хўжалиги ишларида қўл меҳнати салмолининг юқорилиги; учинчидан - уларнинг малакаси даражаси ва сафарбарлигининг пастлиги, бу қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган меҳнат билан бандликни мураккаблаштиради. Шунинг учун ҚМБида аёл ишчи кучига талаб эркакларга қараганда анча кам.

Қишлоқ жойларида аёллар бандлигини оширишга йўналтирилган комплекс тадбирларни ўтказиш лозим. У ўз ичига кўп болалик ва ёш қизлар учун янги иш жойларини яратиш, аёлларни болага қараш давридан кейин касбий мослаштириш ва ишлаб чиқаришга қайтариш, боласи бор аёллар малакасини ошириш учун маҳсус курслар ташкил қилиш, аёл меҳнати шароитини яхшилаш учун сармоялар жалб қилишни рағбатлантириш каби тадбирларни қамраб олиши керак.

Оқилона бандликни шаклланишининг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қўйидаги мезонларда ўз аксини топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; қишлоқ хўжалиги бўлмаган иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш; меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш; қишлоқ аҳолисининг меҳнат даромадларини кўпайтириш; ишсизликни

камайтириш ва бошқалар.

Мазкур мезонлар қуидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади: мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг сони; ба-жарилган иш вақтининг микдори; аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг ҳажми; маҳаллий ва жалб этилган меҳнат ресурсларининг сони; қишлоқ аҳолисининг миграцион оқими; меҳнатни фонд ва энергия билан қуролланиши; ижтимоий инфраструктура хизматларининг ҳажми; қишлоқ хўжалигининг ҳар бир ходимини ер юкламаси; ўртача йиллик иш ҳақи; ҳар бир аҳолини уй-жой билан таъминланиши; меҳнат ресурсларининг малака ва маълумот даражаси; қайта ишловчи саноат корхоналаридағи асосий фондлардан фойдаланишнинг сменалик коэффициенти; ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган шахслар ва ишсизлик сони ҳамда уларнинг нафақа микдори; меҳнатнинг умумий натижаларидан ва ижтимоий инфраструктура хизматларидағи қаноатланиш даражаси; мулкчиликнинг турли хил шакллари ва меҳнатни ташкил қилишнинг самарадорлиги ва ҳ.к.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларидан меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг оқилона бандлигини шакллантиришни тартибга солиш механизмларини, тегишли мақсадли комплекс дастурини ва эконометрик моделларни ҳамда комплекс таҳлили ва истиқболини белгилашнинг методологик асосларини яратишда ва уларни тадбиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасидаги бозор мувозанатига эришилган, аҳолининг оқилона бандлиги шаклланган, ишсизликнинг йўл қўйиладиган даражасигача камайган, мулкчиликнинг турли шакллари ривожланган, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар юзага келган, яшаш ва меҳнат қилиш жойлари эркин танланган, маҳаллий кадрлар са-

фарбарлигининг ҳар қандай маъмурий чекланишлари бекор қилинган, меҳнат ҳақидаги қонунларга мувофиқ ишга жойлашиш кафолатлари мавжуд бўлган, энг кам иш ҳақи даражасини минимал истеъмол бюджетигача оширишга муваффақ бўлинган ва меҳнат даромадларидан солиқлар кескин қисқартирилган шароитлардагина ҚМБ самарали шаклланади ва ривожланади.

**П-БОБ. ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА
МЕҲНАТ БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ
ВА ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШНИ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**2.1. Тармоқлараро баланс - қишлоқ меҳнат ресурсларининг
иш билан бандлик ҳолатини таҳлил этувчи муҳим услуб**

Баланс услугининг асосий вазифалари қишлоқ ҳудудлари меҳнат ресурсларининг бандлик ҳолатига, аҳолининг табиий ва механик ҳаракатларининг ўзгаришларига, меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигининг сони ва тузилишига, буюмлашган ва жонли меҳнатнинг сарфланишини тақсимлаш ва фойдаланиш даражасига, иш жойларининг микдори ва тузилишига, меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигига, ходимларнинг касб-малака таркиби шаклланишининг манбалари ва қўламларига, ижтимоий-иктисодий алоқаларнинг бузилиши шароитларида меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларига таъсир қилувчи омилларни ҳар тарафлама ҳисобга олиш ва комплекс таҳлил қилишдан иборатдир. Ушбу услуб қуйидаги ўзаро боғлик тизимлардан ташкил топади: меҳнат ресурслари баланси, меҳнат ресурсларининг ҳаракати ва меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари, меҳнат бўйича баланс ҳисоб-китоблари ҳамда иш жойлари ва меҳнат ресурсларининг йифма баланслари.

Қишлоқ ҳудуди меҳнат ресурслари бандлигининг комплекс таҳлилини баланс воситалари орасида етакчи ўринни тармоқлараро баланс (ТАБ) эгаллайди [37, 50, 53, 67, 69, 103, 108, 111, 113, 119, 121]. **Меҳнат сарфларининг ТАБ ини ишлаб чиқиши** - қишлоқ ҳудуди иқтисодиётининг барча секторларидаги ҳисобот ва истиқбол даврларда тўгри ва тўлиқ меҳнат сарфланишининг коэффициентлари ёрдамида ҳудди шундай бандлик коэффициентларини топишга имкон беради. Бу баланс ишчи кучига талабни вужудга келишини, иш жойлари билан

мөхнат ресурслари ўртасидаги рационал нисбатларни, ишчи кучига талабнинг унинг таклифига мослигини, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларини, уларнинг бандлик даражасига ва қишлоқ мөхнат ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш истиқболларига таъсирини ҳамда ҚМБ эконометрик моделлари комплексини ахборотлар билан таъминлашни асослашни кучайтируди.

Одатда ТАБ ни ишлаб чиқишида тармоқ ёндашиш услуби ва «хара жатлар - ишлаб чиқариш» тамойили қўлланилади, унга мувофиқ қишлоқ ҳудуди халқ хўжалигининг ўзаро боғланган тармоқлари мажмуасидан иборат [37, 47, 82, 83, 84, 129].

Қишлоқ ҳудудлари халқ хўжалигидаги ўзаро боғланган тармоқларнинг энг тўлиқ ва аниқ таърифини функционал ёндашиш услуби асосида олиш мумкин. Унинг хусусияти шундан иборатки, бутун қишлоқ ҳудуди ўзаро боғланган ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи қуидаги секторлар мажмуасидан ташкил топган, деб қараш мумкин: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий мөхнат.¹

Бундай ёндашиш қишлоқ иқтисодиётининг барча секторларида моддий, молиявий ва мөхнат ресурсларидан фойдаланишининг таҳлили ва истиқболини белгилашни яхшилайди. Шунинг учун қишлоқ ҳудудида мөхнат сарфлари ТАБини ишлаб чиқишида функционал ёндашиш қўлланилади. У бандлик даражасини,

¹ Функционал ёндашиш асосида мөхнат сарфлари ТАБ тузилишининг эконометрик моделлари аниқлигини яхшилаш мақсадида Самарканд вилоятида қишлоқ ҳудуди халқ хўжалиги тармоқлари ўзаро боғланган бешта ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи секторларига ажратилди: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (декончиллик ва чорвадорлик тармоқлари); қайта ишлаш саноати (гўшт-сут, мева-сабзавот ва виночилик, новвойчилик, ун-ёрмалар, озиқовиқат, пахта тозалаш, маҳаллий (енгил) ва қурилиш материаллари саноати тармоқлари); хизмат (қишлоқ ва сув хўжалиги қурилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, автомобиль ва йўловчи транспорти, алоқа, қишлоқ хўжалиги техникасининг моддий-техник таъминоти ва унга хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш, аҳолига майший хизмат кўрсатиш, уй-жой ва коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, физкультура ва социал таъминот, бошқарув ва молия-кредит хизмати тармоқлари); сифат (таълим, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоқлари); шахсий мөхнат (декон (фермер) ва шахсий-ёрдамчи хўжаликлар, шахсий мөхнат фаолияти).

иқтисодиётнинг барча секторлари ва тармоқларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, тақсимлаш ҳамда улар ўртасидаги меҳнат мутаносиблигини тўғри аниқлайди. Унинг асосида қишлоқ худудидаги меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлиги секторлари тармоқларида меҳнат сарфларининг ТАБ чизмаси ишлаб чиқилган. У тўртта (I-IV) бўлимдан иборат (2.1.1- расмга қаранг).

Биринчи бўлим олтита бўлимчаларни (а-е) ўз ичига олади, улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида ва қишлоқ худуди таркибига кирмаган халқ хўжалигининг тармоқларидағи бандлик даражаси буюмлаштирилган меҳнат сарфлари кўрсаткичларини қўллаш ёрдамида изоҳланади. Баланснинг бу бўлимчалари горизонтал йўналишда буюмлаштирилган меҳнат сарфларини тармоқлараро ва секторлараро тақсимланишини, вертикал йўналиш бўйича уларнинг истеъмолини акс эттиради.

Иккинчи бўлим меҳнат қўринишдаги якуний маҳсулот таркибини, **учинчиси** эса - ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқаришда маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг жонли меҳнати сарфлари кўрсаткичлари асосида тўғри бандлик микдорини ифодалайди. **Тўртинчи бўлим** ижтимоий инфраструктура тармоқларида бандлик даражаси ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишини акс эттиради.

Қишлоқ худуди маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ТАБ ининг tenglamasi мөддий-буюмлашган ва мажмуавий меҳнат тақсимоти пропорцияларининг бирлигини акс эттиради. Мажмуавий меҳнат сарфлари қуйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$\check{X}_i^s = \sum_{i=1}^m \check{X}_{ij}^s + \sum_{i=1}^m \hat{X}_{ij}^s + V_j^s + \hat{V}_j^s, \quad S = \overline{1,5}, \quad j = \overline{1, n} \quad (2.1.1)$$

Кайси иш ёилан бандлик секториларида (тармоқларида) мөхнат сарфларининг турлари	Иш ёилан бандлик секторларида (тармоқларида) мөхнат сарфларининг ишлаб чиқариш истеъмоли							
	КХИЧС (тармоқлар бўйича)	КИСС (тармоқлар бўйича)	ХС (тармоқлар бўйича)	СС (тармоқлар бўйича)	ШМС (тармоқлар бўйича)	Кишлоқ худуди таркибига кирмаган х/х нинг бошка тармоқлари	Жами кишлоқ худуди бўйича	Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш мөхнат сарфлари (элементлар бўйича)
А. Буюмлаширилган мөхнат сарфлари - жами, шу жумладан: кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш секторида (КХИЧС) (тармоқлар бўйича) кайта ишлаш саноати секторида (КИСС) (тармоқлар бўйича) хизмат секторида (ХС) (тармоқлар бўйича) сифат секторида (СС) (тармоқлар бўйича) шахсий мөхнат секторида (ШМС) (тармоқлар бўйича) кишлоқ худуди таркибига кирмовчи халқ хўжалигининг бошка тармоқларида.	I а Бўлинма I б Бўлинма I в Бўлинма I г Бўлинма I д Бўлинма I е Бўлинма							II Бўлим
Б. Жонли мөхнат сарфлари - жами. Шу жумладан: маҳаллий мөхнат сарфлари жалб қилинган мөхнат сарфлари буюмлаширилган ва жонли мөхнат сарфлари	III Бўлим							IV Бўлим

2.1.1-расм. Кишлоқ худудида мөхнатга лаёқатли аҳоли бандлиги секторлари (тармоқларида) да мөхнат сарфларининг тармоқлараро балансининг схемаси, минг киши-соат

(2.1.1) дан келиб чиққан ҳолда меҳнатда ифодаланган оралиқ ва ялпи ички маҳсулот истеъмоли ҳажмини хисоблаш мумкин.

$$\check{X}_{ij}^s = \sum_{i=1}^m T_i^s X_{ij}^s; \hat{X}_{ij}^s = \sum_{i=1}^m T_j^s \dot{X}_{ij}^s; \check{X}_j^s = T_j^s X_j^s \quad (2.1.2)$$

(2.1.1) га (2.1.2) ни қўйиб, қуийдагини оламиз:

$$T_j^s X_j^s = \sum_{i=1}^m T_i^s X_{ij}^s + \sum_{i=1}^m T_j^s \dot{X}_{ij}^s + V_j^s + \hat{V}_j^s, \quad (2.1.3)$$

$$\text{бу ерда } X_{ij}^s = a_{ij}^s X_j^s; \quad \dot{X}_{ij}^s = \hat{a}_{ij}^s X_j^s; \quad V_j^s = t_j^s X_j^s \quad (2.1.4)$$

Унда (2.1.3) тенглама қуийдаги кўринишни олади:

$$T_j^s X_j^s = \sum_{i=1}^m T_i^s a_{ij}^s X_j^s + \sum_{i=1}^m T_j^s \hat{a}_{ij}^s X_j^s + t_j^s X_j^s + \hat{t}_j^s X_j^s \quad (2.1.5)$$

(2.1.5) тўлиқ қайта ўзгартириб, тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентларини оламиз:

$$T_j^s = \sum_{i=1}^m T_i^s a_{ij}^s + \sum_{i=1}^m T_j^s \hat{a}_{ij}^s + t_j^s + \hat{t}_j^s. \quad (2.1.6)$$

Балансда яқуний маҳсулотда буюмлаштирилган мажмуавий меҳнат сарфлари (II-бўлим) ЯИМ ишлаб чиқаришдаги жонли меҳнатнинг барча сарфларига (III-бўлим) тенг, яъни

$$\sum_{i=1}^m T_i^s Y_i^s = \sum_{j=1}^n (t_j^s + \hat{t}_j^s) X_j^s. \quad (2.1.7)$$

Балансни тузишда ЯИМ ишлаб чиқаришдаги мажмуавий ва буюмлаштирилган меҳнат сарфлари (ижтимоий инфраструктурасининг жонли меҳнат сарфлари билан бирга) ўртасидаги тенгликка риоя қилиш зарур

$$\sum_{j=1}^n \check{X}_j^s = \sum_{i=1}^m X_i^s. \quad (2.1.8)$$

Бу ерда i –истеъмол қилувчи тармоқларнинг индекси; j – ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг индекси; s –қишлоқ ҳудудлари иқтисодиёти секторларининг индекси; a_{ij}^s –тўғри моддий харажат-

ларнинг коэффициентлари; \hat{a}_{ij}^s –халқ хўжалигининг қишлоқ худудларига кирмаган тармоқларнинг тўғри моддий харажатлари коэффициентлари; t_j^s –маҳаллий меҳнат ресурсларининг тўғри меҳнат сарфлари коэффициентлари; \hat{t}_j^s –жалб қилинган меҳнат ресурсларининг тўғри меҳнат сарфлари коэффициентлари; T_j^s –тўлиқ меҳнат сарфларининг коэффициентлари; V_j^s –маҳаллий меҳнат ресурсларининг ишлаган иш вақтлари ҳажми; \hat{V}_j^s –жалб қилинган меҳнат ресурсларининг ишлаган иш вақтлари ҳажми; X_{ij}^s ва \check{X}_{ij}^s –оралиқ маҳсулот истеъмолининг қиймат ва меҳнат кўринишидаги тегишли ҳажмлари; \dot{X}_i^s ва \hat{X}_i^s –халқ хўжалигининг қишлоқ худудларига кирмаган тармоқларидағи оралиқ маҳсулотлар истеъмолининг қиймат ва меҳнат кўринишидаги тегишли ҳажмлари; X_i^s ва X_j^s – ЯИМ ишлаб чиқаришининг қиймат кўринишидаги ҳажмлари; \check{X}_i^s ва \check{X}_j^s – ЯИМ ишлаб чиқаришнинг меҳнат кўринишидаги ҳажмлари ёки мажмуавий меҳнат сарфлари; Y_i^s –якуний маҳсулот истеъмоли ҳажми. Ушбу баланс асосида меҳнат сарфларини тақсимлаш (r_{ij}^s) ва фойдаланиш (q_{ij}^s) коэффициентларини ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$r_{ij}^s = \check{X}_{ij}^s / \check{X}_i^s \quad (2.1.9)$$

Меҳнат сарфларини тақсимлаш коэффициентининг иқтисодий мазмуни шундан иборатки, белгиланган меҳнат сарфлари истеъмолининг ҳар бир тармоқ ва ҳар бир сектордаги салмоғини акс эттиради, яъни меҳнат сарфлари бирлиги қишлоқ худудларининг барча секторлари ва тармоқлари бўйича тақсимланиши тузилишини акс эттиради.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш (истеъмол) коэффициентлари қўйидаги тартибда ҳисобланади ва маҳсулот ишлаб

чиқаришда буюмлаштирилган ва жонли меҳнат истеъмоли даражасини ифодалайди:

$$q_{ij}^s = (\check{X}_{ij}^s + \hat{X}_{ij}^s + V_j^s + \hat{V}_j^s) / \check{X}_j^s \quad (2.1.10)$$

Кишлоқ худуди меҳнат сарфлари ҳисобот ТАБ ини ишлаб чиқиш мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиласидан жараён. Уни амалга ошириш учун ТАБ тузишда халқ хўжалиги баланси кўрсаткичлари тизимидан Ўзбекистон Республикаси Давлат дастури бўйича миллий счёtlар тизимиға ўтишнинг биринчи босқичи вазифаларига асосланган кўп босқичли статистик, иқтисодий математик ва ташкилий ишларни бажариш зарур [11].

Биринчи босқичда кўриб чиқилаётган худуд меҳнат ресурслари бандлигининг комплекс таҳлили амалиётда ушбу балансни ишлаб чиқишнинг долзарблиги ва зарурлигига асосланади.

Иккинчи босқичда қишлоқ худуди маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг ТАБи тузилади. Бундай балансни ишлаб чиқиш жараёнида одатда танлаб олиш услуги қўлланилади. Унинг ёрдамида статистик ҳисоботнинг маҳсус формаларини жорий қилиш йўли билан ушбу худуднинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини репрезентатив объектларидағи мөддий ресурсларидан фойдаланиш хақидаги ахборотларни йиғиши ва таҳлил қилиш амалга оширилади. Аммо, худудий даражада ҳар бир кичик ва ўрта корхона ҶИМ ишлаб чиқаришда сезиларли салмоққа эга бўлганлиги учун, бизнинг фикримизча, танлаб олиш услугидан эмас, балки ялпи тадқиқот қилиш услугидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, бу эса ахборотларнинг ишончлилигини оширади.

Ушбу балансни ишлаб чиқиш бўйича кейинги ишлар маълум ва амалда синалган методикага [67] мувофиқ мазкур худуднинг

ривожланиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалда бажарилади.

Учинчи босқичда түгри (a_{ij}^s) ва тўлиқ (b_{ij}^s) моддий харажатларнинг коэффициентлари аниқланади:

$$a_{ij}^s = X_{ij}^s / X_j^s, \quad (2.1.11)$$

$$b_{ij}^s = B = (E - A)^{-1}. \quad (2.1.12)$$

Тўртинчи босқичда жонли ва буюмлашган меҳнат сарфлари маж_муаси бўлган ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентлари аниқланади.

Шунинг билан бирга тўлиқ меҳнат сарфлари кўрсаткичлари маҳаллий хисоб-китобларда ижтимоий зуур мебнат сарфлари билан бир хил эмас ва қоидага кўра, турли хил мураккабликдаги меҳнатнинг аниқ турлари миқдорини намоён қиласди. Улар таҳлил ва истиқболни белгилашнинг янги муҳим қуроли бўладилар. Тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентларидан худуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши кўрсаткичларини асослашда, меҳнат ресурслари бандлиги ижтимоий-иктисодий самарадорлигини ҳисоблашда, тўгри, ўтган ва тўлиқ бандлик коэффициентларини, меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш харажатларини ва иш вақтини аниқлашда, асосий ва айланма маблағлар ҳамда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилида, маҳсулотларни бир-бирларининг ўрнини босиш муамоларини ҳал қилишда, нархларни такомиллаштириш ва инфляцияни пасайтиришда, иш жойлари билан меҳнат ресурслари ўртасидаги рационал мутаносибликни топишда фойдаланиш мумкин. Тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлашда С.С.Струмилин [103], И.А.Машинский [108], С.С.Шаталин [119], Л.Ф.Комина [50] каби машҳур иктисодчи олимларнинг асарлари катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун тўлиқ меҳнат сарфлари ко-

эффициентини ҳисоблаб чиқиши муаммосини ҳал қилишда ТАБ услубидан фойдаланиш истиқболли йўналиш ҳисобланади. Бу коэффициентларни ҳисоблаш учун маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг жонли меҳнат сарфлари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш моддий ресурсларининг тўлиқ харажатлари коэффициентларини аниқлаш керак.

Жонли меҳнат сарфларининг коэффициентлари маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг ишлаган иш вақтлари ҳажми асосида аниқланади:

$$t_j^s = V_j^s / X_j^s, \quad (2.1.13)$$

$$\hat{t}_j^s = \hat{V}_j^s / X_j^s. \quad (2.1.14)$$

Жонли меҳнат сарфларини киши соатида ўлчаш ходимларни ишлаган иш вақтларини аниқ ифодалайди. Шунинг учун улардан тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлашда фойдаланилади:

$$T_j^s = \sum_{i=1}^m b_{ij} (t_j^s + \hat{t}_j^s), \quad (2.1.15)$$

бу ерда b_{ij}^s -қишлоқ ҳудуди таркибига кирмаган халқ хўжалиги тармоқларининг харажатларини бириктириб олувчи тўлиқ моддий харажатлар коэффициентларининг матрицаси.

Бешинчи босқичда тадқиқ қилинаётган худуднинг маҳсулот ишлаб чиқаришга жонли, буюмлаштирилган ва мажмуавий меҳнат сарфларини акс эттирувчи, меҳнат кўринишидаги ТАБ тузилади:

$$T_i^s X_{ij}^s; T_i^s \dot{X}_{ij}^s; T_i^s Y_i^s; T_i^s X_i^s; T_j^s X_j^s; V_j^s; \hat{V}_j^s. \quad (2.1.16)$$

Олтинчи босқичда тузилган баланснинг мувофиқлаштирилганлиги, яъни (2.1.7) ва (2.1.8) tengliklarни бажарилиши аниқланади. Агар мазкур шартлар бажарилса, баланс тузишнинг кейинги босқичига ўтилади, акс ҳолда ахборотларнинг ишончлилиги ва хисоб-китобларнинг тўғрилиги текширилади.

Еттинчи босқичда (2.1.13), (2.1.14) ва (2.1.15) ёрдамида қишлоқ худуди нинг маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг тўғри (h_j^s, \hat{h}_j^s) ва тўлиқ (H_j^s) бандлиги коэффицентлари аниқланади;

$$h_j^s = V_j^s / O_j^s = (t_j^s / X_j^s) / O_j^s, \quad (2.1.17)$$

$$\hat{h}_j^s = \hat{V}_j^s / \hat{O}_j^s = (\hat{t}_j^s / X_j^s) / \hat{O}_j^s, \quad (2.1.18)$$

бу ерда O_j^s ва \hat{O}_j^s – қишлоқ худудининг маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларига мос келувчи иш вақти меъёрий фондларининг ҳажми. Улар қуийидагича аниқланадилар:

$$O_j^s = n_{ne_j}^s \cdot N_j^s, \quad (2.1.19)$$

$$\hat{O}_j^s = \hat{n}_{ne_j}^s \cdot \hat{N}_j^s, \quad (2.1.20)$$

бу ерда $n_{ne_j}^s$ ва $\hat{n}_{ne_j}^s$ – маҳаллий ва жалб қилинган ходимга мўлжалланган йиллик иш вақти меъёри;

N_j^s ва \hat{N}_j^s – маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони.

Бу вақтда

$$H_j^s = T_j^s (h_j^s + \hat{h}_j^s). \quad (2.1.21)$$

Якуний босқичда ҳосил қилинган натижалар таҳлил қилинади, буюмлаштирилган ва жонли меҳнат сарфлари ўртасидаги нисбатни яхшилаш йўли билан ишчи кучи бандлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Меҳнат сарфларининг хисобот ТАБ ини тузишда таъкидлаб ўтилган босқичлар истиқбол балансига ҳам тегишилдири. Бундай турдаги балансни тузиш маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва тақсимлашнинг истиқбол ТАБ ахборотлари ва тўғри меҳнат сарфларнинг коэффицентлари ёрдамида амалга оширилади. Бу жараёнда меҳнат сарфларининг хисобот ТАБ маълумотларидан, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш бўйича нормалардан (меъёрлардан), қишлоқ худуди ривожланишининг мак-

роиқтисодий ва демосоциал кўсаткичларидан ва ишчи кучига талаб ва таклифнинг белгиланган истиқбол режаларидан кенг фойдаланилади.

Бундан ташқари, қишлоқнинг меҳнатга лаёқатли аҳолиси бандлиги секторларида меҳнат сарфларининг истиқбол ТАБини ишлаб чикишда ҳисобот даврларидаги меҳнат ва моддий харажатлар коэффициентларидан фойдаланилади. Шунинг учун фақат кўрилаётган даврнинг оралиқ йиллари учун тўғри меҳнат сарфлари аниқлангандагина юқорида ифодаланган услубдан фойдаланиш билан чекланиш мумкин.

Истиқболга мўлжалланган даврдаги тўғри меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлашда статистик ва норматив услублардан фойдаланилади.

Статистик услуг ёрдамида турли йиллар учун тўғри меҳнат сарфлари истиқбол коэффициентларини аниқлашда бир хил методикадан фойдаланиш керак, чунки методик фарқлар турли даврлардаги коэффициентларнинг миқдорини таққослаб таҳлил қилишни мушкуллаштиради.

Норматив услуг асосида тўғри меҳнат сарфларининг истиқбол коэффициентларини аниқлашда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари нормаси, шунингдек объектлар ривожланишининг техник-иктисодий кўрсаткичлари ҳам қўлланилади.

Маҳсулотларнинг сермеҳнатлиги ҳисоб-китоби ва истиқболини янада такомиллаштириш мақсадида унинг динамикаси (ўсишига) айрим омилларнинг таъсирини аниқлаш зарур. Омиллар таъсири бўйича сермеҳнатликнинг таҳлили учун математик статистика услуби, хусусан, кўпомиллик моделлар услубидан фойдаланиш мумкин. Омилларни танлаб олишда биринчи навбатда, сермеҳнатликка жиддий таъсир қилувчи меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини

танлаш керак. Танлаб олинган қўрсаткичлар миқдорий ўлчаниши керак.

Маҳсулот сермеҳнатлиги динамикасининг таҳлили учун омилларнинг умумий миқдоридан қўйидагилар танлаб олинади: меҳнатни фонд билан таъминланганлиги; меҳнатни энергия билан таъминланганлиги; ихтисослаштириш коэффициентлари; янги техникани тадбик этиш харажатлари; кадрлар қўнимсизлиги; малакали ходимлар улуши; қўл меҳнатининг улуши; меҳнат ресурслари умумий сонидаги ишловчиларнинг улуши. Улар асосида ишлаб чиқариш функцияси шакллантирилади ва маҳсулот сермеҳнатлиги ўсишининг иқтисодий-математик тахлили ўтказилади.

Юқорида қайд этилган услублардан бир вақтда фойдаланиш, яъни тўғри меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлаш янги комбинацион услугуни пайдо бўлишига асос бўла олади.

Ушбу услугуб асосида тўғри меҳнат сарфларининг истиқбол коэффициентларини аниқлашнинг асосий босқичларини кўриб чиқамиз.

1. Таққослаш маълумотларини олиш мақсадида меҳнат сарфларининг ҳисобот ТАБи тармоқлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш истиқбол ТАБи тармоқларининг таснифига кўра гурухланиш ўтказилади, сўнгра тўғри меҳнат сарфларининг янги ҳисобот коэффициентлари ҳисоблаб чиқилади.

2. Тўғри меҳнат сарфларининг тузатиш керак бўлган энг муҳим коэффициентлари танлаб олинади. Бундан ташқари қишлоқ ҳудудининг ҳар бир тармоғида меҳнатни фонд ва энергия билан таъминланганлигига, иш ҳақи ҳамда маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг ишлаган иш вақтига тузатишлар киритиш зарур бўлади.

3. Тўғри меҳнат сарфлари коэффициентларини ўзгаришини ЯИМнинг хажми ва таркибига турлича таъсири аниқланади.

Қишлоқ худуди ЯИМи ҳажми ва таркибининг таҳлилида корхоналарнинг репрезентативлигини ҳисобга олиш керак, улар уни ишлаб чиқаришда энг катта салмоққа эга бўлмоғи лозим.

Қишлоқ худуди ҳалқ хўжалигининг ҳар бир тармогидан вакил-корхоналарга тегишли тўғри меҳнат сарфларининг энг муҳим коэффициентлари ажратилади. Улар ўртасидаги, ҳамда тўғри меҳнат сарфларини ўртача коэффициентлари орасидаги фарқларни асословчи сабабларни аниқлаш учун тадқиқ қилинаётган худуд - меҳнат ресурсларининг иқтисодиёти ўрганилади. Айни бир вақтда вакил корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ҳам таҳлил қилинади.

Мазкур босқичда вакил - корхоналар учун тўғри меҳнат сарфларининг энг муҳим коэффициентлари қишлоқ худуди меҳнат сарфлари ишлаб чиқилган ҳисбот ТАБи маълумотлари асосида ҳисобланади.

4. Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга меҳнат сарфларининг нормалари қишлоқ худуди маҳсулот ишлаб чиқариши ва тақсимлашнинг истиқбол ТАБ ига мувоғиқ гуруҳларга ажратилади ва тузатишлар киритилади.

5. Кўпомилли моделлар ёрдамида танлаб олинган омилларни маҳсулот сермеҳнатлигининг динамикасига таъсири даражаси аниқланади ва унинг истиқбол кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади.

6. Истиқболга мўлжалланган даврда тўғри меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлаш жараёнида юқорида кўрсатилган маълумотлардан ташқари тадқиқ қилинаётган қишлоқ худуди вакили - корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг техник ва энергетик жиҳозланиши, қўл меҳнати улуши ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади.

Шундай қилиб, тўғри меҳнат сарфларининг ҳисоблаб

чиқилған истиқбол коэффициентларини түлиқ моддий харажаттарга күпайтириб, түлиқ меҳнат сарфларининг истиқбол коэффициентлари миқдори аниқланади. Қишлоқ худудларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ТАБининг юқорида баён этилган методологияси ва кўрсаткичлари асосида меҳнат кўринишидаги истиқбол ТАБи тузилади. У маҳсулот ишлаб чиқаришга жонли ва буюмлаштирилган меҳнат сарфларини ва истиқболда кўрилаётган даврдаги тўғри, ўтган ва түлиқ бандлик коэффициентларини аниқлашга имкон беради.

Қишлоқ худуди меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни тақсимлаш бўйича халқ хўжалигининг тармоқлари ва секторлари ўртасида яқин алоқа ўрнатишга, улардаги «тор жойларни» топишга ва уларни йўқотиш йўлларини белгилашга имкон беради. Айнибир вақтда мавжуд мутаносибсизлик аниқланади, қишлоқ худуди тармоқлари мутаносиб ривожланишининг тартибга солиниши ва ишчи кучи бандлиги, талаби ҳамда таклифини истиқболлаштириши таомиллаштирилади.


2.2. Қишлоқ ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштиришнинг асослари

Республикамиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг бозор моделларига ўтиши қишлоқ аҳолиси бандлигининг истиқболини белгилаш соҳасида бир қатор мураккаб ва кўп аспектли муамоларни қўяди, улар хўжалик юритишнинг янги шароитларида жиддий ўзгаришларга дуч келади.

Қишлоқнинг меҳнатта қобилиятли аҳолиси бандлигининг истиқболлаштиришга бир қатор ёндашишлар мавжуд [19, 28, 37, 46, 55]. Афсуски, улар бандликнинг марказлаштирилган режалаштириш шароитларидан келиб чиқади. Қишлоқ ишчи кучи талаб ва таклифини истиқболлаштиришнинг биз тавсия этаётган методо-

логияси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг замонавий талабларига кўпроқ даражада жавоб беради.

Ушбу методология асосини яқин келажакдаги ишчи кучига талаб ва таклифнинг динамикасини тадқиқ қилиш услублари мажмуаси ташкил қилади. У истиқболни белгилашнинг ўзаро боғлик қуидаги блоклари ёрдамида татбиқ этилади: мақсадни шаклланиши, тадқиқ қилинаётган жараён вазифалари, асосий муаммолари ва мезонларини аниқлаш; қишлоқ худуди ривожланишининг асосий макроиқтисодий ва демосоциал кўрсаткичларининг истиқболини қийматларини белгилаш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати секторларининг турли тармоқларида ва мулкчилик шаклларида аҳоли бандлигини истиқболлаштириш имкониятларини тадқиқ қилиш; хизмат ва сифат секторларининг турли тармоқларида ва мулкчилик шаклларида аҳоли бандлиги ривожланишининг истиқболларини белгилаш; қишлоқ ходимларини тайёрлаш ва қайтадан ўқитиш масалаларини ҳал қилиш; шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлар, якка шахсий меҳнат фаолияти каби шахсий меҳнат секторининг жабхаларида иш билан банд бўлганларнинг келажакдаги сонини аниқлаш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати секторларининг турли тармоқларида ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талабни истиқбол баҳосини бериш; хизмат ва сифат секторларининг турли тармоқларида ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талабни режалаштириш; шахсий меҳнат секторларида ишчи кучига талабни ва тадқиқ қилинаётган худуд аҳолиси иш билан бандлигининг барча секторларида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат ҳолатининг истиқболли кўрсаткичларини аниқлаш (2.2.1-расмга қаранг). Асосий блоклар мазмунини мукаммал кўриб чиқамиз.



2.2.1-расм. Кишлоқ ишчи кучи талаб ва таклифи истиқболлаштиришнинг ўзаро боғланган блоклари тизмаси.

Биринчи блокда мақсадлар шаклланади, ишчи кучига талаб ва таклифнинг асосий вазифалари, энг муҳим муаммолари ва нормалари, ҳамда қишлоқ худуди ривожланиши демосоциал ва макроиктисодий кўрсаткичларининг истиқболдаги даражалари аниқланади. Бандликнинг истиқболини белгилашда баланс ва ёшлар ўзгариши услублари бўйича ҳисоб-китобдан ҳосил қилинадиган қишлоқ аҳолисининг табиий ва механик ҳаракатлари ва бир ёшдан бошқасига ўтиши асосий демографик кўрсаткичлар бўлиб хизмат қиласди.

Қишлоқ худудининг иқтисодий-математик моделлар комплекси (айниқса эконометрик) ёрдамида аниқланадиган миллий даромади, ялпи ички маҳсулоти, меҳнат унумдорлиги, меҳнатни фонд ва энергия билан таъминланганлиги, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати, асосий фондлар ва ишчи кучидан фойдаланишининг сменалик коэффициентлари, ернинг ишловчиларга тақсимланганлиги, ва ижтимоий инфраструктура хизматлари билан таъминланганлиги каби бошқа макроиктисодий ва ижтимоий кўрсаткичларининг истиқболда кўзда тутилган даражаси тадқик қилинаётган обьект иқтисодиёти секторларининг турли тармоқларида ва мулкчилик формаларида аҳолини иш билан бандлиги истиқболининг ахборот базаси бўлади.

Иккинчи блокда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати секторларининг турли тармоқларида ва мулкчилик шаклларида аҳолининг иш билан бандлиги истиқболи имкониятлари аниқланади.

Иқтисодий адабиётларда қишлоқ аҳолисининг бандлиги – истиқболини белгилашда бир неча хил ёндашиш баён қилинган [55, 73, 80, 88, 114]. Улар ичида энг кўп ёйилганига [80] мувофиқ ҳалқ хўжалигига қишлоқ аҳолиси бандлигининг истиқболи ишчи кучи таклифининг истиқболидан келиб чиқиши керак. Аммо у ривож-

ланишнинг маълум босқичларида қишлоқ жойларида ҳал қилиниши лозим бўлган ижтимоий иқтисодий ва демографик вазифаларни ҳисобга олмайди.

Бошқа бир ёндашишга [55] мувофиқ, бандлик истиқболини белгилашда ҳалқ хўжалигининг ишчи кучига талабини аниқлаш бирламчи ҳисобланди. Бунда ишлаб турган корхоналардаги ходимлар сони меҳнат унумдорлигининг лойиҳалаштирилган ўсиши ҳақидаги маълумотлар асосида белгиланади, янги ишга туширилган корхоналарда эса ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришнинг лойиҳа маълумотлари ва графиклари бўйича ҳисобланади.

Баён этилган ёндашишлар бандликни истиқболлаштиришда (башорат қилишда) кенг қўлланилади, аммо бозор иқтисодиёти асосида хўжалик юритишга ўтиш бу муаммони меҳнат унумдорлигини ўсишининг берилган фоизи эмас, балки товарларга талаб нуқтаи назаридан ўрганишни тақоза этади. **Бундай ёндашишнинг моҳияти шундан иборатки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати секторларида ходимлар сони ушбу секторларнинг тармоқларида ишлаб чиқилган товарларга бўлган талаблардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.** Бозор иқтисодиёти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати секторларининг ҳар бир тармоғида ЯИМ ни энг кўп ишлаб чиқаришни таъминлаш ва якуний натижада бандликни ошириш бўйича имкониятларни баҳолаш учун ҳақиқий ишланган иш вақтини аниқлаш масаласига алоҳида муносабатни талаб қиласи.

Бизнинг фикримизга кўра, қишлоқ аҳолиси бандлиги истиқболини аниқлаш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаши саноати секторларининг ҳар бир тармоғида ЯИМ нинг йиллик ишлаб чиқарилиши ва бир ишловчини ўртача йиллик

ишиланган кунлар миқдорини баҳолаш талаб қилинади.

Йиллик ЯИМ ни истиқболлаштиришда иқтисодий статистика ва эконометрик тадқиқотларнинг турли хил услубларидан фойдаланиш мумкин [39, 115, 118, 123]. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси ушбу барча услубларнинг асоси бўлади. Ёндашишлардан бири шундан иборатки, бир йиллик ЯИМ - Т вақти орқали, тармоқ ЯИМ ини ишлаб чиқариши - X ёрдамида, меҳнат сифати сарфининг кўрсаткичи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва қайта ишилаш саноати секторларида банд бўлганлар ишчилар сонини (C) - уларнинг умумий сонига (N) - нисбати (C/N) сифатида аниқланади:

$$O = a_0 + a_1 X + a_2 T + a_3 C \cdot N, \quad (2.2.1.)$$

бу ерда O - бир йилда ЯИМ ишлаб чиқариш, a_0, a_1, a_2, a_3 - параметрлариdir.

ЯИМ нинг йиллик ишлаб чиқарилишини истиқболи белгилангандан кейин, тармоқларда уни ишлаб чиқаришини таъминлаш учун зарур бўлган соатларнинг умумий миқдорини аниқлаш мумкин. Кейин бандликнинг истиқболи учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишилаш саноати секторлари тармоқларида бир ишловчига ишиланган кунларнинг ўртача йиллик миқдорини баҳолаш зарур. Бундай истиқболни ўтган йилларда маълум бўлган тенденциялар асосида, математик статистиканинг яхши ишлаб чиқилган услубларини қўллаб амалга ошириш мумкин.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган баҳоларни ҳосил қилиб, банд бўлганлар миқдорини ЯИМ ини энг кўп ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун зарур кунларнинг умумий сонини истиқболда белгиланган ўртача йиллик ишиланган кунлар сонига алоҳида бўлиш сифатида аниқлаш мумкин.

Мазкур секторларнинг тармоқларидағи бандликнинг истиқболи мулкчилик шакллари бүйича банд бўлганлар умумий сонини тақсимланишини истиқболда кўзда тутиш учун бошлангич нуқта бўлади. Ушбу истиқболлаштириш кўп омиллик моделлардан фойдаланишга асосланган услубларини қўллаш билан амалга оширилади. Кўп омиллик моделларни тузишнинг биринчи босқичида ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчий омилар танлаб олинади. Иккинчи босқич маълум кўплиқдан асосий омилларни танлаб олиш ва уларнинг турлари ҳамда ўлчамларини аниқлашдан иборат бўлади. Корреляцион-регрессион таҳлил аппарати бу мақсадлар учун энг яроқли бўлади, унинг ёрдамида тадқиқ қилинаётган кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги акс эттирилиши мумкин. Аммо корреляцион-регрессион таҳлил услубларининг камчилиги шундан иборатки, улар ўрганилаётган ҳодисани бир ёки бир неча омилларнинг бирдан рўй берадиган ўзгаришлари таъсирини етарлича аниқ акс эттирмайди. Мулкчиликнинг турли шаклларини пайдо бўлиши ва улар бўйича ахборотларни етишмаслиги қайд этилган услубларнинг имкониятларини янада камайтиради. Шунинг учун эвристик истиқболни белгилаш услубидан фойдаланиш мақсадга мувофик кўринади, унинг можияти эксперталардан ўрганилаётган ҳодисалар истиқболининг келажакдаги баҳоларини олишдан иборат бўлади.

Учинчи блокда хизмат секторининг турли тармоқлари ва шаклларида аҳоли бандлиги ривожланишининг истиқболлари бўйича масалалар ҳал қилинади.

Аввал хизматга талабни таъминлаш учун зарур бўлган хизмат секторидаги бандликни баҳолаш керак. Бандлик миқдорини аниқлаш омилларни вужудга келтирган ўзаро алоқалар тузилмаси ва хизмат кўрсатиш натижалари асосида ўтказилади. Хизмат кўрсатишнинг зарурий ҳажмини топиб, ҳамда ноишлаб чиқариш

фондлари кўпайишининг нисбатан ўсиш гипотезасини қабул қилиб бандликнинг номаълум баҳоларини оламиз.

Таъкидлаймизки, мулкчиликнинг турли шакллари (давлат, кооператив, ҳиссадорлик, хусусий, қўшма ва ҳ.к) ривожланиши шароитларида хизмат кўрсатиш омиллари ва натижалари ўртасидаги ўзаро алоқаларда каттагина фарқланиш бўлиши мумкин. Шу сабабли ўзаро алоқаларни миқдорий баҳолаш мулкчиликнинг ҳар бир шакли учун алоҳида ўтказилиши керак. Хизмат секторида мулкчиликнинг давлат ва нодавлат шакллари «харажатлар-ишлиб чиқариш» функциялари мажмуасига эга бўлиб, мулкчиликнинг юқорида таъкидланган шакллари бўйича хизматларни амалга ошириш ҳажмлари ва ноишлаб чиқариш фонdlар тузилишларини ҳисоблаб, ходимлар бандлигини мулкчилик формалари бўйича тақсимланишини аниқлаш мумкин. Ушбу сектордаги бандликнинг тармоқлар тузилиши ҳақидаги масалани ҳам шунга ўхшаш ҳал қилиш мумкин.

Тўртинчи блок сифат секторида қишлоқ ходимларини тайёрлаш ва қайта ўқитиш кўрсаткичларини истиқболлаштиришга багишланган.

Кишлоқ хўжалиги ишилаб чиқариши, қайта ишлаш саноати, хизмат ва шахсий меҳнат секторларида банд бўлган қишлоқ аҳолиси сонини истиқболлаштириш сифат секторида ходимларни тайёрлашга талабни аниқлашга имкон беради. Кадрлар тайёрлаш ҳажмини аниқлашда бандликнинг ҳар бир ажратилган сектори учун иккита вазифани ҳал қилиш зарур:

- 1) табиий сабабларга кўра иқтисодиёт секторларидан озод этилган ходимлар сони;
- 2) хўжалик юритишнинг бозор шароитларида қишлоқ хўжалиги ишилаб чиқариши, қайта ишлаш саноати, хизмат ва шахсий меҳнат секторларида илмий-техник тараққиёт

ютуқларини қўллаш натижасида ходимлар сонидаги ўзгаришлар.

Биринчи ҳолда кадрларни тайёрлаш ҳажмлари ходимларнинг жинси, ёши таркибида келажакда бўладиган ўзгаришларни ҳисобга олиш билан баҳоланади.

Бундай ахборот кадрларни тайёрлаш ва ўқитишининг турли хил даражаларида ишдан озод этилган қишлоқ ходимлари сонини аниқлашга имкон беради.

Иккинчи ҳолда қишлоқ ходимларини тайёрлаш ҳажми эксперт баҳолари ва эконометрик тадқиқотлар ёрдамида аниқланади. Кадрлар тайёрлашнинг турли хил даражаларидаги қишлоқ ходимлари улушкининг эксперт баҳолари аниқ бир тармоққа керакли мутахассислар сонини, яъни ўқиётганлар сонини аниқлашга имкон беради. Эконометрик тадқиқотлар кадрлар тайёрлашнинг турли даражаларида қишлоқ ходимларининг сонидаги илмий-техник тараққиёт ютуқларини қўллаш ва иқтисодий ислоҳотларни ўtkазиш шароитларидаги ўзгаришларни ишлаб чиқариш функцияси сифатида акс эттиради. Бу ҳолда турли ҳил даражадаги маълумот ва малакага эга мутахассисларга қўшимча талабни янада чуқурроқ аниқлаш ва шунинг билан қишлоқ кадрларини тайёрлаш тизимида ўқитиши ҳажмини белгилаш мумкин.

Қишлоқ ходимларини ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда қайта тайёрлаш кўламларини аниқлаш ушбу блокнинг муҳим таркибий қисми бўлиши керак, бу гоятда мураккаб, чамаси, ишнинг биринчи босқичларида фақат эксперт баҳоларидан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга қишлоқ худудининг турли тармоқлари учун бундай жараёнлар кўламини миқдорий баҳолашга имкон берувчи омилларни аниқлаш учун модель тузиш зарур.

Бешинчи блок шахсий меҳнат секторида банд бўлганларнинг

истикбонли сонини аниқлашга бағишиланган, бу ерда ҳисоб-китоблар уч соҳа: якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шахсий-ёрдамчи хўжалиги, ва деҳқон (фермер) хўжалиги бўйича олиб борилади. Қишлоқ аҳолиси бандлигининг бундай соҳаларда истиқболлаштириш фоят мураккаб ва турли туман.

Ҳаммадан аввал якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлганларнинг умумий сонида кўп болалик оиласалар қанча миқдорни ташкил этишини аниқлаш муҳим. Унга бир ярим ёшгача болага қараш бўйича ҳақ тўланадиган таътилда бўлган барча отоналарни киритиш керак. Бу соҳадаги бандликка уч ва ундан ортиқ ёшдаги болаларни тарбиялаш бўйича ҳақ тўланмайдиган таътилда бўлган барча аёллар ҳам кирадилар. Баъзи бир оиласаларда аёллар ҳатто боласи бўлмагандан ҳам ишламайдилар. Бундай категориядаги аҳолини истиқболлаштириш фоят қийин. Иқтисодий ва демографик адабиётларда бу масала бўйича чукур тадқиқотлар амалда йўқ. Истиқболлаштиришнинг бу масаласида эксперт баҳолашни қўллаш яхши самара беради.

Бешинчи блокнинг таркибий қисми - қишлоқ аҳолисининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон-фермер хўжаликлиаридағи бандлиги истиқболини аниқлашдир. Бу ерда истиқбол ҳисоб-китоблари иккинчи блок методикаси ва аниқ социологик тадқиқотлар натижалари бўйича ўтказилади.

Олтинчи блок қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати секторларининг турли тармоқларида ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талабни истиқболлаштиришга бағишиланган. У мавжуд ва янги яратилган иш жойлари ҳолатига таъсир этувчи бир гуруҳ омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади: меҳнаттага рағбатлантирувчи омиллар $\vec{v} = (v_1, \dots, v_n)$ (иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, окладдан ташқари даромад ва ҳоказо); меҳнатни ташкил қилиш ва иш

тарибиға боғлиқ омиллар – $\bar{D} = (d_1, \dots, d_m)$ (иш кунининг ўртача давомийлиги, таътилнинг ўртача давомийлиги ва ҳоказо); маълум касб «рейтинги»ни таърифловчи омиллар – $\bar{R} = (r_1, \dots, r_g)$; иш жойини яхшилашга таъсир этувчи ижтимоий омиллар – $\bar{L} = (l_1, \dots, l_z)$ ижтимоий инфраструктура объектлари билан таъминланиш, саломатлик ва хавф-хатарни таърифловчи омиллар – $\bar{O} = (o_1, \dots, o_h)$ (ишининг хатарлилиги, касб касалликлари билан хасталаниш ҳавфи ва ҳоказо); иш жойлари сонининг ошишига таъсир этувчи омиллар – $\bar{W} = (w_1, \dots, w_k)$ (меҳнатни фондлар билан таъминланишининг ошиши, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, кичик, хусусий ва қўшма корхоналарни ташкил бўлиши ва ҳоказо); иш жойлари сонининг камайишига таъсир этувчи омиллар – $\tilde{W} = (w_1, \dots, w_n)$ (ишлаб чиқаришнинг қисқариши, корхоналарни тугатилиши, илмий-техник тараққиёт ютуқларининг тадбиқ этилиши ва ҳоказо); бошқа омиллар – $\bar{E} = (e_1, \dots, e_M)$.

Кайд этилган омилларга мувофиқ иш жойларининг нуфузлилик индекси қуйидаги кўринишга эга деб тахмин қиласиз:

$$H = h(\bar{V}, \bar{D}, \bar{R}, \bar{L}, \bar{O}, \bar{W}, \tilde{W}, \dots, \bar{E}) \quad (2.2.2)$$

Бу блокда ҳам эконометрик тадқиқот ва эксперт баҳолашни қўллаш мумкин.

Еттинчи блокда олтинчи блок услубиёти асосида хизмат секторининг турли тармоқларида ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талаб истиқболини белгилаш амалга оширилади.

Кишлоқ жойларида бозор мунособатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитларида мазкур секторда давлат мулкини хусусийлаштириш натижасида янгидан ташкил қилинган кичик, хусусий ва қўшма корхоналар сони ортмоқда. Бундай ҳолда малакали ишчи кучига талаб ўсади ва янги иш жойлари сонини ошишига ҳақиқий имкониятлар яратилади. Истиқбол режалари

тузилаётганда бундай иш жойларининг нуфузлилик даражасини ҳисобга олиш зарур. У ишчи кучига талаб ва ундан фойдаланишнинг ракобат қобилияти даражасини маълум даражада шакллантиради.

Ишчи кучига талабни истиқболлаштиришда хизмат сектори обьектларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан озод этилган ходимларнинг ўтиб ишлаши эҳтимолини ҳам инобатга олиш керак. Бу ерда эксперт баҳолаш энг қулай услугуб ҳисобланади.

Саккизинчи блок шахсий меҳнат секторида ишчи кучига талабни аниқлашга бағищланган.

Якка тартиbdаги меҳнат фаолиятида ишчи кучига талабнинг истиқбол даражаси авваламбор оиладаги болалар сони, аёлларнинг ёш болаларни тарбиялаш бўйича таътил муддати, мактабгача болалар муассасалари билан таъминланганлиги, хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши каби қишлоқ худуди тараққиётининг демосоциал ва иқтисодий қўрсаткичлари ўсиши ва кўламлари билан асосланади.

Шахсий-ёрдамчи ва дехқон ҳўжаликларида ишчи кучига талабнинг истиқбол қўрсаткичлари кўпроқ қишлоқ хўжалиги тармоқлари маҳсулотларига эҳтиёжнинг даражаси ва ушбу тармоқлардаги мавжуд иқтисодий имкониятлар кўламига боғлиқ. Бу тармоқларда статистик ҳисботни етарлича олиб борилмаслиги истиқболлаштиришни мураккаблаштиради. Шунинг учун эксперт баҳолаш ва аниқ социологик тадқиқотлар воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофик.

Энг мураккаб ва амалда қўланиладиган ҳисоб-китобларнинг якуний қисми - тўққизинчи блокда олиб борилади. У қишлоқ худуди иқтисодиёти барча секторларининг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбатини башоратлаштиришга бағищланган. Бу ерда кўп омилли

тахлил ёрдамида жонли меҳнатга талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбатга эришишга бевосита таъсир этувчи омилларни танлаш зарур. Уларга қуйдагилар киради: иш жойлари миқдорининг ўзгариши, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришлари, меҳнатни фонд ва энергия билан таъминланиши, мулкчиликнинг турли хил шаклларини ривожланиши, меҳнат ресурсларининг сони, бандлиги, малакаси, мобиллиги ва рақобат қобилиятини ўзгариши ва бошқалар.

Ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбатни аниқлаш - аҳоли бандлигини ишончли истиқболлаштиришнинг якуний натижасидир. Бундай ҳисобкитобларни фақат иқтисодий - математик услублар ва истиқбол моделларини тўғри ишлаб чиқиш ҳамда тадбиқ этиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Шундай қилиб, мазкур методология қишлоқда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг ишончли истиқбол режасини тақдим этишга, ишчи кучи талаб ва таклифининг истиқболли ҳолатини аниқлашга ва улар ўртасидаги рационал нисбатларни белгилашга, қишлоқ ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миқдорини топишга олиб келади. Бундан ташқари, ушбу методологиядан фойдаланиш ҚМБ фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини аҳборотлар билан таъминлашни ҳам яхшилайди.

2.3. Қишлоқ меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли комплекс дастури

Мақсадли комплекс дастур ҚМБ ининг келажакдаги фаолиятида асосий тадбирларни ишлаб чиқишининг самарали воситаларидан бири бўлиб, у методологик нуқтаи назардан нисбатан кам ўрганилган [42, 88, 118]. Шунинг учун биз ҚМБи

фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини тузиш методологиясини тавсия этаяпмиз. У қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторида ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш, қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида жонли меҳнат ва иш жойларига ўсиб бораётган талабларни қаноатлантириш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш, ишсизликни камайтириш, юқори малакали касбга эга ходимларни шакллантириш, бандликнинг инфраструктураси объектларини самарали ривожлантириш, банд бўлмаган шахсларнинг ишончли ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш, дастурни амалга оширишнинг ташкилий, иқтисодий ва хуқуқий механизмларини та-комиллаштириш каби қисқа ва узоқ муддатли тадбирларни ишлаб чиқишига имкон беради. Ушбу дастур бандликнинг давлат сиёсати, инфляция ва ишсизлик, бандлик ва инвестициялар, иш жойлари ва меҳнат ресурслари ўртасидаги макроиқтисодий нисбатлар билан узвий боғланган ҳолда ишлаб чиқилади.

Ушбу дастурнинг барча бўлимлари ва тадбирларини ишлаб чиқиша қўйидаги асосий тамойилларга асосланади: мақсадга йўналтирилганлик; комплекслилик; боғланганлик; аниқлик; кўп вариантлик; ҳақиқийлик; рационаллик; устуворлик; чекланганлик; муддатлилик; эгасига мўлжалланганлик; бошқарувчанлик.


Дастур: таҳлиллар ва муаммолар, мақсадлар, илмий услублар, ахборотлар, моделлар ва ҳисоблаш техникаси, дастурлар, ресурслар, йиғма, ташкилий-иқтисодий ва хуқуқий механизмлар каби ўзаро баглиқ бўлимлардан иборат.

Биринчи бўлим таҳлиллар ва муаммолар деб ном олган иккита бўлимчалардан ташкил топади. Таҳлиллар бўлимда ҚМБ нинг ҳозирги вазиятдаги фаолиятига, ҳамда ишчи кучига талаб ва

таклиф ҳамда ишсизликнинг кўрсаткичлари динамикасига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг қишлоқ ҳудудини иқтисодий, ижтимоий ва демографик ривожланишининг турли жиҳатлари билан алоқаларига миқдорий баҳо берилади. ҚМБ идаги вазият, аввало ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбати ва уни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларининг тармоқлардаги ўзгаришлари билан ифодаланади. Дастурни ишлаб чиқишида меҳнатга қобилиятли иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган (ишсиз) аҳолининг миқдори ва сифати таснифлари, ҳамда бандликка кўмаклашиш жамгармаси шаклланишида иштирок этувчи молиявий ресурслар, корхона ва ташкилотларнинг даромадлари, ходимлар иш ҳақининг даражаси муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчи бўлинмада ҳудудий ҚМБ фаолияти бўйича тадбирлар ишлаб чиқишида вужудга келадиган асосий муҳим муаммолар аниқланади. Уларга қуидагилар киради: қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторлари тармоқларида ишчи кучига талаб ва таклифнинг ошиши; ходимларнинг қишлоқ хўжалигидан озод бўлишларини таъминланиши; ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги ўсиб борувчи номутаносибликтининг қисқариши; миллий кадрлар малакаси ва рақобат қобилиятининг ошиши; ишсизликнинг йўл қўйиладиган (табиий) даражагача камайтирилиши; ишчи кучини ёллаш бўйича бозор мунособатларини тартибга солишида иқтисодий ва ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ва бошқалар.

Дастур таркибида ҚМБ фаолиятининг «мақсадлар дарахти» асосида шаклланган мақсадлар бўлими етакчи ўрин эгаллайди. Дастурдаги мақсадлар уларни амалга оширишининг устуворлиги ва уларга эришиш учун зарур бўлган ресурслар ва воситаларнинг мавзусига қараб, кетма-кетлик тартибида жойлашган бўлади. (2.3.1-расм).



2.3.1-расм. Қишлоқ мөхнат бозорни фаолияти «мақсадлар даражти» нинг акс этириш чизмаси.

Асосий мақсад (О) - қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлигини яхшилаш.

Биринчи даражалик мақсад - меҳнат ресурсларининг оқилюна бандлигини таъминлаш: 0.1.1 - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш секторидаги экинларнинг мавжуд таркибини ўзгартириш ва интенсив технологияларни қўллаш йўли билан меҳнат қилиш минтақасини қисқартириш; 0.1.2 - қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида маҳаллий ва хорижий инвестициялар ҳисобига янги иш жойларини яратиш; 0.1.3 - иш жойлари билан меҳнат ресурслари ўртасидаги рационал нисбатларга эришиш.

Иккинчи даражали мақсад - ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш: 0.1.2.1 - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторида ишчи кучига талабни камайтириш; 0.1.2.2 - қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларига ишчи кучига талабни ошириш; 0.1.2.3 - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш секторига ишчи кучи таклифини камайтириш; 0.1.2.4 - қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат, ва шахсий меҳнат секторларига ишчи кучи таклифини ошириш; 0.1.2.5 - ёлланма ходимлар ва иш берувчиларнинг шахсий ва жамоа манфаатдорлигини таъминлаш; 0.1.2.6 - ёлланма ходимлар касб-малака даражаси ва рақобат қобилиятларини ошириш.

Учинчи даражали мақсад - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш секторида ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш: 0.1.2.3.1 - меҳнат унумдорлигини ошириш; 0.1.2.3.2 - асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; 0.1.2.3.3 - интенсив технологияни қўллаш; 0.1.2.3.4 - мулкчиликнинг ижара, қўшма ва хусусий шаклларини самарали тадбик этиш; 0.1.2.3.5 - ушбу сектор ичida таркибий ўзгаришларни таъминлаш; 0.1.2.3.6 - мазкур сектордан озод қилинган ходимларни иш билан

таъминлаш учун қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторлари тармоқларида меҳнатни кўллаш минтақаларини кенгайтириш; 0.1.2.3.7 - озод бўлган қишлоқ хўжалиги ходимларини ишчи кучи етишмайдиган ҳудудларга кўчишига кўмаклашиш ва рағбатлантириш.

Тўртингчи даражали мақсад - ишсизликни кескин камайтириш: 0.1.2.3.4.1 - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлашнинг мавсумий даврларида вақтинчалик иш жойларини тақдим этиш; 0.1.2.3.4.2 - қишлоқ хўжалиги бўлмаган янги иш жойларини яратиш; 0.1.2.3.4.3 - кафолатлаштирилган (квоталаштирилган) янги иш жойларини яратишга ҳамкорлик қилиш; 0.1.2.3.4.4 - банд бўлмаган аҳолини ўзини-ўзи банд қилишларига ҳамкорлик қилиш ва рағбатлантириш; 0.1.2.3.4.5 - ижтимоий ишларни ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.6 - банд бўлмаганларнинг касб - малака даражаси билан иш жойлари тузилишини мувофиқлаштириш; 0.1.2.3.4.7 - қўшимча иш жойларини яратувчи хусусий тадбиркорларни рағбатлантириш; 0.1.2.3.4.8 - банд бўлмаган кишиларни ишчи кучи етишмайдиган туманларга вақтинчалик кўчишига ҳамкорлик қилиш ва рағбатлантириш; 0.1.2.3.4.9 - банд бўлмаган ишчи кучи экспортини ташкил қилиш ва рағбатлантириш.

Бешинчи даражали мақсад - ҚМБ фаолиятини тартибга солишининг ташкилий-иктисодий ва ҳуқуқий механизмлари самарадорлигининг ошишини таъминлаш: 0.1.2.3.4.5.1 - банд бўлмаган аҳоли учун янги иш жойларини яратиш бўйича давлат, маҳаллий ва ҳорижий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; 0.1.2.3.4.5.2 - нодавлат тузилмалар учун ишга қабул қилишга квоталарни ва иктисодий рағбатлантиришнинг тегишли тадбирларини белгилаш; 0.1.2.3.4.5.3 - деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил қилиш ва кичик, ўрта бизнес ҳамда

хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар бериш; 0.1.2.3.4.5.4 - ишсизлар учун янги иш жойларини ташкил қилувчи ҳорижий тадбиркорларни асосий солиқлардан озод қилиш; 0.1.2.3.4.5.5 - ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича ҳар қандай маъмурий чеклашларни бекор қилиш; 0.1.2.3.4.5.6 - ишсизлик нафақасини ошириш; 0.1.2.3.4.5.7 - мавсумий жамоа ишларини ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.5.8 - доимий жамоа ишларини (ободончилик, иқтисодий ишлар, ижтимоий ҳимоя ва ҳоказо) ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.5.9 - ишсизларни қайтадан ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.5.10 - ишчи кучига талаб, унинг таклифи ва нарҳи ҳақидаги маълумотларнинг статистик, кадрлар маркетинги ва социологик банкини яратиш; 0.1.2.3.4.5.11 - ёлланма ходимлар ва иш берувчилар ўртасида бозор мунособатларининг ҳуқуқий асосларни яхшилаш.

Мақсадларнинг мазмуни қишлоқ ҳудудидаги ижтимоий-иктисодий ва демографик вазиятларга мувофиқ ўзгаради. Юқорида қайд этилган мақсадлар республикамизнинг бозор иқтисодиётiga ўтиш даври учун мўлжалланган.

Дастурнинг илмий услублар таъминот бўлими ҚМБ фаолияти соҳасидаги сиёsatни ишлаб чиқиш ва ўтказишининг илмий-амалий асосларини яратишдан бошланади. Унга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ: меҳнат бозорини тартибга солишининг тамойиллари ва ёндашишлари; мақсадга эришиш усуллари; бандлик сиёsatининг асосий йўналишлари; ишчи кучи талаби ва таклифини тартибга солиш соҳасидаги устуворликлар; ташқи ва ички ижтимоий-иктисодий шароитларни ўзгартириш бўйича муқобил тадбирлар; ҚМБ тизимчаларини шакллантирувчи омиллар; ижтимоий-иктисодий сиёsatнинг бошқа блоклари билан ўзаро ҳамкорликлари.

Бундан ташқари бу бўлимида ҚМБ фаолияти ҳолатининг

таҳлили ва истиқболлаштиришда қўлланиладиган услублар, қоидалар ва йўриқномалар мажмуаси ҳам ўз аксини топади.


Дастурни ишлаб чиқишида - ахборотлар билан таъминлаш бўлими муҳим аҳамиятга эга. У статистик ҳисботнинг амалдаги ва таклиф этилган янги формаларининг ва биз томондан ишлаб чиқилган методик тавсиялар ёрдамида ўтказилган ҚМБини шаклланиши ва ривожланиши асосий компонентларини ўрганиш бўйича кадрлар маркетинги ва аниқ социологик тадқиқотларнинг маълумотлари асосида шаклланади.

Мазкур бўлимда товарлар, қимматбаҳо қофозлар, илмий ишланмалар бозорлари, тадқиқ қилинаётган худуд ривожланишининг демографик, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида ахборотлар ҳам бўлади.

Дастурнинг моделлар ва ҳисоблаш техникаси таъминоти бўлими ҚМБ шаклланиши ва ривожланишининг таҳлили ва истиқболини белгилашда ҳамда рационал параметрини аниқлашда қўлланиладиган эконометрик моделлар, баланс услублари, амалий ва муаллиф яратган программалар пакети, ҳисоблаш техникаси ва бошқа воситалар мажмуасидан иборат бўлади. Бўлим негизини ташкил қилувчи эконометрик моделлар комплекси ушбу тадқиқотнинг учинчи бобида батафсил ифода этилган.

Дастурлар таъминоти бўлими ўз ичига турли тадбирларни, уларни бажарувчи масъул шахсларни ва бажариш муддатларини кўрсатган ўзаро боғланган аниқ дастурчалар мажмуасидан иборат бўлади. Улар ҚМБ фаолиятининг «мақсадлар дарахти» асосида тузилади (2.3.2-расмга қаранг). Ҳар бир дастур ўзаро боғланган бир неча бўлимлардан ташкил топади.

Ресурслар таъминоти бўлими дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник ва молиявий ресурсларни ва уларни ҳосил қилиш манбаларини акс эттиради.



2.3.2-расм. ҚМБ фаолияти мақсадли комплекс дастурининг ўзаро боғланган дастурчалар чизмаси

Унинг молиявий маблағлари (М) қуйидаги асосий йўналишлар бўйича сарфланиши кўзда тутилади: ишсизларга нафака бериш (Н); жамоа ишларини ташкил қилиш (Ж); қисман ёки тўлик бўлмаган бандликка кўмаклашиш (Б); пенсияга муддатдан эртароқ чиқишга ёрдам бериш (П); ходимларни қайта тайёрлаш ва ўқитиш (Ў); янги иш жойларини яратиш(И); ишсизларни ўзини ўзи банд қилишига ва тадбиркорлигига кўмаклашиш (Т); миграция (М); компьютер техникаси (К), амалий программалар пакетлари (П), методик йўрикномалари (Й), харид қилиш ва бошқа йўналишлар (Б).

Бу ҳолда керакли молиявий маблағлар ҳажми қуйидаги тартибда аниқланади.

$$M = a_1H + a_2J + a_3B + a_4P + a_5U + a_6I + a_7T + \\ + a_8M + a_9K + a_{10}P + a_{11}Y + a_{12}B, \quad (2.3.1)$$

бу ерда a_n - тузатиш киритувчи коэффициентлар ($n = 1,12$).

Дастурни маблағлар билан таъминловчи ҳудуднинг молиявий ресурслари (МР) қуйидаги манбалар асосида шаклланади: бандликка кўмаклашиш жамғармасининг маблағлари (БЖ); вилоятлар ва қишлоқ туманлари бюджетларининг маблағлари (МБ); юқори идора ва бошқа бюджетларнинг тушумлари (бевосита бандлик жамғармаси тушумларидан ташқари) (ББ); давлатни бандликка кўмаклашиш жамғармасининг мақсадли тушумлари (ДБЖ); бюджетдан ташқари тушумларнинг маблағлари (вилоят, қишлоқ туманлари) (ТТ); корхона ва фирмаларнинг жалб этилган маблағлари (КФМ); шахсий молиявий-тижорат фаолиятидан (ШМ), лотарея-заёmlар, кредитлар (К), ҳайриялар (Х) ва бошқа маблағлардан (БМ) тушумлар .

Молиявий ресурсларнинг барча ҳажми қуйидаги тартибда аниқланади:

$$MP = БЖ + МБ + ББ + ДБЖ + ТТ + КФМ + \\ + ШМ + ЛЗ + К + Х + БМ. \quad (2.3.2)$$

Сводный (йигма) бўлимда ҚМБнинг тахмин қилинадиган ҳолати, дастур тадбирлари амалга оширилгандан кейин аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик даражасини таърифловчи якуний кўрсаткичлар (натижалар) мавжуд бўлади. Уларга қуидагилар киради: қишлоқдаги меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган аҳоли сони; ишчи кучига талаб, таклиф ва баҳо (меҳнат хақи); янги яратилган иш жойлари миқдори; ишга (доимий ва вақтингчалик) жойлашган шахслар; малакасини ошираётган ишчилар сони; ишсизлар сони, жумладан нафақа олувчилар; ихтиёрий банд бўлмаган шахслар сони; ишчи кучини экспорт қилишнинг ҳажми ва бошқалар.

Дастурни амалга оширишнинг ташкилий-иктисодий бошқарув механизми бўлими ўз ичига қуидагиларни олади: биринчидан, дастурни бошқаришнинг турли даражадаги идоралар тизимини; иккинчидан, иктисодий нормативларни такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар мажмуасини; учинчидан, муаммоларни ҳал қилишга ажратилган ресурсларни тақсимлашни ва бошқаришнинг услублари ҳамда шаклларини; тўртинчидан, дастурий топшириқларни амалга ошириш устидан назорат қилишнинг шакллари ва услубларини.

Дастурнинг ҳуқуқий таъминот бўлими меҳнат бозори фаолиятини тартибга солишга мўлжалланган юридик ва норматив хужжатлардан иборат бўлади («Аҳолини иш билан таъминлаш ҳақида»ги қонун, Меҳнат Кодекси ва бошқалар). Янги ҳуқуқий норматив хужжатлар қабул қилинганидан кейин улар зудлик билан дастурни амалга оширувчиларга етказилиши керак.

Дастурни ишлаб чиқиши ва бошқаришни ташкил қилишнинг

асосий босқичлари бўлимларнинг изчилилк билан жойланишига асосланади: мақсадлар ва асосий вазифаларни аниқлаш; таҳлил ва истиқболлаштиришнинг методик ва модел аппаратларини ишлаб чиқиш; статистик, маркетинг ва социологик ахборотларни йигишиш ва таҳлил қилиш; дастурчалар мажмуасини тузиш; дастурга аниқлик киритиш ва тасдиқлаш; дастурни амалга ошириш бўйича бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини яратиш.

Мазкур дастур самарадорлигини харажатлар билан натижаларни таққослашнинг классик йўли орқали баҳолаш мумкин эмас. Уни амалга оширишнинг самарасини ишчи қучига талаб ва таклиф ўртасидаги фарқ динамикаси ва ахолини иш билан бандлиги ҳамда ишсизлик даражасига қараб баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга дастур тадбирларининг самарадорлиги ва асосланганлиги маълум даражада ҚМБ фаолияти ҳолатини комплекс таҳлил ва истиқболлаштиришга имкон берувчи эконометрик моделлар комплексининг амалийлик (адекватность) даражасига ҳам боғлиқ.

2.4. Меҳнат бозорини моделлаштиришдаги хорижий ёндашишларнинг таҳлили

Меҳнат бозори моделларига кўп сонли хорижий адабиётлар багишиланган [126-157]. Шунинг учун унинг баъзи бир таснифини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат бозорини моделлаштириш бўйича бир қатор тадқиқотларда моделларни турли хил таснифлари келтириллади [126, 127, 145, 152]. Биз [126] ишда келтирилган таснифни қўллаб-қувватлаймиз, чунки унга мувофиқ моделларнинг учта асосий категориялари ажратилади: **мувозанатли моделлар, мувозанатсиз моделлар, меҳнат бозорининг жамоа**

шартномалари билан моделлари.

Мазкур таҳлилнинг асосий мақсади - ўрганилаётган хорижий ёндашишлардан қайси бири ҚМБ шаклланиши ва ривожланишини моделлаштиришда қўлланиши мумкинлигини аниқлашдан иборат.

Мувозанатли ёндашиш иш ҳақи вактининг ҳар бир даврида ишчи кучига талаб ва таклифни “бараварлаштиришни” кўзда тулади. Таъкидлаймизки, талаб ва таклиф тенгламаси меҳнат бозорини моделлаштиришнинг мувозанатли ва мувозанатли бўлмаган ёндашишларида тўғри ифодаланади.

Мувозанатли ёндашишнинг асосий ҳусусияти шундан иборатки, бу ерда ишсизлик фавқулодда содир бўлган ҳодиса сифатида тушунилмайди, балки иқтисодиётдаги баъзи бир мос келмаслик туфайли, яъни таклиф ва бандликни давлат томонидан тартибга солиш каналлари орқали содир бўлади [145].

Одатда, меҳнат бозорида рақобатдан таянч нуқтаси сифатида фойдаланилса ҳам, мувозанатли ёндашиш рақобат бўлмаган вазиятни моделлаштиришга имкон беради. Масалан, модел [143] - эркин рақобатли талабнинг тенгламаси, [157]- ишда эса ишчи кучига талаб тенгламаси - ишлаб чиқарувчининг якка хукумронлигига асосланади. Бундай шароитларда, таклиф ва талабни аниқловчи экзоген параметрларни хисобга олиш керак.

Мувозанатли моделлар - «янги классик мактаб» деб номланган ҳозирги замон консерватив йўналиш назариячиларининг маҳсулоти. Бу мактабнинг бошлиғи Р.Е.Лукаснинг айтишича, бу йўналиш кейнсчиларнинг моделлари 80-йиллардаги инқироз ҳодисаларини тушунтира бера олиш қобилиятига эга бўлмаганлиги туфайли пайдо бўлган [137].

“Янги классик мактаб” намоёндаларининг назарий асослари

учта дастлабки шарт-шароитларга суюнади: хўжалик субъектларининг рационал кутишлари ҳақидаги гипотезага; нархларни (шу жумладан ишчи кучига ҳам) мутлақ эгилувчанлигига; иқтисодий амалиётда нархлар бир зумда бозор мувозанатлигини ўзгартиришига. Барча бозорлар товарларнинг ортиқча таклифидан тез ва тўлиқ озод бўладилар, бунинг натижасида бутун тизим мувозанатда бўлади [142, 46 б.].

Бу асосий қоидаларни ўрганиб, шундай хulosага келиш қийин эмаски, моделларнинг мувозанатли туридан ҚМБ моделларни тузишда фойдаланиш анча муракаб ва даргумон. Чунки бозор ижтимоий - иқтисодий муносабатлари яхши ривожланган мамлакатларда ишчи кучи талаби ва таклифини тартибга солишда “сусткашлик” хукмрон бўлади.

Моделларнинг мувозанатли турига якун ясад туриб, таъкидлаш керакки, янги классикларнинг меҳнат бозорини моделлаштиришга ёндашишларининг асосий мазмуни - давлат ўтказаётган фаол макроиктисодиёт сиёsatни рад этишдан иборат.

Мувозанатсиз ёндашиш. Меҳнат бозорининг мувозанатли бўлмаган моделлар назариясининг мувозанатлидан энг муҳим фарқи - давлатнинг уни тартибга солишдаги ўрнидадир. Ҳозирги замон консерватив йўналишдаги назариячиларининг меҳнат бозорини тартибга солишда давлатнинг ўрнига нуқтаи назарлари М. Фридманнинг «монетаризм» концепциясида яхши баён этилган. У таъкидлайди, “ўзгартирилган” нархлар - ҳар қандай бозорлардаги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги тенгсизликни йўқотишда бош тўсик [130, 95 б.].

Шу билан бирга, кейнсианчи неоклассик синтез назариянинг намоёндалари илмий ишларида меҳнат бозорининг мувозанатсиз моделлари батафсил ёритилган ва улар турли-туманлиги билан

фарқланади.

Х. Розон ва Р. Квант мувозанатли бўлмаган услублар тадқиқотида биринчилардан бўлдилар. Уларнинг тадқиқотларига мисол сифатида меҳнат бозорининг мувозанатли бўлмаган моделини келтириш мумкин (1978й.) [154]. Муаллифлар, Америка иқтисодиётининг 1930-1973 йиллардаги ривожланиши ҳақидаги ҳар йиллик маълумотлардан фойдаланиб шундай хulosага келдиларки, мувозанатли бўлмаган модель баъзи бир кутилмаган натижаларга қарамасдан мувозанатлига қараганда яхшироқ: 30-йилларда модель бўйича ишчи кучига талабнинг кескин ошиши олинган. Муқобил мувозанатли бўлмаган моделлар Ж.Рудебушнинг [155] услубидан фойдаланишга асосланган. Х.Розен ва Р.Квант сингари Ж.Рудебуш (1986й.) ҳам АҚШ маълумотларидан фойдаланиб, 1952-1981 йиллардаги чораклар бўйича маълумотларга таянган. Моделлаштиришнинг мувозанатли бўлмаган усуллари қаторида яна С.Холлнинг инглиз меҳнат бозори модели ҳақидаги ишини [132] ҳам эслаб ўтиш зарур. Бу ишда ишсизлик кўламларини баҳолаш ва иш ҳақини тартибга солишининг мувозанатли бўлмаган услублари яхши ифода этилган.

Умуман, ҳисоблаш мумкинки, мувозанатли бўлмаган модельлаштиришнинг қоидалари кўпроқ даражада бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида давлатларнинг меҳнат бозорини модельлаштириш талабларига яхши мос келади. Шу сабабли биз ҚМБ шаклланиши ва ривожланишининг эконометрик моделлари комплексини тузишда хорижий олимларнинг мувозанатли бўлмаган моделлар назариясидан баъзи бир қоидаларнигина фойдаланиш мумкин, деб ҳисобладик (III бобга қаранг).

Меҳнат бозорларининг жамоа меҳнат шартномалари билан моделлари фирмалар ва касаба уюшмалари ўртасидаги кенг

шартнома жараёнларига асосланади. Биз бундай моделларни мувозанатли ва мувозанатли бўлмаганлардан фарқлаймиз. Чунки соф бозор тартибига солиш ёки чекланган бозор тартибига солиш концепцияси бу моделлар билан ўзаро боғланмайди. Бундай тасниф [132] ишда яхши ифодаланган.

Меҳнат бозорларининг жамоа меҳнат шартномалари билан моделларида учта эҳтимол бўлган турлар мавжуд. Улар, асосан, учта шарт-шароитларга асосланади. Биринчидан, бундай ёндашиш касаба уюшмалари билан ишчи кучини ёлловчи фирмалар ўртасида жамоа меҳнат шартномаларининг ривожланган тизими мавжудлигини назарда тутади. Бундай турдаги муносабатлар тегишли қонунчилик хужжатлари билан тартибга солинади. Иккинчидан, агар касаба уюшмаси ўз аъзолари учун иш ҳақи даражасини белгиласа, унда фирмалар бандликнинг унга тегишли даражасини белгилашлари мумкин. Учинчидан, фирма ва касаба уюшмаси - ҳам иш ҳақи ва ҳам бандлик даражаси ҳақида келишиб олишлари мумкин. Биринчи икки шартларга якка хукмрон иттифоқнинг оддий модели мос келади [140, 146, 147]. Бу модель турли ёндашишлар асосида тузилган.

Биринчи ёндашиш шундан иборатки, бандликнинг самарали натижасига эришиш учун касаба уюшмаси ва фирма - ҳам бандлик ва ҳам иш ҳақи борасида келишиб олишлари керак. Шу билан бирга касаба уюшмаси бандлик даражасига баъзи бир таъсирлар кўрсатиши назарда тутилади. Ҳақиқатда эса, касаба уюшмаси фирма билан меҳнат шароитлари ва интенсивлиги ҳақида келишиб олиши мумкин бўлса ҳам, фирма ҳали ҳам бандлик даражасини назорат қиласеради [147, 150].

Иккинчи ёндашиш биринчисини умумлаштирилиши бўлади. Касаба уюшмаси ва фирма иш ҳақи ҳақида келишиб оладилар, шу

билин бирга фирма бандлик даражасини бевосита белгилаш ва уларни иқтисодий вазиятларга мувофиқ «бошқариш» ҳуқуқини ўзида қолдиради. Бундай ёндашишга мисол сифатида С.Никкель ва М.Эндрюснинг [144] Англия маълумотлари асосида тузилган моделини келтириш мумкин.

Кейинги пайтларда Скандинавия мамлакатларида яратилган меҳнат бозорининг моделлари жамоа ёндашишига асосланган. Мисол сифатида биз Освальднинг [147, 148] 70-йиллар бошларига тегишли асарларини, Я.Пекконенning [149] фин меҳнат бозори моделини (1978й.) таъкидлаб ўтамиз. Меҳнат бозорини тартибга солишининг фаол механизми бу ерда асос сифатида бўлади. Шунинг учун биз жамоа ёндашишини етарлича мукаммал таҳлил қилдик. Лекин республикамиизда жамоа ёндашиши қоидаларига суюнувчи моделлар яратиш учун ҳали шароит ва эҳтиёжлар шаклланмаган. Шунга қарамасдан, ушбу усул меҳнат бозори моделларини ишлаб чиқишида муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Муаллиф томонидан шакллантирилган ёндашишининг асосий қоидалари:

1. Республикамиизда ҚМБининг шаклланиши ва ривожланиши моделларини тузиш учун кейнсианчи неоклассик синтез назарияси методологик асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун кейинги йилларда меҳнат бозори ва аҳоли бандлигини моделлаштиришининг методологик асосларига иқтисодий адабиётларда кўпроқ аҳамият берилмоқда. Улар ичидан В.Г.Костаков [55], Бреев Б.Д. [27, 28], Н.С.Аликариев [18], А.Г.Коровкин [53], Л.П.Максакова [63], И.С.Маслова [65], Р.А.Убайдуллаева [107], Л.Е.Минц [69, 70], Н.Хўжаев [113] ва бошқаларнинг илмий ишларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Уларда аҳоли бандлигининг худудий тенденциялари тадқиқ қилиниб, унинг шаклланиши таҳлили ва

истиқболи етарлича баён этилган.

2. ҚМБни шакллантиришнинг бошлангич босқичида давлат томонидан фаол тартибга солиш механизмига суюнувчи мувозанатсиз ёндашув эконометрик моделлаштиришнинг энг яхши куроли ҳисобланади.

3. Агар фарбий моделлар ишсизлик товарларни ортиқча ишлаб чиқаришдан вужудга келишини акс эттирса, бизнинг мамлакатимизда эса меҳнат бозорини шаклланиши иқтисодий пасайиш ва истеъмол бозоридаги умумий етишмаслик шароитларида бошланмоқда. Бундай вазиятни меҳнат бозори моделларини ишлаб чиқишида ҳисобга олиш керак.

4. ҚМБ да ишчи кучига таклиф етарлича «инерцияли» кўринади. Уни баҳолаш учун якка шахс томонидан эркин вақт ёки ишни афзал кўриши ҳақидаги ҳақиқий маълумотларга эга бўлиш зарур. Меҳнат таклифининг айрим элементлари бўйича тадқиқотлар жуда кам ўтказилиб (мисол учун [54] қаранг), улар ҳақида ахборотлар етарли эмас. Ишчи кучига талаб функциясини тузишда эса асосий ишлаб чиқариш фонdlарининг қиймати, давлат ва маҳаллий инвестициялар хажми, иш жойларининг сони, меҳнат ҳақи каби кўрсаткичларни ҳисобга олиш даркор.

Шундай қилиб, тахлил шуни қўрсатадики, республикамизда ҚМБни шакллантириш ва ривожлантириши комплекс эконометрик моделлаштириш учун хорижий ёндашишларнинг мувозанатли бўлмаган усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ш-БОБ. ҚИШЛОҚ МЕХНАТ БОЗОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИ КОМПЛЕКС ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

3.1. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини эконометрик моделлари комплексини ишлаб чиқиши асослари

Ҳозирги пайтда бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнида юзага келаётган мураккаб ижтимоий-иктисодий муносабатларни миқдор жиҳатдан ўрганишда иқтисодий кибернетикани ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада эконометрик моделлаштириш самарали ҳисобланади [25, 28, 29, 39, 47, 59, 66, 87, 95, 106, 111, 123].

Режалаштирилган иқтисодий шароитда эконометрик моделларни қўллаш чекланган эди. Унга тор мазмунда иқтисодий жараёнларнинг сабаб-оқибатларини ўрганувчи «математик статистика ва эҳтимоллар назарияси» фанининг бир бўлاغи сифатида қараларди. Совет олимлари эконометрик услубларни маクロиктисодий моделлаштириш, ишлаб чиқариш функциялари, тармоқлараро баланслар, статистика каби фанлар соҳаларида қўллаб келдилар. Уларнинг баъзилари эса эконометрикани режали иқтисодиётга қўлланишини назарда тутиб, уни «планометрия», деб аталишини таклиф этдилар [61, 319б.].

Эконометрика бозор иқтисодиёти назариясининг ривожига муҳим ҳисса қўшди. Унинг услублари ва моделлари талаб ва таклиф, истеъмол, иқтисодий ўсиш, умумий ва ҳусусий барқарорлик каби бозор иқтисодий назариясининг фундаментал категорияларини асослашда салмоқли ўрин тутди.

Ҳозиргача «эконометрика» тушунчасини талқин этишда ягона фикр мавжуд эмас. Бу борада проф. А.А. Ривкин американлик машҳур олим Д. Жонсоннинг «Эконометрик услублар» китобига сўз боши ёзганда қуйидаги фикрни баён этади: «Айрим муаллифлар эконометрияни иқтисодий-математик йўналишдаги барча ишлар

йигиндиси, баъзилари амалий статистикани мазмунан бойитиш манбаи, бошқалари эса математик статистикада ишлаб чиқилган услубларга асосланган ишлар деб таърифлашади» [39, 6б].

Катта совет энциклопедиясида «эконометрика» кенг мазмунда галқин этилиб, у воқеаларни назарий моделлаштириш дейилади. Тор мазмунда эса у аниқ иқтисодий қонуниятларни, категорияларни, жараёнларни ва объектларни миқдор жиҳатдан математик ва статистик услублар ва моделлар ёрдамида ўрганувчи фан деб тушунилади. Эконометриканинг тор мазмундаги тушунчасини «Қисқача иқтисодий-математик луғатлар» китобида ҳам юқоридаги фикрга уйаш талқин этилади [61, 307б.]. Бу фикрларга асосан, «эконометрика»нинг тор мазмундаги тушунчаси кенг тушунчасига нисбатан кўп қўлланилади деган ҳулосага келиш мумкин.

Бу ҳулосага асосан, агарда «эконометрика» сўзи «иқтисодиётни баҳолаш» деб ўзgartирилса, унда бу тушунчадан қуйидаги тушунча келиб чиқади. Эконометрика - иқтисодий жараёнларни ва воқеаларни миқдорий баҳолашдир. Бу тушунча бўйича барча иқтисодий-математик моделлар эконометрикага тааллуқли бўлади.

Юқорида қайд этилган барча фикрлар қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг комплекс эконометрик моделлаштириш методологиясини яратишида асос бўла олади.

Қишлоқ меҳнат бозори - комплекс эконометрик моделлаштиришнинг янги обьекти. Унда иш билан банд ва банд бўлмаган аҳолининг «меҳнатга қобилиятларини» шартномалар асосида сотиш-сотиб олиш жараёнига кўп омиллар ва шароитлар таъсир кўрсатади. Қишлоқ меҳнат бозори (ҚМБ) шаклланиши ва ривожланишининг айрим компонентларини математик изоҳлаш - эконометрик моделлар ишончлигини оширишга олиб келавермайди. ҚМБ нинг фаолияти талаб, таклиф, баҳо, рақобат каби ишчи кучини ёллаш воситаларига боғлиқгина бўлиб қолмасдан, балки, ҳудуднинг иқтисодий, демогра-

фик ва ижтимоий салоҳиятлари ҳолати билан ҳам белгиланади. Шунингдек, унинг самарали фаолиятида эконометрик моделлар комплекс ёрдамида аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш ва ишсизликни камайтириш бўйича аниқланган чора-тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутади.

ҚМБ шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва шароитларни миқдорий баҳолаш комплекс эконометрик моделлаштириши қўллашни тақозо этади. Бу жараён эса босқичма-босқич олиб борилади.

Биринчи босқичда ҚМБ фаолиятининг «мақсадлар дарахти» ёрдамида эконометрик тадқиқотнинг бош мақсади ва ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар аниқланади. Комплекс эконометрик моделлаштириши бош мақсади - ҚМБ шаклланиши ва ривожланиши шароитида аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш бўйича рационал параметрлар ишлаб чиқиш (Z_0)дир. Муҳим вазифалари эса қуидагилардан иборат: ишчи кучи таклифи шаклланишининг демо-социал манбаларини ўрганиш ($z_{01} \in Z_0$); ишчи кучи таклифининг миқёсини баҳолаш ($z_{02} \in Z_0$); ишчи кучига талабни вужудга келтирувчи макроиктисодий кўрсаткичларни аниқлаш ($z_{03} \in Z_0$); ишчи кучига талаб ҳажмини топиш ($z_{04} \in Z_0$); ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солишининг ижтимоий-иктисодий механизмларини ўрганиш ($z_{05} \in Z_0$); аҳоли оқилона бандлигининг миқдори ва тузилишини аниқлаш ($z_{06} \in Z_0$); жонли ва буюмлашган меҳнат сарфлари ўртасидаги рационал нисбатларни топиш ($z_{07} \in Z_0$); ишсизлик ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш ($z_{08} \in Z_0$).


Иккинчи босқичда эконометрик моделларнинг турлари танланилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Z_0 учун имитацион моделлар мос келади, z_{01} ва z_{03} – иктисодий-статистик, z_{02} ва z_{04} – баланс,

z_{05} ва z_{06} – оптималлаштирилган, z_{07} ва z_{08} – тармоқлараро ва z_{08} – кўпомиллик моделлар ўринли бўлади.

Учинчи босқичда эконометрик моделлар комплекси тузилади ва унинг моделларида ўзаро алоқадорлик аниқланади. Унинг таркибига қуйидагилар киради: ишчи кучи таклифи шаклланишинг демосоциал манбаларини (DEMOSOC) ва унга бўлган талабни вужудга келтирувчи макроиктисодий кўрсаткичларнинг (IQTISOD) иқтисодий – статистик моделлари; меҳнат сарфларини тармоқлараро балансининг моделлари (TAB-M); ишчи кучига талаб ва таклиф баланс моделлари (TALAB ва TAKLIF); ишчи кучига талаб ва таклифи ижтимоий-иктисодий тартибга солишининг (TARTIB) ва аҳоли оқилона бандлигини шакллантиришнинг (OBAND) оптимизацион моделлари; ишсизлик ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболини белгилашнинг кўпомиллик моделлари (ISHSIZ) ва ҚМБ ривожланишинг имитацион моделлари (QMB-R) (3.1.1-расмга қаралсин). DEMOSOC, IQTISOD, TAB-M, TALAB, TAKLIF, TARTIB, O-BAND ва ISHSIZ моделлари ёрдамида ҚМБ шаклланишинг комплекс эконометрик моделлари вужудга келади (QMB-SH).

DEMOSOC моделлари ишчи кучи таклифининг демосоциал асосий манбаларини аниқлашга мўлжалланган. Улар уч қисмдан иборат: демография (қишлоқ аҳолисининг сони ва жинси, ёш тузилишини аниқлаш); таълим (меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг касбмалака тузилишини топиш); меҳнат ресурслари баланси (меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз ёшлардаги аҳолининг бандлигини аниқлаш, ишчи кучи таклифининг халқ хўжалиги секторлари ва тармоқлари бўйича тақсимланишини ва унинг миграциясини миқдорий баҳолаш).

IQTISOD моделлари асосий ишлаб чиқариш фонdlарининг миқдори ва тузилишини, мавжуд ва янги иш жойларининг сони ва қийматини ва инвестициянинг ҳажмини аниқлаш имконини беради.



3.1.1-расм. Кишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг комплекс эконометрик моделлари ахборотларининг ўзаро алоқадорлиги схемаси

—> асосий ахборотларнинг йўналиши
-.-> ёрдамчи ахборотларнинг йўналиши

Бу кўрсаткичлар ишчи кучига талабнинг макроиктисодий асослари ни тўлиқ изоҳлайди.

Худуднинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ва тўғри, эгри ва тўлиқ меҳнат сарфлари ва аҳолининг бандлиги коэффицентларини **TAB-M** моделлари ёрдамида аниқлаш мумкин.

Агарда **TALAB** моделлари ёрдамида ишчи кучига бўлган асосий ва қўшимча талабларнинг миқдори топилса, **TAKLIF** моделлари эса ишчи кучи таклифининг сони, жинси, ёши, маълумоти, касби, даромади, иш билан банд эмаслик сабаблари ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷлиги бўйича аниқланади.

TARTIB моделлари эса ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги энг кичик фарқларнинг вариантларини топишга мўлжалланган. Улар икки хил йўналишда аниқланади: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш секторида ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш; қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида эса ишчи кучига талаб ва таклифни кўпайтириш. Мазкур икки йўналиш бўйича рационал варианtlарни топишда ҚМБ ва аҳолини оқилона бандлиги шаклланишининг иқтисодий, ижтимоий ва демографик шароитлари ва омилларини кўрсаткичлари кенг қўлланилади.

ҚМБ шаклланишининг эконометрик моделлари комплексида ўзининг ижтимоий-иктисодий мазмуни жиҳатдан **O-BAND** модели етакчи ўрин тутади. Чунки, унда меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд ва банд бўлмаган гуруҳларининг даромадларини максимум бўлиши асосий мезон оптимальлиги қилиб олинган. У ишчи кучининг иш билан банд ва банд бўлмаган қисмларини рационал миқдори ва тузилишини топиш имконини беради. Бу эса ишсизликни камайтириш учун асосий шароит ҳисобланади.

ISHSIZ моделлари ишсизликнинг миқдори, улуши, йўл қўйиш мумкин бўлган даражасини ҳамда унинг яширин, мавсумий, техно-

логик ва таркибий каби турлари миқёсини таҳлил қилиш ва истиқболини белгилашга мўлжалланган. Бунда кўпомиллик моделлар ёрдамида ишсизлик даражасига таъсир этувчи иқтисодий, ижтимоий ва демографик омилларнинг миқёсини аниқлаш мумкин.

QMB-R имитацион моделлари комплексини тузишдан асосий мақсад - аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилашнинг рационал варианatlарини (ечимларини) топишdir. Улар эса QMB-R нинг қуидаги моделлар блокларини ечиш орқали аниқланади: ҚМБ ни ижтимоий-иктисодий тузилишининг ривожланиши; ишчи кучи тақлифининг шаклланиши; ишчи кучига талабни вужудга келиши; ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбатларга эришиш; мазкур бозор инфраструктурасининг ривожланиши.

Мазкур моделлар комплекси ҚМБ фаолиятининг мақсадли йўналишига мўлжаллаб яратилган. Бундай моделларни ишлаб чиқишининг бошланғич давридаёқ, қишлоқ ҳудудларини иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши моделлари билан узвий алоқа ўрнатилиб, уларнинг «чиқиши» ахборотларидан фойдаланилади.

ҚМБ нинг эконометрик моделлари комплексини (ЭМК) тузишда рефлектор ёндашиш (услуб) идан фойдаланиш мақсадга мувофиқdir [34, 39б.]. Унинг ёрдамида ҚМБ фаолиятига таъсир этувчи ички (V_i) ва ташқи (W_i) шароитларни тўла ўрганиш мумкин. $V_i W_i$ бўйича яратилган ЭМК да асосий эътибор ҚМБ бўлимларини ривожланишининг ички шароитларини ҳисобга одишга қаратилган бўлади. Рефлектор услуби ёрдамида ечилиши лозим бўлган аниқ масалалар изоҳланади.

ҚМБ нинг асосий бўлимларини мукаммал изоҳлаш рефлектор услубининг бош ҳусусияти ҳисобланади. Мазкур бозорнинг бир бўлими рефлектор моделининг ечимлари бошқа бўлим моделининг натижалари билан таққослашни талаб этмайди. Аксинча, бирининг асосий натижалари бошқа бўлимларнинг рефлектор моделларини шакллантиришда «кириш» ва «чиқиши» ахборотлари бўлиб хизмат

килади. Турли бўлимларни (объектларни) изоҳловчи бир нечта рефлектор моделларнинг шароитларини ва ечимларини математик изоҳлаш анча мураккаб ва кам ўрганилган муаммодир.

Рефлектор услуби эконометрик моделлар ўртасида мукаммал горизонтал алоқалар бўлишини таъминлайди, яъни бир моделнинг «чиқиши» ахбороти бошқаси учун «кириши» ахбороти ҳисобланади. Бунинг натижасида ҚМБнинг ривожланиш модели (QMB-R) шаклланади.

Тўртинчи босқичда тузилган ҚМБ шаклланиши ва ривожланиши ЭМК ларини ечиш услублари аниқланади. Бундай услублар жумласига чизиқли ва блокли программалаштириш, компьютерда имитациялаш, карреляцион-регрессион таҳлиллаш каби иқтисодий қибернетиканинг асосий воситалари (қуроллари) киради. Иқтисодий-математик масаланинг берилишига қараб, юқорида қайд этилган услублардан бири қўлланиллади. Масалан, ҚМБ шаклланишининг ЭМК ва ўрганилаётган қишлоқ ҳудудининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари негизида вужудга келган QMB-R имитацион моделлари комплексини ечишда компьютерда имитациялаш услуби ишлатилади.

Моделлаштиришнинг ушбу босқичида ишлаб чиқилган моделларни компьютерда ечиш учун маҳсус алгоритмлар ва программалар тузилади ҳамда тайёр амалий программалар пакетини (ТАПП) қўллаш имкониятлари аниқланади. ҚМБ нинг ЭМК ни тадбиқ этишда TSP, LP/88 (АҚШ), RUSSIA (РФ) ТАПП ва муаллиф программаси M-BOZOR қўлланиллади.

Бешинчи босқичда ҚМБ нинг ЭМКни тадбиқ этиш учун зарур бўлган ахборотлар тўпланади ва таҳлил қилинади ҳамда уларнинг ишончлиги аниқланади. Унинг ахборот таъминоти меҳнат сарфлари тармоқлараро балансларини ва янги статистик ҳисбот формаларини ишлаб чиқиш ва кадрлар маркетинги ҳамда аниқ социологик

тадқиқотлар ўтказиш йўллари билан янада яхшиланади. Уларга та-
млукли методологиялар ва методик тавсияномалар диссертациянинг
II ва IV бобларида батафсил ёритилган.

Таклиф этилган янги статистик ҳисбот формалари яратилган
ЭМКининг ахборот таъминотини яхшилайди ва улар қуидаги
кўрсаткичларни ифодалайди: меҳнатга лаёқатли иш билан банд ва
банд бўлмаган аҳолининг сони; бўш иш жойлари ва лавозимларнинг
сони; ишчи кучига талаб, таклиф ва баҳосининг миқдори; иш билан
банд бўлмаган кишиларнинг малакасини ошириш ҳолати; қишлоқ
хўжалиги ишлаб чиқариш секторининг асосий корхоналаридан
қисқартирилган ишловчиларнинг сони; бандликка кўмаклашиш
жамгармасининг вужудга келиши ва сарфланишининг ҳажмлари;
ҳисбот ва истиқболда белгиланган даврларда ҚМБ нинг ҳолатлари.

Кадрлар маркетинг тадқиқоти ишчи кучига талаб ва таклиф-
ни ва улар ўртасидаги нисбатларни баҳолашни яхшилайди. Унинг
натижалари TALAB, TAKLIF, TARTIB ва QMB-R моделларини тад-
биқ этишда қўлланилади. Маркетинг ахборотларининг таҳлили ва
синтези муаллиф ишлаб чиқсан методика асосида меҳнат биржалла-
рида ташкил этилган **кадрлар маркетинги бўлими** ходимлари томо-
нидан амалга оширилади. Кадрлар маркетинги тадқиқоти қуидаги
юсқичларда ўтказилади: асосий мақсадларни, муҳим муаммоларни
ва вазифаларни аниқлаш; меҳнат бозори коньюктурасининг асосий
элементлари бўйича ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш; ишчи
кучи ва таклифи ўртасидаги номутаносибликни топиш; ишсизлик-
инг миқёси ва сабабларини аниқлаш; ишсизликни камайтириш
ўйича тадбирлар ишлаб чиқиш; зарурӣ мутахассисликлар ва их-
мисосликларнинг миқдори ва тарқибини аниқлаш; ишчи кучига талаб
ва таклиф ўртасидаги нисбатларни мувоғиқлаштириш; ҚМБ нинг
коссий элементлари ва маркетинг кўлами бўйича қўпвариантли
истикбол режаларини белгилаш; реклама агентлигининг

маҳсулотларини ишлаб чиқиш, тарқатиш ва сотиш; меҳнат биржалари кадрлар маркетинги фаолиятининг стратегик дастурларини тузиш.

Муаллиф яратган аниқ социологик тадқиқотлар (АСТ) ўтказиши методикасини танланган объектларда қўллаш O-BAND, ISHSIZ ва QMB-R моделларининг ахборот таъминотини яхшилайди ва ишга ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни янада такомиллаштириш ва ишсизликни камайтириш бўйича устувор чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Социологик ахборотларни шакллантириш ва уларни тузилган ЭМК да қўллаш қуйидаги босқичларда олиб борилади: АСТ нинг бош мақсадини, асосий вазифаларини, предмети ва объектини аниқлаш; анкеталарни тузиш; анкета саволларига жавобларни кодлаштириш; АСТ объектларини танлашнинг услубларини аниқлаш; танланган объектларнинг демосоциал ва иқтисодий ривожланиши билан танишиш; АСТ объектларидаги респондентларни (сўралувчиларни) танлаш; социологларни, иқтисодчиларни, сўроқ ўтказувчиларни (интервьюерларни) ва программистларни танлаш ва ўқитиш; социологик дастур тузиш; респондентлар билан сўров ўтказиши ва анкеталарнинг тўғри тўлдирилганлигини текшириш; сўровнинг дастлабки ахборотларини компьютерда қайта ишлаш; ҳосил қилинган социологик ахборотлар асосида илмий ҳисбот тузиш ва қайд этилган моделларни қўллаш.

Олтинчи босқичда тузилган ЭМК TSP, LP/88, RUSSIA ва M-BEZOR, программалари ва ишончли ахборотлар ёрдамида **компьютерларга киритилиб, зарурий натижалар (ечимлар) ҳосил қилинади.**

Эконометрик моделлаштиришнинг сўнгги босқичида эса компьютердан олинган натижалар иқтисодий-математик баҳоланади,

ишончлилиги текширилади ва ҚМБ шаклланиши ва ривожланишнинг рационал варианлари топилади.

ҚМБнинг ЭМК натижалари ижтимоий муҳофазаланган бозор иқтисодиётининг бошқа моделлари ахбороти таъминотини янада бойитади. Масалан, O-BAND моделидаги иш билан банд ва банд бўлмаган аҳолининг даромадлари «чиқиши» кўрсаткичи сифатида қишлоқ худудининг турмуш тарзи ва ижтимоий ривожланиши моделлари учун «кириши» ахбороти бўла олади.

Мазкур ЭМКнинг муҳим афзаллиги – унинг қулай программа ва математик таъминотидир. Унинг чизиқсиз программалаш характерига эга бўлган қисми ҳам енгил алгоритмланади. Шунинг учун моделларни компьютерга киритиш кетма-кет олиб борилади. Бу эса масалаларнинг ечимларини тезда топиш ва вактни иқтисод қилиш имконини беради.

Шу билан бирга ЭМК чекланишлар хусусиятига ҳам эга. Бундай хусусият қуйидаги ҳолатларда кўринади: биринчидан, мазкур моделлар комплекси таркибида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси модели учрамаслиги ижтимоий истеъмол талабини тўлиқ асослай олмайди; иккинчидан, қишлоқ жойларида шаклланаётган ва ривожланаётган бозор иқтисодиёти муносабатларининг барча ижтимоий-иқтисодий жумбоқларини аниқлаш ва ечиш имкониятига эга эмас; учинчидан, моделларни тадбиқ этишда натурал кўрсаткичларга нисбатан кўпроқ қиймат ўлчовларининг ишлатилиши маълум даражада натижалар ишончлилигини пасайтиради. Комплекс эконо-метрик моделлаштиришдаги қайд этилган камчиликларни қишлоқ худудларининг ижтимоий ривожланиши бўйича қўшимча моделлар ишлаб чиқиши йўли билан бартараф этиш мумкин.

3.2. Қишлоқ меҳнат бозори шаклланишининг эконометрик моделлари комплекси

ҚМБ шаклланиши ва ривожланишининг иқтисодий-математик тадқиқотида комплекс эконометрик моделлаштириш етакчи ўрин тулади. ҚМБ шаклланишининг ЭМК тузишда аҳолининг иш билан бандлигининг таҳлили ва истиқболини белгилаш масалаларини ечиш бўйича ҳамдўстлик давлатлари олимларининг кўпгина тадқиқотлари мавжудлигини ҳисобга олиш лозим [18, 21, 28, 33, 37, 47, 94, 102, 113, 114, 118]. Лекин улар бозор иқтисодий муносабатлари шаклланиши билан боғланмаган. Ҳолбуки, бу тадқиқотларда аҳолининг иш билан бандлиги тузилишида иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатиши туфайли ижобий ўзгаришлар яқин келажакда содир бўлиши таъкидланган. Аҳолининг иш билан бандлигидаги номутаносибликларни камайтириш ишловчиларнинг бир тармоқдан бошқасига ўтиши учун шароитлар яратиш ва уларнинг малакасини ошириш каби муаммолар ифодаланган. Бироқ, меҳнат бозорини, айниқса унинг қишлоқ жойларида шаклланиши механизмлари аналитик нуқтаи назардан батафсил ўрганилмаган.

Аҳолининг меҳнатга бўлган талаби икки томонлама ифодаланган: миқдор жиҳатдан - меҳнат ресурсларининг кўпайиши ёки камайиши, сифат жиҳатдан - ишчи кучининг малака таркибини ўзгариши.

Ишлаб чиқариш ва аҳоли талабларини бир-бирига мос келиш механизми - иш жойлари сонини ишловчилар миқдорига тенглаштириш бўйича тадбирлар йифиндиси деб изоҳланган. Масалан, [53,862б.] даги моделлар диференциал тенгламалар тизими кўринишида берилган бўлиб, уларда иш жойлари ва меҳнат ресурслари мослигининг динамикаси батафсил ёритилган. Бунда иш жойлари сонининг ўсиши асосий ишлаб чиқариш фонdlарининг кўпайиши ва камайиш

омилларининг таъсирига боғлиқ бўлган. Шунинг учун бўш иш жойлари ва ишловчилар салоҳияти марказлаштирилган бошқариш орқали мувофиқлаштириб турилади. Халқ хўжалигини таркибий ўзгартириш маънавий ва жисмоний эскирган иш жойларини ва ишлаб чиқариш фондларини йўқотиш ва тўгри инвестиция сиёсатини олиб бориш билан узвий боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, II-бобдаги меҳнат бозорининг хорижий моделларининг таҳлили ҚМБ шаклланишини миқдорий баҳолашга бошқача ёндашишни тақозо этади. Бу ерда бош масала, меҳнат ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш имкониятларидан ҳамда улар таклифининг янги манбаларини режалаштиришдан воз кечиш эмас, балки ҚМБнинг шаклланишига кейинги йилларда олиб бориляётган иқтисодий сиёсатни, кризис (инқироз) жараёнини, яқин келажакда юз берадиган аҳолини иш билан таъминлаш тузилишини ва бошқариш услублари таъсирини ўрганишдан иборат.

Бизга маълумки, хорижий иқтисодчиларнинг тадқиқотларида иш ҳақи - меҳнат бозорини тартибга солувчи муҳим восита сифатида таъкидланган [109,124,125,132,143,154]. ҚМБни шаклланишида эса иш ҳақи ишчи кучи талаби ва таклифларини «тengлаштирувчи» омил бўла олмайди. Шу билан бирга кейинги йилларда меҳнат даромадларининг пасайиши, нодавлат корхоналарининг пайдо бўлиши ва талаб ва таклиф ўртасидаги номуносибликнинг қучайиши иш ҳақининг меҳнат бозорида тартибга солувчи сифатида таъсирини қучайтирди. Бу эса ҚМБ шаклланишининг ЭМКда иш ҳақини тартибга солиш механизмларининг асосий элементи сифатида ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқлигини тақозо этади.


Бошқа томондан эса, реал меҳнат ҳақининг камайиши иқтисодиётда тақчилликнинг тезда ошишига олиб келмоқда. Бу эса ЭМКни тузишдан нобарқарорлик услуби қўлланишини тақозо қилиб қўяди, бунда қуйидаги шартлар ҳисобга олиниши даркор: ҚМБдаги мувозанатсизликни аниқлашда ишчи кучи талаби ва таклифи

ўртасида минимал фарқни таъминлаш мезонининг асос бўлиши; меҳнат ҳақини тартибга солишнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги.

Одатда, макромоделлар тузилишида халқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш жабхаларига бўлинади. Ана шундай ёндашиш [21] тадқиқот моделларида мавжуд. Ёки моделлаштириш масаласининг кўйилиши мазмунидан келиб чиқсан ҳолда халқ хўжалигини тармоқларга бўлиш мумкин.

Лекин, ҚМБ шаклланиши масаласини ечишда халқ хўжалигини тармоқларга бўлиш етарли эмас. Ҳолбуки, ҚМБни моделлаштиришда халқ хўжалигига меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан бандлик секторларига бўлиб, тадқиқот олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунинг учун ЭМК тузишда ва Самарқанд вилоятининг меҳнат сарфлари тармоқлараро балансларини ишлаб чиқишида қишлоқ ҳудуди ўзаро боғланган қуийдаги аҳолининг иш билан бандлик секторларига бўлинди: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (ҚХС), қайта ишлаш саноати (ҚСС), хизмат (ХС), сифат (СС) ва шахсий меҳнат (ШМС) (3.2.1-расмга қаранг).

Таҳлил ва истиқболда кўзда тутилган режалар бўйича амалий масалаларнинг характеристига қараб, моделларнинг блоклари аниқлаштирилади ва ўзгартирилади. Дастребки моделлар блоклардан иборат бўлиб, уларда ҳар бир секторнинг ишчи кучига талаб ва таклиф структураси ифодаланган бўлади. Ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ёши, сони, жинси, малакаси ва маълумотига экзоген ўзгарувчилар сифатида қаралади. Шунингдек, аҳолининг табиий ва механик ҳаракатлари ҳам DEMOSOC моделлар блокини тадбиқ этиш туфайли аниқланади. DEMOSOC, IQTISOD ва ТАВ-М моделлари блокларининг натижалари экзоген ўзгарувчилар сифатида ҚМБ шаклланишининг бошқа моделларини тадбиқ этишда иштирок этадилар. Ушбуни қайд этиш лозимки, экспериментал ҳисоблашлар на-тижасида ҚМБ шаклланишида ЭМКнинг тузилиши ўзгариб туради.



3.2.1- расм. КМБ шаклланиши эконометрик моделлари комплексининг блок-схемаси

Шунинг учун моделлар блокининг функционал тузилишида эксперт-фойдаланувчи муҳим ўрин тутади.

ҚМБ шаклланишида ЭМКни тузиш ва ҳисоблаш хусусиятлари қуидагича бўлади:

1. ҚМБ шаклланишида мавжуд ЭМК ўзаро боғланган саккизта моделлар блокидан иборат: ишчи кучи таклифи шаклланишининг демосоциал манбалари (DEMOSOC); ишчи қучига талаб вужудга келишининг макроиктисодий кўрсаткичлари (IQTISOD); меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари (ТАВ-М) ишчи кучининг таклифи (ТАKLIF); ишчи қучига талаб (TALAB); ишчи қучига талаб ва таклифни ижтимоий-иктисодий тартибга солиш (TARTIB); аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш (О-BAND) ва ишсизлик ҳолатининг таҳлили ва истиқболи (ISHSIZ) (3.2.1-расмга қаранг). Халқ хўжалигини аҳолининг иш билан бандлиги бешта секторга бўлиниши ҚМБ шаклланишининг ЭМК ташкил этган ўзаро боғланган моделларнинг блокларида ифодаланиб, уларда ҳар бир секторнинг хусусиятлари ҳисобга олинади.

2. ҚМБ шаклланишини комплекс эконометрик моделлаштириш жараёнида дастлаб, DEMOSOC (меҳнат ресурсларининг сони, ёш тузилиши, малакаси, маълумоти ва механик ҳаракатланиши), ТАВ-М (жонли, буюмлашган ва жамланган меҳнат сарфлари ва улар ўртасидаги нисбатлар) ва IQTISOD (ялпи ички маҳсулотнинг, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва инвестицияларнинг ҳажми ва тузилиши, иш жойларининг қиймати, истеъмол бозорининг ҳолати, ва бошқалар) моделларининг блоклари ишлаб чиқилади. Уларнинг «чиқиши» ахборотлари бошқа моделлар блокларини тузишда «кириш»ахборотлари бўлиб хизмат қиласади.

3. Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қайта ишлаш саноати ва шахсий меҳнат секторларининг самарали фаолияти IQTISOD моделларида қайд этилганидек, хизмат ва сифат сектор-

ларининг ривожланиш динамикасига боғлиқ. Бу секторлар учун IQTISOD моделларида яхши инвестицион муҳит мавжуд.

ҚМБ шаклланишининг ЭМК тартибга солиш масалаларини ечишга мўлжалланган бўлгани учун, унинг моделларида тескари алоқалар икки йўл билан ҳисобга олинади. Биринчидан, улар рекурсив тенгламалар кўринишида берилган бўлиб, истеъмол бозоридаги баҳолар даражасини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қайта ишлаш саноати ва шахсий меҳнат секторларининг самарали фаолият кўрсатиш кўрсаткичлари билан боғлайди, яъни улар моделлар бўйича ҳисоб тартибини аниқлайди. Иккинчидан, биз эксперт-фойдаланувчиларга тескари алоқа билан биргаликда ЭМКнинг элементи сифатида қараймиз.

Юқорида қайд этилган фикрларга асосан ҚМБ шаклланишининг ЭМК тузишга киришамиз. Дастрлаб, DEMOSOC ва IQTISOD моделлар блокларининг иқтисодий мазмуни ва математик ифодаланишини қўриб чиқамиз. Уларнинг асосий натижалари бошқа моделлар блоки учун эндошени ўзгарувчилар ("кириш" ахборотлари) бўлиб хизмат қиласади.

3.2.1. Ишчи кучи таклифини шакллантирувчи демосоциал манбаларнинг моделлари

Ишчи кучи таклифи шаклланишининг демосоциал манбалари моделларини (DEMOSOC) математик ифодалашда ва тадбиқ этишда чизиқли ва вариантли ёндошишларни қўллаш мақсаддага мувофиқдир. Бунда, албатта компьютер техникасининг ҳисоблаш имкониятларидан келиб чиқиши зарур.

Демосоциал моделлаштиришда тўпланган тажрибалар [18, 21, 25, 37, 63, 66, 94] DEMOSOC моделларини учта моделларнинг бирлашмаси сифатида тузиш имконини беради:

- 1) демосоциал - қишлоқ аҳолисининг сони, жинси ва ёши тузилишини ҳисоблаш учун;

2) маълумот - меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг касб-малакаси ва билим, маълумоти тузилишини аниқлаш учун;

3) меҳнат ресурсларининг баланслари - меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз ёшлардаги қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ишлаб чиқаришда иш билан бандлигини, ишчи кучи тақлифининг халқ хўжалиги секторлари ва тармоқлари бўйича тақсимланишини ва маътник миграция қолдигини микдор характеристикаси учун.

Демографик моделларда ёшларнинг ўзгариш услуби асос қилиб олинади. Моделларда меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бир ёшлик-жинслик гуруҳларига бўлиниб, малака даражаси бўйича табақалаштирилади. Табиий ва механик харакатлар аҳолининг малака тузилишга боғланмаган ҳолда берилади.

Маълумот моделида меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисини малака-гуруҳлари ўртасидаги ўзгаришлари (ўтишлари) изоҳланади. Унда маълумот даражаси қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) бошлангич; 2) тўлиқсиз ўрта; 3) тўлиқ ўрта; 4) тўлиқсиз ўрта махсус; 5) тўлиқ ўрта махсус; 6) тўлиқсиз олий; 7) олий.

Ўқувчилар ва студентлар моделларида таълим соҳалари ифодаланади. Бунда ўқувчилар ўқув юртларининг турлари бўйича тақсимланади.

Маълумот моделининг якуний қисмида малака гуруҳлари ўртасидаги ўзгаришлар (ўтишлар) матрицаси тузилади. Матрица коэффициентлари меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисини малака гуруҳлари бўйича тақсимланиши ва ўз малака даражасини оширган ўқув юртларини битирувчиларнинг сони асосида вужудга келади.

Меҳнат ресурслари баланси моделидаги ҳисоб-китобда халқ хўжалиги секторлари ва тармоқлари бўйича меҳнатга лаёқатли аҳолининг ёшига, жинсига ва иш билан бандлигига қараб тақсимланиши таянч нуқта ҳисобланади.

Тақлиф этилинаётган DEMOSOC моделлари кўрсаткичлари ма-

тематик ифодалашга киришамиз. Зарурий белгилашларни киритамиз. Улар ЭМК таркибидаги бошқа моделларни тузишда ҳам қўлланилади.

Индекслар: α - жинси (1-аёл, 2-эркак); β - ёш, $\beta = \overline{14,70}$ ёш; t - йил; γ - малака даражаси, $\gamma = \overline{1}$, Γ ($\Gamma = 7$); μ - ўқув юртининг тури, $\mu \subset M$; ўқув юртларининг кўплигидан $M_1 \subset M$ ва $M_2 \subset M$ ўқув юртларининг биринчи ва иккинчи турлари ҳамда қишлоқ аҳолиси малака даражасининг γ_1 ва γ_2 -гача ($\gamma_1 > \gamma_2$) оширадиган $M_{\gamma_1 \gamma_2} \subset M$ кўплигига ажратилади; ϕ - ўқув йили индекси; $\phi \mu_1$ ва $\phi \mu_2$ - μ турдаги ўқув ютида минимал ва максимал норматив муддати; j - қишлоқ ҳудудидаги иқтисодий секторлар тармоқларининг индекси, $j=1, J$; s - қишлоқ ҳудудида иқтисодиёт секторларининг индекси, $s=1,5$; бу ерда s^I - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши сектори индекси; s^{II} - қайта ишлаш саноати индекси; s^{III} - хизмат сектори индекси; s^{IV} сифат сектори индекси; s^V - шахсий меҳнат сектори индекси.

Параметрлар ва экзоген ўзгарувчилар

$d_a^\beta(t)$ - маълум ёшга тўлиш коэффициенти; $m_a^\beta(t)$ - миграция қолдигини ёш коэффициенти; $r_a^\beta(t)$ - туғилиш коэффициенти; $c_a^\beta(t)$ - вафот этиш коэффициенти; $n_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^\beta$ - α жинсли β ёшдаги қишлоқ аҳолисининг ҳиссаси ва унинг t йилда γ_1 малака гуруҳидан γ_2 ўтиши $\gamma_2 (\gamma_2 < \gamma_1, \gamma_1 = \overline{1,4}; \gamma_2 = \overline{5,7})$; $\hat{n}_{\alpha\gamma}^{\beta\mu}(t)$ - α жинсли β ёшдаги қишлоқ аҳолисининг ҳиссаси ва унинг t йилда μ ўқув ютига ўқишига кириши; $Y_a^{\phi\mu}(t)$ - α жинсли ўқувчилар ва студентларининг ҳиссаси ва уларнинг t йилда μ турдаги ўқув юртининг ψ ўқув йилини тугатиши ($\sum_{\phi_1=1}^{\phi_2\mu} U_2^{\mu+\phi-1, \phi\mu} < 1$); $V_a^\mu(t)$ - μ турдаги ўқув юрти битирувчиларининг ҳиссаси ва уларнинг t йилда ўқишини тугатиб қишлоқка қайтиши;

$\hat{n}_\alpha^\beta(t)$ – α жинсли β ёшдаги мәхнатта лаёқатли аҳолининг t йилдаги ҳиссаси; $m_\alpha^\beta(t)$ – жинс-ёш гурухлари бүйича маятник миграция қолдигининг коэффициентлари; $3_{\alpha j}^{\beta s}(t)$ – β ёш гурухлари бүйича α жинсли s иқтисодиёт секторининг j тармоқларида иш билан банд бўлганларнинг ҳиссаси мәхнатта лаёқатли ёшда бўлмаганлар учун бирга тенг бўлади; $\check{Y}_\alpha^\beta(t)$ – α жинсли β ёшдаги ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ($\beta \geq 16$) ўқувчилар ва студентларнинг t йилдаги ҳиссаси.

Эндоген ўзгарувчилар :

$N_{\alpha\gamma}^\beta(t+1) = \{n_{\alpha\gamma}^\beta(t)\}$ – вектор-қаторнинг узунлиги Γ , бу ерда $n_{\alpha\gamma}^\beta(t)$ – α жинсли β ёшдаги γ малакали қишлоқ аҳолисининг t йил бошидаги сони; $G(t) = \{g_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^\beta(t)\}$ – малака гурухи ўртасидаги ўтиш коэффициентлари (ўлчови $\Gamma \times \Gamma$); $N_{\alpha\gamma}^{-\beta}(t)$ – t йилдаги мәхнатта лаёқатли қишлоқ аҳолисининг ўртacha йиллик сони; $U_{\alpha\gamma}^{\beta\mu}(t)$ – μ турли ўқув юртига α жинсли β ёшдаги γ малакали ўқувчилар ва студентларни t йилдаги сони; $\tilde{N}_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^\beta(t)$ – γ_1 малакали гурухдан γ_2 га ўтадиган α жинсли β ёшдаги мәхнатта лаёқатли қишлоқ аҳолисининг t йилдаги сони; $\tilde{Y}_{\alpha\gamma}^\beta(t)$ – ўқувчилар ва студентлар сонининг табиий ва механик характеристлари ҳисобидаги ўзгариши. $\check{N}_{\alpha\gamma}^\beta(t)$ – t йилда ўз малакасини оширадиган α жинсли β ёшли γ малакали мәхнатта лаёқатли қишлоқ аҳолисининг сони; $\bar{T}(t)$ – вектор-қаторнинг узунлиги Γ унинг элементларига тааллуқли малака гурухларида мәхнат ресурсларининг ўртacha йиллик сони (маятник миграциясини ҳисобга олганда); $\bar{R}(t)$ – вектор-қаторнинг узунлиги Γ , унинг элементлари – тааллуқли малака гурухлари бўйича иш билан банд ишчи кучларининг ўртacha йиллик сони; $\bar{Y}(t)$ – вектор-қаторнинг узунлиги Γ , унинг элеменларига – тааллуқли малака гурухлари бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олаётган ўқувчилар ва студентларнинг ўртacha йиллик сони;

$\tilde{N}(t)$ – вектор-қаторнинг узунлиги Γ , унинг элементларига тааллуқли гуруҳлари бўйича халқ хўжалигида ва ўқишида банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртacha йиллик сони; $\bar{R}(t) = R_{\alpha\gamma}^{\beta\mu}(t)$ – матрицанинг ўлчами ГХJ, бу ерда $\bar{R}_{\alpha\gamma}^{\beta\mu}(t)$ – t йилда s секторнинг жармоғига γ малакали ишчи кучини таклиф этишининг ўртacha йиллик сони.

Энди таклиф этилаётган моделнинг юқорида қайд этилган параметрларини математик ифодалашга киришамиз:

$$N_{\alpha\gamma}^{\beta}(t+1) = (d_{\alpha}^{\beta}(t) + z_{\alpha}^{\beta}(t) - c_{\alpha}^{\beta}(t) + m_{\alpha}^{\beta}(t)) \bar{T}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t), \quad (3.2.1.1)$$

$$\beta = \overline{16,70}; \quad \alpha = \overline{1,2}; \quad \gamma = \overline{1,7}; \quad t = \overline{1, T}.$$

Тенглама (3.2.1.1) мавжуд қишлоқ аҳолиси ёшлари ўсиши услуби билан ечилади. Тенглама ёш ва малака-маълумот гуруҳлари бўйича 14 ёшдан 70 ёшгача бўлган қишлоқ аҳолисининг сонини аниқлайди.

Тенгламани таълим тизими учун ёзиб чиқамиз.

Дастлаб, ўқув юртларига қабул қилинувчиларнинг сонини аниқлаймиз: $Y_{\alpha\gamma}^{\beta\mu}(t) = \hat{n}_{\alpha\gamma}^{\beta\mu}(t) \cdot N_{\alpha\gamma}^{\beta\mu}(t)$. (3.2.1.2)

Сўнгра малака гуруҳлари ўртасида ўзгариш (ўтиш) матрицасининг коэффициентларини ҳисоблаймиз. 14 ва ундан юқори ёш гуруҳларидан жорий йилда ўқишини битирувчиларнинг сони аниқланади, яъни t йилда γ_1 малака гуриҳидан γ_2 га ўтиши топилади ($\gamma_2 \geq \gamma_1$):

$$\tilde{N}_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^{\beta}(t) = n_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^{\beta}(t) N_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^{\beta}(t), \quad \beta = \overline{16,18}; \quad (3.2.1.3)$$

$$\tilde{N}_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^{\beta}(t) = \sum_{\gamma_1=1}^{\gamma_2=5} \sum_{\gamma_1=\gamma_2} Y_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^{\beta-\varphi+1}(t-\psi+1) \cdot \tilde{Y}_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^{\beta\varphi} \cdot Y_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^{\rho\mu}(t) \cdot Y_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^{\rho\mu}(t), \quad \beta = 14,70. \quad (3.2.1.4)$$

Ўқув юртларининг турлари бўйича механик харакатни ҳисобга олганда ўқувчилар сонининг ўзгариш коэффициентлари қуйидагича ҳисобланади: $\varphi > 1$ ($\tilde{Y}_{\alpha\mu}^{\beta}(t_1) = 1$); $\tilde{Y}_{\alpha\mu}^{\beta}(t) = \prod_{\mu=1}^{\varphi-1} d_{\alpha\mu}^{\beta}(t) + m_{\alpha\mu}^{\beta}(t)$, $\mu \in M_1$. (3.2.1.5)

$$\text{Агарда } m_{\alpha\mu}^{\beta}(t) = 0, \text{ унда } \tilde{Y}_{\alpha\mu}^{\beta}(t_1) = \prod_{\mu=1}^{\varphi-1} d_{\alpha\mu}^{\beta}(t), \quad \mu \in M_2. \quad (3.2.1.6)$$

Шундан сўнг, ўз малакасини ошираётган меҳнатга лаёқатли

қишлоқ аҳолисининг сони аниқланади:

$$\check{N}_{\alpha\gamma_2}^{\beta}(t) = \sum \tilde{N}_{\alpha\gamma_2}^{\beta}(t), \quad \gamma_1 = \overline{1, \Gamma} - 1 \quad (3.2.1.7)$$

ва ўз мажлакасини оширмаётган меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг сони ҳисобланади: $\tilde{N}_{\alpha\gamma_1}^{\beta}(t) = n_{\alpha\gamma}^{\beta}(t) - \check{N}_{\alpha\gamma_2}^{\beta}(t)$. $(3.2.1.8)$

$\gamma_1 > \gamma_2$ учун $\tilde{N}_{\alpha\gamma_2}^{\beta}(t) = 0$ деб олинади.

Сўнгра малака гуруҳлари ўртасидаги ўзгариш (ўтиш) коэффициентлари ҳисобланади: $G_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^{\beta}(t) = \tilde{N}_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^{\beta}(t) / n_{\alpha\gamma_1}^{\beta}(t)$ $(3.2.1.9)$

Энди қишлоқ худудида меҳнат ресурслари балансининг тенгламасини ёзиш мумкин. Бунинг учун авваламбор, ёш, жинс ва малака гуруҳлари бўйича меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг сони аниқланади $(\bar{N}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t))$: $\bar{N}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t) = \frac{1}{2} (N_{\alpha\gamma}^{\beta}(t) + N_{\alpha\gamma}^{\beta}(t+1)) \check{n}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t)$. $(3.2.1.10)$

Сўнгра, маятник миграцияни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони

$$\bar{T}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t) = \sum_{\beta=16}^{60} (1 + \check{m}_{1\gamma}^{\beta}(t) N_{1\gamma}^{\beta}(t)) + \sum_{\beta=16}^{70} (1 + \check{m}_{2\gamma}^{\beta}(t) N_{2\gamma}^{\beta}(t)) \quad (3.2.1.11)$$

ва қишлоқ ҳудуди иқтисодиётнинг секторларида ва тармоқларида банд бўлган ишчи қучининг сони

$$\bar{R}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t) = \sum_{\beta=16}^{60} \sum_{j=1}^J 3_{1,j}^{\beta}(t) \bar{N}_{1,j}^{\beta}(t) + \sum_{\beta=16}^{70} \sum_{j=1}^J 3_{2,j}^{\beta}(t) \bar{N}_{2,j}^{\beta}(t), \quad (3.2.1.12)$$

шунингдек ишлаб чиқаришдан ажralиб билим олаётган студентлар ва ўқувчилар сони аниқланади:

$$Y_{\alpha\gamma}^{\beta}(t) = \sum_{\alpha=1}^2 \sum_{\beta=16}^{34} \check{Y}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t) \cdot \bar{N}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t). \quad (3.2.1.13)$$

Сўнг, ижтимоий ишлаб чиқаришда ва ўқища банд бўлмаганларнинг сони аниқланади: $\hat{N}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t) = \bar{T}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t) - \bar{R}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t) - Y_{\alpha\gamma}^{\beta}(t)$ ёки матрица кўринишда: $\bar{N}(t) = \bar{T}(t) - \bar{R}(t) - Y(t)$. $(3.2.1.14)$

DEMOSOC моделларининг эндоғен ўзгарувчилари

$$(N_{\alpha\gamma}^{\beta}(t+1); Y_{\alpha\gamma}^{\beta}(t); \tilde{N}_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^{\beta}(t); \check{Y}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t); \check{N}_{\alpha\gamma_1}^{\beta}(t), \tilde{N}_{\alpha\gamma_1}^{\beta}(t); G_{\alpha\gamma_1\gamma_2}^{\beta}(t), \bar{N}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t); \bar{T}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t); R_{\alpha\gamma}^{\beta}(t); Y_{\alpha\gamma}^{\beta}(t) \text{ и } \hat{N}_{\alpha\gamma}^{\beta}(t))$$

ишчи қучининг таклифи моделларини (ТАКЛИФ) ишлаб чиқишида "кириш"ахборотлари сифатида хизмат қилади.

3.2.2. Ишчи кучи таклифининг моделлари

Меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик секторларидаги таклифи сони, жинси, ёши, маълумоти, ихтисослиги, меҳнат малакаси, миллати, даромади, иш билан банд бўлмаганлиги сабаблари ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги бўйича миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлиб аниқланади. Қайд этилган кўрсаткичларнинг барчасини миқдорий баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун статистик ҳисботларда кўпроқ учрайдиган маркетинг ва социалогик тадқиқотлар ёрдамида ҳосил қилинадиган ишчи кучи таклифининг миқдор кўрсаткичларини моделлаштириш инобатга олинади.

DEMONSOC моделларининг «чиқиши» ахборотларининг систематик таҳлили шуни кўрсатадики, ишчи кучи таклифининг ҳолатига, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ёшини ($V(t)$), маълумотини ($O(t)$), ўртача иш ҳақини ($\bar{Z}(t)$) ва иш билан бандлигини ($N(t)$) миқдори ва тузилиши таъсир кўрсатади. Мазкур омилларнинг ишчи кучи таклифига миқдор таъсирини кўп омилли эконометрик модел ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$P(t) = A(t) \cdot v^{\beta_1}(t) \cdot v^{\beta_2}(t) \cdot v^{\beta_3}(t) \cdot O^{\gamma_1}(t) \cdot O^{\gamma_2}(t) \cdot O^{\gamma_3}(t) \cdot O^{\gamma_4}(t) \cdot O^{\gamma_5}(t) \cdot O^{\gamma_6}(t) \cdot O^{\gamma_7}(t) \cdot \bar{Z}^\varphi(t) \cdot N^\mu(t), \quad (3.2.2.1)$$

бу ерда $\alpha, \beta_1, \beta_2, \beta_3, \gamma_1, \gamma_2, \gamma_3, \gamma_4, \gamma_5, \gamma_6, \gamma_7, \varphi, \mu$ – омилларнинг эластиклик (таъсирчанлик) даражасини ифодаловчи ўлчовлар (параметрлар).

Демосоциал ахборотларни COMONDOR персонал компьютерида TSP (АҚШ) тайёр программалар пакети ёрдамида қайта ишлаш натижасида таҳлил давридаги (1981-1996ий) Самарқанд вилояти қишлоқ жойларидаги ишчи таклифининг ишлаб чиқариш функцияси ҳосил қилинади:

$$\begin{aligned} TK(t) = Y(t) = & 91,573382 + 0,6953708x_1 + 0,2697244x_2 + \\ & + 0,6568152x_3 + 3,9193820x_4 - 1,1610022x_5 + \end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
 & + 0,9504485x_6 - 0,2223063x_7 + 3,6561772x_8 + \\
 & + 1,9826389x_9 - 1,4732775x_{10} - 102,48883x_{11} + \\
 & + 0,0507316x_{12}
 \end{aligned}$$

$$R^2 = 0,997680; F = 71,68728; dW = 2,661818. \quad (3.2.2.2)$$

Шундай қилиб, меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик секторидаги ишчи кучи таклифи сонини ҳар бир миқдор кўрсаткичлари омиллари бўйича қуийдаги математик формулалар ёрдамида аниқлаш мумкин:

а) жинси бўйича:

$$TK_{\alpha_j}^s(t) = P_{\alpha_1,j}^s(t) + P_{\alpha_2,j}^s(t), \quad (3.2.2.3)$$

бу ерда $P_{\alpha_1,j}^s(t)$ и $P_{\alpha_2,j}^s(t)$ – таклиф этилган ишчи кучининг сони, α_1 – аёл ва α_2 – эркак жинсига тааллукли, минг киши;

б) ёш гурӯхлари бўйича:

$$TK_{\beta_j}^s(t) = \sum_{\beta_1=18}^{59} V_{\beta_1,j}^s(t) + \sum_{\beta_2=60}^{70} V_{\beta_2,j}^s(t) + \sum_{\beta_3=16}^{17} V_{\beta_3,j}^s(t), \quad (3.2.2.4)$$

бу ерда $v_{\beta_1,j}^s(t)$ – меҳнатга лаёқатли ёшдаги (β_1) таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши; $v_{\beta_2,j}^s(t)$ – меҳнатга лаёқатли юқори ёшдаги (β_2) таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши; $v_{\beta_3,j}^s(t)$ – меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдаги (β_3) таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши;

в) маълумоти бўйича:

$$TK_{\gamma_j}^s(t) = O_{\gamma_1,j}^s(t) + O_{\gamma_2,j}^s(t) + O_{\gamma_3,j}^s(t) + O_{\gamma_4,j}^s(t) + O_{\gamma_5,j}^s(t) + O_{\gamma_6,j}^s(t) + O_{\gamma_7,j}^s(t), \quad (3.2.2.5)$$

бу ерда $O_{\gamma_1,j}^s(t)$ – бошланғич маълумотли (γ_1), таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши; $O_{\gamma_2,j}^s(t)$ – тўлиқсиз ўрта маълумотли (γ_2), таклиф этилган ишчи кучининг сони минг киши; $O_{\gamma_3,j}^s(t)$ – тўлиқ ўрта маълумотли (γ_3) таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши; $O_{\gamma_4,j}^s(t)$ – тўлиқсиз ўрта маҳсус маълумотли (γ_4), таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши; $O_{\gamma_5,j}^s(t)$ – ўрта маҳсус маълумотли (γ_5), таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши;

$O_{\gamma,j}^s(t)$ – түлиқсиз олий маълумотли (γ_6), таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши; $O_{\gamma,j}^s(t)$ – олий маълумотли (γ_7), таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши;

г) ихтисослик бўйича:

$$TK_{\varepsilon_j}^s(t) = \hat{P}_{\varepsilon_1,j}^s(t) + \hat{P}_{\varepsilon_2,j}^s(t) + \hat{P}_{\varepsilon_3,j}^s(t), \quad (3.2.2.6)$$

бу ерда $\hat{P}_{\varepsilon_1,j}^s(t)$ – ишчи ихтисослиги (ε_1), таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши; $\hat{P}_{\varepsilon_2,j}^s(t)$ – хизматчи ихтисослиги (ε_2) таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши; $\hat{P}_{\varepsilon_3,j}^s(t)$ – таклиф этилган ихтисоссиз (ε_3) ишчи кучининг сони, минг киши;

д) меҳнат даромади бўйича:

$$TK_{\psi_j}^s(t) = D_{\psi_1,j}^s(t) + D_{\psi_2,j}^s(t) + D_{\psi_3,j}^s(t), \quad (3.2.2.7)$$

бу ерда $D_{\psi_1,j}^s(t)$ – меҳнат даромади аҳоли жон бошига тўғри келадиган минимал истеъмол бюджетдан (МИБ) кам бўлган таклиф этилган ишчи кучининг сони, (МИБ) – $\hat{B}(t)$ кам таъминланганлар (ψ_1), минг киши, яъни $D_{\psi_1,j}^s(t) < \hat{B}(t)$; $D_{\psi_2,j}^s(t)$ – таклиф этилган ишчи кути меҳнат даромадларининг ҳажми, минг сўм; $D_{\psi_3,j}^s(t)$ – меҳнат даромадлари МИБ teng бўлган таклиф этилган ишчи кучининг сони, ўртача таъминланганлар (ψ_2), минг киши, яъни $D_{\psi_2,j}^s(t) = \hat{B}(t)$; $D_{\psi_3,j}^s(t)$ – меҳнат даромади МИБ юқори бўлган таклиф этилган ишчи кучининг сони, юқори таъминланганлар (ψ_3), минг киши, яъни $D_{\psi_3,j}^s(t) > \hat{B}(t)$;

е) иш билан банд бўлмаганлик сабаблари бўйича:

$$TK_{\lambda_j}^s(t) = B_{\lambda_1,j}^s(t) + B_{\lambda_2,j}^s(t) + B_{\lambda_3,j}^s(t) + B_{\lambda_4,j}^s(t) + B_{\lambda_5,j}^s(t) + B_{\lambda_6,j}^s(t) + B_{\lambda_7,j}^s(t) + B_{\lambda_8,j}^s(t), \quad (3.2.2.8)$$

бу ерда $B_{\lambda_1,j}^s(t)$ – корхоналар тугатилиши ва қайта ташкил этилиши муносабатлари (λ_1) билан ишдан бўшатилганлар таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши; $B_{\lambda_2,j}^s(t)$ – штатлар қисқартирилиши сабабли (λ_2) ишдан бўшатилганлар таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши; $B_{\lambda_3,j}^s(t)$ – қўнимсизлик (λ_3) сабабли ишдан бўшатилганлар таклиф этган ишчи кучининг сони, минг киши; $B_{\lambda_4,j}^s(t)$ –

бу ерда $\bar{Z}_{ub_j}^s(t)$ – ε ихтисослик бир ишбай ишловчининг (иб) ўртача йиллик иш ҳақи, сўм; $\hat{Z}_{eb_j}^s(t)$ – ε ихтисослик бир вақтбай ишловчининг (вб) минимал иш ҳақи, сўм; $\bar{Z}_{ej}^s(t)$ – ε ихтисослик ишбай ва вақтбай ишловчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақи, сўм; $K_{map_j}^s(t)$ – ε ихтисослик бир ишловчининг таъриф ставкаси коэффициенти; $R_{ub_j}^s(t)$ – ишбай ишловчилар таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши; $R_{eb_j}^s(t)$ – вақтбай ишловчилар таклиф этган ишчи кучининг сони, минг киши; $\bar{R}_{ej}^s(t)$ – ε ихтисослик ишловчиларининг ўртача йиллик сони, минг киши, $U_{ub_j}^s(t)$ – ишбай иш бажарувчи таклиф этилган ишчи кучининг баҳоси, сўм; $U_{eb_j}^s(t)$ – вақтбай иш бажарувчи таклиф этилган ишчи кучининг баҳоси, сўм.

Иш берувчи ва ёлланиб ишловчи ўртасидаги меҳнат шартномаларини тузишда, бизнингча, ишчи кучининг баҳосини минимал истеъмол бюджетининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдоридан кам бўлмаслигини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

$$U_{ej}^s(t) \geq \hat{B}(t). \quad (3.2.2.12)$$

DEMOSOC ва TAKLIF моделларининг асосий эндоғен кўрсаткичлари IQTISOD ва TALAB моделларини шакллантиришга ва уларнинг ахборот базасини яхшилашга хизмат қиласи.

3.2.3. Ишчи кучига талабни вужудга келтирувчи макроиктисодий кўрсаткичларнинг моделлари

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ($F(t)$) ва инвестицияларнинг ($I(t)$) ҳажми ва тузилиши, иш жойларининг сони (ИЖ(t)) ва қиймати ($K(t)$), ёлланма ишчи кучи баҳоси ($B(t)$) ва бошқалар ишчи кучига талабни вужудга келтирувчи макроиктисодий асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Бу кўрсаткичларнинг ишчи кучига талабини миқдорига таъсирини аниqlаш учун эконометрик моделни қўллаш мумкин:

$$TЛ(t) = A(t) \cdot F^\alpha(t) \cdot I^\beta(t) \cdot K^\gamma(t) \cdot ИЖ^\varphi(t) \cdot Б^\psi(t), \quad (3.2.3.1)$$

бу ерда $TЛ(t)$ – ишчи кучига талабнинг миқдори; $\alpha, \beta, \gamma, \varphi, \psi$ – омилларнинг эластиклик (таъсирчанлик) даражасини ифодаловчи ўлчовлар (параметрлар). Самарқанд вилоятининг мазкур макриқтисодий кўрсаткичларини COMONDOR персонал компьютерида TSP-тайёр программа пакети ёрдамида қайта ишлаш натижасида ўрганилаётган давр учун (1981-1996й.) қуийдаги ишлаб чиқариш функцияси ҳосил қилинди:

$$\begin{aligned} TЛ(t) = Y(t) = & 262,68952 + 0,0001567x_1 + 0,0491153x_2 - 0,0138118x_3 + \\ & + 0,2301089x_4 - 162,17635x_5, \end{aligned} \quad (3.2.3.2)$$

$$R^2=0,941449; F=28,94268; dW=1,620627.$$

Ишчи кучи талабни вужудга келтирувчи ҳар бир омилнинг миқдори ва тузилишини математик формулалар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг динамикаси моддий ресурсларни қарама-қарши икки йўналиши билан ифодаланади: қишлоқ ҳудудида s секторининг j тармоқларидағи инвестициялардан фойдаланиш ҳисобига асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга туширилиши – $V_j^s(t)$ ва мазкур фондларни жисмоний ва маънавий эскириши туфайли ишдан чиқиши – $W_j^s(t)$.

Аҳолининг иш билан бандлигини ҳар бир сектордаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг йил бошидаги t_1 қийматини аниқлашда қуийдаги тенгламалар тизими қўлланилади:

$$F_j^s(t) = F_j^s(t_2 - 1) + V_j^s(t) - W_j^s(t), \quad (3.2.3.3)$$

бу ерда $F_j^s(t_1)$ – жорий йил бошидаги (t_1) асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати, минг сўм. $F_j^s(t_2-1)$ – ўтган йил охиридаги (t_2-1), асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати, минг сўм; $V_j^s(t)$ – ҳисбот йилида (t) ишга туширилган обьектларнинг

қуввати, минг сўм; $W_j(t)$ - ҳисобот йилида (t) ишдан чиққан объектларнинг қуввати, минг сўм.

Умумий ҳолда, барча секторлар бўйича асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати қуидагича аниқланади:

$$\bar{F}_j^s(t) = \left(F_j^s(t_1) + F_j^s(t_2) \right) / 2. \quad (3.2.3.4)$$

Кишлоқдаги ортиқча меҳнат ресурсларини ишга жойлаштиришнинг асосий манбаларидан бири хизмат сектори ҳисобланади. Шунинг учун дастлаб, ундаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик ҳажмини бошқа секторларда ишдан бўшаганларни ишга жойлашиши имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаймиз:

$$F_j'''(t) = \hat{Q}_j'''(t) \cdot F_j'''(t-1) / \hat{Q}_j'''(t-1) \cdot U_j'''(t), \quad (3.2.3.5)$$

бу ерда $\bar{F}_j'''(t) = t$ йилдаги хизмат (III) секторининг асосий ишлаб чиқариши фондларини ўртача йиллик қиймати, минг сўм; $\hat{Q}_j'''(t)$ и $\hat{Q}_j'''(t-1)$ – жорий (t) ҳисобот ($t-1$) даврларда ушбу секторга ишга жойлашмоқчи бўлган ишловчилар сони, минг киши; $U_j'''(t)$ – t йилда хизмат секторида асосий фондлардан интенсив фойдаланиш коэффициенти. (3.2.3.5) тенглик ёрдамида ушбу секторда ишга жойлашиш учун зарур бўлган асосий фондларнинг ҳажми аниқланади. $\hat{Q}_j'''(t), U_j'''(t)$ – олдиндан белгиланган кўрсаткичлар бўлиб, улар ишлаб чиқариш фондларидан ва воситаларидан фойдаланишинг сменали коэффициенти динамикасини характерлайди.

Сўнгра, асосий фондларнинг йил бошидаги қиймати $F_j'''(t_1)$, уларнинг ишдан чиқарилиши $W_j'''(t)$ ва киритилиши $V_j'''(t)$ ҳисобланади.

$$F_j'''(t) = F_j'''(t_2 - 1) + V_j'''(t_2 - 1) - W_j'''(t_2 - 1), \quad (3.2.3.6)$$

$$W_j'''(t) = F_j'''(t) \cdot V_j'''(t), \quad (3.2.3.7)$$

$$V_j'''(t) = F_j'''(t) \cdot W_j'''(t), \quad (3.2.3.8)$$

бу ерда $W_j'''(t)$ ва $V_j'''(t)$ – ўртача йиллик асосий фондлариға нисбатан ишдан чиқишига ва киришга айлантириш коэффициентлари. $V_j'''(t)$ ва $W_j'''(t)$ коэффициентлари IQTSOD моделлариға олдиндан киритилгандар бўлиб, уларнинг таъсири сезиларли эмас. Факатгина, улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш секторларида катта ўзгаришларга эга бўлади.

Жорий йилдаги хизмат сектори учун зарур бўлган инвестиция ҳажмини $I_j'''(t)$ ҳисоблашда $K_j'''(t)$ коэффициентларнинг қийматини билиш зарур. Бундай коэффициентлар ўтган йилдаги инвестиция суммасини асосий фондларни ишга тушириш суммасига бўлиш орқали ҳисобланади:


$$K_j'''(t) = \left[\sum_{j=1}^J \left(I_j'''(t-6) / I_j'''(t-1) \right) \right] / \left[\sum_{j=1}^J \left(V_j'''(t-6) / V_j'''(t-1) \right) \right], \quad (3.2.3.9)$$

$$I_j'''(t) = K_j'''(t) \cdot V_j'''(t) \quad (3.2.3.10)$$

Сифат секторидаги инвестиция динамикаси ва асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқаришни изоҳловчи кўрсаткичлар маҳсус ҳисоблаш жараёни ёрдамида аниқланади.

Сифат секторидаги инвестиция микдорини $I_j''(t)$ аниқлаш учун иқтисодиётнинг барча секторларидағи $I_j^s(t)$, жумладан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши $I_j^l(t)$ ва қайта ишлаш саноати $I_j^n(t)$ секторларидағи инвестицияларнинг ҳажмини билиш керак.

Мазкур сектордаги инвестиция баланс услубида ҳисобланади. Агарда жорий йилдаги ушбу секторнинг инвестиция қиймати ўтган йилга нисбатан кам бўлса, халқ хўжалиги капитал қўйилмалари дисбалансга нисбатан ўзгаририлади. Агарда $I_j''(t)$ ўтган йилга нисбатан кўп бўлса, у максимал қийматга эга бўла олади ($I_j''(t) = \max$). Бунда баланслик шартлариға асосан $I_j''(t)$ ўзгаририлади (3.2.3.1-расмга қаранг).



3.2.3.1-расм. Сифат секторида инвестиция ҳажмини хисоблаш блок-схемаси

Ушбу секторда асосий фондларни тақрор ишлаб чиқариш қуйидаги тенгламалар асосида ҳисобланади:

$$V_j^{IV}(t) = I_j^{IV}(t) \cdot W_j^{IV}(t) + (1 - W_j^{IV}(t))V_j^{IV}(t-1), \quad (3.2.3.11)$$

$$F_j^{IV}(t) = 2F_j^{IV}(t-1) - F_j^{IV}(t_1-1), \quad (3.2.3.12)$$

$$W_j^{IV}(t) = F_j^{IV}(t_1) \cdot V_j^{IV}(t), \quad (3.2.3.13)$$

$$F_j^{IV}(t) = F_j^{IV}(t_1) + V_j^{IV}(t) \cdot W_j^{IV}(t) - W_j^{IV}(t) \cdot V_j^{IV}(t), \quad (3.2.3.14)$$

бу ерда $W_j^{IV}(t)$, $V_j^{IV}(t)$ – асосий фондларни ва тарқатилган капитал қўйилмаларни ўзгартириш параметрлари.

Кейинги босқичда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноати секторларидағи асосий фондларни тақрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар ҳисобини кетма-кетлиги сифат секторидаги каби амалга оширилиб, фақат асосий ишлаб чиқариш фондларини тақрор ишлаб чиқариш даражасининг параметрлари – $V_j^I(t)$, $V_j^{II}(t)$, $W_j^I(t)$, $W_j^{II}(t)$ эндогенлар бўлади ҳамда $F_j^I(t)$ фақат йил оҳирида аниқланади.

Жорий йилдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг ишдан чиқиши ҳажми (3.2.3.13) формула билан аниқланади. Бунда фондларнинг ишдан чиқишини характерловчи коэффициентлар [123] кўрсатмага асосан ҳисобланади. Булар асосий ишлаб чиқариш фондлари ва инвестициялар ўсишининг нисбатларига боғлик бўлиши керак. Таянч нуқтаси сифатида Домар формуласидан [66] фойдаланиш мумкин, қайсики у бизнинг моделда қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$V_j^I(t) = \Delta F_j^I(t-1) / (\exp(\Delta I_j^I(t-1) \cdot G) - 1); \quad (3.2.3.15)$$

$$V_j^{II}(t) = \Delta F_j^{II}(t-1) / (\exp(\Delta I_j^{II}(t-1) \cdot \bar{G}) - 1), \quad (3.2.3.16)$$

бу ерда $\Delta F_j^I(t-1)$ ва $\Delta F_j^{II}(t-1)$ – асосий ишлаб чиқариш фондларининг $t-1$ йилда ўсиши, % ёки минг сўм; $\Delta I_j^I(t-1)$ ва $\Delta I_j^{II}(t-1)$ – ин-

вестициянинг $t-1$ йилда ўсиши, % ёки минг сўм; \bar{G} – асосий ишлаб чиқариш фондларининг хизмат қилишининг ўртача муддати, йил.

Демак, фондларнинг қайта тиклаш динамикаси уларнинг ўсиши билан боғлиқ. Бирок, такрор ишлаб чиқаришни оқилона бандликнинг шаклланиш жараёни билан узвий алоқадорлигини систематик таҳлил қилиш аҳоли бандлигига асосий ишлаб чиқариш фондларини қайта тиклашнинг таъсирини ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Асосий ҳолат – чиқиш нормаларида ҳар бир омилнинг таъсир улушкини аниқлаш. Асосий ишлаб чиқариш фондлари ўсиши улушкини баҳолашда (3.2.3.15, 3.2.3.16) формуулалари ва кўпомиллик таҳлил услубини қўллаш мумкин. Унинг оқилона бандликни шаклланиш жараёнларига таъсирини батафсил ўрганиш зарур. Агарда бандлик ошаётган бўлса, фондларни ишдан чиқиш нормативлари Домар формуласи [66] бўйича аниқланади. Салбий микдорларда эса фондларни ишдан чиқиш нормалари бир иш жойининг қийматига ҳам боғлиқ бўлади. Экспериментда шундай асосий ишлаб чиқариш фондларини чиқиш нормаларини танлаш керакки, улар бир томондан, фондларни сифатли янгиланишига олиб келсин, иккинчидан меҳнатни фондлар билан қуролланиши маълум йўналишда ўсишини таъминласин.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматини ҳисоблаш учун $V_j^I(t)$ ва $V_j^{II}(t)$ коэффициентларнинг қийматини билиш даркор. Улар йил давомида фондларни ишга кириши ва чиқишини характерлайди. Уларга меҳнат ва фондларнинг сифат кўрсаткичлари таъсир кўрсатади. Улар ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноат секторлари бўйича ҳисобланади.

Сўнги босқичда эса шахсий меҳнат секторида асосий ишлаб чиқариш фондларининг динамикаси аниқланади ва уларнинг ҳажми

бўйича статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари ҳам юритилмайди. Бундай ҳолда, шахсий меҳнат секторининг йўналишлари бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда асосий ишлаб чиқариш фондларининг са-марадорлиги, хизмат кўрсатиши ва сарфланиши нормаларини ҳисобга олиб, маҳсус эксперт баҳолаш ва социологик тадқиқот ўтказиш керак. Асосий ишлаб чиқариш фондларини $F_j^V(t)$ ва инве-стицияларни $I_j^V(t)$ ҳажми ва тузилишининг ўзгариши бўйича ҳисоблаш (3.2.3.3 ÷ 3.2.3.10) эконометрик тенгламалар ёрдамида олиб борилади.

Қишлоқ ҳудуди иқтисодиётининг барча секторларидаги асо-сий ишлаб чиқариш фондларининг миқдор ва сифат ҳолати иш жойларининг миқдори ва тузилишига узвий боғланган. Бундай ҳолда (3.2.3.5 ÷ 3.2.3.8) формуаларининг қўриниши ўзгартирилиб қўлланилади. Дастрраб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш сектори-даги иш жойларининг қиймати ва сони аниқланади. Улар дехқончилик ва чорвачилик бўйича алоҳида ҳисобланади.

Бир иш жойининг қиймати шундай аниқланади:

а) дехқончиликда:

$$\bar{Y}'_{иж_j}(t) = \bar{F}_j'(t) / Q_j'(t) \cdot 1 / (z_j'(t) + \tau_j'(t)), \quad (3.2.3.17)$$

бу ерда $K'_{иж_j}(t)$ – дехқончиликнинг j_1 -й тармоқларидаги бир иш жойини t йилдаги қиймати, минг сўм; \bar{F}_j' – асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати минг сўм; Q_j' – ишловчилар сони, минг киши; $z_j'(t)$ – экин майдонларидан фойда-ланишининг сменалик коэффициенти; $\tau_j'(t)$ – қишлоқ хўжалик тех-никаси ва воситаларидан фойдаланишининг сменалик коэффициенти;

б) чорвачиликда:

$$K_{\text{иж}_{j_2}}^I(t) = \bar{F}_{j_2}^I(t) / Q_{j_2}^I(t) \cdot 1 / \left(O_{j_2}^I(t) + \tau_{j_2}^I(t) \right), \quad (3.2.3.18)$$

бу ерда, $K_{\text{иж}_{j_2}}^I(t)$ – чорвачиликнинг j_2 тармоқларидағи бир иш жойини t йилдаги қиймати, минг сўм; $Q_{j_2}^I(t)$ – ишловчилар сони, минг сўм; $O_{j_2}^I(t)$ – айланма воситалардан фойдаланиш коэффициенти.

Иш жойларининг сони (3.2.3.17) ва (3.2.3.18) формулалари асосида аниқланади. Бунинг учун меҳнат сифими, ишловчиларни иш билан бандлиги даражаси ва экин майдонлари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва айланма маблағларидан (воситаларидан) фойдаланишнинг сменалик коэффициентлари кўрсаткичларидан фойдаланиш зарур:

а) дехқончиликда:

$$ИЖ_{j_1}^I(t) = \Pi_{j_1}^I(t) / \check{V}_{j_1}^I(t) \cdot r_{j_1}^I(t) \cdot \tau_{j_1}^I(t), \quad (3.2.3.19)$$

бу ерда $ИЖ_{j_1}^I$ – дехқончиликнинг j_1 тармоқларидағи иш жойларини t йилдаги сони, минг дона; $\Pi_{j_1}^I(t)$ – экин майдонининг ҳажми, минг га; $\check{V}_{j_1}^I(t)$ – бир ишловчининг иш вақтини норматив фонди, минг киши соат;

б) чорвачиликда:

$$ИЖ_{j_2}^I(t) = Z_{j_2}^I(t) / \Pi_{\text{хк}_{j_2}}^I(t) \cdot \tau_{j_2}^I(t), \quad (3.2.3.20)$$

бу ерда $ИЖ_{j_2}^I(t)$ – чорвачиликнинг j_2 тармоқларидағи иш жойларини t йилдаги сони, минг дона; $Z_{j_2}^I(t)$ – ҳайвонлар сони, минг бош; $\Pi_{\text{хк}_{j_2}}^I(t)$ – бир ишловчининг ҳайвонларга хизмат кўрсатиш нормаси.

$ИЖ_{j_1}^I(t)$ ва $ИЖ_{j_2}^I(t)$ ёрдамида бир иш жойининг инвестициясини ҳажми ҳисобланади:

а) дехқончиликда:

$$I_{\text{иж}_{j_1}}^I(t) = \bar{F}_{j_1}^I(t) / ИЖ_{j_1}^I(t); \quad (3.2.3.21)$$

б) чорвачиликда:

$$I_{ИЖ_j}^I(t) = \bar{F}_j^I(t) / ИЖ_{j2}^I(t). \quad (3.2.3.22)$$

Қайта ишлаш саноати секторидаги иш жойининг қиймати ($K_{ИЖ_j}^{II}$) (3.2.3.17) формуласи ёрдамида аниқланади:

$$K_{ИЖ_j}^{II}(t) = \bar{F}_j^{II}(t) / Q_j^{II}(t) \cdot 1 / \tau_j^{II}(t), \quad (3.2.3.23)$$

Мазкур сектордаги иш жойларининг сони бундай ҳисобланади:

$$ИЖ_j^{II}(t) = T_j^{II}(t) / n_{u_2}^{II}(t) \cdot \tau_j^{II}(t), \quad (3.2.3.24)$$

бу ерда $T_j^{II}(t)$ – маҳсулотни түлиқ меҳнат сифими, минг киши/соат; $n_{u_2}^{II}(t)$ – бир ишловчининг ишлаб чиқариш нормаси, $\tau_j^{II}(t)$ – асосий фондлардан фойдаланишнинг сменалик коэффициенти.

Бир иш жойининг инвестиция ҳажми бундай ҳисобланади:

$$I_{ИЖ_j}^{II}(t) = \bar{F}_j^{II}(t) / ИЖ_j^{II}(t). \quad (3.2.3.25)$$

Сўнгра хизмат секторидаги иш жойларининг қиймати ва сони топилади:

$$K_{ИЖ_j}^{III}(t) = F_j^{III}(t) / Q_j^{III}(t) \cdot 1 / \tau_j^{III}(t), \quad (3.2.3.26)$$

$$ИЖ_j^{III}(t) = O_j^{III}(t) \cdot n_{xk_j}^{III}(t), \quad (3.2.3.27)$$

бу ерда; $O_j^{III}(t)$ – дастгоҳлар сони, минг дона; $n_{xk_j}^{III}(t)$ – дастгоҳларга хизмат кўрсатиш нормаси, киши.

Мазкур сектордаги бир иш жойи инвестициянинг ҳажми:

$$I_{ИЖ_j}^{III}(t) = F_j^{III}(t) / ИЖ_j^{III}(t). \quad (3.2.3.28)$$

Сифат секторида бир иш жойининг қиймати қуидагича ҳисобланади:

$$K_{ИЖ_j}^{IV}(t) = \bar{F}_j^{IV}(t) / Q_j^{IV}(t) \cdot 1 / \tau_j^{IV}(t). \quad (3.2.3.29)$$

Бу секторда иш жойларининг сони икки йўналишда аниқланади:

1) илмий-тадқиқотда:

$$\text{ИЖ}_{j_1}^{IV}(t) = H_{j_1}^{IV}(t) \cdot n_{xk_{j_1}}^{IV}(t), \quad (3.2.3.30)$$

бу ерда, $H_{j_1}^{IV}(t)$ – илмий-тадқиқот ишларининг ҳажми (мавзулар сони), $n_{xk_{j_1}}^{IV}(t)$ – бир илмий мавзуни бажариш (хизмат кўрсатиш) нормаси, киши;

2) кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш:

а) ўқувчилар ва студентлар ҳамда ўз малакасини оширувчи-лар учун:

$$\text{ИЖ}_{j_{21}}^{IV}(t) = \left(Y_{j_{21}}^{IV}(t) + \check{N}_{j_{21}}^{IV}(t) \right) / n_{o\delta_{j_{21}}}^{IV}(t), \quad (3.2.3.31)$$

бу ерда $\text{ИЖ}_{j_{21}}^{IV}(t)$ – иш жойларининг сони, минг ўқув жойи; $Y_{j_{21}}^{IV}(t)$ – барча ўқув формасидаги ўқувчилар ва студентлар сони, минг киши; $\check{N}_{j_{21}}^{IV}(t)$ – қайта тайёргарлик йўли билан ўз малакасини ошираётган қишлоқ кадрларининг сони, минг киши; $n_{xk_{j_{21}}}^{IV}(t)$ – бир ўқув жойига хизмат кўрсатиш нормаси, киши.

б) профессор-ўқитувчилар учун:

$$\text{ИЖ}_{j_{22}}^{IV}(t) = U_{j_{22}}^{IV}(t) / n_{y_{k_{j_{22}}}}^{IV}(t), \quad (3.2.3.32)$$

бу ерда; $U_{j_{22}}^{IV}(t)$ – барча ўқув формаларидағи ўқитишининг ҳажми, минг соат;

$n_{y_{k_{j_{22}}}}^{IV}(t)$ – бир ўқитувчининг хизмат кўрсатиш нормаси, соат.

Бу ердаги бир иш жойи инвестициянинг ҳажми икки йўналишда аниқланади:

1) илмий-тадқиқот ишлари учун:

$$I_{\text{ИЖ}_{j_1}}^{IV}(t) = \bar{F}_{j_1}^{IV}(t) / \text{ИЖ}_{j_1}^{IV}(t), \quad (3.2.3.33)$$

2) кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун:

$$I_{\text{ИЖ}_{j_2}}^{IV}(t) = \bar{F}_{j_2}^{IV}(t) / \text{ИЖ}_{j_2}^{IV}(t), \quad (3.2.3.34)$$

Ҳисоблашнинг охирги босқичда шахсий меҳнат сектори тармоқларидаги иш жойларининг қиймати ($K_{\text{ИЖ}, t}^V$) ва сони ($\text{ИЖ}(t)$)

ҳамда инвестициялар ҳажми $I_{ИЖ_j}^V(t)$ аниқланади. Бу сектордаги дехқон (фермер) (v_1) ва шахсий ёрдамчи (v_2) хўжаликларда, асосан дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, шахсий меҳнат фаолиятида эса (v_3) қишлоқ хўжалик хом-ашё ресурсларини дастлабки саноат қайта ишлаш, қурилиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий ишбилармонлик билан шуфулланади. $K_{ИЖ_j}^V(t)$ ва $I_{ИЖ_j}^V(t)$ аниқлашда (3.2.3.17-3.2.2.28) формулалари кенг қўлланилади.

Бундай ҳолда $K_{ИЖ_j}^{v_1}(t)$ ва $K_{ИЖ_j}^{v_2}(t)$ ҳисоблашда – (3.2.3.17),

$K_{ИЖ_{j_2}}^{v_1}(t)$ ва $K_{ИЖ_j}^{v_2}(t)$ – (3.2.3.18), $ИЖ_{j_1}^{v_1}(t)$ ва $ИЖ_{j_1}^{v_2}(t)$ – (3.2.3.19),

$ИЖ_{j_2}^{v_1}(t)$ ва $ИЖ_{j_2}^{v_2}(t)$ – (3.2.3.20), $I_{ИЖ_{j_1}}^{v_1}(t)$ ва $I_{ИЖ_{j_1}}^{v_2}(t)$ – (3.2.3.21),

$I_{ИЖ_{j_2}}^{v_2}(t)$ ва $I_{ИЖ_{j_2}}^{v_3}(t)$ – (3.2.3.22), $K_{ИЖ_{j_1}}^{v_3}(t)$ – (3.2.3.23),

$K_{ИЖ_{j_2}}^{v_3}(t)$ – (3.2.3.26), $ИЖ_{j_1}^{v_3}(t)$ – (3.2.3.24), $ИЖ_{j_2}^{v_3}(t)$ – (3.2.3.27),

$I_{ИЖ_{j_1}}^{v_3}(t)$ – (3.2.3.25) ва $I_{ИЖ_{j_2}}^{v_3}(t)$ – (3.2.3.28) формулалари қўлланилади.

Аҳолини иш билан бандлигининг барча секторларида янги иш жойлари яратишга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳажми ($I_{янж_j}^s(t)$) қўйидагича аниқланади:

$$I_{янж_j}^s(t) = K_{янж_j}^s(t) \cdot ИЖ_{j_1}^s(t) + K_{янж_j}^s(t) \cdot ИЖ_{j_2}^s(t) + K_{янж_j}^s(t) \cdot N_{яж_j}^s(t) + \\ + K_{яж_j}^s(t) \cdot N_{яж_j}^s(t) + K_{яж_j}^s(t) \cdot N_{яж_j}^s(t) \quad (3.2.3.35)$$

бу ерда $K_{янж_j}^s(t)$ – янги бир иш жой яратиш учун асосий ишлаб чиқариш фондларини сотиб олишга йўналтирилган капитал қўйилмалар ҳажми, минг сўм; $K_{яж_j}^s(t)$ – бир ишловчининг малакасини оширишга (қайта тайёрлашга) йўналтирилган капитал қўйилмаларнинг ҳажми, минг сўм; $K_{яж_j}^s(t)$ – бир ишловчининг уйжойининг қиймати, минг сўм:

$$\left(K_{яж_j}^s(t) = K_{яж_j}^s(t) \cdot n_{яж_j}^s(t) \right),$$

бу ерда $K_{y_{jk}}^s(t)$ – ҳудуддаги 1 м² уй-жойнинг қиймати, минг сўм; $n_{y_{jk}}^s(t)$ – бир кишини уй-жой майдони билан таъминлаш нормативи, м²; $K_{mx_j}^s(t)$ – бир иш жойида ижтимоий-маиший хизмат (мехнат) шароитлари яратиш учун йўналтирилган капитал қўйилмаларнинг ҳажми, минг сўм; $K_{kz}^s(t)$ – бир ишловчини кўчиришга мўлжалланган капитал қўйилмаларнинг ҳажми, минг сўм; $N_{xo}^s(t)$ – малакасини оширишга муҳтоҷ бўлган аҳолининг сони, минг киши; $N_{y_{jk}}^s(t)$ – уй-жойга муҳтоҷ бўлган аҳолининг сони, минг киши; $P_{mx_j}^s(t)$ – ижтимоий-маиший хизматга мўлжалланган иш жойларининг сони, минг дона; $N_{kz}^s(t)$ – кўчувчиларнинг сони, минг киши; $IJK_{x_j}^s(t)$ – янги иш жойларининг сони, минг дона.

Шунингдек, ишчи кучига талабнинг вужудга келиш даражаси меҳнатни, энергия билан қуролланишга, ишлаб чиқаришни ва меҳнатнинг ташкил этилишига, корхоналар ва хусусий ишбилар-монларнинг даромадларига ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларга ҳам боғлиқ бўлади.

3.2.4. Ишчи кучига талабнинг моделлари

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан бандлигининг бешта сектори тармоқларида жонли меҳнатга эҳтиёжлар йифиндиси ишчи кучига бўлган умумий талабни ифодалайди ва у TALAB моделлари ёрдамида аниқланади:

$$T\mathcal{L}_{y_{jk}}^s(t) = L_j^I(t) + L_j^{II}(t) + L_j^{III}(t) + L_j^{IV}(t) + L_j^V(t), \quad s = \overline{1,5},$$

бу ерда $L_j^s(t)$ – аҳолининг иш билан бандлик s-секторини j-тармоқларида жонли меҳнатга эҳтиёжлар миқдори, минг киши.

Бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш секторида ишчи кучига талабнинг миқдорини ҳисоблаш етакчи ўринни эгалайди:

$$\begin{aligned} T\mathcal{L}_j^1(t) &= T\mathcal{L}_{j_1}^1(t) + T\mathcal{L}_{j_2}^1(t); \\ T\mathcal{L}_{j_1}^1(t) &= n_{u\pi_{j_1}}^1(t) \cdot ИЖ_{j_1}^1(t); T\mathcal{L}_{j_2}^1(t) = n_{u\pi_{j_2}}^1(t) \cdot ИЖ_{j_2}^1(t), \end{aligned} \quad (3.2.4.2)$$

бу ерда $n_{u\pi_{j_1}}^1(t)$ ва $n_{u\pi_{j_2}}^1(t)$ – дехқончилик (j_1) ва чорвачилик (j_2) тармоқларидағи бир иш жойида банд бўлиши лозим бўлган ишловчиларнинг сони нормативларини ифодаловчи коэффициентлар, киши.

Кишлоқ хўжалик корхоналарининг интенсив ривожланиши ва хусусийлаштирилиши натижасида ишчи кучига талаб сезиларли даражада камаяди. Улардан бўшатилган ишловчилар қайта ишлаш саноати ва хизмат секторларида ишчи кучига бўлган қўшимча талабларни $(\Delta T\mathcal{L}_j^II(t) + \Delta T\mathcal{L}_j^III(t))$ маълум миқёсда қондиради. Худди шундай ҳолдагина мазкур сектор учун ишчи кучига зарурий талаб $(T\mathcal{L}_{sp_j}^1(t))$ вужудга келади:

$$T\mathcal{L}_{sp_j}^1(t) = T\mathcal{L}_j^1(t) - \Delta(T\mathcal{L}_j^II(t) + T\mathcal{L}_j^III(t)) \quad (3.2.4.3)$$

Аҳолининг иш билан бандлигини иккинчи секторида ишчи кучига талаб асосий $(T\mathcal{L}_{ac_j}^II(t))$ ва қўшимча $(T\mathcal{L}_{k\phi_{w_j}}^II(t))$ қисмлардан иборат бўлади:

$$T\mathcal{L}_j^II(t) = T\mathcal{L}_{ac_j}^II(t) + T\mathcal{L}_{k\phi_{w_j}}^II(t), \quad (3.2.4.4)$$

$$\text{бу ерда } T\mathcal{L}_{ac_j}^II(t) = n_{x\kappa_j}^II(t) \cdot ИЖ_{j_1}^II(t) \quad (3.2.4.5)$$

бу ерда $n_{x\kappa_j}^II(t)$ – бир иш жойидаги воситаларга (дастгоҳларга)

хизмат кўрсатиш нормаси, киши.

Қайта ишлаш саноати секторида ишчи кучига қўшимча талаб $(T\mathcal{L}_{k\phi_{w_j}}^II(t))$ асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш секторидан ишдан озод этилган ишловчилар ва ушбу секторда ишга жойланиш истагини билдирган ишсизлар ($I(t)$) ҳисобидан қондиради:

$$T\mathcal{L}_{k\phi_{w_j}}^II(t) = Q_{os_{j_1}}^I(t) + Q_{os_{j_2}}^I(t) + I(t), \quad (3.2.4.6)$$

бу ерда $Q_{o_3j_1}^I(t)$ ва $Q_{o_3j_2}^I(t)$ – дәхқончилик ва чорвачилик тар-
мокларидан ишдан озод этилган ишловчилар сони, минг киши.

Хизмат секторида ишчи кучига қўшимча талабни ($T\mathcal{L}_{\text{кўш}}^{III}(t)$)
катта қисми қишлоқ хўжалигидан ишдан бўшатилган ишловчилар
ва мазкур секторда ишга жойлашиш истаги бўлган ишсизлар
хисобидан қондирилади:

$$T\mathcal{L}_j^{III}(t) = T\mathcal{L}_{ac_j}^{III}(t) + T\mathcal{L}_{\text{кўш}}^{III}(t), \quad (3.2.4.7)$$

$$T\mathcal{L}_{ac_j}^{III}(t) = n_{xx_j}^{III}(t) \cdot ИЖ_j^{III}(t), \quad (3.2.4.8)$$

$$T\mathcal{L}_{\text{кўш}}^{III}(t) = Q_{o_3j_1}^I(t) + Q_{o_3j_2}^I(t) + I(t) \quad (3.2.4.9)$$

$n_{xx_j}^{III}(t)$ – бир иш жойига ишловчиларнинг хизмат кўрсатиш
нормаси, киши.

Сифат секторида ишчи кучига талаб қуийдаги йўналишларда
аниқланади:

1) илмий-тадқиқот масканларида ($S_{j_1}^{IV}(t)$):

$$T\mathcal{L}_{j_1}^{IV}(t) = n_{u\omega_{j_1}}^{IV}(t) \cdot ИЖ_{j_1}^{IV}(t); \quad (3.2.4.10)$$

2) кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ташкилотларида

($S_{j_2}^{IV}(t)$):

$$T\mathcal{L}_{j_2}^{IV}(t) = n_{xx_{j_2}}^{IV}(t) \cdot ИЖ_{j_2}^{IV}(t); \quad (3.2.4.11)$$

Шахсий меҳнат секторида эса ишчи кучига талаб ($T\mathcal{L}_{j_2}^v(t)$) уч-
хил йўналишда хисобланади:

1) У дәхқон (фермер) хўжаликларда эса икки жабҳада
аниқланади:

а) дәхқончилика:

$$T\mathcal{L}_{j_1}^{VI}(t) = n_{u\omega_{j_1}}^{VI}(t) \cdot ИЖ_{j_1}^{VI}(t), \quad (3.2.4.12)$$

бу ерда $n_{u\omega_{j_1}}^{VI}(t)$ – қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг бир
ектарида (бир иш жойда) иш билан банд бўлувчилар нормаси, ки-
ши;

б) чорвачиликда:

$$T\mathcal{L}_{j_2}^{v_1}(t) = n_{x_{k_{j_2}}}^{v_1}(t) \cdot ИЖ_{j_2}^{v_1}(t); \quad (3.2.4.13)$$

2) шахсий-ёрдамчи хўжаликларда ҳам ишчи кучига талаб икки соҳада: деҳқончиликда $(T\mathcal{L}_{j_1}^{v_2}(t))$ ва чорвачиликда $(T\mathcal{L}_{j_2}^{v_2}(t))$ (3.2.4.12) ва (3.2.4.13) формулалар ёрдамида аниқланади;

3) У шахсий меҳнат фаолиятида қайта ишлаш саноати $(T\mathcal{L}_{j_1}^{v_3}(t))$ ва хизмат кўрсатиш (қурилиш) $(T\mathcal{L}_{j_2}^{v_3}(t))$ йўналишлари бўйича аниқланади:

$$T\mathcal{L}_j^{v_3}(t) = n_{u_j}^{v_3}(t) \cdot ИЖ_j^{v_3}(t), \quad (3.2.4.14)$$

$$T\mathcal{L}_{j_2}^{v_3}(t) = n_{x_{k_j}}^{v_3}(t) \cdot ИЖ_{j_2}^{v_3}(t), \quad (3.2.4.15)$$

Умуман мазкур секторда ишчи кучига талаб қўйидагича аниқланади :

$$T\mathcal{L}_j^{v_i}(t) = T\mathcal{L}_j^{v_1}(t) + T\mathcal{L}_j^{v_2}(t) + T\mathcal{L}_j^{v_3}(t), i = \overline{1,3}. \quad (3.2.4.16)$$

Шунингдек, ишчи кучига талабнинг ўзгариши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажмига, номенклатурасига ва меҳнат сарфига, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этилишининг даражасига, корхоналарнинг фойдаси ва даромадларига, кадрларнинг қўнимсизлик ҳолатига ва бошқа омиллар таъсирига ҳам боғлиқ бўлади.

TALAB ва TAKLIF моделларининг «чиқиши» ахборотлари ишчи кучига талаб ва таклифни ижтимоий-иктисодий тартибга солишинг оптимизацион моделлари (TARTIB) ишлаб чиқишига хизмат қиласди.

3.2.5. Ишчи кучига талаб ва таклифни ижтимоий-иктисодий тартибга солишинг моделлари

Ишчи кучига талаб ва таклифни ижтимоий-иктисодий тартибга солиши - ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга шароит яратади, меҳнат ресурслари иш билан бандлигининг тўғри

йўналишларини белгилайди ва маҳсулотлар (хизматлар) таннархини камайтиришга таъсири этади. Шунингдек у ишчи кучининг ортиқча қисмини ишдан бўшатишга, юқори унумли меҳнатга ва ёлланма ҳодимлар ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларини бир-бирига мос келишини таъминлашга ўз таъсирини кўрсатади. Бундан ташқари, у таксимот муносабатларига сезиларли таъсирини кўрсатиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳаракатланишини, малакасини ва турмуш даражасини оширишни рағбатлантиради.

Меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик секторларида мазкур жараён ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги минимал фарқланишини топишнинг икки йўналишда амалга оширилади. Биринчи йўналишда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторидаги ишчи кучига талаб ва таклиф минималлаштирилади. Шунинг учун оптимизацион модел дастлаб, мазкур секторда ишчи кучига талабларни минимум этиш мезони (критерияси) билан ишлаб чиқилади (j_1 -дехқончилик тармоқлари ($j_1 = \overline{1, J_1}$) ва j_2 -чорвачилик тармоқлари ($j_2 = \overline{1, J_2}$)):

$$\sum_{j_1=1}^{J_1} \sum_{\xi_1=1}^{\Xi_1} n_{u\xi_{j_1}}^I(t) \cdot \text{ИЖ}_{\xi_1 j_1}^I(t) + \sum_{j_2=1}^{J_2} \sum_{\xi_2=1}^{\Xi_2} n_{x\xi_{j_2}}^I(t) \cdot \text{ИЖ}_{\xi_2 j_2}^I(t) \rightarrow \min. \quad (3.2.5.1)$$

Бу ерда $\text{ИЖ}_{\xi_1 j_1}^I(t) = X_{\xi_1 j_1}^I(t)$; $\text{ИЖ}_{\xi_2 j_2}^I(t) = X_{\xi_2 j_2}^I(t)$.

Бундай ҳолда

$$\sum_{j_1=1}^{J_1} \sum_{\xi_1=1}^{\Xi_1} n_{u\xi_{j_1}}^I(t) X_{\xi_1 j_1}^I(t) + \sum_{j_2=1}^{J_2} \sum_{\xi_2=1}^{\Xi_2} n_{x\xi_{j_2}}^I(t) \cdot X_{\xi_2 j_2}^I(t) \rightarrow \min. \quad (3.2.5.2)$$

Куйидаги шартлар ва чегараловчилар мавжуд бўлганда:

1. Қишлоқ хўжалиги иш жойларидағи меҳнатни фондлар ва энергия билан таъминланиши уларнинг техник-иктисодий нормативлардан кам бўлмаслиги керак:

$$\sum_{j_1=1}^{J_1} \sum_{\xi_1=1}^{\Xi_1} \left(f_{i\xi_{j_1}}^I(t) + \vartheta_{i\xi_{j_1}}^I(t) \right) X_{\xi_1 j_1}^I(t) + \sum_{j_2=1}^{J_2} \sum_{\xi_2=1}^{\Xi_2} \left(f_{i\xi_{j_2}}^I(t) + \vartheta_{i\xi_{j_2}}^I(t) \right) X_{\xi_2 j_2}^I(t) \geq \left(F_{k_1}^I(t) + F_{k_2}^I(t) \right), \quad (3.2.5.3)$$

бу ерда $f_{i_1 \xi_1 j_1}^I(t)$ ва $f_{i_2 \xi_2 j_2}^I(t)$ – меҳнатни фонdlар билан қуролланиш коэффициентлари; $\vartheta_{i_1 \xi_1 j_1}^I(t)$ ва $\vartheta_{i_2 \xi_2 j_2}^I(t)$ – меҳнатни энергия билан таъминланиш коэффициентлари; $F_{\eta_1}^I(t)$ ва $F_{\eta_2}^I$ – асосий ишлаб чиқариш фонdlарининг техник-иктисодий нормативлари;

2. Меҳнат унумдорлигини ўсиши ҳисбот даврига нисбатан юкори бўлиши керак:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi_1} m y_{T_{\eta_1} \xi_1}^I(t) X_{\xi_1 j_1}^I(t) + \sum_{\xi_2=1}^{\Xi_2} m y_{T_{\eta_2} \xi_2}^I(t) X_{\xi_2 j_2}^I(t) > \left(M Y_{T_{\eta_1}}^I(t-1) + M Y_{T_{\eta_2}}^I(t-1) \right), \quad (3.2.5.4)$$

бу ерда $m y_{T_{\eta_1}}^I(t)$ ва $m y_{T_{\eta_2}}^I(t)$ – бир ишловчининг меҳнат унумдорлигини изоҳловчи коэффициентлар.

3. Иш вақтининг эгилувчан графиги бўйича меҳнатга лаёқатли ўсмирларни, кўпболалик аёлларни, пенсионерларни ва ногиронларни иш жойлари билан таъминлаш:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi_1} \left(l_{y_{\eta_1 \xi_1}}^I(t) + l_{a_{\eta_1 \xi_1}}^I(t) + l_{n_{\eta_1 \xi_1}}^I(t) + l_{h_{\eta_1 \xi_1}}^I(t) \right) X_{\xi_1 j_1}^I(t) + \sum_{\xi_2=1}^{\Xi_2} \left(l_{y_{\eta_2 \xi_2}}^I(t) + l_{a_{\eta_2 \xi_2}}^I(t) + l_{n_{\eta_2 \xi_2}}^I(t) + l_{h_{\eta_2 \xi_2}}^I(t) \right) X_{\xi_2 j_2}^I(t) \geq \left(V_{mc_1}^I(t) + V_{mc_2}^I(t) \right) \quad (3.2.5.5)$$

бу ерда $l_{y_{\eta_1 \xi_1}}^I(t)$, $l_{a_{\eta_1 \xi_1}}^I(t)$, $l_{n_{\eta_1 \xi_1}}^I(t)$, $l_{h_{\eta_1 \xi_1}}^I(t)$, $l_{y_{\eta_2 \xi_2}}^I(t)$, $l_{a_{\eta_2 \xi_2}}^I(t)$, $l_{n_{\eta_2 \xi_2}}^I(t)$, $l_{h_{\eta_2 \xi_2}}^I(t)$ – меҳнатга лаёқатли ўсмирларни (ў, кўпболалик аёлларни (а), пенсионерларни (п), ва ногиронларни (н) иш билан бандлигининг тўғри коэффициентлари. Улар иш билан банд бўлган у ёки бу тоифадаги ишловчиларнинг ҳақиқий сонини жами мөхнатга лаёқатли аҳоли сонига бўлиш билан аниқланади; $V_{mc_1}^I(t)$ ва $V_{mc_2}^I(t)$ – таъкидланган тоифалардаги ишловчиларга берилган тўлиқсиз иш вақтининг ҳажмлари, минг киши-соат.

4. Кооператив, ижара, деҳқон (фермер) ва қўшма корхоналардаги янги яратилган иш жойларида банд бўлганлар сонининг ўсиши:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi_1} \left(l_{kon_{\eta_1 \xi_1}}^I(t) + l_{wox_{\eta_1 \xi_1}}^I(t) + l_{obj_{\eta_1 \xi_1}}^I(t) + l_{y_{\eta_1 \xi_1}}^I(t) \right) X_{\xi_1 j_1}^I(t) + \sum_{\xi_2=1}^{\Xi_2} \left(l_{kon_{\eta_2 \xi_2}}^I(t) + l_{wox_{\eta_2 \xi_2}}^I(t) + l_{obj_{\eta_2 \xi_2}}^I(t) + l_{y_{\eta_2 \xi_2}}^I(t) \right) X_{\xi_2 j_2}^I(t) \geq \left(IDK_{\eta_1}^I(t) + IDK_{\eta_2}^I(t) \right) \quad (3.2.5.6)$$

бу ерда $l_{\text{кон}_{\xi_1j_1}}^I(t)$, $l_{\text{уок}_{\xi_1j_1}}^I(t)$, $l_{\partial_{\text{к}_{\xi_1j_1}}}^I(t)$, $l_{\text{ку}_{\xi_1j_1}}^I(t)$, $l_{\text{кон}_{\xi_2j_2}}^I(t)$, $l_{\text{уок}_{\xi_2j_2}}^I(t)$, $l_{\partial_{\text{к}_{\xi_2j_2}}}^I(t)$, $l_{\text{ку}_{\xi_2j_2}}^I(t)$ – кооператив (коп.), ижара (иж), дәхқон (фермер) (дқ) ва қўшма (қш) корхоналардаги янги яратилган иш жойларида банд бўлганлар қишлоқ хўжалиги ходимларининг умумий сонидаги улушкини ифодаловчи коэффициентлар; $\text{ИЖ}_{\alpha_{j_1}}^I(t)$ ва $\text{ИЖ}_{\alpha_{j_2}}^I(t)$ – янги яратилган иш жойларининг умумий сони, минг дона.

5. Ўзгарувчиларнинг манфий бўлмаслик шартлари:

$$X_{\xi_1j_1}^I(t) > 0 ; \quad X_{\xi_2j_2}^I(t) > 0 \quad (3.2.5.7)$$

Ушбу оптимизацион масаланинг ўлчами 25 x 9 бўлиб, LP/88 тайёр программалар пакети ёрдамида ечилади.

Хуллас, яратилган модель меҳнат фондлари ва энергиялар билан ишончли таъминлашга эришилганида, меҳнат унумдорлиги ошганда, аҳолининг кам таъминланган қатламига иш жойлари тақдим этилганда ва мулкчиликнинг турли шакллари ривожланганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш секторида ишчи кучига талабни камайтиришнинг рационал вариантларини топиш имконини беради.

Айни пайтда бу секторда меҳнат ресурсларининг таклифи камайиши ҳам юз беради. Бу муаммонинг эса биринчи йўналишнинг иккинчи қисмига асосан оптимизацион моделини ишчи кучи таклифини минимизация этиш мезони ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$\sum_{j_1=1}^{J_1} \sum_{\beta=16}^{70} l_{\beta j_1}^I(t) R_{\beta j_1}^I(t) + \sum_{j_2=1}^{J_2} \sum_{\beta=16}^{70} l_{\beta j_2}^I(t) R_{\beta j_2}^I(t) \rightarrow \min, \quad (3.2.5.8)$$

агарда $R_{\beta j_1}^I(t) = Y_{\beta j_1}^I(t)$, $R_{\beta j_2}^I(t) = Y_{\beta j_2}^I(t)$

Бундай ҳолда (3.2.5.8) формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\sum_{\beta=16}^{70} \left(\sum_{j_1=1}^{J_1} l_{\beta j_1}^I(t) Y_{\beta j_1}^I(t) + \sum_{j_2=1}^{J_2} l_{\beta j_2}^I(t) Y_{\beta j_2}^I(t) \right) \rightarrow \min, \quad (3.2.5.9)$$

бу ерда $Y_{\beta_1}^I(t)$ ва $Y_{\beta_2}^I(t)$ – дәхқончилик ва чорвачилик тармоқларида таклиф этилаётган ишчи кучининг номаълум қийматлари; $l_{\beta_1}^I(t)$ ва $l_{\beta_2}^I(t)$ – тўғри иш билан бандлик коэффициентлари.

Куйидаги шартлар ва чегараловчилар бажарилганда:

1. Иш билан банд ишловчилар дәхқончилик ва чорвачилик тармоқлари ўртасида қайта тақсимланганда:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \left(g_{\beta_1}^I(t) Y_{\beta_1}^I(t) + g_{\beta_2}^I(t) Y_{\beta_2}^I(t) \right) = \left(G_{j_1}^I(t) + G_{j_2}^I(t) \right), \quad (3.2.5.10)$$

бу ерда $g_{j_1}^I(t)$ ва $g_{j_2}^I(t)$ – ўз иш жойларини ўзгартиришни ҳохловчи банд ишловчиларнинг улушларини ифодаловчи коэффициентлар; $G_{j_1}^I(t)$ ва $G_{j_2}^I(t)$ – қайта тақсимланиши зарур бўлган иш билан банд ишловчиларнинг сони, минг киши;

2. Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш секторидан озод этилган ишловчилар сони қайта ишлаш саноати ва хизмат секторларида уларга бўлган талабдан кам бўлмаслиги лозим:

$$\sum_{\beta=16}^{70} \left(v_{\beta_1}^I(t) Y_{\beta_1}^I(t) + v_{\beta_2}^I(t) Y_{\beta_2}^I(t) \right) > L_j^H(t) + L_j^M(t),$$

(3.2.5.11)

бу ерда $v_{\beta_1}^I(t)$ ва $v_{\beta_2}^I(t)$ – қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш секторидан ишдан озод этилган ишловчиларнинг коэффициентлари.

3. Қишлоқ хўжалигига йўлланма берилган ўқув юртлари битирувчиларининг сони уларга бўлган талабдан кам бўлмаслиги керак:

$$\sum_{\beta=16}^{29} \left(w_{\beta_1}^I(t) Y_{\beta_1}^I(t) + w_{\beta_2}^I(t) Y_{\beta_2}^I(t) \right) \leq \left(L_{j_1}^I(t) + L_{j_2}^I(t) \right), \quad (3.2.5.12)$$

бу ерда $w_{\beta_1}^I(t)$ ва $w_{\beta_2}^I(t)$ – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш сектори жами ишловчиларининг сонида ўқув юртлари битирувчиларининг улушкини ифодаловчи коэффициентлар.

4. Давлат бюджети, корхоналар даромади ва шахсларнинг жамғармалари ҳисобидан банд ишловчиларнинг малакасини оширишни молиявий маблағлар билан таъминлаш:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \left(o_{\beta_1}^I(t) Y_{\beta_1}^I(t) + o_{\beta_2}^I(t) Y_{\beta_2}^I(t) \right) = \left(B_{mo_{j_1}}^I(t) + B_{mo_{j_2}}^I(t) + \Phi_{mo_{j_1}}^I(t) + \Phi_{mo_{j_2}}^I(t) + III_{mo_{j_1}}^I(t) + III_{mo_{j_2}}^I(t) \right), \quad (3.2.5.13)$$

бу ерда $o_{\beta_1}^I(t), o_{\beta_2}^I(t)$ – малакасини оширишга муҳтож бўлган бир ишловчини ўқитиш учун харажатлар, минг сўм; $\Phi_{mo_{j_1}}^I(t), \Phi_{mo_{j_2}}^I(t)$ – ишловчилар малакасини оширишга ажратилган корхоналарни соғ даромадларининг (фойдаларининг) ҳажмлари, минг сўм; $B_{mo_{j_1}}^I(t), B_{mo_{j_2}}^I(t)$ – ишловчилар малакасини оширишга йўналтирилган давлат бюджети маблағларининг ҳажмлари, минг сўм; $III_{mo_{j_1}}^I(t), III_{mo_{j_2}}^I(t)$ – малака оширишга йўналтирилган шахсий жамғармаларнинг ҳажмлари, минг сўм.

5. Иш билан банд ишловчиларнинг меҳнат даромадлари аҳоли жон бошига минимал истеъмол бюджетидан (МИБ) кам бўлмаслиги лозим:

$$\sum_{\beta=16}^{70} \left(\sum_{j_1=1}^{J_1} d_{\beta j_1}^I(t) Y_{\beta j_1}^I(t) + \sum_{j_2=1}^{J_2} d_{\beta j_2}^I(t) Y_{\beta j_2}^I(t) \right) \geq \hat{B}(t), \quad (3.2.5.14)$$

бу ерда $d_{\beta j_1}^I(t), d_{\beta j_2}^I(t)$ – бир ишловчининг меҳнат даромадларини ҳажмлари, минг сўм; $\hat{B}(t)$ – аҳоли жон бошига минимал истеъмол бюджетининг (МИБ) миқдори, минг сўм;

6. Номаълумларнинг манфий эмаслик шартлари:

$$Y_{\beta j_1}^I(t) > 0; \quad Y_{\beta j_2}^I(t) > 0.$$

(3.2.5.15)

Мазкур масала 19×9 ўлчамига эга бўлиб, LP/88 программаси ёрдамида ечилади.

Ушбу муаммони моделлаштиришнинг иккинчи йўналиши қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторла-

рида ишчи кучига талаб ва таклифни максимизациялаш асосида икки қисмга бўлиб олиб борилади.

Дастлаб, ишлаб чиқарилаётган моделнинг оптимал ўлчов мезони мавжуд ва янги яратилган иш жойларида ишчи кучига талабларни максимумлаштириш:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} \sum_{j=1}^J \left(n_{\text{мж}}^s(t) \text{ИЖ}_{\text{мж}}^s(t) + n_{\text{ян}}^s(t) \text{ИЖ}_{\text{ян}}^s(t) \right) \rightarrow \max, \quad S = \overline{2,5}.$$

Агарда

$$\text{ИЖ}_{\text{мж}}^s(t) = X_{\xi j}^s(t); \text{ИЖ}_{\text{ян}}^s(t) = \check{X}_{\xi j}^s(t) \text{ бўлса,} \quad (3.2.5.17)$$

унда мақсад функцияси қўйидаги кўринишга эга бўлади

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} \sum_{j=1}^J \left(n_{\text{мж}}^s(t) X_{\xi j}^s(t) + n_{\text{ян}}^s(t) \check{X}_{\xi j}^s(t) \right) \rightarrow \max, \quad (3.2.5.18)$$

бу ерда $n_{\text{мж}}^s(t)$ ва $n_{\text{ян}}^s(t)$ – мавжуд (мж) ва янги яратилган (ян) бир иш жойига тўғри келадиган ишловчилар сони нормативларини ифодаловчи коэффициентлар; $X_{\xi j}^s(t)$ ва $\check{X}_{\xi j}^s(t)$, – мавжуд ва янги яратилган иш жойларида ишчи кучларининг номаълум микдорлари.

Қўйидаги шартлар ва чекланиш ҳолатлари бажарилганда:

1. Мавжуд иш жойларининг нормал фаолияти учун шароитлар яратилиши:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} \left[\left(r_{\text{жкт}}^s(t) + r_{\text{км}}^s(t) + r_{\text{мд}}^s(t) \right) X_{\xi j}^s(t) \right] \leq F_{\text{амр}}^s(t), \quad (3.2.5.19)$$

бу ерда $r_{\text{жкт}}^s(t)$ – мавжуд бир иш жойини жорий таъмирлаш (жт) харажатлари, минг сўм; $r_{\text{км}}^s(t)$ – мавжуд бир иш жойини капитал (кт) таъмирлаш харажатлари, минг сўм; $r_{\text{мд}}^s(t)$ – мавжуд бир иш жойини модернизациялаш (мд) яхшилаш харажатлари, минг сўм; $F_{\text{амр}}^s(t)$ – асосий фондларнинг амортизация ажратмаларини (аа) ва ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондларининг маълум қисмларини ҳажми, минг сўм.

2. Маҳаллий инвестициялар ҳисобидан янги иш жойлари яратиш:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} \kappa_{\text{ин}_{\xi}}^s(t) \check{X}_{\xi}^s(t) = I_{\text{ин}_{\xi}}^s(t), \quad (3.2.5.20)$$

бу ерда $\kappa_{\text{ин}_{\xi}}^s(t)$ – янги бир жойи яратишга йўналтирилган маҳаллий инвестициянинг ҳажми, минг сўм; $I_{\text{ин}_{\xi}}^s(t)$ – янги иш жойлари яратишга мўлжалланган маҳаллий инвестициянинг ҳажми, минг сўм.

3. Хорижий сармоялар ҳисобидан қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш секторларида янги иш жойларини яратиш:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} \left(\kappa_{\text{ин}_{\xi}}^{II}(t) \check{X}_{\xi}^{II}(t) + \kappa_{\text{ин}_{\xi}}^{III}(t) \check{X}_{\xi}^{III}(t) \right) = \left(\check{I}_{\text{ин}_j}^{II}(t) + \check{I}_{\text{ин}_j}^{III}(t) \right), \quad (3.2.5.21)$$

бу ерда $\kappa_{\text{ин}_{\xi}}^{II}(t)$ ва $\kappa_{\text{ин}_{\xi}}^{III}(t)$ – янги бир иш жойи яратиш учун йўналтирилган хорижий сармояларнинг ҳажмлари, минг сўм; $\check{I}_{\text{ин}_{\xi}}^{II}(t)$ ва $\check{I}_{\text{ин}_{\xi}}^{III}(t)$ – янги иш жойлари яратишга мўлжалланган хорижий сармоялар ҳажмлари, минг сўм.

4. Мавжуд ва янги яратилган иш жойларини моддий ресурслар билан таъминланиши:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} \sum_{j=1}^J \left(b_{ij\xi}^s(t) X_{\xi}^s(t) + \check{b}_{ij\xi}^s(t) \check{X}_{\xi}^s(t) \right) = F_i^s(t), \quad (3.2.5.22)$$

бу ерда $b_{ij\xi}^s(t)$ ва $\check{b}_{ij\xi}^s(t)$ – мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг тўлиқ моддий харожатлари коэффициентлари;

$F_i^s(t)$ – i-турдаги моддий ресурсларнинг ҳажми, минг сўм.

5. Ишловчиларнинг даромадлари истеъмол бюджетидан кам бўлмаслиги керак:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} \sum_{j=1}^J \sum_{\psi=1}^{\Psi} \left(d_{\psi\xi j}^s(t) X_{\xi}^s(t) + \check{d}_{\psi\xi j}^s(t) \check{X}_{\xi}^s(t) \right) \geq \hat{B}(t), \quad (3.2.5.23)$$

бу ерда $d_{\psi j}^s(t)$ ва $\check{d}_{\psi j}^s(t)$ – мавжуд ва янги яратилган иш жойларида иш билан банд бўлган бир ишловчининг Ψ -турдаги меҳнат даромадларининг ҳажмлари, минг сўм.

6. Номаълумларни манфий бўлмаслик шартлари:

$$X_{\xi}^s(t) > 0; \quad \check{X}_{\xi}^s(t) > 0 \quad (3.2.5.24)$$

Бу масала 13×25 ўлчовига эга. Яратилган модель мавжуд ва янги иш жойлари моддий техника ва молиявий ресурслар билан таъминланганда ва уларда банд бўлган ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилганда каби шартлар бажарилганда ишчи кучига талабнинг оптимал вариантларини топиш имконини беради.

Бу муаммони моделлаштиришнинг иккинчи қисмида тузиладиган модел учун қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларига ишчи кучи таклифини максималлаштириш оптимал мезон бўлиб хизмат қиласди:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\beta=1}^{70} \sum_{\gamma=1}^7 \left(l_{\beta j}^s(t) R_{\beta j}^s(t) + \hat{l}_{\beta j}^s(t) \hat{R}_{\beta j}^s(t) \right) \rightarrow \max, S = \overline{2,5} \quad (3.2.5.25)$$

Агарда

$$R_{\beta j}^s(t) = Y_{\beta j}^s(t); \quad \hat{R}_{\beta j}^s(t) = \hat{Y}_{\beta j}^s(t), \quad \text{бўлса} \quad (3.2.5.26)$$

бундай ҳолда

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\beta=1}^{70} \sum_{\gamma=1}^7 \left(l_{\beta j}^s(t) Y_{\beta j}^s(t) + \hat{l}_{\beta j}^s(t) \hat{Y}_{\beta j}^s(t) \right) \rightarrow \max. \quad (3.2.5.27)$$

Куйидаги шартлар ва чеклаш ҳолатлари бажарилганда:

1. Иш билан банд ишловчилар иқтисодий секторлар ўртасида қайта тақсимланиши:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{\gamma=1}^7 g_{\beta j}^s(t) Y_{\beta j}^s(t) = G_j^s(t), \quad (3.2.5.28)$$

бу ерда $g_{\beta j}^s(t)$ – ўз иш жойларини ўзгартириши зарур бўлган иш билан банд мутахассисларнинг улушини ифодаловчи коэффициент: $g_{\beta j}^s(t) = G_j^s(t) / \bar{R}_{\beta j}^s(t)$.

Бу ерда $G_j^s(t)$ – қайта тақсимланиши лозим бўлган мутахассисларнинг сони, минг киши; $\bar{R}_{\beta j}^s(t)$ – иш билан банд ишловчиларнинг ўртача йиллик сони, минг киши.

2. Иш билан банд бўлмаган ишчи кучини мазкур секторлар бўйича тақсимлаш:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{\gamma=1}^7 \hat{g}_{\beta j}^s(t) \hat{Y}_{\beta j}^s(t) \leq \bar{R}_j^s(t), \quad (3.2.5.29)$$

бу ерда $\hat{g}_{\beta j}^s(t)$ – иш билан банд бўлган ишчи кучининг улушини изоҳловчи коэффициент:

$$\hat{g}_{\beta j}^s(t) = \bar{R}_j^s(t) / \bar{T}_j^s(t).$$

бу ерда $\bar{R}_j^s(t)$ – иш билан банд бўлмаган ишчи кучининг сони, минг киши; $\bar{T}_j^s(t)$ – қишлоқ меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони, минг киши.

3. Иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли ўсмиirlарни, кўп болалик аёлларни, пенсионерларни ва ногиронларни меҳнатга иштирок этишини ошириш:

$$\sum_{\gamma=1}^7 \left(\sum_{\beta=16}^{17} \hat{l}_{y_{\beta j}}^s(t) + \sum_{\beta=20}^{49} \hat{l}_{a_{\beta j}}^s(t) + \sum_{j_i=55}^{70} \hat{l}_{n_{\beta j}}^s(t) + \sum_{\beta=18}^{59} \hat{l}_{n_{\beta j}}^s(t) \right) \hat{Y}_{\beta j}^s(t) = V_{yanh}^s(t), \quad (3.2.5.30)$$

бу ерда $\hat{l}_{y_{\beta j}}^s(t), \hat{l}_{a_{\beta j}}^s(t), \hat{l}_{n_{\beta j}}^s(t), \hat{l}_{n_{\beta j}}^s(t)$ – иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли ўсмиirlарни (ў), кўп болалик аёлларни (а), пенсионерларни (п) ва ногиронларни (н) меҳнатда иштирок этиш коэффициентлари; $V_{yanh}^s(t)$ – қайд ғтилган категориялардаги кишиларнинг йиллик иш вақти ҳажми, минг киши-соат.

4. Давлат бюджети, корхоналар даромадлари ва шахсий жамғармалар ҳисобидан иш билан таъминланган ишловчиларнинг малакасини оширишни молиявий ресурслар билан таъминлаш:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{\gamma=5}^7 o_{mo_{\beta j}}^s(t) Y_{\beta j}^s(t) = \left(B_{mo_j}^s(t) + \Phi_{mo_j}^s(t) + III_{mo_j}^s(t) \right), \quad (3.2.5.31)$$

5. Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан ишга жойлашиши ҳоҳловчи ишсизларни қайта ўқитишни ташкил этиш:

$$\sum_{\beta=1}^{70} \sum_{\gamma=5}^7 \hat{o}_{y_\beta}^s(t) \hat{Y}_{\beta\gamma}^s(t) = \mathcal{K}_{y_\beta}^s(t), \quad (3.2.5.32)$$

бу ерда $\hat{o}_{y_\beta}^s(t)$ – бир ишсизни қайта ўқитиш харажатлари, минг сўм; $\mathcal{K}_{y_\beta}^s(t)$ – ишсизларни қайта ўқитишни мўлжалланган бандликка кўмаклашиш жамғармасининг ҳажми, минг сўм.

6. Иш билан банд ва бўлмаган ишчи кучларининг меҳнат даромадларини аҳоли жон бошига минимал истеъмол бюджетидан кам бўлмаслиги керак:

$$\sum_{\beta=1}^{70} \sum_{j=1}^J \sum_{\gamma=1}^7 \left(d_{\beta\gamma}^s(t) Y_{\beta\gamma}^s(t) + \hat{d}_{\beta\gamma}^s(t) \hat{Y}_{\beta\gamma}^s(t) \right) \geq \hat{B}(t), \quad (3.2.5.33)$$

бу ерда $d_{\beta\gamma}^s(t)$ – иш билан банд бир ишчи кучини даромадларининг ҳажми, минг сўм; $\hat{d}_{\beta\gamma}^s(t)$ – иш билан банд бўлмаган бир ишчи кучи даромадининг (нафақасининг) ҳажми, минг сўм.

7. Номаълумларнинг манфий бўлмаслик шартлари:

$$Y_{\beta\gamma}^s(t) > 0; \quad \hat{Y}_{\beta\gamma}^s(t) > 0. \quad (3.2.5.34)$$

Бу оптимизацион масала 15×25 ўлчовига эга.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган моделлар ишчи кучига талаб ва таклифни ижтимоий-иктисодий тартибга солишининг миқёси ва тузилишининг рационал параметрларини аниқлаш имконини беради. Улар аҳолининг оқилона бандлигини шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади ва О-BAND моделини тузишда «кириш» ахборотлари бўлиб хизмат қиласди.

3.2.6. Аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш модели

Ишлаб чиқилган оптимизацион, баланс ва эконометрик моделларнинг оптимал мезонларини, шартларини, чегараловчиларини, экзоген ва эндоген кўрсаткичларини системали таҳлил ва синтез қилиш натижасида аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш

моделини (O-BAND) тузиш мүмкін. Унинг ёрдамида қишлоқ ҳудуди халқ хўжалигининг турли тармоқлари ва секторларидаги меҳнат ресурслари бандлигини рационал миқдори ва тузилиши аниқланади.

O-BAND модели учун меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг ялпи даромадини максималлаштириш асосий оптимал мезонлардан бири бўлиши мүмкін. У ишлаб чиқаришни таркибий ўзгариши ва ишчи кучини ёллашда бозор иқтисодиёти механизмила-ри самарали қўлланиш даражалари билан белгиланади. Бир томон-дан, ҳар бир ёлланган ходим ва ишсиз ўзининг ихтисослиги ва ма-лакасига қараб, ижтимоий ишлаб чиқаришда максимум даромад келтирадиган иш билан банд бўлишга ҳаракат қиласи. Иккинчи то-мондан, қишлоқнинг иш берувчилари ҳам ёлланган ходимлар меҳнатидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишини самарали усулларини қўллаш йўллари билан соғ даромадларини максимум қилиш учун интиладилар.

O-BAND моделини тузишда қишлоқ ишловчиларининг меҳнат жараёнида максимум иштирок этиши муҳим оптимал мезон бўлиб хизмат қилиши мүмкін. Бироқ у мақсад функция сифатида иш билан бандликнинг якуний натижаларини ифодаламайди. Аксинча, у ишловчилар сони ва ишлаган иш вақти ҳажмини изоҳлайди. Шунинг учун мазкур моделни ишлаб чиқишида меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси меҳнат даромадини максималлаштириш оптимал мезонини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\beta=1}^{70} \sum_{\psi=1}^{\psi} \left(d_{\psi\beta j}^s(t) R_{\psi\beta j}^s(t) + \hat{d}_{\psi\beta j}^s(t) \hat{R}_{\psi\beta j}^s(t) \right) \rightarrow \max, S = \overline{1,5} \quad (3.2.6.1)$$

Агарда:

$$R_{\psi\beta j}^s(t) = Y_{\psi\beta j}^s(t); \quad \hat{R}_{\psi\beta j}^s(t) = \hat{Y}_{\psi\beta j}^s(t), \text{ бўлса,}$$

у ҳолда:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\beta=1}^{70} \sum_{\psi=1}^{\Psi} \left(d_{\psi\beta j}^s(t) Y_{\psi\beta j}^s(t) + \hat{d}_{\psi\beta j}^s(t) \hat{Y}_{\psi\beta j}^s(t) \right) \rightarrow \max, \quad (3.2.6.2)$$

бу ерда $d_{\psi\beta j}^s(t)$ – иш билан банд бир ишловчининг ψ -турдаги меҳнат даромадларининг ҳажми, минг сўм; $\hat{d}_{\psi\beta j}^s(t)$ – иш билан банд бўлмаган лекин ишга жойлашиш истагидаги бир ишловчи даромадининг (нафақасининг) ҳажми, минг сўм.

Номаълум миқдорлар (эндоген параметрлар):

$Y_{\psi\beta j}^s(t)$ – иш билан банд ишчи кучининг сони, минг киши;

$\hat{Y}_{\psi\beta j}^s(t)$ – иш билан банд бўлмаган, лекин ишга жойлашиш истагидаги ишчи кучининг сони, минг киши.

Қуийдаги асосий шартлар ва чекланишлар бажарилганда:

1. Иш билан банд ишчи кучининг таклифи мавжуд иш жойлари талабини ($T\mathcal{L}_j^s(t)$) қондириши лозим:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\psi=1}^{\Psi} l_{\psi\beta j}^s(t) Y_{\psi\beta j}^s(t) = T\mathcal{L}_j^s(t) \quad (3.2.6.3)$$

2. Иш билан банд бўлмаган, лекин ишга жойлашиш истагидаги ишчиларнинг таклифи ($T\mathcal{K}_\beta^s(t)$) янги яратилган иш жойларида унга бўлган талабни қондириши керак:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\psi=1}^{\Psi} n_{\psi\beta j}^s(t) Y_{\psi\beta j}^s(t) = T\mathcal{L}_j^s(t), \quad (3.2.6.4)$$

бу ерда $n_{\psi\beta j}^s(t)$ – янги яратилган бир иш жойига мўлжалланган ишловчилар сонининг нормаларини ифодаловчи коэффициент.

3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторидан ишдан озод этилган ишловчилар сони қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш секторларида ишчи кучига қўшимча талабларни ($T\mathcal{L}_{\text{кўш}}^{\text{II}}(t)$) ва ($T\mathcal{L}_{\text{кўш}}^{\text{III}}(t)$) қондириши даркор:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{\psi=1}^{\Psi} \tilde{n}_{\psi\beta j}^s(t) \hat{Y}_{\psi\beta j}^s(t) = (T\mathcal{L}_{\text{кўш}}^{\text{II}}(t) + T\mathcal{L}_{\text{кўш}}^{\text{III}}(t)). \quad (3.2.6.5)$$

4. Иш билан банд бўлган ходимларни қайта ишлаш, хизмат кўрсатиши, сифат ва шахсий меҳнат секторлари ўртасида қайта тақсимлаш:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{\psi=1}^{\Psi} q_{\psi\beta_j}^s(t) \hat{Y}_{\psi\beta_j}^s(t) = G_j^s(t), s = \overline{2,5}. \quad (3.2.6.6)$$

5. Иш билан банд бўлмаган, лекин ишга жойлашиш истагидаги меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторлари бўйича тақсимлаш:

$$\sum_{\beta=16}^{70} \sum_{\psi=1}^{\Psi} \hat{q}_{\psi\beta_j}^s(t) \hat{Y}_{\psi\beta_j}^s(t) = T\mathcal{L}_{k_y w_j}^s(t), s = \overline{2,5}. \quad (3.2.6.7)$$

6. Меҳнатга лаёқатли ўсмирларни, кўп болалик аёлларни, пенсионерларни ва ногиронларни иш билан бандлигини (меҳнатда иштироқини) ошириши:

$$\sum_{\psi=1}^{\Psi} \left(\sum_{\beta=16}^{17} l_{y_{\psi\beta}}^s(t) + \sum_{\beta=29}^{49} l_{a_{\psi\beta}}^s(t) + \sum_{\beta=50}^{70} l_{n_{\psi\beta}}^s(t) + \sum_{\beta=18}^{59} l_{h_{\psi\beta}}^s(t) \right) Y_{\psi\beta_j}^s(t) = V_{mc_j}^s(t). \quad (3.2.6.8)$$

7. Давлат бюджети ($B_{mo_j}^s(t)$), корхоналар соғ даромадлари (фойдалари) ($\Phi_{mo_j}^s(t)$) ва шахсий жамғармалар ($W_{mo_j}^s(t)$) ҳисобидан иш билан банд ишловчиларнинг малакасини оширишни молиявий маблағлар билан таъминлаш:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{\gamma=5}^7 \sum_{\psi=1}^{\Psi} o_{mo_{\gamma\psi\beta_j}}^s(t) Y_{\gamma\psi\beta_j}^s(t) = \left(B_{mo_j}^s(t) + \Phi_{mo_j}^s(t) + W_{mo_j}^s(t) \right). \quad (3.2.6.10)$$

8. Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ($X_{ky_j}^s(t)$) ва шахслар ($W_{ky_j}^s(t)$) маблағлари ҳисобидан ишга жойлашиш истагидаги ишсизларни қайта ўқитишни ташкил этиш:

$$\sum_{\beta=18}^{70} \sum_{j=5}^J \sum_{\psi=1}^{\Psi} \hat{o}_{ky_{\gamma\psi\beta_j}}^s(t) \hat{Y}_{\gamma\psi\beta_j}^s(t) = \left(X_{ky_j}^s(t) + W_{ky_j}^s(t) \right). \quad (3.2.6.11)$$

9. Меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг меҳнат даромадлари аҳоли жон бошига минимал истеъмол бюджетидан кам бўлмаслиги керак:

$$\sum_{\beta=1}^{70} \sum_{j=1}^J \sum_{\psi=1}^{\Psi} \left(\bar{3}_{\psi\beta j}^s(t) Y_{\psi\beta j}^s(t) + \hat{\bar{3}}_{\psi\beta j}^s(t) \hat{Y}_{\psi\beta j}^s(t) \right) \geq \hat{B}(t). \quad (3.2.6.12)$$

11. Номаълумларнинг манфий бўлмаслик шартлари:

$$Y_{\psi\beta j}^s(t) > 0; \quad \hat{Y}_{\psi\beta j}^s(t) > 0. \quad (3.2.6.13)$$

Ўлчови 21 x 26 бўлган ушбу моделнинг тадбиқий натижалари аҳоли иш билан бандлигини рационал тузилишини изоҳлайди ва ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришишга таъсир кўрсатади. Булар эса ҚМБ шаклланиши шароитида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат даромадларининг ошишига имкониятлар яратади.

O-BAND модели бўйича тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аҳолини иш билан бандлигининг рационал тузилиши ишсизликни камайтиришнинг, айниқса унинг табиий даражасини вужудга келишининг ҳал қилувчи шарти ҳисобланади.

3.2.7. Ишсизлик ҳолатининг таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш моделлари

Кишлоқ ҳудудларида ишсизлик ҳолатини моделлаштиришнинг муҳим жиҳати унинг пайдо бўлиш шаклларини тадқиқот қилиш ва уларни миқдорий баҳолаш ҳисобланади.

Кишлоқ жойларида ишсизликнинг қуидаги асосий шакллари мавжуд:

а) яширин ишсизлик кўпроқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш секторида учрайди ва унда нормативга нисбатан кўп ишчи кучи меҳнат қиласди. Ушбу ҳолат қуидаги формула ёрдамида изоҳланади:

$$I_{\text{иши}}^I(t) = R_{x_k}^I(t) - R_{u_k}^I(t) \quad (3.2.7.1)$$

бу ерда $R_{x_{K_j}}^I(t)$ – ҳақиқий банд бўлган ишловчилар сони (хқ), минг киши; $R_{n_{H_j}}^I(t)$ – иш билан банд бўлиши зарур бўлган (норматив) ишловчилар сони (ни), минг киши;

б) мавсумий ишсизлик ишловчилар маълум даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ва уларни қайта ишлашда ҳамда қурилишда мавсумий иш билан банд бўлиш натижасида пайдо бўлади. Қолган пайтларда ишсиз бўлиб қоладилар. Бундай ҳолат қуйидагича аниқланади:

$$I_{mav_j}^s(t) = \sum_{\tau=1}^{12} R_{\tau j}^s(t) + \sum_{\tau=4}^{11} R_{mav_j}^s(t), S = \overline{1,3}, \quad (3.2.7.2)$$

бу ерда $R_{mav_j}^s(t)$ – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг қизғин даврида (τ) мавсумий иш билан банд меҳнатга лаёқатли шахсларнинг сони, минг киши;

в) технологик ишсизлик қўл меҳнатини янги техника билан алмаштириш ва ишлаб чиқаришни интенсив технология билан таъминлаш натижасида юзага келади:

$$I_{mex_j}^s(t) = R_{old_j}^s(t) - R_{new_j}^s(t), S = \overline{1,3}, \quad (3.2.7.3)$$

бу ерда $R_{old_j}^s(t)$ ва $R_{new_j}^s(t)$ – янги техника ва интенсив технологияни қўллашдан олдин ва кейин иш билан банд бўлган ишловчилар сони, минг киши;

г) таркибий ишсизлик иқтисодиётидаги мулкчиликнинг турли шаклларини самарали ривожланиши туфайли пайдо бўлади:

$$I_{tar}^s(t) = \left(R_{u_{jk} old_j}^s(t) - R_{u_{jk} new_j}^s(t) \right) + \left(R_{xx_{jk} old_j}^s(t) - R_{xx_{jk} new_j}^s(t) \right) + \left(R_{xx_{kk} old_j}^s(t) - R_{xx_{kk} new_j}^s(t) \right) + \left(R_{kk_{jk} old_j}^s(t) - R_{kk_{jk} new_j}^s(t) \right), \quad (3.2.7.4)$$

бу ерда $R_{u_{jk} old_j}^s(t)$ ва $R_{u_{jk} new_j}^s(t)$ – мулкчиликнинг ижара шаклини қўллашдан олдин ва кейин иш билан банд бўлган ишловчилар сони, минг киши; $R_{xx_{jk} old_j}^s(t)$ ва $R_{xx_{jk} new_j}^s(t)$ – ҳусусий хўжаликлар пайдо

бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд бўлган ишловчилар сони, минг киши; $R_{жк\text{ алд}}^s(t)$ ва $R_{жк\text{ кеў}}^s(t)$ – ҳиссадорлик корхоналари пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши; $R_{жк\text{ алд}}^s(t)$ ва $R_{жк\text{ кеў}}^s(t)$ – қўшма корхоналар пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши.

Кишлоқ ҳудудидаги жами ишсизлар сони $(I_{жам}^s(t))$ (3.2.7.1) – (3.2.7.4) формуулалар бўйича ўтказилган аналитик ҳисоблар ёрдамида аниқланади:

$$I_{жам}^s(t) = I_{жш}^s(t) + I_{мас}^s(t) + I_{мел}^s(t) + I_{мап}^s(t). \quad (3.2.7.5)$$

Аҳолини иш билан бандлигининг ижтимоий-иктисодий самародорлигини ошириш ва меҳнат салоҳиятидан унумли фойдаланиш ишсизликнинг даражасига (нормасига) кўп жиҳатдан боғлиқ ва у хорижий ва маҳаллий иқтисодий адабиётларда турли хил методикалар билан аниқланади.

Масалан, Япония статистикасида ишсизлик нормаси (ИН) икки услубда аниқланади [122, 286]. Биринчи услубда қуйидагича ҳисобланади:

$$ИН = \frac{\text{Ишсизлар сони}}{\text{ёлланма ишчилар} + \text{ишсизлар}}; \quad (3.2.7.6)$$

иккинчи услубда ушбу формула қўлланилади:

$$ИН = \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{иш билан бандлар} + \text{ишсизлар}}; \quad (3.2.7.7)$$

Маҳаллий иқтисодий адабиётларда ишсизлик нормаси ишсизлар сонини ($I(t)$) иш билан банд ишловчилар сонига ($R(t)$) нисбати сифатида аниқланади:

$$ИН = \frac{I(t)}{R(t)} \cdot 100\%. \quad (3.2.7.8)$$

Бошқача ёндашишда эса ишсизлик нормаси ишсизлар сонини ($I(t)$) меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига ($N(t)$) бўлиш орқали аниқланади:

$$IH(t) = \frac{I(t)}{N(t)} \cdot 100\%. \quad (3.2.7.9)$$

Биринчи ёндашишнинг асосий камчилиги шундаки, ишсизлик нормасининг бўлинувчиси сифатида барча ишчи кучининг миқдори эмас, балки иш билан банд ишловчилар сони танланган.

Бошқача ёндашишда эса ишсизлик нормасини характерлашда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони нотўгри фойдаланилган. Чунки, меҳнатга лаёқатли аҳолининг барчasi ҳам иш жойларида талабга эга бўлавермайди. Шунинг учун ишсизлар миқдори меҳнатга лаёқатли аҳоли сонидан ($N(t)$) ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаганлар сонини ($G(t)$), айриш йўли билан аниқланади:

$$R(t) + I(t) = N(t) - G(t). \quad (3.2.7.10)$$

Бизнинг фикримизга қараганда, қишлоқдаги ишсизлик ҳолатини қуидаги қўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш мумкин:

а) ишсизлик даражаси ($I_{дар}(t)$):

$$I_{дар}(t) = [I(t) / R(t) + I(t)]100%; \quad (3.2.7.11)$$

б) иш билан бандмаслик даражаси ($I_{бб}(t)$):

$$B_{бб}(t) = [N(t) - R(t) - G(t)] / [(N(t) - G(t))]100%. \quad (3.2.7.12)$$

бу ерда $R(t)$ – иқтисодий актив аҳолининг сони, минг киши.

Кишлоқ ҳудудидаги ишсизлик ҳолатини моделлаштиришнинг муҳим муаммоларидан бири унинг ($I_{таб}(t)$) аниқлаш ҳисобланади.

$$I_{таб}(t) = I_{зар}(t) / I(t) \cdot 100\%(t); \quad (3.2.9.13)$$

бу ерда $I_{зар}(t)$ – зарурый ёки ихтиёрий ишдан бўшатилган ишсизлар сони, минг киши.

Кишлоқда ишсизлар сони ортиб бораётган шароитда воқеалар ривожи истиқболини белгилашга ҳам алоҳида эътибор бермоқ за-

рур. Бироқ, буни амалга оширишда бозор иқтисодиётига ўтишнинг қийин тўсиқларига дуч келинмоқда. Шунинг учун ҳам истиқболни белгилашда кўплаб хатоликларга йўл қўйилмоқда. Буларга эса кўпинча қўлланиладиган нотўғри ҳисоб методлари ва баланс моделлари олиб келмоқда. Улар бўйича ҳисоблашда ишсизлик ҳолатининг аниқ статистик кўрсаткичларидан фойдаланилади, қайсики улар ҳар бир даврда ўзгартирилиб турилади. Ишсизларни рўйхатга олиш тўлақонли бўлмаганлиги ҳам ҚМБдаги вазиятларни тўғри баҳолаш имконини бермайди.

Бизнингча, истиқболни аниқлашда эконометрик услубни қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки унинг ёрдамида ишсизлик даражасига таъсир этувчи асосий иқтисодий, ижтимоий, демографик ва бошқа омилларни аниқлаш мумкин. Шу мақсадда тузилган Самарқанд вилояти қишлоқларидаги ишсизлик ҳолатини истиқболлаштириш давридаги (1997-2005ий.) эконометрик модели қуидаги умумий кўринишга эга бўлади ($I(t)=Z(t)$):

$$Z(t) = 26,2451 + 0,1247x_1 + 0,2135x_2 + 0,1468x_3 - \\ - 0,2376x_4 + 0,0452x_5 + 0,03102x_6 + 0,3260x_7$$

$$R=0,9564; F=28,9428; DW=1,6205,$$

бу ерда x_1 – иш жойларининг сони, минг дона; x_2 – таклиф этилган ишчи кучининг сони, минг киши; x_3 – ўртача йиллик иш ҳақи, минг сўм; x_4 – инфляция даражаси, %; x_5 – аҳоли жон бошига тўғри келадиган пуллик хизмат ҳажми, минг сўм; x_6 – мактабгача болалар тарбияси муассасалари билан таъминланиш даражаси, %; x_7 – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан озод этилган ишловчилар сони, минг киши.

Ушбу модель асосида ҳосил қилинган «чиқиши» ахборотлари мазкур вилоятдаги қишлоқ ишсизлик ҳолатини тўғри истиқболлаштириш имконини беради. Эконометрик ёндошиш

ўзининг бир қанча методик камчиликларига қарамасдан ўтиш даврида кутилаётган ишсизлар сонини тўғри истиқболловчи ягона математик воситадир.

3.3. Қишлоқ меҳнат бозори ривожланишини комплекс имитацион моделлаштириш

ҚМБ ривожланиши оптимал ечимларини топишнинг самарали воситаси бўлиб компьютер техникаси ёрдамида кўп вариантли ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш ва бир нечта математик моделларни ўз ичига қамраб олиш имкониятларига эга бўлган кўп мақсадли имитацион моделлаштириш [38,45,66,75,78,94,95,96,106] ҳизмат қиласди.

Имитацион моделлар комплексини тузишнинг асосий вазифаси ҚМБ ривожланишини рационал вариантларини топиш бўлса, унинг бош мақсади эса аҳоли моддий фаровонлигининг рационал параметрларини аниқлаш ҳисобланади.

Бундай^N моделлар комплексини ишлаб чиқишида ҚМБ ривожланишининг бош мақсади билан бир қаторда қуйидаги микро-мақсадларга ҳам асосланилади: аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш; ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбатга эришиш; қишлоқ хўжалиги ходимларини ишдан озод бўлишини кўпайтириш, ишсизликни табиий даражасигача камайтириш; ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солишнинг ижтимоий-иктисодий тадбирлари самарадорлигини ошириш; иш билан бандлик хизмати инфраструктурасини самарали ривожлантириш.

Масаланинг берилиши. Масала қуйидагича изоҳланади: ҚМБ ривожланиши, ишчи кучига талаб ва таклифнинг рационал нисбатлари ва уларни иш билан бандлик хизмати инфраструктура-

сининг объектлари ва воситалари ёрдамида тартибга солиниши, вариантларини аниқлаш.

ҚМБ ривожини комплекс имитацион моделлаштиришда қуйидаги шартлар ҳисобга олинади: қишлоқ хўжалигида иш билан банд ишловчилар сонининг қисқариши; ишдан бўшатилган қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳисобидан қайта ишлаш саноати ва хизмат секторларининг тармоқларида ишчи қучига бўлган қўшимча талаб ва таклифни қондириш; янги иш жойларини яратишида молия-кредит ресурсларининг етишмаслиги; номаълум омиллар иш билан бандлик ва ишсизлик коэффициентларида ифодаланган бўлиши ва ҳ.к.

Барча ушбу омиллар, шартлар ва чегараловчилар технологик коэффициентлар ҳамда меҳнат, ишлаб чиқариш ва истеъмол нормалари орқали ҳисобга олинади.

Таклиф этилган масаланинг берилиши имитацион моделлар комплексини ифодалашга асос бўлади. У бешта моделлар блокидан иборат бўлиб, математик ифодаланиши босқичма-босқич олиб борилади.¹

I. ҚМБ ижтимоий-иктисодий тузилиши ривожланишининг имитацион модели

1. Талаб ва таклифнинг тенглиги:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\xi=1}^{\Xi} \left(n_{\text{мж}_\xi}^s(t) X_{\xi j}^s(t) + \hat{n}_{\text{мж}_\xi}^s(t) \hat{X}_{\xi j}^s(t) \right) = \sum_{j=1}^J \sum_{\beta=1}^{70} \sum_{\gamma=1}^7 \left(l_{\beta j}^s(t) Y_{\beta j}^s(t) + \hat{l}_{\beta j}^s(t) \hat{Y}_{\beta j}^s(t) \right). \quad (3.3.1)$$

2. Мавжуд ва янги яратилган иш жойларини материал ресурслари билан таъминлаш:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\xi=1}^{\Xi} \left(b_{\text{мж}_\xi}^s(t) X_{\xi j}^s(t) + b_{\text{мж}_\xi}^s(t) \hat{X}_{\xi j}^s(t) \right) \leq F_j^s(t). \quad (3.3.2)$$

¹ Имитацион моделлаштиришдаги кўпчилик кўрсаткичлардан ҚМБ шаклланишининг эконометрик моделлари комплексини тузишда фойдаланилган.

3. Мавжуд иш жойларининг нормал фаолияти учун шароитлар яратиши:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} \left(r_{\text{жем}_{\xi}}^s(t) + r_{\text{км}_{\xi}}^s(t) + r_{\text{мод}_{\xi}}^s(t) \right) X_{\xi}^s(t) \leq F_{aa_j}^s(t). \quad (3.3.3)$$

4. Янги яратилган иш жойлари талаби инвестициялар билан қондирилиши керак:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} \kappa_{\text{жем}_{\xi}}^s(t) \hat{X}_{\xi}^s(t) = I_{\text{жем}_{\xi}}^s(t). \quad (3.3.4)$$

5. Иқтисодиёт секторлари ўртасида иш билан банд ишловчиларни қайта тақсимлаш:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{\gamma=1}^7 g_{\beta\gamma}^s(t) Y_{\beta\gamma}^s(t) = G_j^s(t). \quad (3.3.5)$$

6. Иш билан банд бўлмаган, лекин ишга жойлашиш истагидаги меҳнатга лаёқатли аҳолини иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимлаш:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{\gamma=1}^7 \hat{g}_{\beta\gamma}^s(t) \hat{Y}_{\beta\gamma}^s(t) \leq \hat{R}_j^s(t), s = \overline{2,5}. \quad (3.3.6)$$

7. Иш билан банд ва бандмас ишчи кучларининг меҳнат даромадларини (нафақаларини) аҳоли жон бошига минимал истеъмол бюджетидан кам бўлмаслиги керак:

$$\sum_{\beta=16}^{70} \sum_{j=1}^J \sum_{\gamma=1}^{\Psi} \left(d_{\beta\gamma}^s(t) Y_{\beta\gamma}^s(t) + \hat{d}_{\beta\gamma}^s(t) \hat{Y}_{\beta\gamma}^s(t) \right) \geq \hat{B}(t). \quad (3.3.7)$$

II. Ишчи кучи таклифи шаклланишининг имитацион модели

1. Иқтисодиёт секторлари ўртасида иш билан банд ишчи кучини қайта тақсимлаш:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{\gamma=1}^7 g_{\beta\gamma}^s(t) Y_{\beta\gamma}^s(t) = G_j^s(t). \quad (3.3.8)$$

2. Ишга жойлаш истагида бўлган, лекин ишламаётган меҳнатга лаёқатли аҳолининг иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимланиши:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{\gamma=1}^7 \hat{g}_{\beta\gamma}^s(t) \hat{Y}_{\beta\gamma}^s(t) \leq \hat{R}_j^s(t), S = \overline{2,5}. \quad (3.3.9)$$

3. Иш билан бандмас меҳнатга лаёқатли ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронларнинг бандлигини (меҳнатда иштирокини) ошириш:

$$\sum_{\gamma=1}^7 \left(\sum_{\beta=16}^{17} l_{y_{\beta\gamma}}(t) + \sum_{\beta=20}^{49} \hat{l}_{a_{\beta\gamma}}^s(t) + \sum_{\beta=50}^{70} \hat{l}_{n_{\beta\gamma}}^s(t) + \sum_{\beta=18}^{59} \hat{l}_{u_{\beta\gamma}}^s(t) \right) \hat{Y}_{\beta\gamma}^s(t) = V_{mc_j}^s(t). \quad (3.3.10)$$

4. Давлат бюджети, корхоналар соф даромади (фойдаси) ва шахсий жамғармалар ҳисобидан иш билан банд ишловчиларнинг малакаси оширилишини молиявий маблаглар билан таъминлаш:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{\gamma=5}^7 O_{mo_{\beta\gamma}}^s(t) Y_{\beta\gamma}^s(t) \leq \left(B_{mo_j}^s + \Phi_{mo_j}^s(t) + III_{mo_j}^s(t) \right). \quad (3.3.11)$$

5. Ишга жойлашиш истагида бўлган ишсизларни қайтадан ўқитишида бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш:

$$\sum_{\beta=16}^{70} \sum_{j=1}^J \hat{d}_{y_{\beta j}}^s(t) \hat{Y}_{\beta j}^s(t) \leq X_{y_{\beta j}}^s(t), \gamma = \overline{5,7}. \quad (3.3.12)$$

6. Иш билан банд ва бандмас ишчи кучларининг меҳнат даромадлари аҳоли жон бошига минимал истеъмол бюджетидан кам бўлмаслиги керак:

$$\sum_{\beta=16}^{70} \sum_{j=1}^J \sum_{\gamma=1}^7 \left(d_{\beta\gamma j}^s(t) Y_{\beta\gamma j}^s(t) + \hat{d}_{\beta\gamma j}^s(t) \hat{Y}_{\beta\gamma j}^s(t) \right) \geq \hat{B}(t). \quad (3.3.13)$$

III. Ишчи кучига бўлган талаб вужудга келишининг имитацион модели

1. Мавжуд ва янги яратилган иш жойларини моддий ресурслар билан таъминлаш:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\xi=1}^{\Xi} \left(b_{m_{j\xi}}^s(t) X_{\xi j}^s(t) + b_{a_{j\xi}}^s(t) \hat{X}_{\xi j}^s(t) \right) = F_i^s(t). \quad (3.3.14)$$

2. Мавжуд иш жойларининг нормал фаолияти учун шароитлар яратиш:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} (\chi_{m_{j\xi}}^s(t) + \chi_{a_{j\xi}}^s(t) + \chi_{mod_{j\xi}}^s(t)) X_{\xi j}^s(t) \leq F_{aa_j}^s(t) \quad (3.3.15)$$

3. Янги яратилган иш жойларининг талаби инвестициялар билан қондирилиши керак:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} K_{\alpha \eta \xi}^s(t) \hat{X}_{\xi j}^s(t) = I_{\alpha \eta j}^s(t). \quad (3.3.16)$$

4. Вактингчалик яратилган иш жойлари учун инвестициялар миқдори етарли бўлиши лозим:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} \left(K_{\alpha \eta \xi}^{II}(t) X_{\xi j}^{II}(t) + K_{\alpha \eta \xi}^{III}(t) X_{\xi j}^{III}(t) \right) = \left(I_{\alpha \eta j}^{II}(t) + I_{\alpha \eta j}^{III}(t) \right). \quad (3.3.17)$$

IV. Ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида рационал нисбатларга эришишнинг имитацион модели

1. Талаб ва таклифнинг тенглиги:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\xi=1}^{\Xi} \left(n_{\alpha \eta \xi}^s(t) X_{\xi j}^s(t) + n_{\alpha \eta \xi}^s(t) \hat{X}_{\xi j}^s(t) \right) = \sum_{j=1}^J \sum_{\beta=1}^{70} \sum_{\gamma=1}^7 \left(l_{\beta \eta}^s(t) Y_{\beta \eta}^s(t) + \hat{l}_{\beta \eta}^s(t) \hat{Y}_{\beta \eta}^s(t) \right) \quad (3.3.18)$$

2. Мавжуд иш жойларининг миқдори ишловчилар сонига мос келиши лозим:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} X_{\xi j}^s(t) = R_{x \kappa_j}^s(t). \quad (3.3.19)$$

3. Янги яратилган иш жойларининг миқдори ишга жойлашиши истовчи, меҳнатга лаёқатли аҳолининг сонига мос келиши лозим:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} \hat{X}_{\xi j}^s(t) = \hat{N}_j^s(t). \quad (3.3.20)$$

4. Янги иш жойлари яратишга йўналтирилган асосий ишлаб чиқариш фонdlарининг ишга тушириш қиймати иқтисодиётнинг асосий секторлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган тармоқларнинг якуний маҳсулоти ($\hat{Y}_j^{III}(t)$) ҳажмидан кам бўлмаслиги даркор:

$$\sum_{\xi=1}^{\Xi} \sum_{l=1}^L K_{\alpha \eta \xi l}^s(t) X_{\xi j}^s(t) \leq \hat{Y}_j^{III}(t). \quad (3.3.21)$$

V. КМБ инфраструктураси ривожланишининг имитацион модели

1. Талаб ва таклифнинг тенглиги:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\xi=1}^S \left(n_{\text{жкж}_\xi}^s(t) X_{\xi j}^s(t) + n_{\text{янж}_\xi}^s(t) \hat{X}_{\xi j}^s(t) \right) = \sum_{j=1}^J \sum_{\beta=16}^{70} \sum_{\gamma=1}^7 \left(l_{\beta j}^s(t) Y_{\beta j}^s(t) + \hat{l}_{\beta j}^s(t) \hat{Y}_{\beta j}^s(t) \right). \quad (3.3.22)$$

2. Мавжуд ва янги яратилган иш жойларини моддий ресурслар билан таъминлаш:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\xi=1}^S \left(b_{\text{жкж}_\xi}^s(t) X_{\xi j}^s(t) + b_{\text{янж}_\xi}^s(t) \hat{X}_{\xi j}^s(t) \right) = F_j^s(t), \quad s = \overline{3,4}. \quad (3.3.23)$$

3. Мавжуд иш жойларининг нормал фаолияти учун шароитлар яратиш:

$$\sum_{\xi=1}^S \left(\chi_{\text{жктж}_\xi}^s(t) + \chi_{\text{кмтж}_\xi}^s(t) + \chi_{\text{модж}_\xi}^s(t) \right) X_{\xi j}^s(t) = F_{\alpha j}^s(t) \quad s = \overline{3,4} \quad (3.3.15)$$

4. Бандликка кўмаклашиш жамгармаси ҳисобидан ишсизлар учун янги иш жойларини яратиш:

$$\sum_{j=1}^J K_{\text{янж}_\xi}^s(t) \hat{X}_{\xi j}^s(t) = \hat{K}_{\text{янж}_\xi}^s(t), \quad s = \overline{2,5}. \quad (3.3.25)$$

бу ерда $\hat{K}_{\text{янж}_\xi}^s$ – ишсизлар учун янги иш жойлари ташкил этишга йўналтирилган бандликка кўмаклашиш жамгармасининг ҳажми, минг сўм.

5. Ишга жойлашиш истагида бўлган, лекин ишламаётган меҳнатга лаёқатли аҳолини иктиносидиёт секторлари бўйича таъсимилаш:

$$\sum_{\beta=16}^{70} \sum_{\gamma=1}^7 \hat{g}_{\beta j}^s(t) \hat{Y}_{\beta j}^s(t) = \hat{R}_j^s(t), \quad s = \overline{3,4}. \quad (3.3.26)$$

6. Бандликка кўмаклашиш жамгармаси ҳисобидан ишсизларнинг қайта ўқишини ташкил этиш:

$$\sum_{\beta=16}^{39} \sum_{j=5}^J \hat{o}_{\beta j}^s(t) \hat{Y}_{\beta j}^s(t) = \hat{K}_{\text{янж}_\xi}^s(t), \quad s = \overline{3,4}. \quad (3.3.27)$$

7. Ишга жойлашиш истагидаги ишсизларни нафақа билан таъминлаш:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{j=1}^J \sum_{\gamma=1}^7 \hat{\bar{3}}_{\text{наф}_{\beta j}}^s(t) Y_{\beta j}^S(t) = \mathcal{X}_{\text{наф}}^s(t), s = \overline{3,4}, \quad (3.3.28)$$

бу ерда $\hat{\bar{3}}_{\text{наф}_{\beta j}}^s(t)$ – бир ишсизнинг ўртача йиллик нафақаси, минг сўм; $\mathcal{X}_{\text{наф}}^s(t)$ – ишсизларга нафақа беришга йўналтирилган бандликка кўмаклашиш жамгармасининг ҳажми, минг сўм.

8. Бандликка кўмаклашиш жамгармаси ҳисобидан бандлик, меҳнат бозори ва аҳолини ижтимоий ҳимояси бўйича ижтимоий дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқиши:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{j=1}^J \sum_{\gamma=1}^7 \bar{3}_{\text{дасм}_{\beta j}}^s(t) Y_{\beta j}^S(t) = \mathcal{X}_{\text{дасм}}^s(t), s = \overline{3,4}, \quad (3.3.29)$$

бу ерда $\mathcal{X}_{\text{дасм}}^s(t)$ – ижтимоий дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқишига йўналтирилган бандликка кўмаклашиш жамгармасининг ҳажми, минг сўм.

9. Бандлик хизмати инфраструктураси ишловчиларининг меҳнат даромадлари аҳоли жон бошига минимал истеъмол бюджетидан кам бўлмаслиги керак:

$$\sum_{\beta=16}^{70} \sum_{j=1}^J \sum_{\gamma=1}^7 d_{\beta j}^s(t) Y_{\beta j}^S(t) \geq \hat{B}(t), s = \overline{3,4}. \quad (3.3.30)$$

Тузилган имитацион моделлар комплекси Т. Нейлорнинг меҳодикаси [75, 21–45б.] асосида "COMONDOR" компььютерининг инсон-машина диалог режимида тадқиқот этилади.

Энди, ишлаб чиқилган ЭМК фаолияти ва унинг моделлари ҳисобини ўтказиш тартиби билан танишамиз.

Ҳисоблаш DEMOSOC моделлар блокидан бошланади. Уларинг тадбиқидан ҳосил қилинган қишлоқ аҳолисининг туғилиши, ғафоти, ўртача яшаш умри, малакаси, маълумоти, механик ёракати, ёш тузилиши, жинси ва сони каби ахборотлар TAKLIF ва MATLAB моделлар блокларига жўнатилади. Сўнгра бу моделлар ёрдамида иқтисодиётнинг турли секторлари ва тармоқларида ишчи ўчига талаб ва таклифни аниқлаш юзасидан ҳисоблаш олиб бори-

лади. IQTISOD ва TAB-M моделлар тадбиқидан ҳосил қилинган асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳажми ва улардан фойдаланиш даражаси, иш ҳақи, соғ даромад, фойда, баҳолар каби кўрсаткичлар TALAB ва TAKLIF моделлар блокларига киритилади. TAB-M моделлар блокида аниқланган жонли ва буюмлашган меҳнат сарфлари ва улар ўртасидаги нисбатлар TALAB, TAKLIF ва TARTIB моделлар блоклари бўйича ўtkазиладиган ҳисоблашларнинг асосланганлигини оширади.

Аҳолининг иш билан бандлик секторларидаги ишчи кучига талаб ва таклиф миқдорларини ва улар ўртасидаги нисбатларнинг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар TARTIB моделлар блоки ёрдамида ҳосил қилинади ҳамда улар ва бошқа моделларининг ҳисоблаш натижалари O-BAND моделида «кириш» ахборотлари сифатида фойдаланилади.

O-BAND моделини татбиқида қишлоқ хўжалиги ва бошқа халқ хўжалиги тармоқларидан ишдан бўшатилганларнинг ва яширин, мавсумий, таркибий, технологик ва умумий ишсизликларнинг сони ҳақида маълумотлар ҳосил қилувчи ISHSIZ моделлар блокининг «чиқиши» ахборотлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Мазкур моделлар блоклари бўйича ҳисоблашдан ҳосил бўлган «чиқиши» ахборотлари QMB-R моделлар блоклари учун «кириш» бўлиб хизмат қиласди.

QMB-SH моделлар блокидан ҳосил қилинган ахборотлар потоки асосида QMB-R моделлари бўйича машина-имитация ҳисоблари ўтказилгандан сўнг эконометрик моделлари комплексининг фаолияти тугайди.

Хуллас, биз тузган эконометрик моделлар комплекси меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудларда ҚМБ шаклланиши ва ривожланишининг рационал параметрларини топиш имконини беради.

Уни қўлланиш объектларига мос келиши кўп жиҳатдан маҳсус статистик, кадрлар маркетинги ва аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишдан ҳосил қилинган ахборотларнинг ишончлилик даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

IV-БОБ. ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ БОЗОРИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРИ КОМПЛЕКСИНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ

4.1. Статистик ҳисоботнинг янги формалари - қишлоқ меҳнат бозори шаклланишини эконометрик моделлар комплекси ахборот таъминотини яхшилашнинг асосий манбай

Таклиф этилган ҚМБ шаклланишининг эконометрик моделлари комплексини (ЭМК) татбиқ этишда статистик ахборотлар етакчи ўрин эгаллайди. Статистика DEMOSOC, IQTISOD, TAB-M, TALAB, TAKLIF, TARTIB, O-BAND ва ISHSIZ моделлари шартларини, чегараловчиларни ва оптимал ўлчов мезонларини ахборотлар билан таъминлайди. Бироқ амалдаги статистик ҳисоботлар янги бозор ижтимоий-иктисодий муносабатлари пайдо бўлиши муносабати билан меҳнат бозори, аҳолини иш билан бандлиги ва ишсизлиги ҳолатларини тўлиқроқ ифодалай олмайди. Бундан ташқари, бизга маълумки, статистик ахборотлар юқори ишончлиликка эга эмаслар.

Биз таклиф этаётган статистик ҳисоботнинг янги формалари қишлоқ меҳнат бозори, аҳоли бандлиги ва ишсизлик ҳолатларини тўлиқроқ ифодалайди ва ҚМБ шаклланиши ва ривожланишининг ЭМК ахборот таъминотини яхшилайди (4-иловага қаранг).

Таклиф этилаётган 1-форма (1Ф-БОҚА) халқ хўжалигининг давлат, нодавлат ва хусусий секторларидаги иш билан банд ходимлар ва улардан озод этилган кишилар сонини ифодалайди. 1Ф-БОҚА статистик ташкилотлар томонидан ҳисобот йилининг охирида тўлдирилади. Унинг хусусияти шундан иборатки, у иш билан банд бўлганлар ва ундан озод этилганлар сонини қишлоқ ҳудуди халқ хўжалигининг секторлари ва тармоқлари ҳамда асосий гуруҳлари (ишчи ва хизматчи) бўйича изоҳлайди. Бундан ташқари, у шахсий меҳнат фаолиятида меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини аник ифодалайди, яъни шахсий ёрдамчи ва уй хўжаликлари

билин шуғулланувчилар, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда билим оловчилар, хусусий бизнесменлар ва ишбилармонлар ҳақида аниқ та-саввур беради.

Бу формада хўжалик юритишнинг янги турларида, яъни ижара, жамоа-ширкат, дехқон (фермер) хўжаликларида иш билан банд бўлганлар ва ундан озод этилганлар ҳақида ҳам ахборотлар кўрсатилган бўлади.

Ишлаб чиқилган 2-форма (2Ф-ИКТ) TALAB моделларининг асосий ахборот манбаи бўлиб, у қишлоқ ҳудуди иқтисодиётининг давлат, нодавлат, жамоа-кооператив ва хусусий секторларидаги мавжуд ва янги яратилган иш жойларини ишчи кучига талабини характерлайди. Унда иш билан тўлиқ банд бўлмасдан ижтимоий ҳимояга жуда муҳтоҷ кишилар учун иш жойлари ва бўш лавозимлар миқдори алоҳида ажратилиб кўрсатилган бўлади. 2Ф-ИКТ ахборотлари TARTIB ва O-BAND моделларини шакллантириш ва татбиқ этиш учун зарур. Лекин бу моделларни татбиқ этиш учун 2Ф-ИКТ ахборотлари етарли эмас.

3-форма (3Ф-ИКТК) қишлоқ меҳнат бозорига ишчи кучининг таклиф этилиши ҳолатларини тўлиқ ифодалаб, 2Ф-ИКТда йўл қўйилган камчиликларни маълум даражада бартараф этади ва TARTIB моделларини татбиқ этишда ахборот базаси бўлиб хизмат қиласди. У корхона ва ташкилотларнинг тугатилиши, қайта ташкил этилиши ёки хусусийлаштирилиши туфайли иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иктисодий ҳолатларини ифодалайди. Шу билан бирга бўшатилганлар сонининг жинси, маълумоти, ихтисослиги, меҳнат даромадлари, иш билан нобандлик сабаблари ва ижтимоий ҳимояга жуда муҳтоҷликлари ҳам изоҳланади. Бундан ташқари, 3Ф-ИКТКнинг вертикал қаторларида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг, шу жумладан пенсияга барвақт жўнатилганлар, профессионал-

каслар ўрганишга ва ижтимоий ишларга юборилганлар, ва ишсиз нафақасини олувчи шахсларнинг сони ҳақида маълумотлар жойлашган бўлади. Мазкур формада ишга жойлашиш масалалари бўйича бандлик хизмати ташкилотларига мурожаат этганлар ва уларнинг хизматидан воз кечган меҳнатга лаёқатли шахсларнинг сони ҳам кўрсатилади.

3Ф-ИКТК 2Ф-ИКТ билан биргаликда TARTIB моделларининг маълумотлар базасини вужудга келтиради. Шу билан бирга TAKLIF моделларининг (3.2.2.7) шарти, TARTIB моделларининг (3.2.5.14; 3.2.5.23; 3.2.5.33) чегараловчилари ва O-BAND моделининг (3.2.6.11 ва 3.2.6.12) тенгликларини шакллантирувчи асосий кўрсаткичлар таклиф этилган статистик ҳисбот янги формаси (4Ф-ИКБ) ёрдамида ифодаланади. Унда ҚМБдаги ишчи кучининг баҳоси (меҳнат ҳақи) ҳақида маълумотлар мавжуд бўлади. У қишлоқ ҳудуди иқтисодиётининг давлат, нодавлат, жамоа-ширкат ва хусусий секторлар тармоқларида иш билан банд бўлган ишловчиларнинг ўртача йиллик меҳнат ҳақини асосий ва қўшимча қисмларга бўлиб изоҳлайди. Мазкур формада диний ташкилотлар хизматкорлари ва қўшма корхоналар ходимларининг ўртача йиллик иш ҳақи ҳам ифодаланади.

5-форма (5Ф-АҚТ)иш билан банд бўлган қишлоқ аҳолисини ихтисосликларга қайта тайёрлаш имкониятлари ҳақида маълумотларни изоҳлаб, DEMOSOC, TARTIB, O-BAND ва ISHSIZ моделларини ахборотлар таъминотини яхшилайди. 5Ф-АҚТ маълум ихтисосликлар бўйича қишлоқда кадрлар ортиқчалиги ва етиш-маслигини характерлайди. Ҳисбот даврида ўқув жойларининг сонига мос ҳолда қишлоқ ҳудудида уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш имкониятларини ифодалайди. Ушбу форма ахборотлари танқис мутахассисликларни тайёрлаш учун сарфланган маҳаллий

ва давлат бюджетларининг молиявий маблағларини иқтисодий асослашда манба бўлиб хизмат қилади.

Статистик ҳисоботнинг 6 формаси (6Ф-ТҚТ) ёрдамида иш билан банд бўлмаган қишлоқ аҳолисини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳолатлари ифодаланади. У TARTIB моделларининг (3.2.5.32) шартини, O-BAND моделининг (3.2.6.11) тенглигини ҳамда ISHSIZ моделларини маълум даражада ахборотлар билан таъминлайди. Бу формада давлат бюджети, бандликка кўмаклашиш жамғармаси, корхоналар ва шахслар маблағлари ҳисобидан касбий тайёргарлигидан ўтган шахслар сони ифодаланади. Ҳамда ўтган ва жорий даврларда маҳсус ўкув юртларида ўқитилганидан сўнг давлат, нодавлат, жамоа-ширкат ва хусусий секторларнинг корхона ва ташкилотларида ишга жойлашганлар сони ҳам кўрсатилади.

TARTIB моделини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторида иш кучи таклифини минималлаштириш оптимал мезони билан татбиқ этишда 7-форма (7Ф-ҚХИК) маълумотлари муҳим ўрин тутади. Бу формада қишлоқ хўжалигининг асосий корхоналаридаги ишловчилар сонининг камайиши ифодаланибгина қолмасдан, балки жорий ва истиқболда кўзда тутилган даврларда рентабеллик ва маҳсулот ишлаб чиқариш даражалари ҳақида ахборотлар ҳам мавжуд бўлади. 7Ф-ҚХИКнинг асосий кўсаткичлари ISHSIZ моделларини татбиқ этишда ва қишлоқдаги ишсизлик даражаси нормаларини аниқлашда қўлланилади.

Қишлоқ ҳудудидаги ишсизларни ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва нафақалар бериш бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади. Унинг вужудга келиш манбалари 8 формада (8Ф-БЖВК) батафсил изоҳланади. У мавжуд статистик ҳисбот формасининг ўзгартирилган қўриниши бўлиб, вилоят бандликка кўмаклашиш жамғармаси корхоналар ва ташкилотларнинг

мажбурий ажратмалари, давлат бюджети маблағлари, ихтиёрий ва бошқа тушумлар ҳисобидан вужудга келишини ифодалайди. Барча манбалар миқдори ва тузилиши қишлоқ туманлари миқёсида минг сўмда ва фоизда акс эттирилган бўлади. Бу маълумотлар ҚМБнинг айrim моделларини татбиқ этишда иштирок этади.

8Ф-БЖВК мантиқий давом бўлиб, такомиллаштирилган 9-форма (9Ф-БЖМС) ҳисобланади. Унда вилоят бандликка кўмаклашиш жамгармаси маблағларини қуйидаги йўналишлар бўйича сарфланиш акс эттирилади: касбий тайёргарликка; касб танлаш ишига; ижтимоий ишларни молиялаштиришга; нафақалар тўлашга; аҳолининг иш билан бандлик дастурини ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга; илмий тадқиқот ишларини ўтказишга; меҳнат биржалари фаолият юритишига; ахборотларни ҳисоблаш ва маркетинг тизими-ни тузиш ва ривожлантиришга; ходимлар малакасини оширишга ва уларга иш ҳақи беришга; республика бандликка кўмаклашиш жамгармаси ажратмаларига. 9Ф-БЖМС маълумотлари ҚМБ инфраструктураси ривожланишининг имитацион моделларини ва бошқа таклиф этилган иқтисодий-мамематика аппаратининг айrim элементларини шакллантириш ва татбиқ этишда иштирок этади.

ҚМБ шаклланиши ва ривожланишининг ЭМКни татбиқ этишда статистик ҳисоботнинг 10-форма (10Ф-ҚМБХ)си муҳим ахборот базаси бўла олади. У қишлоқ меҳнат ресурсларининг ёш тузилишини ва уларнинг иқтисодиётнинг давлат, нодавлат, жамоа-ширкат ва хусусий секторлари ва тармөқларидаги бандлигини ифодалайди. Шу билан бирга иш билан банд эмас ишчи қучининг сони, ходимларнинг ишдан бўшашибаблари ва уларни ишга жойлаштириш имкониятлари ҳам акс эттирилади. Унда қишлоқдаги ишсизларнинг сони ва даражаси ва уларнинг ижтимоий ишларда иштирок этиши ва тааллуқли нафақани олиши ҳақида маълумотлар мавжуд бўлади. Бундан ташқари, мазкур форма ҳисобот даврида қишлоқ

худуди иқтисодиётининг турли секторлари ва тармоқларидағи бўш иш жойлари ва лавозимларининг сони ҳақидаги маълумотларни ҳам камраб олади.

10Ф-ҚМБҲнинг мантиқий якуни 11-форма (11Ф-ҚМБИ) бўлиб, унда истиқболда кўзда тутилган даврда қишлоқдаги ишсизликнинг даражаси, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ва унинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандмаслик сабаблари акс эттирилади. Унда иш ахтариб меҳнат биржасига мурожаат этадиган шахслар ва ишсизларнинг ишга жойлашиши, ўқишига жўнатилиши, ижтимоий ишларга юборилиши ва нафақа олиши ҳақида келажакда белгиланган ахборотлари ҳам мавжуд бўлади. Шу билан бирга қишлоқ ҳудуди иқтисодиётининг секторлари ва тармоқларини ишчи кучига талаб ва таклифнинг микдори ифодаланади. Бундан ташқари, 11Ф-ҚМБИда халқ хўжалиги тармоқларидағи ишчи кучининг кутилаётган баҳосини истиқболи ифодаланади. Унинг ахборотлари ҚМБ шаклланиши ва ривожланишининг барча моделларини татбиқ этишда қўлланилади.

Ишлаб чиқилган ЭМКни татбиқ этишда юқорида ифода этилган статистик ҳисоботнинг янги формалари билан биргаликда маълум бўлган умуний кўрсаткичлардан ҳам кенг фойдаланилади. Шу билан бирга ЭМК татбиқ этишда фақат статистик ахборотлардан фойдаланиш етарли эмас, чунки уларни юқори ишончли даражада йиғиш мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун ишчи кучига талаб ва таклиф бўйича ишончли ахборотлар тўплаш ва таҳлил қилиш имкониятини берадиган кадрлар маркетинги услубини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4.2. Ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилишнинг кадрлар маркетинги услуби: уни иш кучига талаб ва таклиф ҳамда уларни тартибга солиш моделларини татбиқ этишда қўллаш

Ҳозирги пайтда статистик маълумотлар қишлоқда ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифини тўлик ифодалай олмаяпти. Чунки, қишлоқ хўжалиги иш жойларини ҳисобга олишнинг мақбул методикаси йўқлигидан ишчи кучига бўлган талабнинг миқдорини аниқлаш мураккаблигича қолмоқда. Қишлоқ аҳолиси бандлигини меҳнат бозори механизмлари асосида оқилона тартибга солиш эса ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф миқдори ва таркибини доимий таҳлил қилиб боришини тақозо этадики, иқтисодий жиҳатдан мушоҳада этилган мулоҳазалар шу асосда ишлаб чиқилади. Шундай муаммоларни ечишда кадрлар маркетинги асосларини кенг қўллаш ижобий натижалар беради.

Маркетинг тадқиқоти муаммоларига хорижий ва МДҲ давлатлари олимларининг қўп илмий ишлари бағищланган [24,32, 56,77,79,127,135,139,141]. Уларда «маркетинг таҳлили» тушунчаси турлича талқин этилади. Масалан, америкалиқ машҳур иқтисодчи Ф.Котлер қўйидаги аниқ тушунчани илгари суради: “Маркетинг тадқиқоти - фирма олдида турган маркетинг вазиятлари ҳақида маълумотлар тўпламини систематик равишда аниқлаш, тўплаш ва таҳлил қилиш натижаларининг ҳисоботи” [56,118-бетлар].

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда товарларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишда маркетинг кенг қўлланилади. Ўзбекистонда эса, маркетинг фан сифатида шаклланиб, товарлар, қимматбаҳо қоғозлар ва инвестициялар бозорлари таҳлилида ўз ижобий натижаларини бермоқда. Лекин қишлоқ меҳнат бозорининг таркибий қисмларини ўрганишда ундан деярли фойдаланилмаяпти. Бунинг асосий сабаби эса **кадрлар маркетингини амалиётда**

қўллаш методикаси яратилмаганлигидир. Холбуки, ҳозирги замон қишлоқ ишбилармонлари унинг асосларини яхши билмоғи лозим.

Кадрлар маркетинги ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ҳамда улар ўртасидаги нисбатнинг ҳозирги ва келажакдаги ҳолатини ўрганибгина қолмасдан, аҳоли бандлигини тартибга солувчи асосий механизмлардан бири сифатида ҳам хизмат қиласди. Унинг ёрдамида зарур ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш билан бирга, меҳнат бозори конъюктурасини ўрганиш, зарур мутахассисликларга бўлган талабни аниқлаш ва уларни тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда кенг миқёсда реклама фаолиятини олиб бориш имкониятларига эга бўли_нади. Бу фаннинг бош мақсади - ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги энг мақбул нисбатларни вужудга келтириш асосларини ўрганишдан иборатdirки, бу қишлоқ аҳолисининг оқилона бандлигини таъминлашда энг муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамият касб этади.

Кадрлар маркетинги меҳнат биржалари фаолиятида, айниқса, кенг қўлланиши лозим. Бу масалада кичик ва ўрта меҳнат биржалари илмий-тадқиқот институтларига, махсус ташкилотларга ёки тажрибали мутахассис-иқтисодчи олимларга мурожаат қилишлари мумкин. Йирик меҳнат биржалари ўз таркибида **кадрлар маркетинги** бўлимини тузиб, уни ходимлари орасида иқтисодчи, социолог, психолог, математик ва кибернетиклар ҳамда бошқа юқори малакали мутахассислар бўлишини таъминлаши керак. Улар статистик методларнинг ва иқтисодий-математик моделларнинг тўпламлари (банклари) ёрдамида меҳнат бозорининг ҳолати ҳақида маркетинг ахборотларини тўплаш ва баҳолаш билан шугулланадилар.

Статистик услублар бандлик ва қишлоқ бозорининг таркибий қисмларига доир ахборотларни тўплаш, гурухлаш, қайта ишлаш ва уларнинг ишончлилигини текширишга мўжалланган воситалар

мажмуудан иборат бўлади.

Моделлар банки эса эконометрик (иқтисодий-математик) моделлар йифиндисидан иборат бўлиб, улар асосида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни тартибга солишининг энг мақбул маркетинг ечимлари топилади. Ҳар бир модель қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг шарт-шароитларини ва омилларини ифодалайди.


Ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ҳақида ишончли маркетинг ахбороти ҳосил қилиш учун қуийдаги босқичларда илмий-тадқиқотлар олиб борилиши лозим (4.2.1-расмга қаранг).

Биринчи босқичда кадрлар маркетинги тадқиқотининг асосий муаммолари ва мақсади аниқланади. Ечилиши мураккаб бўлган асосий муаммолар жумласига ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ҳақида ишончли ахборотларнинг етишмаслиги, иш билан банд бўлмаган кишиларни иш жойлари билан таъминлаш ва уларнинг сонини камайтириш киради.

Тадқиқотнинг мақсади - ҚМБ да ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни мувофиқлаштириш бўйича стратегик тадбирларни ишлаб чиқиши.

Иккинчи босқичда ҚМБ коньюктураси асосий элементларининг ҳолатлари бўйича ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш амалга оширилади. Тадқиқотчи бирламчи ёки иккиламчи ахборотларни, ёхуд у ёки бунисини бир вақтнинг ўзида тўплаши мумкин. Иккиламчи ахборотлар ички ва ташқи манбалар ҳисобидан вужудга келади.

Ички манбалар бўлиб, корхоналарнинг йиллик ҳисботлари, кадрлар маркетинги тадқиқотларининг натижалари, бандлик хизмати ва меҳнат биржаларининг маълумотлари, реклама агентликларининг шарҳлари ва бошқалар хизмат қиласи. Ташқи манбалар эса халқ хўжалиги ва меҳнат бўйича статистик тўпламларнинг, халқаро



4.2.1-расм. Қишлоқ меҳнат биржаларида кадрлар маркетинги тадқиқотларини ўтказиши босқичлари чизмаси

мехнат ташкилоти вақтли матбуотининг, илмий тадқиқотларнинг ва ихтисослаштирилган маркетинг ташкилотларининг маълумотлари ҳисобланади. Бунга бўш иш жойлари кўргазмаси ва савдоси, меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги бўйича илмий анжуманлардан олинган ахборотлар ҳам киради.

Агар иккиламчи маълумотлар тадқиқотнинг мақсадига эришиш учун етарли бўлмаса, у ҳолда бирламчи маълумотларни тўплаш ва «дала маркетинги» деб аталувчи тадқиқотни ўтказиш зарур. Бунда қуидаги услублардан фойдаланилади: социологик сўровлар; якка ёки колектив интервью; иш берувчилар (ишбилиармонлар) ҳолатини кузатиш ва уни ҳисобга олиш; эксперт баҳолаш.

Кишлоқ ишчи кучига талаб ва таклиф ҳолатлари бўйича тўпланган ахборотлар таҳлили жараёнида кадрлар маркетинги тадқиқотининг қуидаги миқдор услублари қўлланилади:

- 1. Кўпомиллик услубидан** маркетинг ечимларини асослашда фойдаланилади, бунинг асосида эса кўпсонли ўзаро боғланган ўзгарувчилар ётади. Масалан, ишчи кучига талабни аниқлаш таклифга боғлиқлиги, ишчи кучининг баҳоси ва рақобатбардошлиги, мавжуд ва янги яратиладиган иш жойларининг сони, реклама миқёси ва унга харажатлар, кадрлар маркетингининг бошқа элементлари.
- 2. Регрессион - корреляцион услубидан** меҳнат биржаси кадрлар маркетинги фаолиятини изоҳловчи ўзгарувчиларнинг гуруҳлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш учун фойдаланилади.
- 3. Имитацион услуби** шундай ҳолатларда қўлланиладики, қачонки, кадрлар маркетинги вазиятларга таъсир этувчи ўзгарувчиларни (масалан, ишчи кучини ёллашдаги рақобатни изоҳловчи) аналитик ҳисоблаб бўлмайди.

4. Қарор қабул қилувчи стратегик назария услуги (ўйинлар назарияси, ялпи хизмат кўрсатиш назарияси, стохастик дастурлаш) меҳнат бозоридаги вазиятни ўзгаришига иш берувчиларнинг қарашини стохастик изоҳлашда қўлланилади.

5. Операциялар тадқиқотининг дитерминант услуги (биринчи навбатда чизиқли ва чизиқсиз дастурлаш) шундай ҳолатларда қўлланадики, қачонки, ўзаро боғланган ўзгарувчилар кўплиги мавжуд бўлганда ва оптимал ечимларни топиш зарурлигида, масалан, ўсадиган ишсизликни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларининг оқилона бандлиги варианtlари.

6. Гибриллар услуги ўзида дитерминантлик ва эҳтимолликни бирлаштириб, (масалан, меҳнат ресурсларининг стохастик характеристикаси) кўринча қишлоқда ишчи кучини таксимлаш муаммоларининг тадқиқоти учун қўлланилади.

7. Мақсадли дастурлаш услуги иқтисодий-математик таҳлил, истиқболлаштириш, социологик тадқиқот ва эксперт баҳолаш воситалари тўпламидан иборат бўлиб, қишлоқ меҳнат биржаларининг кадрлар маркетинги фаолияти бўйича жорий ва узоққа мўлжалланган тадбирлар ишлаб чиқишида қўлланилади.

Кадрлар маркетинги тадқиқотининг қайд этилган миқдор услубларини етти гуруҳи уларнинг турли-туманлигини инкор этмайди. Бу тадқиқотда 50 дан ортиқ услубдан фойдаланиш мумкин, лекин кадрлар маркетинги тадқиқотини бу босқичида фақат етти гуруҳли услубларни қўллаш ишчи кучига талаб ва таклиф миқёсини аниқлаш имконини беради.

Учинчи босқичда ишчи кучига талаб билан таклиф ўртасидаги номутаносибликтининг миқёси ва сабаблари аниқланади. Бу жараёнда кўпроқ баланс, эконометрика ва социологик тадқиқот услубларидан фойдаланиш ўринлидир. Улар TALAB, TAKLIF ва TARTIB моделларини шакллантиришда қўлланади.

Тўртинчи босқичда бажариладиган тадқиқотлар яширин, мавсумий, таркибий, технологик каби ишсизлик турларининг микдорларини ва сабабларини аниқлашга қаратилган бўлади. Ҳосил қилинган ахборотлар ISHSIZ моделларини татбиқида қўлланади.

Бешинчи босқичда ишсизликни камайтириш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ҳар тарафлама мақсадли тадбирлар ишлаб чиқилади. Улар O-BAND моделининг ахборот базасини тўлдиради.

Олтинчи босқичда маҳаллий ва хорижий иш берувчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда янги мутахассислар микдори ва таркиби аниқланади. Улар QMB-R моделлари учун «кириш» ахбороти бўлиб хизмат қиласди.

Еттинчи босқичда мулкчиликнинг янги турлари вужудга келиши шароитида янги мутахассисларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг мажмуий тавсияномалари ишлаб чиқилади. Улар КМБ ривожланишининг имитацион моделларини математик изоҳлашда қўлланади.

Саккизинчи босқич кадрлар маркетинги тадқиқотида асосий ўрин тутиб, унда меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносиблигни йўқотиш чора-тадбирлари белгиланади. Бунда меҳнат бозори конъюнктурасини ўрганишининг мақсадли дастурлаш услубини қўллаш ижобий натижалар беради.

Тўққизинчи босқичда имитацион ва оптимизацион моделлар ёрдамида қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг кўп вариантили истиқбол кўрсаткичлари аниқланади. Бундан ташқари, бандлик хизмати ташкилотлари маркетинг фаолиятининг ривожига доир энг мақбул ечимлар варианти ҳам топилади.

Ўнинчи босқичда реклама фаолиятини амалга ошириш тадбирлари ишлаб чиқилади ва улар меҳнат биржаларида ташкил этилган реклама бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Бошқармада тўртта бўлим мавжуд бўлади: **ижодий бўлим** - эълонларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади; **реклама воситалари бўлими** - реклама воситаларини танлайди ва эълонларни жойлаштиради; **тадқиқот бўлими** - ишчи кучига талаб ва таклифни урганади ва **коммерция бўлими** - ишчи кучини шартномалар асосида сотиш ва сотиб олиш билан шуғулланади.

Ўн биринчи босқичда эса аҳоли бандлиги хизмати органлари кадрлар маркетинги фаолиятининг стратегик режалари тузилади. Бунда ўтган босқичдаги ахборотлардан фойдаланилади.

Кадрлар маркетинги тадқиқотининг босқичлари статистик ҳисоботларда юқори ишончга эга бўлмаган ишчи кучига талаб ва таклиф ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш имкониятини беради. Ҳамда улар тузилган ЭМК татбиқида маълумотлар базаси бўлиб хизмат қиласи.

4.3. Социологик ахборотларни қишлоқ меҳнат бозори эконометрик моделлари комплексининг ишончлилигини оширишдаги ўрни

Ҳозирги пайтда социологик ахборотлардан бозор иқтисодиётига ўтишнинг ижтимоий-иктисодий натижаларини (оқибатларини) ўрганишда кўп фойдаланилмоқда.

Улар қишлоқ меҳнат бозори, аҳолини иш билан бандлиги ва ишсизлик ҳолатларини ЭМК ва ТАБ ёрдамида таҳлил қилишда қўлланади ва уларнинг ахборот таъминотини яхшилайди.

Меҳнат сарфлари ТАБ тузишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қизғин даврида жалб қилинган ишловчилар ва улар бажарган иш вақти ҳақида ишончли ахборотларни тўплаш анча мураккаб иш. Бундай вазиятда ахборотлар йигишининг самарали услубларидан бири - социологик тадқиқот ҳисобланади. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари жонли ва буюмлашган меҳнат сарфларини, тўғри ва тўлиқ меҳнат сарфлари ва аҳоли бандлиги

коэффицентларини аниқлашда ҳамда ТАБ тузишда қўлланадиган бошқа кўрсаткичларни асослашда қўлланилади.

Шу билан бирга, социологик ахборотлар шахсий ёрдамчи хўжаликларни, индивидуаль (якка тартибда) меҳнат фаолияти ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ҳолатларини тўлароқ ифодалайди ва улар ёрдамида шахсий меҳнат секторидаги тўлиқ меҳнат сарфларини аниқлаш мумкин. Социологик тадқиқот воситаларидан самарали фойдаланиш шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларнинг даромадлари ва харажатлари ҳақида ишончлироқ ахборотлар ҳосил қилиш имкониятини туғдиради.

Бундан ташқари улар ёрдамида қишлоқ жойларда кичик ва ўрта бизнесни ҳамда хусусий ишбилармонликнинг ривожланиши бўйича статистик ҳисботларда учрамайдиган маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш мумкин.

Социологик ахборотлар ҚМБ ЭМКни тузишда ва татбиқ этишда, жумладан, Q-BAND моделининг (2), (3), (6), шартларини, QMB-R моделининг (6) ва (7) чегараловчиларини, шакллантиришда ва ишчи кучига талаб (TALAB) ва таклиф (TAKLIF) миқдорларини асослашда қўлланилади. Бундан ташқари, улардан ISHSIZ моделлар ёрдамида яширин, мавсумий, технологик, таркибий ва умумий ишсизликларнинг миқдорини аниқлашда фойдаланилади.

Таъкидлаш лозимки, социологик ахборотлардан шундай вазиятда фойдаланиладики, қачонки ишончли статистик ва маркетинг ахборотлар мавжуд бўлмаса, ёки уларни эксперт баҳолаш мажмуаси ёрдамида ҳам ҳосил қилинмаса. Бундай вазиятда сифатли ва ўз вақтида ўтказилган аниқ социологик тадқиқот ҚМБ шаклланиши ва ривожланишини ЭМК ахборот таъминотини сезиларли даражада яхшилайди.


Собиқ иттифоқ давлатларида, жумладан бизнинг республикада социологик тадқиқотлар бўйича бой тажрибалар тўпланган [35, 37,

42, 44, 60, 72, 78, 81, 90, 91, 92, 93, 105]. Мазкур тажрибаларга таянган ҳолда, **биз методика ишлаб чиқдик**. У ҚМБ шаклланиши ва ривожланиши шароитида ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни ва ишсизлик ҳолатларини аниқ социологик тадқиқот (АСТ) қилишда кўлланилди.

Тавсия этилган методикага асосан АСТ босқичма-босқич олиб борилади (4.3.1-расмга қаранг).

Биринчи босқичда АСТнинг бош мақсади, асосий вазифалари, предмети ва объектлари аниқланади. Ушбу тадқиқотнинг бош мақсади - бозор иктисодий муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида аҳолини иш билан бандлигини ошириш ва ишсизликни камайтириш бўйича илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқиш ва ҚМБ ЭМКни татбиқ этишда қўлланадиган социологик ахборотлар фондини вужудга келтириш.

Тадқиқотнинг асосий вазифаларига қўйидагилар тааллуқли бўлади: иш билан банд бўлган ва бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий ҳолати ва унинг меҳнат даромадларини ошириш мақсадида иш жойларини ўзгартириш истакларини ўрганиш; ходимларни ёллаш шартларини аниқлаш; иш берувчиларнинг ёлланган ходимларни бандлиги ва малака даражаларини ошириш бўйича имкониятларини ва истакларини билиш; иш берувчилар ва ёлланма ходимларни бозор иктисодиёти талабларига жавоб берадиган янги касбларни эгаллаш истакларини аниқлаш; ерга хусусий мулкчилик ва янги иш жойларини яратишга тўсик бўладиган асосий сабабларни топиш; ишловчиларни ўз меҳнати якуний натижаларидан ва ижтимоий инфраструктура объектлари ва маҳаллий меҳнат биржалари хизматларидан



4.3.1-расм. Социологик ахборотларни вужудга келиши ва уларни ЭМКнинг татбиқида қўллаш босқичларининг чизмаси

қониқиши даражасини аниқлаш; тўлиқ, қисман, вақтингчалик ва мавсумий ишсизликлар сабабларини ахтариб топиш; ишсизларнинг ишга жойлашиши, малакасининг ошиши, янги-янги ихтисосликларни эгаллаши ва иш берувчиларининг ходимларни ёллаш шартлари бўйича истакларини аниқлаш; шахсий меҳнат фаолиятини ташкил этишга ва хусусий бизнесни ривожлантиришга салбий таъсир этувчи асосий сабабларни топиш; ёлланган ходимларни ва ишсизларни қишлоқ меҳнат биржаларининг иш фаолиятини яхшилаш юзасидан таклифларини ўрганиш; ҚМБ ЭМКни ишлаб чиқиши ва татбиқ этиши учун зарур бўлган социологик маълумотлар фондини вужудга келтириш.

Тадқиқотнинг предмети – танланган ҳудуд ҚМБ шаклланиши ва ривожланиши шароитида ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар ва ишсизликнинг ҳолатлари.

Ушбу тадқиқотларнинг объектлари танланган ҳудуд иқтисодиёти секторлари - ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ва ишсизлар мавжуд бўлган яшаш жойлари ҳисобланади.

Аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг **иккинчи босқичи** асосий натижаси – долзарб муаммолар бўйича икки хил ёзма сўровлар (анкеталар)ни тузиш: «ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни ўрганиш» ва «ишсизлик ҳолатларини ўрганиш».

Биринчи анкета 32 савол ва уларга тааллуқли кўп вариантлилик жавоблардан иборат бўлиб, ўзбек ва рус тилларида тузилган бўлади (5- ва 6-иловаларга қаранг). Унинг кириш қисми респондентларни тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари билан таништиришга багишлиланади. Саволлар таркибига респондентларни ижтимоий ҳолати, маълумот даражаси, ва

уларнинг халқ хўжалигининг турли тармоқларига ишга жойлашиш мақсадида иш жойларини ўзгартириш истаклари киритилиб, кўп вариантилик жавоблар билан бирга берилган бўлади (анкетанинг 1-6 саволлари).

Ушбу анкетанинг кейинги саволларида қўйидаги муаммолар ўрганилади: меҳнат шартномаларининг мақбул турини танлаш (7); иш берувчиларнинг ходимларни танлаш шартлари (8); иш берувчиларнинг ёлланган ходимларни иш билан бандлигини ва малакасини ошириш имкониятларини ва истакларини аниқлаш (9-14); иш берувчилар ва ёлланган ходимларнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги касбларни эгаллаш борасидаги истакларини ўрганиш (5-17); ерга хусусий мулкчиликнинг ривожланиши ва янги иш жойларининг яратилишига тўсик бўладиган асосий сабабларни аниқлаш (18-21); меҳнат даромади шаклланишининг асосий манбаларини топиш (22); қишлоқ ишловчиларининг ўз меҳнатини якуний натижаларидан ва ижтимоий инфраструктура обьектлари ва маҳаллий меҳнат биржалари хизматларидан қониқиши даражасини аниқлаш (23-30); респондентларнинг бандлик хизмати ташкилотлари амалий фаолиятини яхшилаш (31) ва ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ўрганиш (32).

Иккинчи анкета ҳам ўзбек ва рус тилларида тузилган бўлиб, у аниқ социологик тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини ва респондентларнинг мажбуриятларини тушунтириш билан бошланади (10-11 иловаларга қаранг). У қўйидаги муҳим муаммоларнинг тадқиқотига мўлжалланади: тўлиқ, қисман, вақтинчалик ва мавсумий ишсизликларнинг сабаблари (3-7); ишсизларнинг ишга жойлашиш, малакасини ошириш, янги касбни эгаллаш ва иш берувчиларга ёлланиш шартлари бўйича истаклари (8-16); шахсий-

мехнат фаолиятини ташкил этишга ва хусусий бизнесни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи асосий сабаблар (17-19); иш билан банд бўлмаган шахсларнинг ишга ёлланиш шартлари (20-21); маҳаллий меҳнат биржаларининг амалий фаолияти ва уни яхшилаш бўйича респондентларнинг таклифлари (22-26).

Анкета саволларига жавобларни кодлаштириш аниқ социологик тадқиқотларнинг **учинчи босқичи** натижаси ҳисобланади.

Анкеталардаги саволларнинг барча жавоблари позицион кодлаштирилади.

Аниқ социологик тадқиқотларнинг тўртинчи босқичида обьектларни танлаш услублари аниқланади. Таҳлил кўрсатадики, ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни ўрганиш юзасидан анкеталар учун ишлаш жойлари бўйича танлаш **услубини** қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундай танлаш услубида корхоналар, фирмалар, ташкилотлар ва хусусий хўжаликлар ҳақидаги маълумотларга асосланиб, тадқиқотнинг репрезентатив (энг мақбул) обьектлари аниқланади. Репрезентатив обьектив бўлиб, аҳолининг бандлик коэффициенти ҳудудий ўртача қийматидан энг юқори ва энг паст бўлган корхоналар, ташкилотлар ва хусусий хўжаликлар хизмат қиласи. Бу жараёнда танланётган обьектларнинг халқ хўжалигининг асосий тармоқларидағи маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш салмоғи юқори бўлиши ҳисобга олиниши лозим.

Лекин, мазкур танлаш услуби ёрдамида ишсизлик ҳолатини ўрганиш анкеталари учун тадқиқот обьектларини танлаб бўлмайди. Бундай вазиятда **яшаш жойлари бўйича танлаш услубини** қўллаш мақсадга мувофиқ [105]. Унга биноан ишсизлик даражаси энг юқори бўлган қишлоқнинг яшаш жойлари тадқиқот обьектлари қилиб танланади. Аввалом бор, мазкур услуб қишлоқ ишсизлари ижтимо-

иий-иқтисодий ҳолатини ижтимоий гурухларга бўлиб ўрганиш имкониятини беради.

Қишлоқ туманлари ва турар жойлари ривожланишининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий қўрсаткичларини ўрганиш билан тадқиқотнинг **бешинчи босқичи** бошланиб, сўнгра аниқ социологик тадқиқотларнинг объектлари танланади. Дастлаб, ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганувчи анкеталар бўйича танланади.

Аниқ социологик тадқиқот объектларининг асосий мезонлари бўлиб, меҳнат ресурсларининг бандлик коэффицентлари ва қишлоқ туманлари ҳамда хўжаликларида бир ишловчига тўғри келадиган экин майдони ва чорва моллари сони хизмат қиласди. Шундай объектлар танланадики, қайсики у ерда юқоридаги асосий мезонларнинг миқдори ҳудудий ўртacha йиллик қўрсаткичдан энг юқори ва энг паст.

Аниқ социологик тадқиқотнинг иккинчи анкетаси учун объектлар танлашда қишлоқ туманлари ва яшаш жойларида ишсизлик даражаси асосий мезон бўлиб хизмат қиласди ва ҳисоблаш юқорида қайд этилган тамойил бўйича олиб борилади. Объектларни танлашда уларни репрезентативлиги ҳисобга олинади.

Тадқиқотнинг олтинчи босқичи вазифаси - аниқланган объектлардан респондентларни танлаш. Биринчи социологик сўров бўйича респондентлар жинси, ёши, маълумоти, ихтисослиги ва иш стажи бўйича улар меҳнатда иштироқи (бандлик) коэффицентлари асосида танланади. Респондентлар таркибига меҳнатга лаёқатли кўпболали аёллар, пенсионерлар, ногиронлар ва кундузги бўлим студентлари ва ўқувчилари ҳам кириши лозим.

Иккинчи анкета бўйича респондентлар танлашда ишсизлик даражаси асосий мезон бўлиб хизмат қиласди.

Аниқ социологик тадқиқотларнинг еттинчи **босқичида** социологлар, иқтисодчилар, программистлар ва бошқа ходимлар танланади. Холбуки, уларга ҳосил қилинадиган социологик ахборотларнинг ишончлилик даражаси қўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун социологик тадқиқот ўтказадиган шахслар юқори маълумотли ва маданиятли, виждонли ва яхши муомалали бўлиши лозим. Танланган ходимлар бир ҳафта давомида ўқитилиб, тадқиқот ўтказиш методик йўриқномалари ва дастурлари билан таништирилади.

Саккизинчи босқичда аниқ социологик тадқиқотларнинг иқтисодий асосланган дастури тузилади. Улар проф. В. Г. Гречихин таъкидлаганидек, икки қисмдан (методология ва амалиёт) эмас[35, 36 б.], балки тўртта бўлимдан иборат бўлади: методология, методика, амалиёт ва молия.

Дастурнинг **методологик бўлимида** аниқ социологик тадқиқотларнинг мақсадлари, асосий вазифалари, обьектлари ва предметлари аниқланади. Танланган обьектларнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши бўйича дастлабки комплекс таҳлил ўтказилади.

Дастурнинг **методик бўлимида** оғзаки ва ёзма сўровлар асосида аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг назарий йўриқномалари ишлаб чиқилади. Анкеталарнинг матнлари тузилади ва саволларнинг жавоблари кодлаштирилади.

Социологик сўровни ўтказиш, яъни анкеталарни тўлдириш қоидалари ва иштироқчиларнинг мажбуриятлари дастурнинг амалиёти **бўлимида** жойлашган бўлади. Бу бўлимда дастлабки социологик ахборотларни тўплаш ва компьютерда қайта ишлаш муддатлари белгиланади.

Дастурнинг **молия** бўлимида қуидаги асосий кўрсаткичлар мавжуд, қайсики уларсиз ҳар қандай аниқ социологик тадқиқотни

ўтказиш мумкин эмас: иш ҳақи; моддий ресурсларга харажатлар; транспорт харажатлари; нашр сарфлари; компьютерда қайта ишлаш харажатлари; бошқа сарфлар.

Аниқ социологик тадқиқот натижаларидан манфаатдор бўлган меҳнат биржаси органлари, юридик шахслар ва айrim ишбилиармонларнинг маблағлари ҳисобидан дастур бажарилишини сармоялар билан таъминлаш мақсаддага мувофиқ ҳисобланади.

Аниқ социологик тадқиқотларнинг **тўққизинчи босқичида** респондентлар сўрови уч фазада ўтказилади: мослашиш (кўникума ҳосил қилиш); мақсадларга эришиш, ҳоргинликни бартараф этиш.

Тадқиқотларнинг **ўнинчи босқичида** дастлабки маълумотлар компьютерларда қўйидаги кетма-кетлик асосида қайта ишланади: маълумотларни киритиш ва дастлабки таҳлил қилиш; маълумотларни назорат қилиш ва хатоларини тўгрилаш; ўзгарувчилар қаторини тузиш; машина алгоритмлари ва дастурларини тузиш; тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш. Компьютерда дастлабки маълумотларни қайта ишлаш бўйича методика Россия фанлари академияси Социологик тадқиқотлар институти нашр этган «Социологнинг иш китоби» номли китобида батафсил ёритилган [90]. Дастлабки маълумотлар компьютерда қайта ишлангандан сўнг, уларнинг ишончлилиги текширилади. Агар, улар юқори ишончли бўлса тадқиқотнинг кейинги босқичига ўтилади. Акс ҳолда ахборотлар таҳлили янгидан бошланиб, тадқиқотнинг иккинчи босқичидан **ўнинчисигача** бажарилган ишлар қайтадан бажарилади.

Тадқиқотнинг **ўн биринчи босқичида** ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар ва турли шаклдаги ишсизликнинг вужудга келиш сабабларини ўрганиш бўйича ҳосил қилинган социологик ахборотлар асосида илмий ҳисобот тузилади.

Тадқиқотнинг сўнгги босқичида ҳосил қилинган социологик ахборотларни ҚМБ шаклланиши ва ривожланиш ЭМКга татбиқ этиш амалга оширилади.

Таклиф этилган методика Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Жizzах ва Андижон вилоятларида қишлоқ жойларидаги ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар ва турли шакллардаги ишсизликнинг вужудга келиши сабабларини ўрганишда қўлланилмоқда. Уни Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам қўллаш мумкин.

**V-БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ
БОЗОРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНинг
ҲОЗИРГИ ВА КЕЛАЖАКДАГИ ҲОЛАТЛАРИНИ КОМПЛЕКС
БАҲОЛАШ**

**5.1. Қишлоқ ҳудуди ҳалқ хўжалигининг асосий секторларида
(тармоқларида) аҳолини иш билан бандлиги ҳолатининг
иқтисодий-математик таҳлили**

Таклиф этилган методология ва ишлаб чиқилган тармоқлараро моделларни татбиқ этиш натижасида биз 1991, 1996 ва 2000-йиллар учун Самарқанд вилоятининг меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги секторлари тармоқларидаги меҳнат сарфларининг тармоқлараро балансларини (ТАБ) туздик. (1,2,3-иловаларга қаранг). Уларда буюмлаштирилган ва жонли меҳнат сарфларининг ҳисбот ва истиқбол даврлардаги истеъмоли ва тақсимоти акс эттирилган.

ТАБ асосида буюмлаштирилган меҳнат ҳажми ва таркибини аниқлаш маҳсулотларнинг қиймати, нархи ва таннархини ҳамда инвестицияларни асослашда замин бўлади Инвестицияларнинг зарурий ҳажми буюмлаштирилган меҳнатнинг истеъмол сарфлари ишлаб чиқариш харажатларини 30% дан кам бўлган тармоқларга йўналтирилади. Амалда тадқиқот қилинаётган вилоятдаги барча тармоқлар қўшимча инвестиция жалб қилишга муҳтож. Бу ҳолда замонавий техника ва юқори унумли технологияни харид қилиш, ҳамда мавжуд иш жойларини модернизациялаш ва капитал таъмирлаш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш зарур. Бундай вазиятда буюмлаштирилган меҳнатнинг ишлаб чиқариш ичидаги истеъмоли анча ўсади (50% дан ортиқ). У буюмлашган ва жонли меҳнат сарфлари ўртасида рационал нисбатларга эришишга ўз таъсирини кўрсатади. Булар эса аҳолининг оқилона бандлигини шаклланишига бевосита кўмаклашади.

Бундан ташқари, буюмлаштирилган меҳнат сарфларининг рационал ҳажми кўпроқ даражада бандликнинг асосий секторлари-

даги жонли меҳнатнинг маҳаллий ва жалб қилинган сарфларнинг истеъмоли ва тақсимоти ўртасидаги минимал фарқланишни асослайди.

Самарқанд вилояти меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлиги секторларида меҳнат сарфлари ТАБининг таҳлили (1996й) кўрсатадики, меҳнатнинг тўлиқ сарфлари жонли (45%) ва буюмлаштирилган (55%) меҳнат ҳисобига шаклланади. 1996 йилда 1991 йилга нисбатан жонли меҳнат сарфларининг салмоғини тўлиқ харажатларда 4,6%га ошиши буюмлаштирилган меҳнатнинг ўсишини шундай ҳажмда пасайишига олиб келди (5.1.1-жадвалга қаранг).

Яқин келажакда (2000 йилда) меҳнатнинг тўлиқ сарфларининг шаклланишида буюмлаштирилган меҳнат салмоғини 57,9%га ошиши жонли меҳнат сарфлар улушкини 2,9% камайишига олиб келди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (62,8%) ва шахсий меҳнат (54,6%) секторларида энг кўп жонли меҳнат улуси бўлса, қайта ишлаш саноати (29,2%), хизмат (35,6%) ва сифат (43,9) секторларида бу миқдор озроқ бўлади. Бандлик секторларида жонли меҳнат сарфлари истиқболда кутилаётган даврда (1996-2000 йй.) қўйидагича ўзгаради (юқоридаги тартибда): -15,1; -1,3; -5,6; +2,8; ва 3,8%.

Мазкур секторларнинг қўйидаги тармоқларида жонли меҳнат сарфлари юқори бўлади: чорвачиликда (68,1%), ўсимликчиликда (57,6%), дехқон (фермер) (57,3%) ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида (55,1%), ҳамда шахсий меҳнат фаолиятида (51,4%). Ушбу тармоқлардаги жонли меҳнатнинг тўлиқ сарфларидаги улуси яқин келажакда қўйидагича ўзгаради (юқоридаги тартибда): -13,5%, -16,7%; +2,4%, -3,3%, +5,0%). Энг кам жонли меҳнат уй-жой ва коммунал хўжаликларда (13,7%); ун-ёрма (19,5%), гўшт-сут (19,7%) ва новвойчилик саноатларида (20,7%) сарфланади ва унинг ҳажми биринчи тармоқда 3,2%га ортади, қолганларида 7,4; 6,4 ва 5,9%га

Самарқанд вилояти меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги
секторларида меҳнатнинг тўлиқ сарфлари шаклланиши, %

Аҳолининг иш билан бандлиги секторлари	1991й.			1996й.			2000й.		
	Меҳнат- нинг тўлиқ сарфлари, жами	шу жумладан		Меҳнат- нинг тўлиқ сарфлари, жами	шу жумладан		Меҳнат- нинг тўлиқ сарфлари, жами	шу жумладан	
		жонли	буюмлаш- тирилган		жонли	буюмлаш- тирилган		жонли	буюмлаш- тирилган
Кишлоқ хўжалиги ишлиб чиқариши	100,0	58,2	41,8	100,0	62,8	37,2	100,0	47,7	52,3
Қайта ишилаш саноати	100,0	26,4	73,6	100,0	29,2	70,8	100,0	23,6	76,4
Хизмат	100,0	33,6	66,4	100,0	35,6	64,4	100,0	38,4	61,6
Сифат	100,0	40,1	59,9	100,0	43,9	56,1	100,0	47,7	52,3
Шахсий меҳнат	100,0	44,7	55,3	100,0	54,6	45,4	100,0	53,3	46,7
Барча секторларда	100,0	40,4	59,6	100,0	45,0	55,0	100,0	42,1	57,9

камаяди. Буюмлаштирилган меҳнатнинг энг катта улуши эса қайта ишлаш саноати сектори тармоқларига тўғри келади (70,8%). Улар ичида энг кўп буюмлаштирилган меҳнат сарфланадиган тармоқлар, ун-ёрма (80,5%), гўш-сут (80,3%), новвойчилик (79,3%), қурилиш материаллари (70,7%), мева-сабзавот ва виночилик (68,1), пахта тозалаш (64,3), енгил (62,3%) ва озиқ-овқат (61,2%) саноатлари ҳисобланади. Буюмлаштирилган меҳнат сарфларининг бундай юқори салмоғи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кўп моддий харажатлар талаб қилиниши билан изоҳланади.

Мазкур секторнинг бу тармоқларида жонли меҳнат сарфларининг меҳнатнинг тўлиқ сарфларидаги улуши буюмлаштирилган турига нисбатан 4,2; 4,1; 3,8; 2,4; 2,1; 1,8; 1,7 ва 1,6 марта кам. Бундай вазият яқин келажакда ҳам сақланиб қолади. Жонли меҳнат сарфлари ҳиссасининг 5,6 %га қисқаришига, жадал ривожланиш, мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиши яхшилаш ва юқори унумли технология ва техникани татбиқ этиш ҳисобига эришилади.

Моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланмаслик ва ускуналар, механизмлар, машиналар, хом-ашё, эҳтиёт қисмларининг этишмаслиги натижасида маҳаллий ва жалб этилган меҳнат ресурсларининг жонли меҳнат сарфлари салмоғи 4,6 ва 0,9%га ошди. Аммо, маҳаллий меҳнат ресурслари бандлигининг ошиши ва улардан рационал фойдаланиш ҳамда жадал технологияни татбиқ этиш, мазкур сектор ходимлари сонининг 2,4 мартадан ортиқ қисқаришига олиб келади.

Бундан ташқари, жонли меҳнат сарфларининг энг катта салмоғи, шахсий меҳнат секторида (54,6%) ва унга тааллукли соҳаларда: дехқон (фермер) (57,3%) ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда (55,1%) ва шахсий меҳнат фаолиятида (51,4%) кузатилади. Яқин келажакда мазкур соҳаларда уларнинг улуши - 0,6; +2,4 ва -0,8 мартаға ўзгаради. Таҳлил қилинаётган секторнинг би-

ринчи ва учинчи тармоқларида жонли меҳнат сарфларини унча катта бўлмаган ҳажмда камайиши механизация воситаларида юқори самарасиз фойдаланиши билан изоҳланади.

Ҳисоб-китобларни кўрсатишича қайта ишлаш сноати хизмат ва шахсий меҳнат секторларида буюмлаштирилган саноат меҳнатининг ишлаб чиқариш ичидаги истеъмоли бандликнинг бошқа секторларига қараганда анча юқори. Бу секторларда унинг салмоғи яқин келажакда 3,8; 6,1 ва 2,6%га ўсади (5.1.2-жадвалга қаранг).

5.1.2-жадвал

Самарқанд вилояти меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлиги секторларида буюмлаштирилган меҳнат сарфларининг ишлаб чиқариш ичидаги истеъмоли, %да

Аҳолининг иш билан бандлигини секторлари	1991 й.	1996 й.	1996 йилда 1991йилга нисбатан %	2000 й.	2000 йилда 1996 йилга нисбатан %
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши	25,2	16,3	64,7	23,1	141,7
Қайта ишлаш саноати	50,0	46,3	92,6	52,7	113,8
Хизмат	39,0	37,7	96,7	40,0	106,1
Сифат	38,0	38,5	101,3	39,5	102,6
Шахсий меҳнат	47,6	39,1	82,1	39,9	102,0
Барча секторлар	40,0	35,6	89,0	38,9	109,3

Маълум мурдот сарфлари тақсимланиши тузилишининг таҳлили шуни кўрсатадики, жонли меҳнатининг катта қисми қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, хизмат ва шахсий меҳнат секторларида сарфланади, буюмлаштирилган меҳнат эса бандликнинг сифат ва шахсий меҳнат секторларида энг кам қўлланилади.

5.1.3-жадвал маълумотларига кўра, жонли меҳнат сарфларининг улуши 1991-1996 йилларда 2,9%га ўсади. Бу меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг маълум даражада ошганлигини изоҳлайди. Бироқ, яқин келажакда қишлоқ хўжалигига иш жойларининг

қисқариши, фойда келтирмайдиган корхоналарни тугатилиши ва хусусий мулкчилик шаклланишининг тезлашиши сабабли 1996-2000 йилларда иш билан банд бўлган қишлоқ ходимларининг салмоғи 5,4%га камаяди. Кейинги кўрсаткич қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторида (14,1%)га камайса қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида эса 1,6%, 7,5%, 0,4%, 4,6%га ортади.

5.1.3-жадвал

**Самарқанд вилояти меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг
бандлик секторларида жонли ва буюмлаштирилган меҳнат
сарфлари тақсимланишининг ўсиши (камайиши)
(натижага нисбатан фоизларда)**

Аҳолининг иш билан бандлигини сектори	Жонли меҳнат сарфлари				Буюмлаштирилган меҳнат сарфлари			
	1991й.	1996й.	2000й.	2000 йилда 1996 йилга нис- батан %	1991й.	1996й.	2000й.	2000 йилда 1996 йилга нисбатан %
Қишлоқ хўжалиги иш- лаб чиқариши	54,8	50,3	36,2	72,0	58,3	53,7	46,4	86,4
Қайта ишлаш саноати	1,6	2,1	3,7	176,2	24,5	27,2	31,6	116,2
Хизмат	15,5	16,8	24,3	144,6	12,1	13,9	15,2	109,4
Сифат	6,9	7,1	7,5	105,6	1,2	0,8	0,9	112,5
Шахсий меҳнат	21,2	23,7	28,3	119,4	3,9	4,4	5,9	134,1
Бандликнинг барча сектор- ларининг улуши	90,3	93,2	87,8	94,2	75,4	72,7	78,6	108,1

Таҳлил қилинаётган даврда (1991-1996й.) хўжаликларо шартонома муносабатларининг бузилиши, моддий ва молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва бошқа сабаблар натижасида бандликнинг барча секторларида буюмлаштирилган меҳнат сарфлари салмоғи 2,7%га камайди. Бундай камайиши қўпроқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторида (4,6%) кузатилади.

Шунинг билан бирга давлатлараро иқтисодий алоқалар, молия-кредит муносабатларининг йўлга қўйилиши, моддий ресурслар етказиб берилишининг яхшиланиши, хорижий инвестицияларнинг

самарали жалб қилиниши ва ишлаб чиқариш-истеъмол жараёнлари яхши ташкил қилиниши натижасида 1996-2000-йилларда тадқиқот қилинаётган вилоятда бандликнинг барча секторларида буюмлаштирилган меҳнат сарфларининг улуши 5,9%га ўсади. Бундай ўсиш кўпинча қайта ишлаш саноати, хизмат ва шахсий меҳнат секторларида буюмлаштирилган меҳнат сарфлари салмофини ошириш (4,4%, 1,3%, 1,5%) ҳисобига таъминланади. Ривожланишнинг жадал йўлига ўтиш натижасида жонли меҳнат сарфлари улушкини 5,4%га камайиши мўлжалланмоқда.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) бирлигини ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат сарфларининг тўлиқ коэффицентлари миқдори жонли меҳнатнинг тўғри (t_j^s) ва буюмлаштирилган меҳнатнинг тўлиқ коэффицентлари (\check{T}_j^s) ни бирлаштиради. 5.1.4-жадвалда тадқиқ қилинаётган вилоятнинг барча секторлари бўйича бу коэффицентларнинг нисбатлари ифодаланган. Коэффицентларнинг аниқланган нисбатлари орасида \check{T}_j^s/t_j^s муносабати муҳим аҳамиятга эга. Меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг барча секторлари бўйича биринчи кўрсаткич иккинчисидан 1,7 марта кўп. Бу миқдор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида (1,3 марта) ва шахсий меҳнат (1,4 марта) секторларида қайта ишлаш саноати (1,7 марта), хизмат (2,1 марта) ва сифат (2,1 марта) секторларига нисбатан унча катта эмас.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, 1996 йил меҳнатнинг тўлиқ сарфлари тузилишида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (**35,1%**) ва шахсий меҳнат (**29,3%**) секторлари етакчи ва қайта ишлаш саноати (19,4%), хизмат (11,9%) ва сифат (4,4%) секторлари кейинги ўринларни эгаллайди. Яқин келажакда меҳнатнинг тўлиқ меҳнат сарфлари тузилишида биринчи ва иккинчи секторлар салмофи камайиши кутилса бошқа секторларда эса аксинча, холат кузатилади.

5.1.4-жадвал

1996 йилда Самарқанд вилоятининг меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлиги секторларида ЯИМ бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган жонли меҳнатнинг тўғри, буюмлаштирилган меҳнатнинг тўлиқ ва жами меҳнатнинг тўлиқ сарфлари коэффициентларининг нисбатлари

Аҳолининг иш билан бандлиги секторлари	t_j^S	\check{T}_j^S	T_j^S	$t_j^S \setminus \check{T}_j^S$	$\check{T}_j^S \setminus t_j^S$	$t_j^S \setminus T_j^S$	$\check{T}_j^S \setminus T_j^S$	$T_j^S \setminus t_j^S$	$T_j^S \setminus \check{T}_j^S$
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши	0,8612	1,1311	1,9923	0,7614	1,3134	0,4323	0,5677	2,3134	1,7614
Кайта ишлаш саноати	0,4134	0,6874	1,1008	0,6014	1,6628	0,3755	0,6245	2,6628	1,6014
Хизмат	0,2105	0,4568	0,6673	0,4608	2,1226	0,3155	0,6845	3,1701	1,4608
Сифат	0,0786	0,1685	0,2471	0,4663	2,1438	0,3181	0,6819	3,1438	1,4665
Шахсий меҳнат	0,6823	0,9786	1,6609	0,6972	1,4343	0,4108	0,5892	2,4343	1,6972
Барча секторлар бўйича ўртача	0,4492	0,6845	1,1337	0,5974	1,7354	0,3704	0,6296	2,7449	1,5975

Жонли ва буюмлаштирилган меҳнат сарфлари ўртасидаги мавжуд номутаносибликни йўқотишнинг энг муҳим иқтисодий қуроли бўлиб, уларни бандликнинг тармоқлари ва секторлари ўртасидаги рационал ўрин алмашуви ва қўшилувини таъминлаш хизмат қиласи. Ҳудудда меҳнат ўрнининг алмашиши ва қўшилишининг бошланғич нуқтаси - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторидир. Бу секторга иккинчи ва учинчи секторлардан тракторсозлик, машинасозлик, кимё, омухта-ем ва қурилиш материаллари саноати, қурилиш, моддий-техника таъминоти ва кўпгина бошқа тармоқларнинг маҳсулотларга буюмлаштирилган меҳнат сарфлари сифатида оқиб ўтади. Буюмлаштирилган қишлоқ хўжалиги меҳнати сарфлари ўз навбатида ҳудуд халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига қараб ҳаракат қиласи.

Жонли меҳнатнинг буюмлаштирилган меҳнат билан ўрин алмашуви нафақат жонли меҳнат улушининг қисқаришида, балки ўтган аграр ва саноат меҳнатининг салмоғини ошишида ҳам ўз аксини топади. Жонли меҳнатнинг буюмлаштирилган меҳнат билан ўрин алмашуви, биринчи навбатда, механизациялашган меҳнат ходимларининг сони ва салмоғи ўсишида намоён бўлади. Масалан, тадқиқ қилинаётган вилоят жамоа хўжаликларида ишни механизациялаш ёрдамида бажарувчи ходимларнинг салмоғи 13,4% дан (1991й.) 17,6 % гача (1996й.) ошди. Жонли меҳнатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторидан қайта ишлаш, хизмат ва шахсий меҳнат секторларига қўчиб ўтиши содир бўлди. Жонли меҳнатнинг буюмлашган меҳнат билан ўрин алмашуви ва қўшилуви жараёни ҳамда меҳнатнинг тўғри ва тўлиқ сарфлари коэффицентлари маълум даражада аҳоли бандлигининг ҳудди шундай коэффицентларини ҳисоблашга асос бўлади.

Иқтисодий-математик таҳлилда жонли меҳнатнинг тақсимланиш коэффицентлари кўпроқ тўғри бандлик коэффицентларини $(t'_{\delta_{n_j}})$, буюмлаштирилган меҳнатнинг тақсимлаш коэффицентлари -

үтган бандлик $(\check{T}_{b_{n_j}}^s)$ ни акс эттиради. Биринчи ва иккинчи кўрсаткичларнинг мажмуаси тўлиқ бандлик коэффицентларини $(T_{b_{n_j}}^s)$ ифодалайди. Кейинги кўрсаткич таркибига жалб қилинган ходимларнинг тўғри бандлик коэффицентлари $(\check{t}_{b_{n_j}}^s)$ ҳам киритилади.

Таҳлилда тўлиқ ва тўғри бандлик коэффицентларининг нисбати катта амалий аҳамиятга эга, бу ерда биринчи кўрсаткич иккинчисидан 6,2 марта кўп. Бу нисбат ўз навбатида қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторларида анча юқори (22,8; 3,5 ва 2,5 марта)(5.1.5-жадвалга қаранг).

Яқин келажакда бундай вазият сақланиб қолади. Бунинг сабаби шундаки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлашда меҳнат сарфларини тежовчи техника ва технологияни қўллаш даражаси ошади. Бундай шароитда тўғри бандлик коэффицентларининг миқдори анча камаяди.

Аммо яқин келажакда тўлиқ бандлик коэффициентлари структураси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш секторида ўзининг етакчи ўрнини (59,3%) сақлаб қолади. Қайта ишлаш саноати (15,0%), шахсий меҳнат (11,5%), хизмат (11,3%) ва сифат (2,9%) секторлари ҳам маълум мавқега эга бўлади.

Шундай қилиб, таъкидлаш лозимки, аҳолининг иш билан бандлик тузилишида номутаносибликлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳолати жонли ва буюмлаштирилган меҳнат истеъмоли ва тақсимоти, ҳамда тўғри ва тўлиқ меҳнат ва бандлик коэффициентлари ёрдамида изоҳланади. Бундай номутаносибликлар қишлоқда меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ва бандликни оширишнинг рационал комплекс тадбирларини ҳамда ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни яхшилаш ва ишсизликни камайтиришнинг социологик хуносаларни татбиқ этиш йўли билан бартараф этилиши мумкин.

1996 йилда Самарқанд вилояти қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги секторларида тўғри, ўтган ва тўлиқ бандлик коэффициентларининг нисбатлари

Аҳолининг иш билан бандлиги секторлари	$t_{\delta h_j}^S$	$\check{t}_{\delta h_j}^S$	$\check{T}_{\delta h_j}^S$	$T_{\delta h_j}^S$	$t_{\delta h_j}^S / \check{T}_{\delta h_j}^S$	$\check{T}_{\delta h_j}^S / t_{\delta h_j}^S$	$t_{\delta h_j}^S / T_{\delta h_j}^S$	$T_{\delta h_j}^S / t_{\delta h_j}^S$	$T_{\delta h_j}^S / \check{T}_{\delta h_j}^S$	$T_{\delta h_j}^S / t_j^S + \check{t}_j^S$
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши	0,5035	0,7368	0,5374	1,7777	0,9369	1,0673	0,2832	3,5307	3,3080	1,4333
Қайта ишлаш саноати	0,0197	0,1579	0,2723	0,4499	0,0723	13,8223	0,0438	22,8376	1,6522	2,5332
Хизмат	0,1693	0,0316	0,1391	0,3400	1,2171	0,8216	0,4979	2,0083	2,4390	1,6924
Сифат	0,0781	0,0000	0,0084	0,0865	9,2976	0,1076	0,9029	1,1076	10,2976	1,1076
Шахсий меҳнат	0,2294	0,0737	0,0428	0,3459	5,3598	0,1866	0,6632	1,5078	8,0818	1,1412
Барча секторлар бўйича ўртача	0,9321	0,9678	0,7270	0,6011	3,3767	3,2011	0,4782	6,1984	5,1557	1,5815

5.2. Қишлоқдаги ёлланган ходимлар билан иш берувчилар үртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни ва ишсизлик ҳолатларини социологик баҳолаш

ҚМБини шакллантириш ва ривожлантириш шароитида ёлланган ходимлар ва иш берувчилар үртасидаги ўзаро ижтимоий-иктисодий муносабатлар (№1 анкета) ва ишсизлик сабабларини (№2 анкеталар) сўров ёрдамида ўрганиш асосида аҳоли бандлигини ошириш бўйича иктисодий асосланган тавсия ва таклифларни ишлаб чиқиши аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишининг асосий мақсади ҳисобланади.

Муаллиф таклиф этган методика асосида (4.3 параграф) 1996 йилнинг март ойида аниқ социологик тадқиқотлар ўтказилди. Биринчи анкета бўйича мазкур тадқиқотларнинг обьектлари қилиб Самарқанд вилоятининг меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган қишлоқ туманлари (Кўшработ, Пастдарғом, Самарқанд, Тайлок, Ургут ва Челак)даги иктисодиётни турли хил секторлари таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, қурилиш, тайёрлаш, савдо, майший хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, илмий хизмат кўрсатиш, таълим ва молия-кредит тармоқларининг 38 корхона ва ташкилотлари ҳамда деҳқон (фермер) ва шахсий-ёрдамчи хўжаликлари танлаб олинди. Бу обьектлардан 4500 та жавоб берувчилар (респондентлар) танланди. Улар 4280 та анкетанинг (95,1%) саволларига тўла жавоб бердилар. Жинсий таркиби бўйича респондентларнинг 60,8%и эркаклар ва 39,2%-аёллар. Улар ичидан энг кўпроғи ўрта (36,8%), олий (23,8%) ва ўрта-маҳсус маълумотлилар (19,8%) эди. Олий ўқув юртларини битирмаганлар (6,4%) ва техникумларни (5,7%), ўрта (5,6%) ва саккиз ийллик мактабларни (1,9%) битирганлар ҳам бор. Респондентларнинг 24,9% иш берувчилар, қолганлари ёлланган ходимлар (75,1%). Мазкур анкета ўзбек (5-илова) ва рус (6-илова) тилларида тузилди. Ҳосил қилинган дастлабки анкета маълумотлари биз ишлаб чиқсан

BOZOR-M1 дастури ёрдамида компьютерда қайта ишланди (7-илова). Натижада аҳолининг иш билан бандлигини асосий секторлари (8-илова) ва барча танланган қишлоқ жойлари бўйича (9-илова) социологик ахборотлар ҳосил қилинди.

Респондентларнинг иш билан бандлигини тузилиши таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш секторининг корхоналарида (52,7%), камроғи эса қайта ишлаш саноати (20,6%), хизмат (18,9%), сифат (5,2%) ва шахсий меҳнат (2,6%) секторларида меҳнат қиладилар. Аксарият респондентлар малакасиз қўл (48,3%), кам механизациялаштирилган (37,8%) меҳнат билан шуғулланадилар. Бундай кўрсаткичларнинг салмоғи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (59,6% ва 31,5%) ва шахсий меҳнат (59,6 ва 37,8%) секторларида юқори. Малакали меҳнатнинг юқори салмоғига, сифат секторнинг респондентлари (55,8%) эга, бу улуш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш секторида энг паст (9,3%).

Кам малакали ва малакасиз ёлланган ходимларнинг кўпчилиги меҳнат даромадларини ошириш мақсадида ўз иш жойларини хизмат (44,9%) ва шахсий меҳнат (22,9%) секторларига ўзгартиришни хоҳлайдилар.

Шу билан бирга меҳнатни татбиқ этиш бошқа минтақалар этишмаслиги сабабли қишлоқ аҳолисининг маълум қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш (22,2%) ва саноат услубида қайта ишлаш билан шуғулланишини (9,4%) хоҳлайди. Кўпчилик эркаклар (62,3%) ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва инфляциянинг мавжудлиги шароитларида оила аъзоларини нормал моддий таъминлаш мақсадида ўз иш жойларини ўзгартиришларини истайдилар.

Социологик сўров шуни кўрсатадики, янги иш жойларини ташкил қилишнинг кўпроқ имкониятлари хизмат (30,1%), қайта ишлаш саноати (29,0%), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш (22,9%) ва шахсий

мехнат (16,5%) секторларида мавжуд. «Пахта якка ҳукмронлиги»ни тутатиш қишлоқ хўжалигида янги меҳнатни тежовчи иш жойларини яратишда асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларида, балки меҳнатнинг сердаромад жабҳаларида (агросервис хизматлари, бизнес, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотишида) ҳам янги иш жойларининг пайдо бўлишига кўмаклашади. Ҳозирги вақтда ш берувчиларнинг 63,5%дан ортиғи қайта ишлаш саноати ва хизмат секторлари ва хусусий хўжаликларда янги иш жойлари ташкил ғилишни афзал қўрадилар.

Шунинг билан бирга мазкур иш берувчиларнинг фикрича, янги иш жойларини ташкил қилиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар хажмини кенгайтиришга тўсқинлик қилувчи қўйидаги асосий сабаблар мавжуд: бу кредит олишнинг мураккаблиги ва уни кам самарадорлиги (18,2%), асосий ишлаб чиқариш фондлари нархларининг юқорилиги (14,9%), хўжаликларро ҳисоб-китобларнинг паст дараҷадалиги (10,9%) ва бошқалар.

Қишлоқда янги иш жойларини ташкил қилишга тўсқинлик қилувчи бошқа сабаблардан бири-юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги (7,6%). Бундай ҳолат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (8,1%), хизмат (9,5%) секторларида яққол кузатилади. Иш берувчиларнинг малака даражасини бозор иқтисодиёти талабларига мос келмаслиги ишлаб чиқариши бошқаришда кўпроқ тўрачилик услугини тугдиради ва сақлаб қолади (9,9%). У айниқса сугориладиган ер майдонларини тақсимлашда яққол намоён бўлади (10,0%). Бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш хусусий мулк учун ер ажратишда ва шахсий меҳнат фаолияти учун янги иш жойларини ташкил қилишда кенг имкониятлар очиб беради.

Шахсий меҳнат фаолиятининг катта иқтисодий афзалликларига қарамасдан кўпчилик ёлланган ходимлар иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторларида жамоа меҳнат шартномалари асосида

фаолият кўрсатишини истайдилар.

Меҳнат шартномаси тузилганга қадар иш берувчилар ёлланма ходимларни меҳнатга лаёқатли, иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган аҳоли орасидан танлаб олинишини амалга оширади. Танловнинг асосий мезонлари - ёлланадиган ходимларнинг ҳалоллиги ваadolatparvarliginинг миқёси (19,2%), меҳнат унумдорлигининг даражаси (17,7%), ишлаб чиқариш технологиясини билиши (14,2%), ижтимоий-иктисодий фикрлаш қобилияти (10,7%), малака даражаси (9,5%), ўз иш ҳақига талаби (8,5%), одамгарчилиги ва раҳимдиллиги (7,8%)дир. Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлари агроиктисодий технология соҳасидаги билимлар ва тажрибага алоҳида эътибор берадилар (16,8%). Хизмат секторида иш берувчилар учун эса ёлланадиган ходимларнинг малака даражаси муҳим мезондир. Жуда оз сонли иш берувчиларни ёлланадиган ходимларнинг оиласий аҳволи (5,1%), ёш (4,0%), жинсий таркиби (2,0%) ва миллати (1,3%) қизиқтиради (5.2.1-жадвалга қаранг).

Қишлоқда иш берувчилар, ходимларни ўсмиirlар, кўп болали аёллар, меҳнатга лаёқатли қариялар ва ногиронлар орасидан ёллашни алоҳида мезонларини белгилайдилар: малака даражаси, иш стажи ва тажрибаси, ҳалоллиги ва иш ҳақидан қаноатланиш даражаси. Шунинг билан бирга тадбиркорлар аҳолининг кам таъминланган мазкур категорияларини кафолатлаштирилган иш жойлари билан таъминлаш (62,7%) билан ҳам шуғулланади. Тадбиркорлар уларни мавсумий (41,2%), тўлиқ бўлмаган (31,0%), вақтинча (17,7%) ва ўриндошлиқ (10,1%) иш вақтларида нормал меҳнат қилишлари учун шароит яратиб беришларини билдиради.

Мавсумий иш вақтини тақдим қилиш бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни саноат услубида қайта ишлашнинг характеристидан келиб чиқади. Хизмат секторининг тадбиркорларида кўпроқ тўлиқ бўлмаган иш вақтли иш жойлари (48,8%) мавжуд.

Самарқанд вилоятининг меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлик секторларидағи иш берувчиларнинг ходимларни ёллаш мезонлари
(барча респондентлар - иш берувчиларга нисбатан, % ҳисобида)

Иш берувчилар томонидан ходимларнинг ёлланма мезонлари	Аҳолининг иш билан бандлиги барча секторлари бўйича	шу жумладан секторларда:				
		Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши	Қайта ишлаш сектори	Хизмат	Сифат	Шахсий меҳнат
Малака даражаси	9,5	9,2	7,9	12,1	8,6	7,5
Ҳалоллиги ва адолатпарварлиги	19,2	16,2	17,5	22,5	27,1	17,9
Ишлаб чиқариш технологиясини билиши	14,2	15,8	15,1	11,1	12,9	15,2
Ижтимоий-иктисодий фикрлаши	10,7	13,4	10,1	10,5	7,1	12,4
Одамийлиги ва раҳимдиллиги	7,8	6,6	14,2	5,8	8,6	4,8
Ёши	4,0	3,8	3,8	2,7	4,3	3,7
Жинси	2,0	3,0	0,8	2,6	1,4	1,2
Миллати	1,3	1,5	0,4	2,2	0	0,7
Оиласвий аҳволи	5,1	5,2	6,7	7,6	5,7	4,6
Иш ҳақи талаби	8,5	10,3	6,4	8,8	15,7	15,7
Меҳнат унумдорлиги	17,7	15,0	17,1	14,1	8,6	16,3

Ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасида асосий ижтимоий-иктисодий муносабатлар манфаатли иш жойлари таклиф этилган вақтдан бошлаб ўрнатиласди. Қишлоқ тадбиркорлари авваломбор ходимларни имтиёзли (17,0%), юқори иш ҳақи тўланадиган (16,6%), доимий (14,8%), механизациялаширилган (10%) иш жойларига ёллашни афзал кўрадилар. Ижтимоий (0,3%), кам ҳақ тўланадиган (1,4%), вақтинчалик (7,8%), сермеҳнат (8,4%) ва ўртача ҳақ тўланадиган (8,7%) иш жойлари энг кам ишчи кучи жалб қилинадиган меҳнат минтақалари ҳисобланади (5.2.2-жадвалга қаранг).

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва хизмат секторларининг тадбиркорлари кўпроқ имтиёзли (19,5%), қайта ишлаш саноати сектори корхоналарининг раҳбарлари эса мавсумий 16,9% иш жойларини таклиф қиладилар.

Шахсий меҳнат секторининг иш берувчилари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қайта ишлаш саноати, хизмат ва сифат секторларининг тадбиркорларига нисбатан кўпроқ доимий иш жойларида ишлашни хоҳловчилар ёллашни афзал кўрадилар Энг сермеҳнат иш жойлари шахсий меҳнат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторларининг иш берувчиларида мавжуд (9,9% ва 8,4%). Сифат секторининг тадбиркорлари кўпроқ механизациялашган иш жойиларини таклиф этадилар.

Қайта ишлаш саноати ва шахсий меҳнат секторларининг тадбиркорлари кўпроқ юқори иш ҳақи тўланадиган иш жойлари билан таъминлашга ҳаракат қилишади (18,1% ва 15,4%).

Сифат секторининг иш берувчилари кўпроқ ўртача иш ҳақи тўланадиган иш жойларини (11,5%) таклиф қиладилар. Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш сектори иш берувчиларида бандликнинг бошқа секторларига қараганда кўпроқ паст иш ҳақи тўланадиган иш жойлари (3,2%) мавжуд.

Шунинг билан бирга тадбиркорлар меҳнатни ташкил

Самарқанд вилоятининг меҳнатга лаёкатли қишлоқ аҳолиси бандлиги секторларидағи иш берувчиларни ёлланма ходимларга таклиф қиласидиган иш жойларининг турлари
(барча респондентлар - иш берувчиларга нисбатан, % ҳисобида)

Таклиф қилинадиган иш жойларининг турлари	Аҳолининг иш билан бандлиги барча секторлари	шу жумладан секторларда:				
		Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши	Қайта ишлаш саноати	Хизмат	Сифат	Шахсий меҳнат
Имтиёзли	17,0	19,3	15,8	16,3	20,0	23,1
Сермеҳнатли	8,4	7,3	3,7	11,4	7,1	9,9
Механизациялаштирилган	10,0	12,0	8,3	11,2	7,1	8,5
Юқори иш ҳақи тўланадиган	16,6	12,8	18,1	15,2	8,6	15,4
Ўртача иш ҳақи тўланадиган	8,7	9,8	7,4	11,6	11,5	7,8
Паст иш ҳақи тўланадиган	1,4	3,2	1,7	1,1	2,9	0,5
Доимий	15,5	15,3	18,1	13,6	15,7	20,4
Вақтинчалик	7,3	6,9	9,3	5,6	11,4	5,6
Мавсумий	14,8	12,6	16,7	14,0	15,7	8,8
Ижтимоий	0,3	0,8	0,9	0	0	0

қилишнинг қуидаги имтиёзли шароитларини таклиф қиладилар: иш ҳақини ўз вақтида бериш (22,5%), меҳнат шароитларини яхшилаш (15,2%), оғир қўл меҳнатини камайтириш (10,9%), мутахассислик бўйича иш билан (9,0%) ва ишлаб чиқаришни хом-ашё билан (8,3%) таъминлаш. Булар меҳнат унумдорлигини оширишга бевосита таъсир этади ва унга эришиш учун юқори унумли техника (7,3%) ва моддий-хомашё ресурслари билан (5,9%) таъминлаш, бозор услубида хўжалик юритишни ўргатиш (5,5%), юқори лавозимларга кўтариш (5,1%), маданий дам олишнинг ташкил қилиш (4,6%), бепул малака ошириш (4,3%) айниқса муҳимдир (5.2.3-жадвалга қаранг).

Кейинги йилларда (1995-1996 й.) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш секторида меҳнат унумдорлигининг секин ўсиши кузатилмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари меҳнат шароитларини яхшилаш (17,7%), сермеҳнат ишларни механизациялаштириш (13,1%), ходимларнинг мутахассисликлари бўйича иш жойлари (17,7%) ва моддий техника-ресурслари билан (6,9%) ўз вақтида таъминлашга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Қайд этилган барча шароитларни яратишга қайта ишлаш саноати секторининг тадбиркорлари харакат қиладилар. Уларда ўз маҳсулотларининг сифат ва микдор кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида юқори унумдорлик техника ва замонавий технологиялар (8,6%) харид қилиш истаклари бор.

Аҳолига яхши майший-моддий хизмат кўрсатиш учун хизмат секторининг ишбилармонлари иш жойларини юқори сифатли хомашёлар (14,1%) ҳамда малакали мутахассислар билан (12,8%) таъминлашга ҳаракат қиладилар.

Сифат сектори раҳбарлари олдида таълим, санъат, маданият ва илмий хизмат кўрсатиш ходимлари иш ҳақини оширишдек (15,9%) энг қийин муаммо мавжуд. Шахсий меҳнатнинг ташкилотчиларида эса деҳқон (фермер) ва шахсий-ёрдамчи хўжаликларида

Самарқанд вилоятида меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг бандлиги
секторларида иш берувчилар томонидан ёлланган ходимлар меҳнат
унумдорлигини ошириш учун яратилаётган шароитлар
(барча респондентлар - иш берувчирлага нисбатан, %)

Иш берувчилар томонидан яратилаётган шароитлар	Аҳолининг иш билан бандлиги барча секторлари	шу жумладан секторларда:				
		Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши	Қайта ишлиш саноати	Хизмат	Сифат	Шахсий меҳнат
Иш ҳақини ўз вақтида бериш	22,5	19,8	20,3	18,8	15,9	21,5
Мутахассислик бўйича иш билан таъминлаш	9,0	7,7	10,1	12,8	7,2	6,4
Меҳнат шароитини яхшилаш	15,2	17,7	14,8	18,0	14,5	15,4
Юқори лавозимга кўтариш	5,1	4,5	5,5	8,1	7,2	4,8
Оғир қўл меҳнатини қисқартириш	10,9	13,1	11,0	6,3	14,5	16,4
Маданий дам олишни ташкил қилиш	4,6	5,4	5,1	3,1	7,2	3,1
Мухтожларга моддий ёрдам бериш	5,9	6,8	4,3	3,6	4,6	6,1
Бепул малака ошириш	4,3	4,1	7,2	4,5	2,9	3,8
Уй-жой билан ўз вақтида таъминлаш	8,3	6,9	7,2	14,0	10,1	7,5
Юқори унумли техника билан таъминлаш	7,3	6,3	8,6	5,8	8,7	7,8
Агротехника қоидаларини ўргатиш	1,3	2,4	0	0,3	0	1,5
Бозор услугида хўжалик юритишни ўргатиш	5,5	5,3	5,9	4,4	7,2	5,3
Бошқа шароитлар	0,1	0	0	0,3	0	0,4

мехнат унумдорлигини ошириш учун кўл меҳнати улушини қисқартириш (16,4%) истаклари бор.

Ҳар бир секторда ишлаб чиқаришнинг ҳажмини ошириш ва хизмат кўрсатишларини яхшилашнинг ҳал қилувчи шартларидан бири - ходимларнинг малакаларини узлуксиз ошириш (4,3%). Шунинг учун иш берувчилар ўз ходимларининг малакаларини ҳаммадан кўпроқ олий ўқув юртларида (25,8%) ва маҳсус курсларда (19,4%) оширишни истайдилар. Қишлоқ ходимларини янги касбга ўргатиш ва малакасини оширишнинг камроқ самарали усуллари - уларни хорижий ўқув юртларида (17,3%), хўжаликнинг ўзида (17,1%), маҳсус коллежларда (16,3%) ва маҳсус мактабларда (5,2%) ўқитиши.

Иш берувчилар турли соҳаларда ўз касб маҳоратларини оширишни истайдилар: тадбиркорлик (25,3%), бозор услубида хўжалик юритиши (17%), маҳсулотни қайта ишлаш технологияси-ни жорий этиши (13,3%), бухгалтерия таҳлили ва ҳисоби (11,8%), фермерлик (8,1%) ва агробизнес (7,8%). Шу билан бирга улар товарлар бозори (4,9%), агротехника (3,4%), меҳнат бозори (3 %), агромаркетинг (2,6%), агроменежмент (2,2%), ва бошқа фанларни (0,7%) ўрганишга эса кам аҳамият берадилар.

Қишлоқ меҳнат бозорида тадбиркорлар ва ёлланган ходимлар ўртасида рақобатнинг кескинлашуви шароитида анъанавий ихтисосликка эга бўлиш етарли эмас.

Шунинг учун уларнинг кўпчилиги профессионал ишчи (15,3%), ва хизматчи (14,5%), агробизнесмен (14,1%), фермер (13,7%), йирик ер эгаси (10,2%), юқори малакали агроконцерн ходими (9,2%) бўлишни истайдилар. Уларнинг камроқ қисми эса агроСервис (7,7%), агроменежмент (3,69%), агрофирма (3,5%), агромаркетинг (3,3%), банк иши (2,6%), ҳиссадорлик жамияти аъзоси (1,9%) ва бошқа йўналишлар бўйича (0,6%) янги касбларни ўзлаштиришга ҳаракат қиласидилар. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва шахсий

мехнат секторларининг респондентлари орасида малакали ишчи касбини ўзлаштириши хоҳловчилар сезиларли улушларни (18,4% ва 16,8%) ташкил қиласди. Сифат, қайта ишлаш саноати ва хизмат секторларида бу миқдор қўйидагича: 27,5, 15,5 ва 10,6%. Фермер (40,2%) ва йирик ер эгаси (12,3%) бўлишни хоҳловчилар ҳам бор.

Юқори малакали ходимларга талаб ўзгариши ва уларнинг иш берувчилар билан ўзаро муносабатларининг яхшиланиши асосан мулкчиликнинг турли хил шаклларини самарали вужудга келиши ва айниқса ерни хусусий фойдаланишга бериши билан боғлиқ. Қўпгина респондентлар бу муаммони ижобий ҳал қилишни истайдилар (77,0%). Улар ерни хусусий мулк сифатида оиласдаги меҳнатга қобилиятли аъзолар сонига қараб (20,5%), мерос қолдириш ҳуқуқи билан пуллик ҳолда (19,7%), шахсий ер участкаси шаклида (18,3%), узоқ муддатли ижара (13,2%), ва кредит асосида (10,5%), ҳамда меҳнат стажи бўйича (10,1%) тақсимланишини истайдилар.

Ҳозирги вақтда ерни оқилона хусусийлаштиришда қишлоқ аҳолисининг иқтисодий ва ҳуқуқий саёз билимлари ва маҳаллий ҳокимиятнинг баъзи бир идоралардаги тўраларча иш олиб боришлари тўскинлик қилмоқда. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, ер тақсимлаш масалалари билан қишлоқ кенгашлари қошидаги махсус комиссиялар шуғулланиши керак.

Хусусий ер эгалари эса давлатнинг тегишли идораларидан авваломбор солиқларни камайтириш (24,1%), имтиёзли кредитлар олиш (20,1%), маҳсулотларни сотиш (15,5%), моддий-техник таъминланиш (13,5%) ва сув ресурсларини рационал тақсимлаш (4,8%) бўйича ҳақиқий ёрдамлар берилишини истайдилар.

Социологик таҳлил шуни кўрсатадики, ерни хусусийлаштириш аҳоли даромадларини (23,9%), қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулдорлигини (21,9%), ва меҳнат унумдорлигининг (16,2%), ошишига, ишсизлар сонининг қисқаришига (12,1%), янги технологиялардан фойдаланишнинг яхшиланишига (5,5%), атроф

муҳитни асрашга (4,6%) ва сув ресурсларини тақсимлашга тўғри (3,2%) бевосита ёрдам беради. Аёл жинсидаги респондентлар ҳам худди шундай фикрни билдирадилар. Улар ерни хусусий мулкчилик шаклида тақсимланиши аҳолининг турмуш даражасини оширишга олиб келишига (15,1%), ишонадилар.

Респондентларнинг баҳолари бўйича қишлоқ аҳолисининг асосий меҳнат даромадлари фақат ерни хусусийлаштириш орқали эмас, балки унинг асосий манбалари бўлган иш ҳақи (38,8%) ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардан олинган фойда (36,4%) ёрдамида ҳам ошади. Меҳнат даромадларининг ошишида бизнесдан (8,3%), тадбиркорликдан (5,9%), мукофотлардан (4,9%), бозорда ўз ишчи кучини сотишдан (2,7%), кредит фоизларидан (1,4%), ўриндошлиқ бўйича иш ҳақидан (1,2%) ва акциялар, лотореялар каби қимматбаҳо қофозлардан (0,4%) олинган фойдалар ҳам муҳим ўрин тутади. Социологларнинг ҳисоб-китоблари бўйича, қайта ишлаш саноати ва хизмат секторларининг самарали ривожланиши ва бозор инфраструктурасининг ташкил этилиши туфайли кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликдан олинадиган фойдалари кўпайиши мумкин. Улар келажакда меҳнат даромадларининг етакчи манбаларига айланадилар.

Ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва инфляция шароитида меҳнат даромадлари қишлоқ аҳолисининг ўсиб бораётган ҳитиёжларини тўлиқ қаноатлантира олмайди. Шунинг учун респондентларнинг ярмидан кўпроғи (59,9%) ўз меҳнати даромадларидан норози.

Бунинг қуидаги асосий сабаблари бор: **иш ҳақининг паслиги (27,6%); озиқ-овқатлар харид қилиш имконининг етарли эмаслиги (26,3%); нарх-навонинг ошиши (16,8%) ва юқори даромадли ишни топишнинг қийинлиги (7,1%), меҳнатнинг нотўғри ташкил этилиши (5,8%), оғир қўл меҳнатининг мавжудлиги (5,1%), моддий-техника таъминотининг пастлиги (4,1%), меҳнат шароитининг**

ёмонлиги (3,9%), танқидни ва таклифни тўгри қабул қилинмаслиги (3,0%). Хизмат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва шахсий меҳнат хизмати секторлари ходимлари ўз меҳнати натижаларидан кам иш ҳақи берилганлиги учун кўпроқ қаноатланмайдилар (33,2%, 29,5% ва 28,6%). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва сифат секторлари ходимларининг иш ҳақи озиқовқат маҳсулотлари харид қилишга етмайди (32,4 ва 31,5%).

Ишлаб чиқариш воситаларининг юқори нархлари авваломбор шахсий меҳнат, қайта ишлаш саноати ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторларининг ходимларини қаноатлантирумайди (26,7%, 20,4% ва 19,9%). Айниқса сифат, хизмат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш секторлари ходимларининг юқори даромадли иш жойлари топишлари жуда мураккаб. Бу эса уларни меҳнати натижаларидан қаноатланишларини камайтиради (22,2; 12,4 ва 9,5%). Моддий-техник таъминотнинг паст даражаси маълум даража қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнатидан қаноатланмасликларининг ошишига олиб келади. Сўралганларнинг 45%дан ортиғи ўз иш жойларини қўйидаги асосий сабабларга кўра «қониқарсиз» баҳолайдилар: иш ҳақининг пастлиги (39,8%), хом-ашё (12,7%) ва моддий-техник таъминотнинг етишмаслиги (12,5%), қўл меҳнати улушининг юқорилиги (10,7%). Мазкур баҳолашнинг билвосита сабаблари ҳам мавжуд: хорижий илгор технологиялардан фойдаланишнинг сустлиги (6,5%), юқори унумли техника ва машиналарнинг етишмаслиги (6,1%), яхши меҳнат шароити яратилмаганлиги (3,6%), иссик (совук) иқлимининг мавжудлиги (1,9%).

Шахсий меҳнат (26,6%) ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (18,1%) секторлари ходимларининг иш жойларидан қаноат ҳосил қилмаганликларининг асосий сабаби - қўл меҳнатининг юқори даражаси бўлса (26,6 ва 18,1%), хизмат секторида ижодий меҳнатни қўллаш имкониятларининг пастлиги (11,7%) ҳисобланади. Хизмат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши

секторларининг ходимлари ўз иш жойларидан қаноатланмасликларини кўпроқ кам иш ҳақи билан боғлайдилар (42,2 ва 28,8%). Хизмат ва қайта ишлаш саноати секторларининг иш жойларида хом-ашё ресурслари етишмаслиги яққол сезилади (23,5 ва 22,3%). Моддий-техник таъминотнинг паст даражаси, кўпроқ сифат (19,3%), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (14,6%) ва шахсий меҳнат (14 %) секторларининг иш жойларида кузатилади. Шунингдек, юқори унумли техника ва машиналар эса кўпроқ дехқон (фермер) ва шахсий-ёрдамчи хўжаликларнинг иш жойларида етишмайди (14 %).

Меҳнат биржалари меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг чуқур таҳлили ва истиқболи билан бевосита шуғулланадилар. Кўпчилик ёлланган респондентлар (49,1%) уларнинг ишини ижобий баҳолайди. Улар меҳнат биржалари ходимларига малакалари бўйича иш жойларини тавсия этишлари (16,7%), аҳоли бандлигини оширишнинг хорижий илфор тажрибаларини ўрганишлари (16,6%), иш жойлари ва банд бўлмаган шахсларни ўз вақтида ҳисобга олишда компьютер технологиясидан фойдаланишлари (15,2%), ишсизларнинг малакасини ошириш ва янги касбларни эгаллашларида аниқ ёрдам кўрсатишлари (21,1%), иш берувчилар билан бевосита алоқа ўрнатишлари (7,8%) керак, деб ҳисоблайдилар.

Шундай қилиб, ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни яхшилаш учун қуидаги тадбирларни амалга ошириш зарур: иш ҳақини ўз вақтида бериш (22,2%), имтиёзли иш жойларини тақдим этиш (11,9%), меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш (11,6%), иш берувчилар билан узвий алоқалар ўрнатиш (10,5%); меҳнат шартномаларини (контрактларни) ўз вақтида тузиш (10,3%); ходимларнинг малакаси ва мутахассисликлари бўйича иш жойлари билан таъминлаш (9,4%); иш жойларини юқори унумли техника билан жиҳозлаш (7,2%), меҳнат бозори ҳақидаги билимларини

оширишга кўмаклашиш (6,2%), малакани ошириш ва янги касбларни ўзлаштириш (6,1%) (5.2.4-жадвалга қаранг)

Қайд этилган тадбирларни амалга ошириш-ишли кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатини ва аҳолини оқилона бандлигининг шаклланишига бевосита кўмаклашади. Бундай ижобий натижаларга эришишда ишсизлик сабабларини ўрганиш бўйича ўtkазиладиган аниқ социологик тадқиқотлар (2-сонли анкета) асосида ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар мажмуаси ҳам муҳим ўрин тутади.

Ишсизлик ҳолатини ўрганиш учун аниқ социологик тадқиқотларнинг объекти сифатида (1996 йилнинг апрел ойида) Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Иштихон, Қўшработ, Пайариқ, Пастдаргом ва Челак туманларининг 20та қишлоқ жойлари танлаб олинди. Танланган туманлар ва қишлоқлардаги ишсизликнинг коэффицентлари мазкур вилоятнинг ўртача кўrsаткичидан (5,8%)дан юқори. Бу объектлардан 2000та респондент (сўралувчи) танлаб олинди. Улар 1852та анкета саволларига тўлиқ жавоб бердилар. Бу эса социологик сўровларнинг юқори репрезентативлигини (92,6%) ташкил этди. Респондентлардан 988та (53,3%) эркаклар ва 864 (46,7%) аёллар. Улардан 5%и бошлангич таълимга, 35% - ўрта, 33% - тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган ўрта-маҳсус, 27% - олий ва тугалланмаган олий маълумотларга эгалар. Анкеталар ўзбек (10-илова) ва рус (11-илова) тилларида тузилди. Дастлабки социологик маълумотларни компьютерда қайта ишлаш учун маҳсус «BOZOR-M2» номли дастур ишлаб чиқилди (12-илова). Унинг ёрдамида тадқиқотнинг танлаб олинган объектлари - туманлари (13-илова) ва умуман Самарқанд вилояти бўйича (14-илова) ишончли социологик ахборотлар ҳосил қилинди.

Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида ёлланган ходимлар билан
иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни яхшилаш бўйича тадбирлар
(барча респондентларга нисбатан фоизларда)

Тадбирлар	Аҳолининг иш билан бандлиги барча секторлари	шу жумладан секторларда:				
		Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш и	Қайта ишлиш саноати	Хизмат	Сифат	Шахсий мехнат
Имтиёзли иш жойларини тақдим этиш	11,9	12,8	12,8	10,4	11,4	21,7
Иш жойларини юқори унумли техника билиш жиҳозлаш	7,2	8,0	6,6	4,9	5,7	8,6
Иш ҳақини ўз вақтида бериш	22,2	23,0	17,0	18,8	24,3	11,4
Ходимларни мутахассисликлари ва малакалари бўйича иш жойлари билан таъминлаш	9,4	9,8	7,0	13,6	8,6	6,0
Мехнат ва дам олиш шароитларини яратиш	11,6	10,3	14,1	7,9	11,4	17,7
Ходимларнинг талаби бўйича иш вақтини тақдим этиш	4,2	4,3	6,7	4,2	4,3	2,4
Малакани ошириш ёки янги мутахассисликларни эгаллаш учун имкониятлар яратиш	6,1	7,1	5,0	12,0	7,1	3,6
Мехнат шартномаларини ўз вақтида тузиш	10,3	8,3	12,1	14,9	14,4	4,1
Мехнат бозори бўйича билимларини oshiриш	6,2	5,2	7,1	4,4	5,7	6,7
Иш берувчилар билан узвий алоқаларни ўрнатиш	10,5	10,9	11,2	8,4	7,1	17,4
Бошқа тадбирлар	0,4	0,3	0,4	0,5	0	0,4

Социологик таҳлил шуни қўрсатдики, тадқиқ қилинаётган ви-
лоятнинг қишлоқ жойлари бўйича респондентларнинг 63,8% тўлиқ,
9,1% -қисман, 19,6%-вақтинчалик ва 7,5%-мавсумий ишсизлик тур-
ларига тааллуқли. Тўлиқ ишсизлик пайдо бўлишининг асосий са-
баблари қуидагилар: иш ҳақининг паст даражаси (22,8%); эгаллаб
турган лавозимларнинг қисқариши (19,3%); ўз хоҳиши бўйича
ишдан бўшаши (12,1%); малака даражасининг иш жойлари талаб-
ларига мос келмаслиги (12,7%); иқтисодий начор корхоналарнинг
тугатилиши (8,8%) (5.2.5-жадвалга қаранг).

Кишлоқ жойларида қисман ишсизлик иш ҳақининг паст да-
ражаси (3,5%), соғлиқнинг ёмонлашуви (17,5%), иш вақтининг кўп
қисмида уй хўжалиги билан шуғулланганлиги (10%) каби асосий
сабаблар туфайли пайдо бўлади.

Вақтинча ишсизлик кўпроқ ёшлар ўқув юртини тугатгандан
сўнг ишга жойлаша олмаслиги (20,7%), аёлларнинг уч ёшгача бола
тарбиялаш билан шуғулланганлиги (20,5%), ишлаб чиқариш
ҳажмининг вақтинча қисқариши (18,4%), юқори маошли бошқа иш
қидириши (9,2%), малака даражаси иш жойи талабларига мос кел-
маслиги (8,3%) каби сабабларга кўра вужудга келади. Қишлоқ
хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноат секторларининг
тармоқлари учун мавсумий меҳнат характерли. Бу эса мавсумий
ишсизлик пайдо бўлишига асос бўлади. У асосан қишлоқ
хўжалигида эрта баҳор ва қишида меҳнат қилиш имкониятлари
йўқлиги (25,7%), қайта ишлаш саноати корхоналарининг фаолият
юритишлирини бир маромда эмаслиги (14,3%), мутахассислик
бўйича йил давомида узлуксиз ишлаш (11,6%) ва маҳсулотлар иш-
лаб чиқариш ва сақлаш жараёнларининг мавжуд эмаслиги (11,2%)
ва фуқаро транспорти ҳаракатининг доимий эмаслиги (8,6%)
оқибатида вужудга келади.

Ишга жойлашишдаги қийинчиликлар ва мураккабликларга

Самарқанд вилоятининг қишлоқ туманларида тўлиқ ишсизликнинг сабаблари
(барча респондентларга нисбатан, %)

Сабаблар	Барча қишлоқ жойлари бўйича	шу жумладан қўйидаги туманларида:					
		Оқдарё	Иштихон	Кўшработ	Пайариқ	Пастдарғом	Челак
иктисодий ночор корхоналарнинг тугатилиши	8,9	8,5	13,0	12,5	6,0	8,8	5,3
эгаллаб турган лавозимларнинг қисқариши	19,3	40,2	16,7	16,6	17,9	8,8	10,5
малака даражаси ишлаб чиқаришга мос келмаслиги	12,1	22,2	14,8	16,7	11,9	3,5	2,6
раҳбарлар билан келишмаслик	5,7	1,7	0	4,2	9,0	10,5	7,9
паст иш ҳақи	22,8	8,5	18,5	16,7	23,9	33,3	36,8
Қўйидаги сабаблар бўйича ишдан бўшаганлар:							
а) ўз хоҳиши билан	12,7	10,3	16,7	16,6	11,9	10,5	13,2
б) соғлигини ёмонлашуви	8,5	5,1	11,1	8,3	10,4	8,8	7,9
в) меҳнат интизомини бузганлиги	4,7	1,8	5,6	0	6,0	3,5	10,5
г) зарар келтирғанлиги	3,3	0	3,5	4,2	1,5	10,5	0
Бошқа сабаблар	2,0	1,7	0,1	4,2	1,5	1,8	5,3

қарамасдан, ишсизларнинг мутлақ қўпчилиги (98,4%) иқтисодиётнинг қандайдир секторларида тўлиқ (66,1%), тўлиқ бўлмаган (18,5%), мавсумий (5,8%) қисқартирилган (9,6%) иш вақтлари бўйича иш билан банд бўлишни хоҳлайди.

Кўпчилик ишсизлар хизмат (49,9%), қайта ишлаш саноати (20,5%), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (11,3%) ва шахсий меҳнат (9,4%) секторларида меҳнат қилишни истайди. Улар сифат сектори иш жойларида иш билан банд бўлишни камроқ (7,1%) хоҳлайдилар. Вилоятнинг барча туманларида худди шундай вазият кузатилади. Оқдарё, Пастдарғом ва Кўшработ туманларида ишсизлар кўпроқ хизмат секторларида меҳнат қилишни хоҳлайди (64,7; 58,4 ва 55,0%). Челак ва Иштихон туманларининг иш билан банд бўлмаган аҳолиси эса қайта ишлаш сектори корхоналарида ишлашни афзал кўради (28,3% ва 21,6%) (5.2.6-жадвалга қаранг).

5.2.6-жадвал

**Самарқанд вилоятининг меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисини иш билан бандлиги секторларида ишсизларнинг ишга жойлашиш ҳақидаги истаклари
(барча респондентларга нисбатан, %)**

Аҳолининг иш билан бандлиги сектори	Барча қишлоқ жойлари бўйича	Шу жумладан қўйидаги туманларида:					
		Оқдарё	Иштихон	Кўшработ	Пайариқ	Пастдарғом	Челак
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши	13,1	14,6	20,5	7,5	15,9	8,2	3,6
Қайта ишлаш саноати	20,5	14,7	21,6	30,0	18,6	21,7	28,3
Хизмат	49,9	64,7	37,3	55,0	44,2	58,4	41,3
Сифат	7,1	2,4	3,9	5,0	12,0	6,2	12,2
Шахсий меҳнат	9,4	3,6	16,7	2,5	9,3	5,5	14,3

Иштихон ва Пайариқ туманлари қишлоқ хўжалигига иш жойларини қўпайтиришнинг ҳақиқий имкониятлари мавжуд. Шу муносабат билан респондентлар мазкур секторларнинг дехқончилик ва чорвачилик тармоқларида ишлашни хоҳлайдилар (20,5 ва 15,9%). Иштихон ва Челак туманларининг ишсиз аҳолиси шахсий меҳнат

фаолиятига афзаллик берадилар (16,7% ва 12,5%). Бу туманларда дәққон (фермер) ва шахсий-ёрдамчи хўжаликларини кенгайтиришнинг катта имкониятлари мавжуд.

Социологик таҳлил шуни кўрсатадики, ишсизларнинг 53,4% етарли ва 43,3% паст малакага эгадир. Малакаси паст бўлган ишсизларнинг барчаси турли хил ўқув юртларида бошқа мутахассисликни ўрганишни истайдилар, шу жумладан: давлат Олий (32,8%) ва маҳсус ўқув юртларида (20,1%); хорижий университетларда (15,7%); меҳнат биржасининг маҳсус курсларида (13,2%); хусусий мактабларда - (8,6%), янги иш жойларининг курсларида - (7,6%) ва нодавлат институтлар ва коллежларда - (2%). Аммо давлат молиявий ресурсларининг етишмаслиги сабабли барча хоҳловчиларни янги мутахассисликлар бўйича қайта ўқитиш учун пул маблағлари билан таъминлай олмайди. Шунинг учун респондентларнинг 70%дан ортиғи янги касб эгаллашни бандликка кўмаклашиш жамғармаси (27,4%), янги иш жойларининг эгалари (11,8%), шахсий (11%), ҳомийлар (9,3%) ва ижтимоий ҳимоя (6,4%) ва хайрия жамғармалари маблағлари (5,5%) ҳисобидан амалга оширишни истайдилар.

Шу билан бирга етарлича малакали ишсизлар, ҳаммадан аввал, давлат (34,3%), ҳиссадорлик (16,9%), жамоа-ширкат (10,5%), ижара (9,6%) ва қўшма (8,3%) мулкчиликлар заминида фаолият юритадиган корхоналарда ишлашни хоҳлайдилар. Чунки мазкур корхоналарда юқори иш ҳақи ва яхши кафолатланган иш жойлари мавжуд. Ишсизлар хусусий (1,9%), қўшма (2,4%), кооператив (2,6%), шахсий-ёрдамчи (2,8%) ва дәққон (фермер) (3,6%) хўжаликларида иш билан банд бўлишни кам истайдилар.

Мулкчиликнинг юқорида кўрсатилган шакллари заминида хўжалик юритувчи корхоналарда меҳнат қилишни хоҳловчи ишсизлар бухгалтер (8,8%), ўқитувчи (7,3%), врач (6,7%), бизнесмен (5,6%), тўқувчи (5,4%), фермер (5,3%), сартарош (5,2%), қурувчи

(5,1%), банкир (4,3%), иқтисодчи (4,1%), тадбиркор (3,9%), агроном (3,7%), мұхандис (3,5%), бөгбөн (3,2%), чүпон (3,1%), тиженратчи (3,0%) ва механизатор (2,8%) каби касбларни әгаллашни афзал күрадилар.

Ишсизларнинг иш билан банд бўлиши учун қандайдир имтиёзли бир касбни танлаши етарли эмас. Шунинг учун ишсизлар иш берувчилар томонидан қуийдаги меҳнат шароитлари яратилганда ёлланишлари мумкин: иш ҳақини ўз вақтида тўлаш (31,4%), мутахассислиги бўйича иш жойларининг таклиф этилиши (23,6%), тўлиқ иш вақтини тақдим этиш (9,6%), болаларни мактабгача мутасасаларига жойлаштириш (7,4%), хом-ашё ресурслари билан узлуксиз таъминлаш (7,2%) ва тўғри танқидий фикр ва таклифларни ҳисобга олиш (4,6%) (5.2.7-жадвалга қаранг).

Ишсиз кўп болали аёллар, ўсмирлар, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар ва ногиронларнинг кўпроқ иш билан банд бўлишлигини таъминлашда уларнинг истакларига кўра тўлиқ бўлмаган иш ҳафтасида (3,3%) ва кунида (1,7%) ҳамда уй хўжалигига (2,8%) фаолият кўрсатишлари учун шароитларни яратилиши муҳим аҳамиятта эга. Респондентлар бандлигини уй-жой билан таъминлаш (3,1%) ва танланган касби бўйича малака ошириш имкониятларини яратиш (2,4%) маълум даражада оширади..

Респондентларнинг аксарият кўпчилиги (71,1%) фикрича, савдо (19,6%), деҳқон хўжаликлари (16,5%), оиласвий болалар боғчалари (11,7%), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг саноатда қайта ишлаш (10,7%), чорвачилик (8,9%), қурилиш (8,7%), майший хизмат кўрсатиш (8,6%), миллий ҳунармандчилик (4,9%), озиқ-овқат тайёрлаш (4,9%) ва бошқа (5,8%) меҳнат фаолияти соҳаларини ташкил қилиш, уларнинг бандлигини оширишда катта амалий аҳамиятта эга.

Яқин келажакда хусусий мулкчиликнинг самарали шаклланиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг

Самарқанд вилоятининг қишлоқ туманларидағи иш берувчиларга
ищсизларни ёллаш мәннат шароити
(барча респондентларга нисбатан, %)

Мәннат шароитлари	Барча қишлоқ жойлари бүйича	шу жумладан қуидаги туманларида:					
		Оқдарё	Иштихон	Күшработ	Пайариқ	Пастдарғом	Челак
Мәннат ҳақини ўз вақтида тұлаш	31,4	31,0	30,6	47,4	30,5	26,4	31,0
Мутахасислик бүйича иш жойларини тақлиф этилиши	23,6	40,2	13,3	15,8	25,7	25,0	15,5
Тұлық иш вақтимиң тақдим этиш	9,6	3,4	13,3	7,9	7,6	18,1	6,9
Тұлық бүлмаган иш хафтасини тақдим этиш	3,3	6,9	1,0	2,6	1,9	2,8	5,2
Қисқартирилган иш кунини тақдим етиш	1,7	0	7,1	0	1,0	0	0
Уйда мәннат қилиш имкониятларини яратиш	2,8	2,3	1,0	5,3	6,7	1,4	0
Болаларни боғчаларга жойлаштириш	7,4	3,4	13,3	2,6	6,7	4,2	12,1
Ишлаб чықарышни хом ашё билан таъминлаш	7,2	4,6	3,1	7,9	7,6	8,3	15,5
Әхтиёт қисмлар билан таъминлаш	2,8	1,1	1,0	5,2	2,9	4,1	5,2
Тақлифлар ва танқидий фикрларни қабул қилиш	4,6	4,8	4,1	5,3	5,7	2,8	5,2
Малака ошириш учун имкониятлар яратиш	2,4	0	7,1	0	1,0	2,1	1,7
Уй-жой билан таъминлаш	3,1	2,3	5,1	0	2,7	4,2	1,7
Бошқа шартлар	0,1	0	0	0	0	0,6	0

ривожланиши ишсизликнинг камайишида муҳим манба бўлади. Бироқ ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи бир қатор сабаблар ҳам мавжуд: молиявий ресурсларнинг етишмаслиги (25,8%), кредитнинг юқори фоизлари (16,4%), хом-ашё ресурсларининг тақчиллиги (10,3%), инфляциянинг мавжудлиги (9,7%), ходимлар малакасининг пастлиги (9,4%), молия-бюджет тизими хизматининг юқори даражада эмаслиги (8,6%) ва ҳужжатларни расмийлаштиришнинг мураккаблиги (7,8%). Бундан ташқари, респондентлар таъкидлаганидек, айрим қонунларнинг такомиллашмаганлиги (2,5%), қариндош-уруғлар ва таниш-билишлар аралашуви (3,9%) ва даромад солигининг юқорилиги (5,3%) ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шундай вазиятда ҳам ишсизларнинг аксарияти меҳнат фаолиятининг мазкур йўналишларида иш берувчилар билан шахсий (41,3%) ва жамоа (33,3%) шартномаларини тузишни истайдилар.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш ҳолатини яхши тушунган ҳолда ишсизларнинг яримидан кўпроги (56,5%) ўртacha иш ҳақи берувчиларга ёлланишни истайдилар. Улардан фақат 16,3%и энг кам даражага нисбатан ўн марта кўп иш ҳақи тўланадиган иш жойларини қидирадилар.

Ҳозирги вақтда қишлоқ жойларида ҳатто ўрта ва кам иш ҳақи тўланадиган иш жойлари ҳам етишмайди. Шунинг учун ишсизларнинг 36% и ишни бир йилдан ортиқ, 32,1% - уч ойдан бир йилгача, 15,3% - бир ойдан уч ойгача, 16,3% - уч кундан бир ойгача иш қидирадилар. Ишсизларнинг 60%дан ортифи ишга жойлашиш масалалари бўйича меҳнат биржаларига мурожат қилганлар. Уларга қуйидаги хизмат турлари ўз вақтида кўрсатилган: ишсизлик нафақаси тайинланган (26,8%), ишсизлар рўйхатига киритилган (12,1%) ва янги иш жойлари . таклиф этилган (11,4%). Шунинг учун респондентларнинг 24,5% дан ортифи маҳаллий меҳнат биржалари

фаолиятини «яхши» ва 34,9%и -«қониқарли» баҳолайдилар. Аммо жавоб берувчиларнинг 1/3 қисмидан кўпроғи уларнинг хизматларидан асосан қуийдаги сабабларга кўра қаноатланмайдилар: таклиф этилган иш жойларининг банд бўлиб чиқиши (9,7%), ишга мутахассислик бўйича юборилмаганлиги (8,3%), малака ошириш учун ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаганлиги (3,6%), кам нафақа белгиланганилиги (6,2%), ижтимоий иш таклиф қилинмаганлиги (4,5%), аниқ ва ўз вақтида маслаҳат ва таклифларнинг берилмаганлиги (2,8%).

Респондентлар ишсизликни камайтириш учун қишлоқ меҳнат биржаларида қуийдаги асосий йўналишларда фаолият кўрсатишларини истайдилар: ишсизларнинг малакаси ва касби бўйича ўз вақтида иш жойларини таклиф этиш (17,4%); ишсизлар сони ва бўш иш жойлари миқдорининг таҳлили ва ҳисобида комьюнитер технологиясини қўллаш (14,7%); ишсизлик нафақасини ўз вақтида белгилаш (13,1%); ишсизлар малакасини оширилишида ёрдам кўрсатиш (12,3%); янги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш (9,9%); иш берувчилар билан мунтазам алоқаларни ўрнатиш (7,5%); хорижий илгор технологияни ўрганиш ва қўллаш (5,6%); бўш иш жойлари ярмаркасини ҳар ойда ўтказиш (5,2%); реклама фаолиятини яхшилаш (3,4%); ҳодимлар таркибини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш (3,2%); аҳоли иш билан бандлиги ва меҳнат бозори фаолияти дастурларини тузиш ва амалга ошириш (2,8%); ижтимоий ишларини ташкил этиш (2,4%); меҳнат шартномаларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш (1,7%).

Шундай қилиб, аниқ социологик тадқиқотлар натижалари иккни йўналишда янги ахборотлар фонди ҳосил қилди: ёлланган ҳодимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар ва ишсизликнинг ҳолати. Улар қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини оширишга йўналтирилган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқаришда муҳим ўрин эгаллайди. Шу билан бирга иш-

фаолиятини «яхши» ва 34,9%и -«қониқарли» баҳолайдилар. Аммо жавоб берувчиларнинг 1/3 қисмидан кўпроғи уларнинг хизматларидан асосан қуийдаги сабабларга кўра қаноатланмайдилар: таклиф этилган иш жойларининг банд бўлиб чиқиши (9,7%), ишга мутахассислик бўйича юборилмаганлиги (8,3%), малака ошириш учун ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаганлиги (3,6%), кам нафақа белгилангани (6,2%), ижтимоий иш таклиф қилинмаганлиги (4,5%), аниқ ва ўз вақтида маслаҳат ва таклифларнинг берилмаганлиги (2,8%).

Респондентлар ишсизликни камайтириш учун қишлоқ меҳнат биржаларида қуийдаги асосий йўналишларда фаолият кўрсатишларини истайдилар: ишсизларнинг малакаси ва касби бўйича ўз вақтида иш жойларини таклиф этиш (17,4%); ишсизлар сони ва бўш иш жойлари микдорининг таҳлили ва ҳисобида комьюнитер технологиясини қўллаш (14,7%); ишсизлик нафақасини ўз вақтида белгилаш (13,1%); ишсизлар малакасини оширилишида ёрдам кўрсатиш (12,3%); янги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш (9,9%); иш берувчилар билан мунтазам алоқаларни ўрнатиш (7,5%); хорижий илгор технологияни ўрганиш ва қўллаш (5,6%); бўш иш жойлари ярмаркасини ҳар ойда ўтказиш (5,2%); реклама фаолиятини яхшилаш (3,4%); ходимлар таркибини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш (3,2%); аҳоли иш билан бандлиги ва меҳнат бозори фаолияти дастурларини тузиш ва амалга ошириш (2,8%); ижтимоий ишларини ташкил этиш (2,4%); меҳнат шартномаларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш (1,7%).

Шундай қилиб, аниқ социологик тадқиқотлар натижалари иккни йўналишда янги ахборотлар фонди ҳосил қилди: ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар ва ишсизликнинг ҳолати. Улар қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини оширишга йўналтирилган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқаришда муҳим ўрин эгаллайди. Шу билан бирга иш-

лаб чиқилган эконометрик моделлар комплексининг татбиқида ва тадқиқот қилинаётган вилоятда қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишининг яқин келажакдаги рационал параметрларини аниқлашда иштирок этади.

5.3 Яқин келажакда қишлоқ меҳнат бозори шаклланишининг рационал параметрлари (ўлчовлари)

Самарқанд вилояти ҚМБи шаклланишининг рационал параметрларини аниқлаш бўйича кўп вариантли ҳисоб-китоблар 1996 йил ва истиқболдаги 2000 ва 2005 йиллар учун ўтказилди. Бунинг учун мазкур вилоятнинг меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги секторларидаги 1991, 1996 ва 2000 йиллар учун муаллиф томонидан ишлаб чиқилган меҳнат сарфларининг ТАБи, статистик ҳисботининг мавжуд ва таклиф қилинган янги формалари, ўтказилган аниқ социологик ва кадрлар маркетинги тадқиқотларининг натижалари ва тадқиқот объектлари ривожланишининг асосий демосоциал ва макроиктисодий кўрсаткичлари ахборотлар базаси бўлиб хизмат қилди.

Қишлоқ ҳудуди ривожланишининг демографик ва ижтимоий кўрсаткичлари кўпроқ меҳнат бозоридаги ишчи кучи таклифида шаклланиш ҳолатини ифодалайди.

DEMOSOC моделлари бўйича ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, истиқболлаштирилаётган даврда (1997-2005 йилларда) Самарқанд вилоятининг қишлоқ аҳолиси ва меҳнат ресурсларининг сони 47,2 ва 36,1 минг кишига ўсади. Бу миқдорлар 1986-1996 йилларга нисбатан 1,3 ва 1,2 марта кам. Негаки, бу даврда туғилишнинг пасайиши (10,1%), ўлимнинг ўсиши (7,7%), ва кўчиб кетувчилар сонининг кўпайиши (11,9 минг киши) юз берди.

Шу билан бирга истиқболлаштирилаётган даврда ўрта, ўрта махсус ва олий маълумотли қишлоқ аҳолиси тез суръатларда ўсади (15,6%, 10,5% ва 9,3%). Маълумот салоҳиятининг ривожланишига

қишлоқ колледжлари, лицейлари ва олий ўкув юртлари катта ҳисса қўшадилар. Улар бозор услубида хўжалик юритувчи юқори малакали ходимлар тайёрлашни кўпайтириш билан шуғуллана бошладилар. Чунки ҳозирги пайтда (1996й.) иқтисодиётни янги ихтисослашган ходимлар билан таъминланиш даражаси 5% дан камроқни ташкил қиласди. Бу бозор муносабатларини татбиқ этишини анча қийинлаштиради. Шунинг учун юқори малакали ходимларни тайёрлаш билан шуғулланувчи профессионал хусусий мактаблар ва университетларни ташкил қилиш зарур.

Истиқболлаштирилаётган қутилаётган даврда кичик ва ўрта бизнесни, ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодиётнинг қишлоқ ҳўжалиги мавжуд бўлмаган секторларида меҳнатни қўллаш минтақаларини кенгайтириш ҳисобига аҳоли бандлиги 16,8% ўсади. Кўпроқ эркакларнинг меҳнатда иштироки (айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда) ошади. Қишлоқ аёлларининг малакалари пастлиги ва иш жойларига тўла мос келмасликлари туфайли ижтимоий ишлаб чиқаришда камроқ банд бўладилар (45,1%). Аммо таклиф қилинган аёл ишчи кучи сони 20,2%га ошади. Бу кўрсаткич эркаклар учун 3,1%га камаяди. Умуман келажакда иккала жинс бўйича таклиф қилинаётган ишчи кучи сони 18,2% га ўсади (5.3.1-жадвалга қаранг).

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, меҳнатни тежайдиган жадал технологияни татбиқ этилиши, мулкчиликнинг турли хил шакллари вужудга келиши ва малакали ходимлар ёллаш бўйича бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган шахслар сони 2,1 марта ошади.

Ишчи кучи тақлифини шакллантирувчи демосоциал кўрсаткичлар унга бўлган талабни вужудга келтирувчи макроиктисодий вазиятлар билан узвий боғланган. Улар **IQTI-SOD** моделлари ёрдамида аниқланади (5.3.2-жадвалга қаранг).

5.3.1-жадвал

Самарқанд вилояти қишлоқ ишчи кучи таклифини шакллантирувчи асосий демографик кўрсаткичларнинг динамикаси (минг киши ҳисобида)

Кўрсаткичлар	1996й. (ҳисобот)	Истиқболдаги даврда					1996- 2005 йил- ларда ўзга- риш
		1997й.	1998й.	1999й.	2000й.	2005й.	
Қишлоқнинг барча меҳнат ресурслари	684,6	688,5	693,5	698,6	703,6	720,7	+36,1
Таклиф этилган ишчи кучи	532,7	550,0	562,0	573,7	588,7	629,8	+97,1
Кундузги бўлим ўқувчилари ва студентлари	46,3	44,7	43,9	43,1	42,3	40,2	-6,1
Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган шахслар	105,6	93,8	87,6	81,8	72,6	50,7	-54,9
Банд бўлмаган шахсларни меҳнат ресурсларининг умумий сонидаги улуши, %	15,4	13,6	12,6	11,7	10,6	7,0	-8,4

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳажми ва тузилиши ишчи кучига талабнинг миқёси ва чегараларини кўпроқ даражада белгилаб беради. IQTISOD моделларининг тегишли эконометрик тенгламалари тизимини татбиқ этиш шуни кўрсатадики, бандликнинг барча секторларида асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳажми 1,7 марта ошади, шу жумладан: қайта ишлаш саноатида - 2; хизмат - 2,2; сифат -1,1; шахсий меҳнат секторларида -2,4. Фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторида 0,8 марта камаяди. Турли хил ишлаб чиқариш, маданий-маиший ва тижорат корхоналари ва ташкилотларини ва хусусий хўжаликларини ташкил қилиниши на-фақат асосий ишлаб чиқариш фондлари, балки иш жойларининг ўртача йиллик миқдори ўсишига ҳам олиб келади. Истиқболлаштириш белгилаш даврида уларнинг миқдори 41%га, айниқса шахсий меҳнат - 2,1, хизмат - 2,0, қайта ишлаш саноати -

1,8 ва сифат секторларида - 1,1 марта ўсади.

5.3.2-жадвал

Самарқанд вилояти қишлоқ жойларида ишчи кучига талабни вужудга келтирувчи макроиктисодий қўрсаткичларнинг динамикаси (1996 йилнинг амалдаги нархларида)

Кўрсаткичлар	Иктисоди-ётнинг барча секторларида	шу жумладан қуйидаги секторларда				
		Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши	Қайта ишлаш саноати	Хизмат	Сифат	Шахсий меҳнат
1	2	3	4	5	6	7
Ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми, млн. сўм						
1996 й.	44296,9	18535,7	6287,5	12367,6	1045,4	6060,7
2000 й.	57877,3	22134,5	9453,7	16656,4	1114,5	8518,2
2005 й.	76571,5	28814,8	13754,6	22345,2	1209,4	10347,5
2005 йилда 1996 йилга нисбатан, %	172,9	155,5	218,8	180,7	115,7	170,7
Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм						
1996 й.	25260,6	8414,3	5054,3	8451,3	626,4	2714,3
2000 й.	33017,7	9630,2	7812,4	10992,4	690,3	3892,4
2005 й.	42948,8	7143,7	9945,0	18697,8	709,2	6453,1
2005 йилда 1996 йилга нисбатан, %	170,	84,9	196,8	221,2	113,2	237,7
Иш жойларини сони, минг дона						
1996 й.	319,7	138,6	14,1	60,0	27,0	81,0
2000 й.	352,0	126,8	20,8	75,4	28,6	100,4
2005 й.	450,9	110,3	25,5	127,1	29,8	164,2
2005 йилда 1996 йилга нисбатан, %	141,0	79,6	180,9	201,8	110,4	205,3
Янги иш жойлари яратилиши, минг дона						
1996 й.	21,1	2,2	4,8	6,8	1,2	6,1
2000 й.	24,6	1,8	5,5	7,7	1,4	8,2
2005 й.	36,7	1,2	8,2	12,9	1,5	12,3
2005 йилда 1996 йилга нисбатан, %	173,9	54,5	170,8	189,7	125,0	201,6
Бир иш жойининг қиймати, минг сўм						
1996 й.	46,7	46,8	82,9	56,5	17,2	30,1
2000 й.	62,9	56,3	126,4	74,9	19,8	37,2
2005 й.	71,7	60,8	149,7	84,9	20,6	42,5
2005 йилда 1996 йилга нисбатан, %	153,5	129,9	180,6	150,3	119,8	141,2

ҚМБи шаклланишининг асосий кўрсаткичларидан бири - ишчи кучига асосий ва қўшимча талаблар ҳисобланади. Улар **TALAB** моделлари ёрдамида аниқланади (5.3.3-жадвалга қаранг).

Истиқболни белгилаш даврида бандликнинг барча секторларида ишчи кучига талаб 1,5 марта, шу жумладан асосий талаб 1,1 марта, қўшимча - 2,3 марта ошади. Шунингдек, у қайта ишлаш саноати, хизмат, шахсий меҳнат ва сифат секторларида ўз навбатида 2,9; 2,1; 1,9; 1,2 марта ўсади. Чунки мазкур секторларда меҳнатни қўллашнинг бошқа минтақаларга нисбатан қўпроқ янги иш жойлари яратилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторида жонли меҳнатга бўлган талаб 27,2 минг кишига камайиб, у иқтисодиётнинг бошқа секторларида қўшимча эҳтиёжларни тўлиқ қаноатлантиради. Ишчи кучига талаб кўрсаткичлари унга таклифнинг миқдорини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласиди. У **TAKLIF** моделлари ёрдамида ҳисобланади (5.3.4-жадвалга қаранг).

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяптиki, истиқболни белгилаш даврида меҳнат бозорига ишчи кучи таклифининг ҳажми 54,9 минг кишига қисқаради. Меҳнатга лаёқатли банд бўлмаган аҳоли орасида аёллар ишчи кучининг таклифи катта улушини (53,6%) ташкил қиласиди. Ўсмирлар учун квоталаштирилган иш жойлари сонининг секинлик билан ўсиш муносабати билан уларнинг таклифи атиги 0,7 минг кишига ошиши кутиласиди. Таклиф қилинган ишчи кучининг ёш тузилишида меҳнатга лаёқатли шахслар етакчи (92,1%) ва ундан кейинги ўринларни эса бу ёшдан катта (3,7%) ва кичик (4,2%) ёшдагилар эгаллайдилар.

Таклиф қилинган ишчи кучининг маълумоти бўйича таркибий таҳлили ва истиқбол рақамлари шуни кўрсатаяптиki, унда ўрта ва ўрта маҳсус маълумотли шахсларнинг салмоғи юқори (60,4 ва 25,4%) ва уларнинг сони ишга жойлаштириш натижасида 37,4 ва 12,6 минг кишига қисқаради.

5.3.3-жадвал

Самарқанд вилоятининг меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлиги секторларида ишчи кучига талаб, (минг киши ҳисобида)

Йиллар	Ишчи кучига талаб	Бандликнинг барча секторларида	шу жумладан қуидаги секторларда				
			қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши	қайта ишлаш саноати	хизмат	сифат	шахсий меҳнат
1996	Жами, шу жумладан: асосий қўшимча	359,9	150,4	18,0	70,8	30,2	90,1
		354,4 5,5	150,4 0	15,9 2,1	67,4 3,4	30,2 0	90,1 0
2000	Жами, шу жумладан: асосий қўшимча	413,5	136,8	30,7	91,6	34,1	120,3
		403,8 9,7	136,8 0	27,5 3,2	85,1 6,5	34,1 0	120,3 0
2005	Жами, шу жумладан: асосий қўшимча	526,8	123,2	51,4	145,8	36,2	170,2
		514,0 12,8	123,2 0	46,9 4,5	137,5 8,3	36,2 0	170,2 0
2005 йилда 1996 йилга нисбатан, %	Жами, шу жумладан: асосий қўшимча	146,4 145,0 232,7	81,9 81,9 0	285,5 295,0 214,3	205,9 204,0 244,1	119,9 119,9 0	188,9 188,9 0

5.3.4-жадвал

Самарқанд вилоятининг қишлоқ меҳнат бозорига ишчи кучини таклифи, (минг киши ҳисобида)

Кўрсаткичлар	1996 й.	2000 й.	2005 й.	2005 йилда 1996 йилга нисбатан ўзгариш
Меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий сонидаги банд бўлмаган барча ишчи кучлари	105,6	72,6	50,7	-54,9
Шу жумладан:				
Жинси бўйича:				
Эркаклар	49,0	31,8	21,2	-27,8
Аёллар	56,6	40,8	29,7	-26,9
Ёш гуруҳлари бўйича:				
Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагилар	1,4	1,8	2,1	+0,7
Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар	101,0	68,4	46,7	-54,3

5.3.4-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5
Меҳнатга лаёқатли ёшдан котта ёшдагилар	3,2	2,4	1,9	-1,3
Маълумотлари бўйича:				
Бошлиғиҷ	0,2	0	0	-0,2
Тугалланмаган ўрта	2,2	1,6	0,4	-1,8
Ўрта	63,8	46,4	26,4	-37,4
Тугалланмаган ўрта-максус	4,2	2,8	4,8	+0,6
Ўрта-максус	26,8	16,4	14,2	-12,6
Тугалланмаган олий	3,4	1,8	1,9	-1,5
Олий	5,0	3,6	3,0	-2,0
Ихтисосликлари бўйича:				
Ииҷи	50,8	39,6	31,2	-19,6
Хизматчи	28,8	19,8	10,9	-17,9
Касби йўқлар	26,0	13,2	8,6	-17,4
Меҳнат даромадлари бўйича:				
Кам таъминланганлар	69,2	22,9	8,1	-61,1
Ўртacha таъминланганлар	23,8	32,3	24,4	+0,6
Юқори таъминланганлар	12,6	17,4	18,2	+5,6
Иш билан банд бўлмаганлик сабаблари бўйича:				
Корхоналарнинг тугатилиши ёки қайта ташкил қилиниши муносабати билан ишдан озод бўлганлар	18,4	22,0	20,6	+2,2
Штатлар қисқариши сабабли ишдан озод бўлганлар	7,3	3,8	1,7	-5,6
Кадрлар кўнимсизлиги сабабли ишдан бўшаганлар	3,5	2,4	4,1	+0,6
Қуролли кучлардан бўшаганлар	11,0	6,8	5,0	-6,0
Ўқув юртларига кирмаган умумий таълим мактабларининг битирувчилари	45,2	24,8	10,2	-35,0
Эркин тақсимот олган ҚТБЮини битирувчилари	17,8	11,2	8,1	-9,7
Эркин тақсимот олган олий ўқув юртлари битирувчилари	2,4	1,6	1,0	-1,4
Ижтимоий ҳимояга алоҳида муҳтоҷлар бўйича:				
16-29 ёшлардаги ёшлар	40,2	30,4	21,3	-18,9
Пенсиядан олдинги ёшдаги шахслар	9,0	3,8	3,2	-5,8
Пенсионерлар	11,6	7,0	4,5	-7,1
Ногиронлар	3,2	2,6	1,6	-1,6
Кўп болалик аёллар	37,2	26,0	18,2	-19,0
Жазони ўтагандан сўнг, давлат муассасаларидан озод қилинганлар	3,6	2,4	1,6	-2,0
Бошқалар	0,8	0,4	0,3	-0,5

Таклиф этилган ишчи кучи орасида 26 минг киши ҳеч қандай ихтисосликка эга эмас ва уларнинг сони 2005 йилга келиб 17,4 минг

кишигача камаяди.

Ишчи ва хизматчи касбларига эга ишсизларнинг ишга жойлашувиининг кўпайиши барча банд бўлмаган аҳоли меҳнат даромадини ошишига ёрдам беради. Ҳисоб-китоблар қўрсатишича, 1996-2005 йилларда ўртacha ва юқори таъминланганларнинг сони 0,6 ва 5,6 минг кишига ошади, кам таъминланганлар эса 61,1 минг кишига камаяди. Аммо кам таъминланганларнинг салмоғи банд бўлмаган кишилар орасида сезиларли даражада катта - 16% бўлиб қолади.

Шунинг учун улар аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ. Бундай шахслар орасида 16-29 ёшдагилар (38,1%) етакчи ўринни эгаллайдилар. Улардан кейин кўп болалик аёллар (35,2%), пенсионерлар (11,0%), пенсиядан олдинги ёшдагилар (8,5%) ва ногиронлар (7,2%) келади. Яқин келажакда уларнинг сони 19; 7,1; 5,8 ва 1,6 минг кишига қисқаради.

Корхоналар тугатилиши ва қайтадан ташкил қилиниши муносабати билан ишдан озод бўлганларнинг сони 2,2 минг кишига ошади. Таклиф қилинган ишчи кучи орасида умумий ўрта мактаб ва ҚТБЮининг битирувчилари катта салмоғни (42,8 ва 16,9%) ташкил қилади. Уларнинг сони 35 ва 9,7 минг кишига қисқаради. Бундан ташқари, харбий хизматдан (10,4%) ва штатлар қисқариши (6,9%) туфайли ишдан бўшаган шахсларнинг сони 6 ва 5,6 минг кишига қисқаради.

Умуман мақсад сари йўналтирилган ижтимоий-иктисодий ва ташкилий-хуқуқий тадбирларни амалга ошириш натижасида таклиф қилинаётган ишчи кучининг сони 54,9 минг кишига камаяди.

Татбиқ этилган **TARTİB** моделлари мазкур вилоятнинг бандлик секторларида ишчи кучига талаб ва таклифнинг рационал вариантларини аниқлашга имкон беради (5.3.5-жадвалга қаранг). Масалани қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш секторида ишчи кучига талаб мезони билан ечиш шуни қўрсатадики, ҳосил қилинган

вариантлар ичида учинчиси рационал ҳисобланади. Унда ишчи кучига бўлган талаб 121,4 минг кишини ташкил қилади. Бу миқдор бошқа вариантларга нисбатан 13,9; 10,9; 32 ва 40,7 минг кишига кам. Бунга меҳнатни фонд ва энергия билан таъминланишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ўсмирлар, кўп болалик аёллар, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар ва ногиронларга тез ўзгарувчан жадвалдаги иш вақтини тақдим қилиш ҳамда ижара, дехқон, ҳусусий ва қўшма корхоналарда янгидан яратилаётган иш жойларидаги ишловчилар сонини кўпайтириш бевосита таъсир этади.

Шунинг билан бирга оптимизацион масала ушбу секторда ишдан озод этилган кишилар сонини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги ўқув юртларининг ёш битирувчилари эҳтиёжларини қаноатлантириш, иш жойларини молиявий маблағлар билан таъминлаш, ходимлар малакасини ва моддий манфаатдорлигини ошириш каби шароитларда иш билан банд ва банд бўлмаган ишчи кучини \min таклифи мезони билан ечилади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ҳосил қилинган вариантлар орасида учинчиси рационал бўлиб чиқди (121,8 минг киши). Бу миқдор биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи вариантларга нисбатан таклиф қилинган банд ишчи кучи сони 29,4; 36,2; 49,9 ва 58 минг кишига ва, унинг банд бўлмаган қисми 1,2; 2; 3,9 ва 6,8 минг кишига камдир. Умуман **учинчи вариант бўйича ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги фарқ 0,4 минг кишини ташкил қилади.**

Қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида ишчи кучига талабнинг ҳосил қилинган вариантлари орасида тўртинчиси рационалдир. У мавжуд, янги ва вақтинчалик яратилган иш жойларини моддий-техник ресурслар билан нормал таъминлаш ва ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш каби шароитларда ишчи кучига таҳ талаб мезони билан шаклланади. **Мазкур варианта ишчи кучига талабнинг ҳажми биринчи, иккинчи, учинчи ва бешинчи вариантларга нисбатан анча катта -**

92,5; 82,4; 80 ва 113,8 минг киши.

5.3.5-жадвал

Яқин келажакда Самарқанд вилоятининг меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлиги секторларида ишчи кучига талаб ва таклифнинг рационал варианtlари (минг киши ҳисобида)

Рационал вариантлар	Барча сектор- ларда	шу жумладан қуйидаги секторларда				
		Қишлоқ хўжалиги ишлиб чиқариши	Қайта ишлаш саноати	Хиз- мат	Си- фат	Шах- сий меҳ- нат
Ишчи кучига талаб						
1	440,0	135,3	25,4	108,6	30,3	140,4
2	447,1	132,3	31,4	90,3	32,9	160,2
3	438,4	121,4	47,1	135,4	34,1	100,4
4	550,6	153,4	49,4	144,2	35,4	168,2
5	445,5	162,1	38,7	108,3	25,6	110,8
Барча таклиф қи- линган ишчи кучи						
1	467,8	151,2	29,0	113,2	32,0	142,4
2	458,0	148,0	36,9	106,6	33,9	132,6
3	466,9	121,8	47,9	130,5	35,3	131,4
4	570,5	171,7	49,9	144,7	35,7	168,5
5	522,2	179,8	40,2	121,5	26,6	154,1
шу жумладан:						
банд бўлган ишчи кучи						
1	467,8	151,2	29,0	113,2	32,0	142,4
2	458,0	148,0	36,9	106,6	33,9	132,6
3	466,9	121,8	47,9	130,5	35,3	131,4
4	570,5	171,7	49,9	144,7	35,7	168,5
5	522,2	179,8	40,2	121,5	26,6	154,1
банд бўлмаган ишчи кучи						
1	65,7	8,8	5,6	23,6	2,1	25,6
2	58,5	9,6	6,7	22,4	3,1	16,7
3	73,8	7,6	7,2	25,7	3,5	29,8
4	81,1	11,5	8,9	26,8	3,7	30,2
5	76,6	14,2	6,9	25,1	1,8	28,6

Бундан ташқари, масала тадқиқ қилинаётган секторларда ёлланган ходимларни секторлар ўртасида қайтадан тақсимлаш ва банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини тақсимлаш, ишламайдиган ёшлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронларнинг меҳнатга иштирокларини ошириш, муҳтоҷ шахсларнинг малакаларини ошириш ва меҳнат ресурсларининг моддий манфаатдорлигини яхшилаш каби шароитларда ишчи кучининг тах таклифи мезони

билин ҳам ечилади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ҳосил қилинган варианtlар орасида ҳам тўртинчиси энг рационал. Унда биринчи, иккинчи, учинчи ва бешинчи варианtlарга нисбатан таклиф қилинган банд ишчи кучининг сони - 69,5; 68,1; 50,3 ва 49,2 минг кишига ва банд бўлмаган қисми эса - 12,7; 20,7; 3,4 ва 7,2 минг кишига кўпроқ. Ушбу секторларда таклиф талабдан атиги 1,6 минг кишига ортиқ.

Умуман мазкур вилоятда иш билан бандликнинг барча секторларида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги рационал фарқ 2,2 минг кишига тенг (5.3.6 жадвалга қаранг).

Яқин келажакда бандликнинг барча секторларида **ишчи кучига талаб ва унинг таклифини 1,7 ва 2,4 мартаға**, шу жумладан қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторлари бўйича 2,2 ва 2,5; 1,5 ва 1,8; 2,7 ва 2,9 ва 1,8 ва 2,1 мартаға ошиши мўлжалланмоқда. Аммо қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторларида **ишчи кучига талаб ва таклиф миқдори 1,2 ва 1,8 мартача қисқаради**.

Ҳосил қилинган натижаларни амалда қўллаш аҳолининг оқилона бандлигини шакллантиришга ижобий таъсир этади.

Таклиф этилган **O-BAND** моделининг татбиқ этилиши яқин келажакда аҳоли бандлигининг оқилона (тўртинчи вариант) миқдори ва тузилишни аниқлашга имкон беради.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторида банд бўлганларнинг салмоғи 65,8% дан (1996йилда) 23,4% гача (2005 йилда) камаяди, бу абсолют миқдорда -46,4 минг кишига (1996 йилга нисбатан 168,2 минг кишига) тенг.

5.3.6-жадвал

2005 йилда Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойлари иқтисодиёт секторларида аҳолининг оқилона бандлигининг миқдори ва тузилиши

Иқтисодиёт секторлари	Ишчи кучига талаб		Барча таклиф этилган ишчи кучи		шу жумладан			
	минг киши	%	минг киши	%	иш билан бандлар	иш билан банд бўлмаганлар		
	минг киши	%	минг киши	%	минг киши	%	минг киши	%
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши	121,4	23,5	121,8	23,4	120,2	25,1	1,6	3,8
Қайта ишлаш саноати	49,4	9,5	49,9	9,6	45,0	9,4	4,9	11,7
Хизмат	144,2	27,8	144,7	27,8	129,2	27,0	15,5	36,9
Сифат	35,4	6,8	35,9	6,8	33,9	7,1	2,0	4,8
Шахсий меҳнат	168,2	32,4	168,5	32,4	150,5	31,4	18,0	42,8
Жами	518,6	100,0	520,8	100,0	478,8	100,0	42,0	100,0

Кейинги миқдор қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторида банд бўладиганлар сонининг 20,3; 92,5; 2,7 ва 89,5 минг кишига ошишини асослайди. Уларнинг ушбу секторлардаги салмоғи эса - 6; 1; 3,4 ва 7,9% ўсади. Бу қишлоқ хўжалиги иш жойларида 28,3 минг бирликка камайиши ва унинг қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида 11,4; 61,1; 2,8 ва 84,2 минг бирликка ошиши натижасидир.

Тадқиқотлар кўрсатадики, кичик ва ўрта бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш^ш шароитларида шахсий меҳнат секторининг тармоқларида банд бўлганлар сони 2 марта ошади. Шу билан бирга таклиф этилган ишчи кучининг 30%дан ошифи ўз иш жойларини бандликнинг айнан шу секторидан топадилар.

Бундан ташқари, аҳолининг оқилона бандлигининг шаклланиши муносабати билан ўсмирлар, ёш болалик аёллар, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар ва ногиронларнинг меҳнатга иштироки 36,4; 27,3; 21,6 ва 17,8% га ошади.

Умуман қишлоқ иқтисодиётининг барча секторларида банд-

лик 50,6% га ёки 171,4 минг кишига, шу жумладан таклиф қилинган банд бўлмаган ишчи кучи сони эса 42 минг кишига ошади. Бандликнинг микдорий ўсиши ва тузилишининг ўзгариши маҳаллий 87,2% ва хорижий инвестицияларни (12,8%) жалб қилиш ҳисобига 36,7 минг бирликда қишлоқ хўжалиги бўлмаган янги иш жойларини ташкил қилиш йўли билан таъминланади. Буларнинг барчаси банд ва банд бўлмаган ишчи кучлари даромадларининг 2,4 ва 1,3 марта ошишига олиб келади.

Келажакда аҳолининг оқилона бандлик тизимини шакллантириш натижасида нафақат ишчи кучининг мақсадга мувофиқ микдори ва тузилиши таркиб топади, балки, уларнинг даромадлари ҳам ошади. ЯИМ ҳажмининг кўпайиши ва меҳнат унумдорлиги ўсиши учун маълум ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлар ҳам яратилади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, бунинг натижасида иқтисодиётнинг барча секторларида ЯИМ ҳажмининг 1,7 марта, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида 1,6; 2,2; 1,8; 1,2 ва 1,7 марта кўпаяди.

ЯИМ тузилишида ҳали ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши сектори етакчи ўринни (37,6%) сақлаб туради, кейинги ўринларни хизмат (29,2%), қайта ишлаш саноати (18,1%), шахсий меҳнат (13,5%) ва сифат (1,6%) секторлари эгаллайди. Бу келажакда иқтисодиётнинг барча секторларида меҳнат унумдорлигининг 1,6 марта, шу жумладан, қайта ишлаш саноати ва хизмат секторларида эса кўпроқ - 1,9 ва 1,7 марта ошишини асослаб беради. Ушбу секторларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш моддий-техник таъминотининг яхшиланиши, инвестициялар ҳажмининг ортиши, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва иш вақтидан фойдаланиши яхшиланиши ва ходимлар моддий манфаатдорлигини оширилиши йўллари билан таъминланади.

Шунинг билан бирга аҳолини оқилона бандлигини шаклланиши ва меҳнат унумдорлигининг ошиши нафақат қишлоқда ишсизликни шакллантиради, балки ишсизлар сони 30,3%га камайиши учун ҳам шарт-шароитлар яратади. Унинг миқдор кўрсаткичлари **ISHSIZ** моделлари ёрдамида аниқланади (5.3.7-жадвалга қаранг).

5.3.7-жадвал

Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларидағи ишсизликнинг асосий кўрсаткичлари

КЎРСАТКИЧЛАР	1996 й.	2000 й.	2005 й.	1996-2005 йилларда ўзгариш
Ишсизларнинг умумий сони, минг киши	32,1	28,3	22,4	-9,7
шу жумладан :				
яширин	20,3	15,8	12,0	-8,3
мавсумий	3,2	3,9	1,8	-1,4
технологик	2,1	2,2	1,3	-0,8
таркибий	6,5	6,4	7,3	0,8
ишсизлик даражаси , %	5,8	4,8	3,6	-2,2
ишсизликнинг табиий (йўл қўйиладиган) даражаси, %	4,1	3,8	2,9	-1,2

Ишсизликнинг тузилишида уни яшириш шакли етакчи ўрин (63,2%) эгаллайди. У меҳнатга жалб қилинишининг ноқишлоқ хўжалиги минтақаларини кенгайтириш натижасида 59,1%га камаяди.

Яқин келажакда ишсизликнинг даражаси ривожланган гарб мамлакатлардагига нисбатан юқорироқ бўлиб қолади. Қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида янги иш жойлари яратилиши ва ортиқча ишчи кучларининг шаҳарлар халқ хўжалиги тармоқларига жалб қилиниши ҳамда четга чиқишини тезлаштирилиши натижасида ишсизликнинг йўл қўйиладиган даражасини (2,9 %) жаҳон андозаларигача (1,5 - 2,5 %) яқинлаштиради.

Шундай қилиб, ҳосил қилинган рационал параметрлар шуни кўрсатадики, ҚМБи самарали шаклланишининг ҳақиқий имкониятлари ва истиқболлари мавжуд. Улар маҳсус ўtkазилган статистик, кадрлар маркетинги ва аниқ социологик тадқиқотларнинг натижага-

лари ва ҳудудни ижтимоий, иқтисодий ва демографик ривожлантиришнинг кўрсаткичлари билан биргаликда ҚМБ ривожланиши концепциясини ишлаб чиқиша ахборотлар базаси бўлиб хизмат қиласди.

5.4. Ўтиш даври иқтисодиёти шароитларида қишлоқда меҳнат бозорининг ривожланиш концепцияси

Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган республикамиз қишлоқ меҳнат бозорини ривожланиш концепциясининг асосий мақсади - меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини камайиши, ишсизликнинг ўсиши, янги иш жойларини яратилиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмининг қисқариши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, инфляциянинг мавжудлиги, мулкчиликнинг турли шаклларини секинлик билан вужудга келиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг жуда секинлик билан амалга оширилиши, ҳақиқий меҳнат даромадларининг камайиши каби шароитларда ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатdir. Улар ўтиш даври Ўзбекистон миллий иқтисодиётини чуқур таркибий ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадларига асосланиб ишлаб чиқиласди.

Буни ҳисобга олган ҳолда мазкур концепциянинг стратегик мақсадлари қилиб қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- ижтимоий йўналтирилган қишлоқ меҳнат бозорини босқичмабосқич шакллантириш;
- меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминловчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклифни тартиба соловчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш;
- янги иш жойларини ташкил этишга, аҳолининг бандлик даражасини оширишга ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланишга асос бўлувчи чуқур иқтисодий-таркибий ис-

- лоҳотларни амалга ошириш;
- аҳолини оқилона бандлигини шакллантириш;
 - қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида янги иш жойларини яратиш ва ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар учун меҳнатни кафолатлаштирилган минтақаларини ташкил қилиш;
 - ишчи қучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
 - мулкчиликнинг ижара, жамоа, ҳиссадорлик ва хусусий шакллари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш;
 - ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни маҳаллий ва хорижий самарали технология ва техника билан таъминлаш;
 - қишлоқ хўжалиги саноат корхоналарини ва ишлаб чиқариш - ижтимоий инфраструктура обьектларини вужудга келтириш;
 - маҳаллий ходимларнинг малакасини, рақобатбардошлигини ва чет элга юборилишини амалга ошириш ва уларда янги иқтисодий маънавий ва мафкуравий тафаккурни шакллантириш;
 - ҳар бир ишни учун иҳтиёрий ва мустақил иш жойини танлаш ва меҳнат қилиш имкониятларини яратиш;
 - меҳнат бозори, ишсизлик ва аҳоли бандлигидаги жараёнларни тартибга соловчи иқтисодий, ташкилий ва ҳукуқий механизмларни такомиллаштириш.

Мазкур мақсадларга узлуксиз эришиш учун қишлоқ меҳнат бозори ривожланишининг асосий босқичлари ва вазифаларини аниқ белгилаш зарур.

ҚМБини ривожланишининг биринчи босқичида (1991-1996 йй.) қўйидаги вазифалар бажарилган: меҳнат биржаси ва бандлик хизматининг бошланғич ташкилотлари ташкил этилиб, улар ишсизлик ва бўш ўринлар миқдори ва тузилишининг ҳисоб-китоби, таҳлили ва келажаги, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва қайта

ўқитиши, бандликка кўмаклашиш жамғармасини ташкил қилиш ва сарфлаш ишлари билан шуғулландилар, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик доирасида имтиёзли кредитларни ажратиш йўли билан янги иш жойларини яратишга муайян молиявий ёрдам кўрсатилди, ҳалқ хўжалиги тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалигида таркибий ислоҳатлар амалга оширилиб, "пахта якка ҳукмронлиги"ни тугатиш учун шарт-шароитлар яратилди; ёлланма ходимлар ва иш берувчилар ўртасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишининг ҳуқуқий асослари яратилди ва бошқалар.

Бу даврда аҳолининг иш билан бандлик даражасини пасайиши, ишсизликнинг ошиши, ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасида номутаносиблигни ортиши содир бўлди.

Ушбу босқичнинг яқуний натижаси - **ҚМБини шакллантириш учун ижтимоий-иктисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратилиши** бўлди.

Иккинчи босқичда (1997 - 2000 йй.) қуйидаги вазифаларни бажариш зарур: маҳаллий инвестицияларни ва жуда зарур бўлган ҳолда хорижий кредитларни жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалиги бўлмаган янги иш жойларини яратиш йўли билан ишчи кучига талабни ошириш; меҳнатга лаёқатли ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар учун квоталанган иш жойларини ташкил қилиш ва уларнинг иктисодий рабbatлантиришни таъминлаш; банд бўлмаган шахсларга янги иш жойларини яратиш билан шуғулланувчи - иш берувчиларга доимий молиявий ёрдамлар кўрсатиш; ишчи кучи таклифини унинг малакасини, ракобатбардошлигини ва экспортини ошириш йўли билан камайтириш; мулкчиликнинг турли формаларини шакллантириш ва миллий иктисодиётда чуқур ислоҳатларни ўtkазиш асосида аҳолини иш билан бандлиги соҳасида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш; иш ҳаки ва бошқа меҳнат даромадларининг манбалари даражасидан

солиқ ставкасини кескин камайтириш; бандлик хизматининг бозор инфратузилмасини ташкил қилиш; меҳнат шартномаларини тузишини такомиллаштириш ва бошқалар. Буларнинг барчаси бандликни сезиларли ўсиши ва ишсизликни камайиши, ҳамда қишлоқда ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги фарқни қисқаришига кўмаклашади.

Учинчи босқичда (2001 - 2005 йй.) қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади: ишчи кучига талабни ошиши ва унинг таклифини камайишига йўналтирилган тадбирларни амалга оширишни қучайтириш; бандлик хизмати ва унинг инфраструктурасида қудратли ва тез ривожланувчи тизимни яратиш; аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш; ишсизликни йўл қўйиладиган даражасигача қисқартириш; иш билан банд бўлмаган маҳаллий ходимларнинг малакаси, рақобатбардошлиги, ижтимоий ҳимояси ва экспортини ошириш; меҳнат бозори, бандлик ва ишсизликни тартибга солишининг самарали ташкилий-иктисодий ва хуқуқий механизмларини яратиш ва ҳ.к.

Қайд этилган вазифаларни бажариш ижтимоий йўналтирилган қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланишига олиб келади.

Мазкур бозор ривожланишининг кейинги босқичида (2006 - 2010 йй.) ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги бозор мувозанатига эришин мумкин.

Буларнинг барчаси ҚМБини самарали ривожланишига йўналтирилган ишчи кучига талабни ошиши ва унинг таклифини камайиши бўйича иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий тадбирлар мажмуасида мужассамлашган.

Ишчи кучига талаби ошиши бўйича иқтисодий тадбирлардан энг асосийси халқ хўжалиги тармоқларида таркибий ўзгаришларни таъминлашдир. Бунга мулкчилик шаклларини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш жойларини моддий техника, технология ва сармоялар таъминотларини яхшилаш, янги ноқишлоқ

хўжалиги меҳнати зоналарини ташкил этиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини кўтариш ва соликларни оқилона белгилаш орқали эришиш мумкин.

Муҳим иқтисодий тадбирлар мажмуасига қайта ишлаш саноати ва хизмат секторларида янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга давлат томонидан имтиёзли кредитлар бериш, хизмат кўрсатишни яхшилаш ва илгор технологияларни татбиқ этиш, ўтиш иқтисодиёти даврида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати секторларининг асосий маҳсулотларига давлат буюртмасини белгилаш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни маблағ билан таъминлаш киради.

Бу тадбирлардан қўшимча иш жойларини яратувчи кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни ташкил қилиш энг кам инвестиция талаб қиласи ва ишчи кучига талабни оширишда муҳим ўрин тутади. Кичик ва ўрта бизнесни ривожланшини маблағлар билан таъминлашнинг манбалари бўлиб маҳаллий бюджет, бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва бизнесфонд маблағлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари хизмат қиласи. Кичик ва ўрта бизнесни ташкил қилувчиларга фоизсиз ёки фоиз ставкаси паст - имтиёзли кредитлар ажратиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кичик ва ўрта бизнесни хизмат ва шахсий меҳнат секторларида ташкил қилиш зарур. Чунки бу секторлардаги иш жойларининг қиймати юқори эмас. Шунинг учун кўплаб янги иш жойларини яратиш мумкин. Мазкур тадбирларни амалга оширишда, биринчи навбатда хусусий тадбиркорлар хизматидан фойдаланиш керак.

Ҳар бир қишлоқ худудини ўзига хос табиий-экологик, ижтимоий-демографик ва иқтисодий ривожланиш хусусиятлари мавжудлигини ҳисобга олиб, "юқоридан пастга" тамойилига кўра хусусий

тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мақсадли комплекс дастурини тузиш зарур.

Бундай дастур аҳоли бандлигини ошириш мақсадида тузилиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришини рағбатлантириш юзасидан чора-тадбирларни тўғри амалга оширишга имкон беради.

Мустакил кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилишини, шу жумладан хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишни доимий рағбатлантириш зарур. Бундай инвестиция оқимлари иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни анча тезлатиши мумкин. Қишлоқда хусусий тадбиркорликни ривожланиш истиқболлари амалда чекланмаган. Бундан ташқари, республиканинг қишлоқ жойларида ўз кўламлари ва сифати бўйича етарлича катта бўлган тадбиркорлар қатлами вужудга келди. Уларнинг қонун ва ҳукумат қарорлари доирасида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ҳимоя қилиниши хусусий тадбиркорликни янада самарали ривожлантиришга имконият яратади [3, 6, 7, 8].

Ижтимоий ишларни ташкил қилиш ва маблағлар билан таъминлашга ёндашишни ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Уларни бандлик хизмати ташкилотларининг маблағлари билан таъминлаш етарли эмас. **Ижтимоий ишларни маблағлар билан таъминлашнинг махсус жамгармаси ва уни амалга оширишнинг мақсадли комплекс дастурини тузиш зарур.**

Турли хил иқтисодий ва ижтимоий имтиёзлар ва квоталаштирилган иш жойларини тақдим этиш йўли билан меҳнатга лаёқатли ёш ва кўп болалик аёллар, ўсмирлар, пенсионерлар ва ногиронлар **фаолиятларини моддий рағбатлантиришнинг тизимини янада такомиллаштириш қишлоқ ишчи кучига талабни оширишнинг муҳим иқтисодий тадбирларидан бири ҳисобланади.**

Ёш болани тарбиялаш муддатини узайтириш (келажакда бола

етти ёшга тўлгунга қадар) ва унга ҳақ тўлаш миқдорини доимо ошира бориш аёлларни ихтиёрий равишида меҳнат бозоридан, халқ хўжалигининг бандлик тармоқларидан «тортиб олишга» имкон берар эди. Улар оилавий ишлар билан машфул бўлганликлари сабабли иш жойларида юқори самара бера олмайдилар. Ёш болалик аёлларнинг «сунъий» ишсизлигини ҳал қилишининг муҳим усули уларнинг болага қараш бўйича амалий фаолиятларини моддий рағбатлантириш ва уни расмий тан олиш бўлиши мумкин. Шу мақсадда бандликка кўмаклашиш жамғармасининг **ишсизлик нафақалариға сарфланаётган маблагларини ижтимоий сугурта жамғармасига қайта тақсимлаш** ва уларни ижтимоий тўловлар кўринишида аёлларга бериш лозим.

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш саноати ва ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктураси корхоналарида ва хусусий хўжаликларда квоталаштирилган иш жойлари миқдорини ошириш, ҳамда уйда ишлаш кўламини кенгайтириш **кўп болалик аёллар** фаолиятини иқтисодий рағбатлантирилишини сезиларли даражада оширади.

Ёшлар ишсизлиги муаммосини мактабларда ўсмирларни касбий йўналтириш бўйича фаолиятни яхшилаш, ҳамда даромад келтирувчи ишларнинг турларини кўпайтириш йўли билан ҳал қилиш мумкин.

Меҳнатга лаёқатли пенсионерлар ва ногиронлар учун квоталаштирилган иш жойини ташкил этувчиларга имтиёзли кредитлар бериш ва уларнинг даромадлариға пасайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш лозим.

Шу билан бирга қишлоқ ишчи кучи таклифини рағбатлантирувчи ёки чекловчи солиқ ставкалари муҳим иқтисодий тадбирлар гуруҳига киради. Даромад солиги ставкасининг ўсиши ёлланган ходимларни янги иш жойига таклифини камайишига олиб келади. Шу билан бирга юқори малакали мутахассисларнинг кўшимча ишга

қизиқишилари камаяди. Солик ставкасининг ошиши кўпчилик аҳоли бандлигига салбий таъсир қиласди. Шунинг учун бизнинг фикримизча, бундай тадбирларни амалга оширишдан аввал унинг оқибатларини комплекс таҳлил қилиш керак.

Мазкур концепцияда иш кучи таклифининг камайишига олиб келувчи иқтисодий ва ижтимоий тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган: шахсий-ёрдамчи хўжаликларни, якка меҳнат фаолиятини ва ўзини ўзи банд қилиш тизимини ривожлантириш; бандликнинг эгилувчан ва ностандарт шаклларини кенгайтириш; ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг бозор усууларини тадбиқ этиш; инфляциянинг ўсишини қисқартириш; ишсизликни камайтириш ва унинг нафақа микдорини ошириш; ёлланган ходимлар ва иш берувчилар моддий манфаатдорлигини таъминлаш; иш билан банд бўлмаган шахсларнинг малакасини, рақобатбардошлилигини, сафарбарлигини ва экспорт қилинишини ошириш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.

Шунингдек, иш билан банд бўлган ходимларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш ҳам **ижтимоий тадбирларнинг муҳим қисмини ташкил қиласди**. Ҳозирги вақтда бозор услубида хўжалик юритишнинг талабларига мос келувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга объектив зарурият вужудга келди. Бунинг учун, аввало, қишлоқ ўқув масканларининг моддий-техникавий ва молиявий таъминотларини яхшилаш ва ундаги профессор-ўқитувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини, ижтимоий ҳимоясини ва профессионал-малака даражасини тубдан яхшилаш лозим.

Ҳозирги пайтда қишлоқ мутахассисларидан атиги 6% бозор иқтисодиётининг хўжалик юритиш талабларига мос келади. Янгича хўжалик юритиш услубиёти эса, уларнинг улушкини 30-40% га tenglashтириши, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганишини ҳам тақозо этмоқда. Шунинг учун менежментлар,

маркетологлар, бизнесменлар, ишбилиармонлар каби ҳозирги замон мутахассисларини тайёрлашнинг мақсадли режалаштирилган республика ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиб, изчил амалга оширилишини доимий назорат қилиш ва зарур маблағ билан таъминлаш лозим. Бундай тадбирларни ижобий амалга ошириш учун эса, аввало, педагогик ва илмий ходимлар иш ҳақига нисбатан солиқлар даражасини кескин камайтириш билан бирга уларни илфор тажрибга эга бўлган хорижий давлатларга бир-икки ойлик эмас, балки икки-уч йиллик малака оширишга жўнатиш керак. Бундан иқтидорли студентлар ҳам истисно бўлмаслиги зарур.

Юқори малакали кадрлар уларга эҳтиёжи юқори бўлган корхоналарнинг, ташкилотларнинг, шахсий хўжаликларнинг ва ишбилиармонларнинг соф даромадлари ҳисобидан тайёрланиши давлат бюджети маблағларини тежашга олиб келади. Мазкур тадбирлар қишлоқ ишчи кучининг рақобатбардошлилигини оширишга ва экспорт қилинишини кўпайтиришга ҳамда ва унинг таклифи камайишига бевосита таъсир этади.

Иш ҳақини тартибга солиш бўйича тадбирлар ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасидаги нисбатга таъсир қилишнинг умумиқтисодий – ижтимоий услугубидир. У кўпроқ ишчи кучининг таклифига таъсир этади. Чунки иш ҳақининг миқдори меҳнатни татбиқ қилиш соҳасини белгилайди. Шунинг учун, давлат иш ҳақи соҳасида оқилона сиёсатни ўтказиб, ишчи кучига талабнинг миқдори ва тузилишига таъсир кўрсатиши мумкин. У - иш ҳақининг барча кўрсаткичларини тартибга солувчиидир. Давлатнинг аралашуви – маъмурий ва иқтисодий бўлиши мумкин. Унинг иш вақти давомийлиги ва иш вақти бирлигига иш ҳақи тўлашга таъсири одатда маъмурий характерга эга. Кўпгина ривожланган мамлакатларда давлат иш ҳафтасининг энг катта давомийлиги ва энг кам иш ҳақини тартибга солиб боради. Иш ҳақининг аниқ миқдорини белгилашда тўртта субъект ўзаро ҳамкорлик қиласи: давлат, касаба

уюшмаси, тадбиркорлар ва меҳнат бозори. Давлат иш ҳақини белгилаш бўйича масъулиятни касаба уюшмалари ва тадбиркорларга юклashi мумкин бўлса ҳам, бу жараёнда фаол иштирок этади. Бозор шароитларида давлат иш ҳақи даражасини маъмурий белгилашдан воз кечиши лозим. Унинг миқдори иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт) асосида касаба уюшмаси вакилининг мутлақ иштироқида белгиланиши керак.

Бундан ташқари, концепцияда таъкидланганидек, меҳнат биржалари томонидан ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликни камайтириш бўйича амалга ошириладиган муҳим иқтисодий чора-тадбирлар сирасига банд бўлмаган ходимларга касблари бўйича иш жойларини тақдим этиш, бандликка кўмаклашиш жамғармасидан имтиёзли кредитлар бериш йўли билан кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бўш иш жойлари ярмаркаларини ўтказиш, ўз вақтида нафақалар ва моддий ёрдам бериш, ижтимоий ҳимояни таъминлаш киради.

Ушбу концепцияда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги» Конуни ва Меҳнат Кодекси қоидалари ва «Аҳоли бандлиги», «Қишлоқ жойларида янги иш жойларини яратиш», «Кадрларни тайёрлаш», «Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш» бўйича давлат дастурларининг асосий кўрсаткичлари инобатга олинди. Улар концепциянинг ишчи кучига талабнинг ошиши ва унинг таклифинг камайиши бўйича ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқишига бевосита ёрдам беради. Булар жумласига корхона хусусийлаштирилган, иқтисодий начорлашган ва ихтисоси ўзгарган шароитларда ишлаётганларнинг (айниқса малакали ходимларнинг) бандлигини сақлаб қолиш ва барқарорлаштириш (иш жойларини маблағлар билан таъминлаш ва квоталаштириш), ходимларнинг рақобат қобилиятини ошириш, иш билан банд бўлмаган шахсларни қайта ўқитиш, бундайлар қўшимча

мехнат бозорини таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш мазкур вазирлик ташкилотларининг ишини такомиллаштиришни талаб этади. Ҳозир нодавлат корхоналари ва ташкилотларида ишчи кучига талаб ва ундан фойдаланиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, меҳнат шароитлари ва иш ҳақи бўйича ишончли ахборотларнинг камчилиги сезилмоқда.

Шу билан бирга мулкчиликнинг турли хил шаклларининг ривожланиши, аҳолининг иш билан бандлиги, иш жойларининг ҳаракати, ишчи кучига талаб ва таклифнинг миқдори, ишсизликнинг ҳолати, қишлоқ жойларида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби масалалар бўйича ҳам статистик тадқиқотлар ўтказишни яхшилаш даркор. Улар қишлоқ меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги нисбатни тўғри аниқлаш имкониятини беради.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш яқин келажакда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш - пировардида, қишлоқ меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминланишига ва ишсизликни кескин камайтиришга олиб келади.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари асосида қуйидаги хulosса ва тавсияномалар ҳосил қилинди:

1. Қишлоқ меҳнат бозори - ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини ишчи кучига талаб ва таклифларнинг ҳажми, таркиби ва нисбатларини шакллантирувчи очик, мураккаб, кўп аспектли ва доим ўсуб борувчи тизими. У ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солишининг асосий механизми бўлиб, аҳолининг оқилона бандлигини шаклланиши ва ишсизликни камайишига бевосита таъсир этади.

2. Қишлоқ меҳнат бозорининг **самарали шаклланишига** - ёлланма ходимларнинг “меҳнатга бўлган қобилиятига” шахсий ва иш берувчиларнинг иш жойларига жамоа ёки хусусий мулкчиликнинг ўрнатилиши ва ривожланиши, ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришилиши, мулкчиликнинг турли шаклларини фаолият кўрсатиши, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни (ислоҳотларни) амалга оширилиши, ноқишлоқ хўжалиги янги иш жойлари яратилишининг қўпайиши, меҳнат фаолияти соҳаларининг эркин ва мустақил танланиши, иш билан банд ва банд бўлмаган шахсларнинг малакаси, рақобатбардошлиги ва экспорт қилиниши ва уларни моддий рағбатлантиришнинг ошиши, бандлик хизмати ташкилотларининг инфраструктурасини такомиллаштирилиши каби асосий шарт-шароитлар, омиллар, тамойиллар ва чекловчилар олиб келади.

3. Қишлоқ меҳнат бозоридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишининг энг самарали воситаси - **ҳудудий услублар** ҳисобланади: ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш (меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган худудлар учун); ишчи кучига талабни камайтириш ва унинг таклифини ошириш (меҳнат ресурслари билан кам таъминланган худудлар учун).

7. ҚМБ фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини тузишнинг тадқиқотчи таклиф этган методологияси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторида ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш, қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларининг жонли меҳнат ва иш жойларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш, ишсизликни камайтириш, юқори касбмалакали ходимларни шакллантириш, бандлик хизмати инфраструктурасини самарали ривожлантириш, иш билан банд бўлмаган шахсларнинг ишончли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ходимларни ёллашни тартибга солишининг ташкилий-иктисодий ва ҳукуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича яқин ва узок муддатли тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

8. Қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш бўйича муаллиф ишлаб чиқсан методология асосида яратилган эконометрик моделлар комплекси ёрдамида ишчи кучига талаб ва таклифни вужудга келишининг макроиктисодий ва демосоциал кўрсаткичлари, ишчи кучига талаб ва таклиф ва улар ўртасидаги нисбатни ижтимоий-иктисодий тартибга солиш ва аҳолини оқилона бандлиги шаклланишининг энг мақбул вариантлари ва ишсизликни камайтириш ҳамда мазкур бозорни ривожлантиришнинг рационал параметрлари аниқланади.

9. Статистик ҳисботнинг диссертант таклиф этган янги формалари ёрдамида тўпланган маълумотлар яратилган эконометрик моделлар комплексининг ахборот таъминотини сезиларли даражада яхшилайди ва меҳнатга лаёқатли банд бўлмаган аҳоли сонини, бўш иш жойлари миқдорини, ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ҳамда баҳоси миқёсини, ишга жойлашишни ҳоҳловчи, лекин банд бўлмаган шахсларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ҳолатини, қишлоқ хўжалигининг асосий корхоналаридан ходимларни қисқартиришини, бандликка кўмаклашиш жамғармасини пайдо

бўлиш ва сарфлаш манбаларини, ҳисобот ҳамда истиқболни белгилаш даврларида ҚМБидаги вазиятларнинг ўзгаришини аниқлашга имкон беради.

10. Кадрлар маркетинги тадқиқотини ўтказишнинг муаллиф таклиф этган методикаси статистик қузатиш услуби билан ҳосил қилиш мумкин бўлмаган мураккаб бўлган қишлоқ меҳнат бозори конъюктураси ҳақидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил ва синтез қилишда ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ҳамда уларни ижтимоий-иктисодий тартибга солишининг моделларини татбиқ этишда қўлланади.

11. Аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг диссертант таклиф этган методикаси асосида эса ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни такомиллаштириш ва ишсизликни камайтириш бўйича устувор чоратадбирлар ишлаб чиқиш имконини берадиган ахборотларни ҳосил қилишда ва уларни аҳолининг оқилона бандлигини шаклланиши, ишсизликнинг таҳлили ва истиқболи ҳамда қишлоқ меҳнат бозорини ривожланиши моделларининг татбиқ этишда қўллаш мумкин.

12. Тадқиқотчи ишлаб чиққан меҳнат сарфларининг ТАБ асосида ўтказилган иқтисодий-математик таҳлили шуни кўрсатадики, Самарқанд вилоятини меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлигининг барча секторларида тўлиқ бандлик коэффициенти унинг тўғри миқдорига нисбатан 6,3 марта ошиб кетди. Айниқса бундай холат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати секторларида яққол кўринади: 8,8 ва 3,5 марта. Чунки мазкур секторларда меҳнатни тежайдиган техника ва технологияларни самарали қўлланилиши жонли меҳнат сарфларининг камайишига олиб келади. Шу билан бирга яқин келажакда тўлиқ бандлик коэффициентининг тузилишида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши сектори етакчи (59,3%) ва ундан кейинги ўринларни қайта ишлаш саноати (15%), шахсий меҳнат (11,5%), хизмат (11,3%) ва сифат (2,9%) сек-

торлари эгаллайди.

13. Мазкур вилоятда ҚМБининг шаклланиши ва ривожланишининг рационал параметрларини (кўламларини) аниқлаш бўйича кўп вариантли ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, истиқболлаштириш даврида (1997-2005ий.) меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлигининг барча секторларида ишчи кучига талаб ва унинг таклифини 1,7 ва 2,4 мартаға ошиши мўлжалланади. Аммо қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторида жадал технология ва бозор услубида хўжалик юритишнинг татбиқ этилиши ва мавжуд иш жойларининг миқдорини камайиши сабабли бу кўрсаткичлар 1,2 ва 1,8 мартаға қисқаради. Шу билан бирга барча секторларда ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги фарқ сақланиб қолиб, у имкони бўлган энг кам миқдоргача (+2,2 минг киши) камайтирилиши мумкин. Ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни самарали тартибга солиш бўйича ижтимоий-иктисодий ва ташкилий тадбирларни ўз вақтида ўтказилиши натижасида ёлланган шахслар сони 171,4 минг кишига ва янги иш жойлари миқдори 36,7 минг бирликка ошса, ишсизлар 9,7 минг кишига камаяди. Шу билан бирга меҳнат унумдорлиги ва ялпи ички маҳсулотни ошиши мўлжалланади.

14. Ўтиш даври иқтисодиёти шароитларида қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиши ҳақида диссертант яратган **концепциясида** ишчи кучига талабнинг ошиши ва унинг таклифини камайиши бўйича ишлаб чиқилган иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий устувор чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга ва ишсизликни табиий даржасигача камайтиришга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т.: Ўзбекистон, 1992-46 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Конуни // «Меҳнат» газетаси -Т., 1993, 1 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги Конуни // Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар - Т: Ўзбекистон, 1992, 19-46 бетлар.
4. Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги Конуни / «Халқ сўзи», 1997, 30 август сони.
5. Ўзбекистон Республикаси меҳнат Кодекси - Т: Ўзбекистон, 1996 - 110 бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Иқтисодий ислоҳатларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси. Фармонлар ва қарорлар - Т.: Ўзбекистон, 1994, 7-10 бетлар.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишга доир қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида. //Ўзбекистон Республикаси. Фармонлар ва қарорлар - Т.: Ўзбекистон, 1994, 86-91 бетлар.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Чорвачиликда ислоҳатларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфатларини ҳимоя қилиш тўғрисида.//Ўзбекистон Республикаси Фармонлар ва қарорлар - Т: Ўзбекистон, 1994, 79-83 бетлар.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши. Кадрларни тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш тўғрисида / «Халқ сўзи», 1997, 13 март.

10. Ўзбекистон Республикасининг қишлоқлар ижтимоий инфраструктураси ривожланишини давлат дастури - Т.: «Ўзистикболстат» қўмитаси, 1996.
11. Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳисоб - китоб ва статистика тизимини қабул қилишга ўтиши давлат дастури / «Иқтисодиёт ва статистика» журнали, 1995, 1-2 сони (рус тилида).
12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т: Ўзбекистон, 1997. - 326 бет.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида - Т: Ўзбекистон, 1995. - 267 бет.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари - Т: Ўзбекистон, 1993. - 56 бет.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли - Т: Ўзбекистон, 1993. - 128 бет.
16. Абдурахманов К.Х., Суханов В.В. Опыт формирования рынка труда в промышленно развитых странах мира (обзор. инфор).- Ташкент: УзНИИТИ, 1991. - 60 с.
17. Абрамова Г.П. Маркетинг: вопросы и ответы.- М.: Агропромиздат, 1991.- 159 с.
18. Аликариев Н.С. Управление трудовыми ресурсами и занятостью в региональных системах //Автореф. дис. ... докт. экон. наук. - Ташкент, 1991.- 38 с.
19. Алферов В.М., Бородкин Ф.М., Поляк Л.Х., Фаградян Т.С. Система моделей "производство-население" для прогнозирования социально-экономического развития села // Экономика и математические методы.- Вып.5. 1979.- Т.15, С. 886-901.
20. Балаханова Д.К. Формирование и регулирование рынка труда в Республике Каракалпакстан //Автореф. дис. ... канд.экон.наук. М., 1992.- 19 с.
21. Басалаева Н.А. Моделирование демографических процессов и

- трудовых ресурсов.- М.: Наука, 1978.- 88 с.
22. Баснукав М.Ш. Особенности формирования регионального рынка труда //Рынок труда в системе общественных отношений.- М.: ИЭ АН СССР. 1991. С. 126-134.
23. Бейсенов С.Д., Мухамбетов Т.И. Инфраструктура рынка труда // Человек и труд. 1993. № 1. С.25-28.
24. Бекмурадов А. Маркетинг: основы современного бизнеса (формирование, условия функционирования и перспективы развития). Т: Мехнат, 1994. - 294 с.
25. Благовещенский Н.Ю. Необходимые условия модели движения населения //Математические методы исследования народонаселения: Отв.ред. О.В. Староверов.- М.: ЦЭМИ АН СССР. 1991. С.151-171.
26. Богиня Д., Юдина С. О формировании рынка рабочей силы на селе // АПК: экономика, управление. 1992, № 6. С.55-57.
27. Бреев Б.Д., Жаромский В.С., Галецкий В.Ф. Оценка масштабов потенциальной безработицы на основе методики "Кривой Филлипса" //Моделирование рыночных отношений и социальная политика: Отв.ред. А.Ю. Шевяков. - М.: ЦЭМИ РАН, 1993. С.82-102.
28. Бреев Б.Д., Збарская И.А., Котляр З.А., Панченко Н.Т. Опыт эконометрического моделирования формирования и распределения трудовых ресурсов //Вопросы создания АСПР. Вып.92 - М., 1989. С.56-64.
29. Вин Н.Р., Холден К. Введение в прикладной эконометрический анализ.- М.: Финансы и статистика, 1981.- 212 с.
30. Воскопович Н.А., Годин А.М. Сельские жители и рынок труда //Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий.- М., 1992.- № 1. С.6-8.
31. Голик В.М. Исследование методов оптимизационного моделирования трудовых ресурсов: Дис. ... канд.экон. наук.- М., 1984.- 143 с.
32. Голубков Е.П., Голубкова Е.Н., Секерин В.Д. Маркетинг: выбор

- лучшего решения.- М.: Экономика, 1993.- 222 с.
33. Горошко И.В. Занятость населения и регулирование денежного обращения //Моделирование рыночных отношений и социальная политика: Отв.ред. А.Ю.Шевяков.- М.: ЦЭМИ РАН, 1993. С.103-114.
34. Гранберг А.Г., Суспицин С.А. Введение в системное моделирование народного хозяйства.- Новосибирск: Наука, 1988.- 304 с.
35. Гречихин В.Г. Лекции по методике и технике социологических исследований: (Учебное пособие).- М.: МГУ, 1988.- 232 с.
36. Гулямов С.С. Моделирование развития региональных агропромышленных комплексов.- Ташкент: Фан, 1985.- 199 с.
37. Гулямов С.С., Холмуминов Ш.Р. Совершенствование планирования трудовых ресурсов АПК региона.- Ташкент: Мехнат , 1989. -157 с.
38. Гэдди К. Предложение труда во второй экономике: на примере СССР //Экономика и математические методы. 1990, Вып.3. с.398.
39. Джонстон Дж. Эконометрические методы.- М.: Статистика, 1980 .- 444 с.
40. Дмитриев Ю. Рынок труда: предложение, спрос, управление (региональный аспект) //Проблемы теории и практики управления. 1991. N 4. С.69-72.
41. Замарянова И.Ю. Структурная сбалансированность рабочих мест и трудовых ресурсов: Автореф. дис. ... канд.экон.наук.- М.: МГУ, 1991.- 21 с.
42. Заславская Т.И., Рывкина Р.В. Методологические проблемы системного изучения деревни.- Новосибирск: Наука, 1977.- 315 с.
43. Заславский И. Узловые проблемы политики в рынке труда //Вопросы экономики. 1994. N 9. С.70-77.
44. Золотов И., Зуев А. Изучение ситуации на рынке труда – основа разработки программы занятости региона //«Человек и труд».

1994. N 4. С.6-11.

45. Имитационные системы принятия экономических решений //Отв. ред. К.А. Багриновский, В.С.Прокопова.- М.: Наука, 1989. - 165 с.
46. Исаков Б.И., Тихомиров Н.П. Демографическое моделирование.- М.: МИНХ, 1992.- 75 с.
47. Кабулов В.К. Алгоритмизация в социально-экономических системах.- Ташкент: Фан, 1989.- 320 с.
48. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег.-М.: Прогресс, 1978.
49. Киселев И.Я. Трудовой договор при капитализме: проблемы найма и увольнения.- М.: Наука, 1989.- 236 с.
50. Комина Л.Ф. Полные трудовые затраты.- М.: Наука, 1969.- 183 с.
51. Конвенции и рекомендации, принятые Международной конференцией труда за 1957-1990 гг.- Женева: Международное бюро труда, 1991.- 2247 с.
52. Контарович Л., Лассман В., Шиллер Х., Шварц К., Брентьев С. Экономика и оптимизация.- М.: Наука, 1990.- 248 с.
53. Коровкин А.Г., Наумов А.В. Социально-экономические проблемы формирования рациональной занятости //Экономика и математические методы.- Т 26. Вып.5. – М., 1990. С.862-870.
54. Косаев А.Г., Москович В.М., Гудзовская И.С. Рынок рабочей силы: регулирование спроса и предложений //Рынок труда в системе общественных отношений.- М.: АН СССР, 1991. С.21-36.
55. Костиков В.Г. Проблемы занятости и формирования рынка труда //Экономика и математические методы.Т. 26. Вып.5.- М., 1990. С.803-817.
56. Котлер Ф. Основы маркетинга.- М.: Прогресс, 1991.- 736с.
57. Критика буржуазных теорий ГМК.- М.: Наука, 1984.- 286с.
58. Кулаков В. Рынок рабочей силы: основы теории, функционирования и прогнозирования // «Экономист».- М., 1992. N 6. С.50-55.

59. Левицкий Е.М. Адаптивные эконометрические модели. - Новосибирск: Наука, 1981.- 223 с.
60. Логика социологического исследования //Отв.ред. В.Г.Осипов.- М.: Наука, 1987.- 174 с.
61. Лопатников Л.И. Краткий экономико-математический словарь.- М.: Наука, 1979.- 358 с.
62. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика//Пер. с англ. 11-го изд. Т.1.- М: Республика, 1992. -399 с.
63. Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР.- Ташкент: «Узбекистан», 1989.- 174 с.
64. Маматказин А., Дадабоев Ю., Цыбульская С., Маматханов А. Проблемы занятости в условиях рыночной экономики //АПК: экономика, управление.- М., 1992. N 10. С.69-71.
65. Маслова И.С. Эффективная занятость и рынок рабочей силы //Эффективность труда в условиях нового хозяйственного механизма. Отв. ред. Д.Н. Карнухин.- М.: Наука, 1992. С.38-59.
66. Математические методы исследования народонаселения //Отв. ред. О.В. Староверов.- М.: ЦЭМИ, 1991.- 176 с.
67. Межотраслевой баланс экономического района. Методика составления.- М.: Наука, 1967.- 232 с.
68. Методические рекомендации по организации маркетинга в агропромышленном производстве //АПК: экономика, управление.- М., 1993. N 7, 8. С.35-59; С.45-55.
69. Минц Л.Е. Показатели использования трудовых ресурсов в районном межотраслевом балансе. Гл.6, 7 // Межотраслевой баланс экономического района.- М.: Экономика, 1987. С.272-278.
70. Минц Л.Е. Рынок труда //Сезонность и сезонные колебания в промышленности и народном хозяйстве.- М.: Гостехиздат, 1990. С.313-332.
71. Михайлов О. Формирование рынка труда и занятость сельского населения //Российский экономический журнал.- М., 1995, № 7. С.

41-43.

72. Молчанов В.И. Системный анализ социологической информации.- М.: Наука, 1981.- 143 с.
73. Мурадян Н.Г. Рынок и занятость: социально-экономический анализ и прогноз.- М.: Луч, 1991.- 88 с.
74. Наумов А.Б. Некоторые проблемы формирования рациональной занятости населения //Механизм обеспечения рациональной занятости и совершенствования распределительных отношений.- М.: ИЭиП НТП, 1992. С.10-20.
75. Нейлор Т. Машины имитационные эксперименты с моделями экономических систем.- М.: Мир, 1975.- 500 с.
76. Никифорова А.А. Рынок труда: занятость и безработица. М.: Международные отношения, 1991.- 184 с.
77. Новиков Д.Т., Мухитдинов Д.М., Панич С.Н. Теория и практика маркетинга.- Ташкент: «Мехнат», 1990.- 254 с.
78. Нонкин Н.Т., Соболева С.В. Имитационное моделирование воспроизводства образования населения //Математическое моделирование в социологии.- Новосибирск: Наука, 1977. С.122-138.
79. Носиров П., Абдуллаева Ш. Маркетинг - бозор иқтисодиёти асослари - Т: «Ўзбекистон», 1994. - 228 бет.
80. Онищенко В.Ф. Рациональная занятость: методология региональных исследований.- Киев: Наукова Думка, 1989. - 208 с.
81. Осминин В.А. Рынок: социально-экономический портрет.- Ташкент: Узбекистон, 1991.- 150 с.
82. Основные показатели межотраслевого баланса затрат труда на производство продуктов в 1959 г. //Народное хозяйство СССР в 1961 г. Стат. ежегодник.- М.: Статистика, 1962. С.77-119.
83. Основные показатели межотраслевого баланса затрат труда на производство продуктов в 1966 г. //Народное хозяйство СССР в 1969 г. Стат. ежегодник.- М.: Статистика, 1969. С.73-121.
84. Основные показатели межотраслевого баланса затрат труда на

- производство продуктов в 1972 г. //Народное хозяйство СССР в 1975 г. Стат. ежегодник.- М.: Статистика, 1976. С.61-109.
85. Павленков В.А. Рынок труда.- М.: Общество "Анкил", 1992.-112 с.
86. Панков Б. Формирование аграрного рынка труда //АПК: Экономика и управление.- М., 1995. № 6. С.44-46.
87. Проблемы комплексного моделирования народного хозяйства // Отв. ред. Э.В. Детнева, Т.С. Колмогорова. - М.: РАН, ЦЭМИ, 1992.- 169 с.
88. Программно-целевое управление воспроизведством трудовых ресурсов //Отв.ред. В.В. Оникиенко, Э.М. Либанова, В.Ф. Онищенко. Киев: Наукова Думка, 1983.- 222 с.
89. Прокопов Ф.Т. Политика рынка труда: основные направления // Занятость и экономическая реформа. Сбор.науч.трудов //Науч.ред. Л.С. Чижова, Ю.П. Богомолова.- М.: НИЭИ, 1992. С.22-32.
90. Рабочая книга социолога. 2-е изд., переработанное и дополненное // Отв.ред. Г.В. Осипов.- М.: Наука, 1983.- 478 с.
91. Радаев В. Социологический подход к анализу рынка труда: Спрос на труд//Российский экономический журнал.- М., 1995. №3. С. 86-92.
92. Радаев В. Социологический подход к анализу рынка труда: Предложение труда //Российский экономический журнал.- М., 1995. № 5. С.82-89.
93. Рахимова Д.Н. Занятость населения в условиях перехода к рыночным отношениям в трудонасыщенном регионе (на матери-алах Республики Узбекистан): Автореф.дис. ...канд.экон.наук.- Ташкент: ТашГЭУ, 1991.- 22 с.
94. Римашевский А.А. Сравнительный анализ положения мужчин и женщин на рынке труда //Моделирование рыночных отношений и социальная политика //Отв.ред. А.Ю.Шевяков.- М.: ЦЭМИ РАН, 1993. С.115-131.

95. Римлер Ю. Эконометрические методы анализа развития. М.: Статистика, 1979.- 239 с.
96. Романовский А.Ю. Компьютерное моделирование формирования занятости населения в условиях перехода к рынку: Автореф.дис....канд. экон. наук.- М.: ЦЭМИ РАН, 1992.- 20 с.
97. Саградов А. Модель развития населения //Российский экономический журнал.- М., 1993. № 7. С.77-92.
98. Сбытова Л.С. Формирование эффективной занятости //Эффективность труда в условиях нового хозяйствования //Отв.ред. Д.Н. Карпухин.- М.: Наука, 1992. С.92-110.
99. Слезингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики. Учебное пособие.- М.: ИНФРА-М, 1996.- 336 с.
100. Соколова А.П. Формирование рынка рабочей силы в трудоизбыточном регионе //Рынок труда в системе общественных отношений.- М.: АН СССР, 1991.- С.134-143.
101. Соловьева А., Ставницкий А. Регулирование отношений на рынке труда на основе системы коллективных договоров //Вопросы экономики.- М., 1991. № 9.-С.24-32.
102. Староверов О.В. Общие марковские модели движения населения и его потенциалы //Экономика и математические методы. Т.27, Вып.4- М., 1991. С.745-757.
103. Струмилин Г.С. Проблемы экономики труда.- М.: Наука, 1982. - 471 с.
104. Сунян В.Б. Рынок труда в США: механизм и проблемы //США: экономика, политика, идеология. М., 1990. № 11. С.13-28.
105. Территориальная выборка в социологических исследованиях //Отв. ред. Т.В.Рябушкин.- М.: Наука, 1980. - 218 с.
106. Тихомиров Н.П., Райцин В.Я., Гаврилец Ю.М., Спиридонов Ю.Д. Моделирование социальных процессов. Учебное пособие.- М.: РЭА, 1993.- 304 с.
107. Убайдуллаева Р.А. Занятость и рынок труда: спорные вопросы

- и нерешенные проблемы //Общественные науки в Узбекистане. Ташкент, 1992. № 2.
108. Федоренко Н.П., Мишинский Н.А. Проблемы трудоемкости //Планирование и экономико-математические методы.- М.: Наука, 1964. С.87-110.
109. Хайек Ф. Безработица и денежная политика. Правительство как генератор "делового цикла" //Экономические науки.- М., 1991. N 1. С.91-95, N 11. С.57-66; N 12. С.39-48.
110. Хатамов К. Проблемы совершенствования сельскохозяйственного труда.- Т: Узбекистан, 1976.- 270 с.
111. Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда: Т: Фан, 1996.- 197 с.
112. Холмуминов Ш.Р., Балаханова Д.К., Муртазаев Б.Ч. Рынок труда: проблемы формирования и регулирования.- Т: Фан, 1994.- 64 с.
113. Хужаев Н., Сатторов Н. Занятость, моделирование и рынок труда.- Т: Мехнат, 1993.- 192 с.
114. Чинчарули Г.Б. Экономико-математические методы для изучения занятости и использования рабочей силы.- Тбилиси: ТГУ, 1981.- 58 с.
115. Шадиев Т.Ш. Экономические модели развития сельского хозяйства.- Т: Фан, 1986.- 168 с.
116. Шадиев Р.Х. Рынок труда и социальной защиты //Использование рабочей силы в трудоизбыточных регионах: Матер.науч.-практ. конф.- Ташкент: НИИ труда, 1993. С.7-11.
117. Шадиев Р.Х. Рынок труда: вопросы теории и практики //Материалы семинара Всемирного банка по социальному проекту. М.: МГУ, 1995. С.10-15.
118. Шаленко М. Опыт прогнозирования занятости и рынка труда в переходный период: утраченные иллюзии и перспективы // Экономика Украины.- Киев, 1992.- N 3. С.17-26.
119. Шаталин С.С. О соотношении темпов роста валового обществен-

- ного продукта и национального дохода //Вопросы экономики. М., 1966. N 1. С.15-27.
120. Шаталин С.С., Гайдар Е.Т. Экономическая реформа: причины, направления, проблемы.- М.: Экономика, 1989.- 110 с.
121. Эйдельман М.Р. Первый межотраслевой баланс затрат труда в народном хозяйстве СССР //Вестник статистики.- М., 1962. № 10. С.3-17.
122. Экономика труда (развитые капиталистические страны). Вып.5. Реферативный сборник.- М.: ИНИОН РАН, 1992.- 163 с.
123. Эконометрическое моделирование // Отв.ред. Е.М. Левицкий, Ю.А. Чижов.- Новосибирск: Наука, 1979.- 184 с.
124. Эренберг Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. - М: Изд-во МГУ, 1996. - 800с.
125. Янош Корнаи. Дефицит.- М.: Наука, 1990.- 665 с.
126. Andrews M., Nickell S. A disaggregated disequilibrium model of the labour market. Oxford Economic Papers, 1986, V.38. P.386-402.
127. Bond H.W., Walker O.C. Marketing management. A strategic Approach. Boston, IRWIN, 1990.
128. Bruno M., Sachs J.D. Economics of worldwide Stagflation. Oxford, 1985. 147. Cartter A. Theory o Wages and Employment, 1959, Homewood, USA.
129. Cartter A. Theory o Wages and Employment, 1959, Homewood, USA.
130. Employment, Hoursand Earnings States and elreas. 1971-1987. Burlan of Lador statistics.- P.198.
131. Fellner W. Competition Among the Few 1949, A.K.Knopf, New York.
132. Hall S.G. et al. A disequilibrium model o the UK labour market: some estimates using rational expectitions. Oxford, 1985.
133. Junankar P.N. An econometric analysis of unemployment in Great Britain, 1892-1975 //Oxford Economic Papers.- 1981. V.33. P.387-400.

134. Koyck L.M. Distributed Lages and Investment Analysis. Amsterdam, North Holland Publishing Co, 1954. P.111.
135. Kotler P., Armstrong G. Principles of Marketing. Printice Hall. 1991.
136. Koyck L.M. Distributed Lags and Investment Analysis. Amsterdam, North Holland Publishing Co, 1954. P.111.
137. Lucas R.E. Tobin and Monetarism: A Review Article. Journal of Economic Literature.- 1981. N 6. P.562.
138. Lucas R.E., Rapping L.A. Real wages, employment and inflation. Journal of political Economy.-1969. V.77. P.721-754.
139. Malcolm H.B., Mc Donald. Marketing plans. 2nd edition. Heinemann Proffessional Publishing, 1989. 157. Mc Donald I.M., Solow R.M. Wage bargaining and employment. American Economic Review.- 1981. V.71. P.896-908.
140. Mc Donald I.M., Solow R.M. Wage bargaining and employment. American Economic Review. - 1981. V. 71. P. 896-908.
141. Meffert H. Marketing. Grundlagen der Absakpolitik. 7. Überarbeitell und Erweiterte Auflage. 1987.
142. Methodology for Projections of Industry employment to 1990. Burean of Labor statistios, 1990.
143. Minford P. Labour market equilibrium in an open economy. Oxford Economic Papers.- 1983. V.35. P.207-244.
144. Nickell S., Andrews M. Unions, real wages and employment in Britain 1951-79. Oxford Economic Papers.- 1983. 35. P.183-220.
145. Nickell S. Dynamic models of labour demand. Handbook in abour Economics (edition Ashenfelter O. and Layard R.), 1986, orth-Holland.
146. Nickell S. The modelling of Wages and employment. conomrtic Quantative Economics (edition Hendry D.F., Wallis K.), 984, Oxford.
147. Oswald A. The microeconomics theory of trade union. economic Journal.- 1982. V.92. P.576-595.

148. Oswald A. The Economic theory of trade unions: an introductionary survey. Scandinavian Journal of Economics.-1985. V.67. P.160-193.
149. Palokangas T. Employment and money wages with Fixed exchange Rate Policy. Dep. of Economics and Management of Jyvaskyla University, 1987. N 81.
150. Pemberton D. The macroeconomic of inflation on-neutrality //Econ.g.-Cambrig.- 1989. Vol.99. N 394. P.62-82, bibl. 81-82.
151. Quandt R.E. Econometric disequilibrium models. Econometric Reviews.- 1982. V.1. P.1-63.
152. Robock Stefan H., Simmonds Kenneth. International Business and Multinational Enterprises. Fourth edition. IRWIN, Homewood, 1989.
153. Rogers G.B., Hopkins J.J.D., Wery R. Economic-demographic. Modelling for Development Planning: Bachue-Philippines //Population and Employment Working Paper.- Geneva: International Labour Organisation.- 1976. N 45.
154. Rosen H., Quandt R.E. Estimating a disequilibrium aggregate labour market. Review of Economics and Statistics.-1978. V.60. P.371-379.
155. Rudebusch G.D. Testing for labour market disequilibrium with an exact excess demand disequilibrium model. Review of, Economics and Statistics.- 1986. V.68. P.468-476.
156. Virchen M. Determination of employment and price speculation. Scandinavian Journal of Economics.- 1985. V.8. P.537-553.
157. Wallis W. Model of the UK economy. Oxford University Press. Oxford, 1984.